

ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР
ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР



ҲАМЛЕТ
АНТОНИЙ ВА КЛЕОПАТРА
ВЕНЕЦИЯ САВДОГАРИ

ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Беш жилдлик

Учинчи жилд

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1983

Таҳрир ҳайъати:

САРВАР АЗИМОВ, КОМИЛ ЯШИН, УЙҒУН,
ВОҲИД ЗОҲИДОВ, ҲАМИД ҒУЛОМ, АСҚАД
МУХТОР, ТУРОБ ТУЛА

Тўпловчи ЖАМОЛ КАМОЛ
Рассом И. КИРИАКИДИ

Тақризчилар

ҒАЙБУЛЛО САЛОМОВ,
НАЖМИДДИН КОМИЛОВ

4703000000—159
Ш М 352 (04)—8* 39—83



ҲАМЛЕТ

МАҚСУД ШАҒИХЗОДА
таржимаси

ИШТИРОҚ ЭТУВЧИЛАР

Клавдий, Дания (Данимарқа) қироли.
 Ҳамлет, илгариги қиролнинг ўғли, ҳозиргисининг
 жияни.
 Полоний, сарой вазири.
 Горацио, Ҳамлетнинг дўсти.
 Лазерт, Полонийнинг ўғли.
 Вольтиманд,
 Корнелий,
 Розенкранц. } сарой аҳллари
 Гильденстерн.
 Озрик.
 Аслзода.
 Поп.
 Марцелл,
 Бернардо } мулозимлар.
 Франциско, сарбоз.
 Рейнальдо, Полонийнинг хизматкори.
 Актёрлар.
 Икки гўрков.
 Фортинбрас, Норвегия шаҳзодаси.
 Капитан.
 Инглиз элчилари.
 Гертруда, Дания маликаси (қироличаси). Ҳамлет-
 нинг онаси.
 Офелия, Полонийнинг қизи.
 Лордлар, ледилар, мулозимлар, солдатлар, матрослар,
 маҳрамлар, чопарлар.
 Бурунги қиролнинг (Ҳамлет отасининг) арвоҳи.
 Воқеа жойи: Эльсинор.

І ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Эльсинор. Қаср олдида майдонча. Ярим кеча. Франциско пойлоқда турибди. Соағ ўн иккинчи урмоқда. Бернардо унинг ёнига келиб қолади.

Бернардо

Қим бор бунда?

Франциско

Сен ўзинг кимсан, айт, аввал.

Бернардо

Яшасин қиролимиз!

Франциско

Бернардо?

Бернардо

Ҳа, мен.

Франциско

Баракалла, келдингиз худди пайтида.

Бернардо

Бориб ухла, Франциско, соат ўн икки.

Франциско

Алмашгани келибсиз, раҳмат биродар,
Ҳам совқотдим ва ҳамда юракда гаш бор.

Бернардо

Осойишми пойлоқда?

Франциско

Ҳамма ёқ соқит.

Бернардо

Хайрли кеч бўлмаса,
Учраб қолса мабодо Гораций, Марцелл,
Айтинг: барвақт келсинлар навбатларига!

Франциско

Келмоқдалар чамаси, ҳай, тўхта, ким у?

Горацио ва Марцелл кириб келадилар.

Горацио

Бу диёрнинг дўстимиз.

Марцелл

Ва шоҳ қароли.

Франциско

Хайрли кеч!..

Марцелл

Ким келибди?

Хайр сенга, айт-чи, ўрнингга

Франциско

Яхши қолинг.

Бернардо пойлоқда ҳозир.

(Кетади.)

Марцелл

Ҳай, Бернардо!

Бернардо

Гапиринг. Гораций борми?

Горацио

Горацийми? Ҳа, бир нав борга ўхшайди.

Бернардо

Дўстим Марцелл, хуш кўрдик. Гораций, салом.

Марцелл

Кўриндими бугун ҳам у ажойибот?

Бернардо

Ҳозирча тинчлик!

Марцелл

Гораций ўйлайдики, бу гаплар тамом
Хаёлнинг бир жилваси. Ишонмайдики,
Икки марта кўринди бизга у арвоҳ.
Шу учун ҳам бу кеча биз билан баҳам
Посбонда тур дедим; у арвоҳ келиб —
Ошкора кўринса, гаплашсин ўзи,
Ва гумондан қутулсин.

Горацио

Келиб бўлибди!

Бернардо

Утирайлик. Ва яна бўлса ижозат,
Бизга бовар қилмаган қулоғингизга
Бор гапларни нақл этиб, айласак ҳамла.

Горацио

Хўш! Тинглайлик, нима дер бизга Бернардо.

Бернардо

Кеча, Ҳулкар юлдузи учиб кетмасдан
Соат бир бўлган эди, мен билан Марцелл...

Арвоҳ кириб келади.

Марцелл

Ссс... Жим тургин. Ана боқ, тагин у арвоҳ.

Бернардо

Қиёфаси — раҳматлик қиролнинг ўзи.

Марцелл

Сен — домишманд, Гораций, сўзлаш у билан.

Бернардо

Хўш, гапир-чи, қиролга ўхшайдими, ҳа?

Горацио

Ўхшаганда ҳам қандай! Ҳайронман, мотман.

Бернардо

Сендан савол кутар у.¹

Марцелл

Сўра, Гораций.

Горацио

Кимсан ўзинг, тун чоғи Дания мулкин —

¹ Қадимги одамларнинг эътиқодига кўра, арвоҳлар биринчи бўлиб ўзлари гапирмас эканлар.

Жаннатмакон шоҳидай басавлат келган?
Худованднинг амри-ла аврайман сени —
Жавоб бер!

Марцелл

Ранжиб қолди.

Бернардо

У кетаётир.

Горацио

Кетма! Сўзла! Жавоб бер! Аврайман сени!

Арвоҳ кетади.

Марцелл

Гапиргуси келмасдан кетиб қолди у.

Бернардо

Хўш, Гораций? Не дерсиз? Тан берасизми?
Энди қани, хаёлнинг жилвасими бу?
Нима дейсиз?

Горацио

Тангрига онт ичаманки,
Ишонмасдим, кўрмасам ўз кўзим билан.

Марцелл

Подшоҳга ўхшашин десанг-чи!

Г о р а ц и о

Балли —

Сен ўзингга сен ўзинг ўхшаганингдай.
 Яна шуки, эгнида совут-анжоми
 Норвег жанги кунида кийган либослар.
 Чеҳраси-чи, бадқовоқ, худди Польшанинг —
 Элчиларин жаҳл ила музга ташлатган
 Маҳалдаги юзидир. Ажиб, ажойиб.

М а р ц е л л

Икки марта кечанинг айни шу чоғи
 Енимиздан ўтди у серсавлат, мағрур.

Г о р а ц и о

Буни ақлим батафсил таъбир қилолмас,
 Ўйлашимча, давлатга ҳалокат — бало
 Келадиган чоғларнинг аломати бу.

М а р ц е л л

Ҳай тўхтанглар. Утиринг. Қим менга айтар:
 Фуқарони кечалар қийнаган, сиққан
 Соқчиларда не учун шунча қаттиқлик?
 Қуйилмоқда мис тўплар янгидан нега?
 Чет эллардан яроғлар олинар нечун?
 Ҳафта бўйи, якшанба ҳордиқ олмасдан
 Кемасозлар ишининг боиси нима?
 Кечани ҳам кундузга мададкор қилиб
 Тер тўкмоқнинг, гайратнинг қаерда сири?
 Ким буларни англатар?

Г о р а ц и о

Билганим айтай.

Ҳар ҳолда овоза менга маълумки,
Ҳозиргина арвоҳи юрган бу шоҳни
Норвегларнинг қироли жангга қистади.
Бу урушда енггани Ҳамлет отаси,
(Зотан унинг мардлиги оламга машҳур)
Маҳв бўлгани ёв тамом. Аҳднома ила
Қайси томон енгилса бу жанг-жадалда
Воз кечмоғи керакди ўз ерларидан.
Демак, Норвег шоҳининг — Фортинбраснинг
Барча мулки ўтгани ота — Ҳамлетга.
Ҳозир-чи: ўлиб кетган Фортинбраснинг
Вориси ёш Фортинбрас тўлиб журъатга
Норвегияда йўлтўсар тўдалар йиғди.
У кишининг нияти — қайтадан яна
Қўлдан кетган ерларни зўрлаб эгаллаш.
Бизга етган хабарлар буни тасдиқлар.
Уйлашимча, бизда шу довдираш — қайғу,
Сафарбозлик, ўлкада андиша — ташвиш
Ҳаммаси ҳам шу важдан.

Б е р н а р д о

Ҳа, ҳа, худди шундадир ҳамма масала,
Шоҳга ўхшаб пойлоқда юрган шу арвоҳ
Совут кийиб юргани бекор эмас-да.

Г о р а ц и о

У, ақлимнинг кўкларин хира қилган доғ.
Мен Румонинг савлатли зафар кунларин,

Буюк Юлий¹ қақшаган чоғни эслайман;
 У замонлар гўрларнинг бўш турган ичи,
 Кўчаларда ўликлар ташланиб ётган.
 Юлдузларнинг ўтидан қизарган шабнам,
 Доғлар пайдо бўлганмиш, қуёшда, ой ҳам
 Қиёмат бўлгусидай қорайиб қолган,
 Шундай ёмон офатдан, фалокатлардан
 Огоҳ қилай деб бизнинг ҳамшаҳарларни —
 Шум чопарни юборган бизга ҳам фалак.

Арвоҳ қайтиб келади.

Жим бўлинглар! У келди... Нима бўлса ҳам
 Тўхтатаман. Тебранма, тўхта, эй арвоҳ!
 Агар бўлса сал нутқинг,
 Айт сиринг менга!
 Балки сенга фотиҳа, бизларга савоб
 Бўладиган кори-хайр қилмоқлик шартдир!
 Айт сиринг менга!
 Балки, бизнинг диёрга бир бало келган.
 Бу балони қайтармоқ мумкин дир балки.
 Сиринг айт менга!
 Балки тирик чоғингда ҳаромхўрлик-ла
 Жамғарган бир ғазнани ерга кўмгансан.
 Дерларки ғазналарга арвоҳлар кўп ўч.
 Сирин айтгин! Тўхтагин!.. Айт сирин менга!

Хўроз қичқиради.

Марцелл, ушла!

¹ Юлий Цезарь (Милoddан илгари 100 — 44 йиллар)
 Рим императори. Брут бошлиқ суиқасдчилар томонидан ўл-
 дирилган (Шекспирнинг «Юлий Цезарь» трагедиясига қарал-
 син).

Марцелл

Чопайми ойболта билан?

Горацио

Пиртилласа чопавур.

Бернардо

Ана, боқ!

Горацио

Ана!

Арвоҳ кетади.

Марцелл

Кетиб қолди. Биздаги бу зўравонлик
У шоҳона ҳазратга оғир ҳақорат.
У ҳавода буғ каби ушланмайдиган.
Бизнинг қилич зарбимиз — масхара, холос.

Бернардо

Шу хўроз қичқирмаса, у сўзлар эди.

Горацио

Ҳа, шунда бир сесканди гуноҳкор каби.
Айтмоқчи бўлганидан чўчиди гўё.
Дерларки, гўё хўроз, ~~— тоне карнай-илеп,~~

Қийқириб уйғотади кундуз тангрисин.
 Гўё унинг садосин эшитгач ҳамон —
 Ҳаводами, ўтдами, қуруқда, сувда
 Кезаётган саёқ руҳ уйга шошилар.
 Бу қиссанинг далилин биз ҳозир кўрдик.

Марцелл

Ростдан. Хўроз қичқиргач у хира бўлди.
 Элда бир эътиқод бор, гўё ҳар қишда
 Ҳазрат Исо байрами арафасида
 Туни билан қичқириб тураркан хўроз.
 Дейдиларки, у кеча — арвоҳлар жимжит,
 Тунлар — соқит, юлдузлар — беозор бўлур,
 Сеҳрғарлар, парилар жоду қилолмас,
 Шундай эзгу, муқаддас вақт экан у вақт.

Горацио

Мен ҳам бундай гапларни эшитган эдим.
 Энди қўйинг. Ана тонг алвон либосда
 Адирларнинг шабнамин топтайди шарқда.
 Посбонларга ижозат. Яна маслаҳат:
 Кўрганларни шаҳзода Ҳамлетга айтсак.
 Аминманки, бизга лол келган шу арвоҳ
 Ҳамлетга учраб қолса киради тилга.
 Дўстлар, қани, не дерсиз? Унга барчамиз
 Меҳру ихлос қўйибмиз. Энди бўлмаса —
 Бор гапларни батамом айтайлик унга!

Марцелл

Фикримча айтмоқ лозим. Зотан шу бугун, —
 Унинг қайдалигини яхши биламан.

Кетадилар.

ИККИНЧИ САҲНА

Қасрда қабулхона залли. Қирол, малика, Ҳамлет, Полоний, Лаэрт, Вольтиманд, Корнелий, сарой аҳли ва маҳрамлар кириб келадилар.

Қирол

Гарчи Ҳамлет оғамиз азасида биз
 Қора кийиб қайғуриб юрмоғимиз шарт,
 Давлатимиз бу оғир мотамдан йиғлаб
 Фалокатдан вовайло қичқирмоғи фарз,
 Аммо ақл енгади киши хилқатин.
 Бундан кейин унутмай биз ўзимизни,
 У марҳумни енгилроқ эсга олайлик.
 Бинобарин, мен — бизнинг ҳамширамызга,
 Бугунги кун бонумиз, маликамызга —
 Рафиқам деб уйланиб олмоқчи бўлдим.
 Алам билан қувончлар қатишиб кетди.
 Кўз ёшлари қаришди табассумларга.
 Бамаслаҳат қилинди бу хайрли иш,
 Ҳамма бизга раъй бериб маъқул дейишди.
 Ҳаммангизга ташаккур... Иккинчи сўзим:
 Норвегнинг шаҳзодаси ёш Фортинбрас
 Писанд қилмай бизларни, ўйламышдирки,
 Вафот бўлгач оғамиз, эл бўлур барбод.
 Мамлакатда иттифоқ бузилур тамом.
 У ўзининг юлдузин ўйлабди баланд,
 Ҳозир талаб қилмоқда ота юртларин,
 У юртларки, оғамиз инсоф юзидан
 Қўшган эди ўзининг мамлакатига,
 У ҳақдаги хабарлар шундан иборат.
 Энди, бизнинг кенгашнинг вазини айтай:
 Мана, биз шу мактубни юбормоқчимиз —
 Норвег шоҳи, Фортинбрас амакисига.

У жуда ҳам қартайган ва шу туфайли,
 Эҳтимолки, билмайди жиян феълени.
 Биз бу хатда қиролдан илтимос қилдик —
 Жиянин тийиб қўйсин, чунки аслида
 Ҳамма қўшин у шоҳнинг фуқаросидан,
 Ҳаммаси ҳам нон ейди хазинасидан,
 Марҳаматли Вольтиманд ва сиз Корнелий
 Бу мактубни элтингиз кекса подшога.
 Салом айтинг Фортинбрас амакисига.
 Элчиликнинг ҳаддидан чиқмангиз сира,
 У шоҳ билан суҳбатда одоб сақлангиз.
 Қоидаю қонунга қилинг риоя.
 Яхши боринг... Чаққонлик ихлосга исбот.

Корнелий ҳам Вольтиманд

Ҳар галгидай бу гал ҳам қилурмиз исбот.

Қирол

Бунга йўқдир шубҳамиз. Сизларга оқ йўл!

Вольтиманд ва Корнелий кетадилар.

Қани, Лаэрт, сўйланг-чи, янги нима гап?
 Деб эдингиз:— Арзим бор. Айтингиз нима?
 Қайси маъқул бир ишки, сўралса биздан
 Қондиурмиз албатта. Ҳеч бир арзингиз —
 Биз томондан сира рад этилмас, билинг.
 Дил ва калла қанчалик ошно бўлса,
 Оғизнинг хизматида қанча юрса қўл —
 Отангизга тахтимиз шунча мададкор.
 Қани, хизмат?

Лаэрт

Подшоҳим, рухсат берингиз,
Францияга мен яна қайтиб борайин.
Мен ҳазратнинг тож қўйиш маросимида
Қатнашгани у ердан жўнаб келгандим.
Кечирингиз, бурчимни адо айладим,
Энди фикру хаёлим увдар у ерга.
Таъзим билан сўрайман сиздан ижозат.

Қирол

Отанг рухсат бердимиз? Не дер Полоний?

Полоний

Жонга тегди, подшоҳим, ҳадеб ялиниб.
Айнитмоқчи бўлсам-да, ҳеч кор қилмади.
Розилигим билдирдим, охир, ноилож,
Сиз ҳам уни ярлақанг, майли, жўнасин!

Қирол

Соат қулай, бахтинг ёр бўлсин, эй Лаэрт.
Таъбинг нечук хоҳласа, шундай юравер.
А, Ҳамлет-чи? Нима дер жигарпорамиз?

Ҳамлет

(Узи-ўзига)

Жигарпора: ва лекин ётдан ҳам бадтар.

Қирол

Нега яна юзингда булут сояси?

Ҳ а м л е т

Йўқ, аксинча: ножўя равшанлик бордир.

М а л и к а

Ҳамлет, етар, тун каби бадқовоқ бўлма.
 Сен қиролга меҳрибон кўз билан қара.
 Қачонгача, отамнинг тупроқда изин
 Топайин, деб сен ерга қараб юрасан?
 Бу тақдири азалдир, тирик жон ўлар,
 Уыр битгач, мангуга у кўчиб қолар.

Ҳ а м л е т

Бу тақдирий азалдир.

М а л и к а

Бўлмаса нега —
 Азанг, гўё, мислсиз кўринар сенга?

Ҳ а м л е т

«Гўё» эмас, маликам, зотан ўзи шу.
 «Гўё»ларга мен ётман. Бу сипоҳи тўн,
 Қора кийим, энтикқан кескин нафаслар,
 Кўз ёшлардан қуйилган хуноб оқинлар,
 Ҳатто ғамнинг ҳар турли кўринишлари
 Дилимдаги ҳасратни изҳор қилолмас.
 Чунки булар ҳаммаси сунъий, ясама.

Булар бирор қилиқки, ўйнамоқ осон.
Дардларим-чи, а — улар бўёқларга ёт,
Менинг дардим ясаниб ўртага чиқмас.

Қирол

Баракалла, қойилман сўзингга Ҳамлет,
Сен отангининг азасини маҳкам тутасан,
Аммо билки, отангининг отаси бўлган,
У ҳам ўлган. Ҳоказо, унинг отаси.
Оталарнинг вафотин кўрган ўғиллар
Бирор муддат аламли юрмоғи лозим.
Аммо нуқул азалик бўлмоқ беҳуда.
Бундай мотам эркакка муносиб эмас,
Бу — кўп разил хоҳишлар аломатидир.
Бу кўр юрак, ишончсиз ақлу фаросат
Ва кўп дағал тушунча белгиси, холос.
Бу бандалик, ҳаммага тааллуқли иш.
Бунга қарши жаврамоқ айни куфр-ку.
Парвардигор наздида бу — улуг гуноҳ,
Раҳматликка нисбатан бу зўр гуноҳдир.
Бу гуноҳдир табиат — хилқат олдида,
Ақлу зеҳн олдида бу катта гуноҳ.
Чунки ақлу зеҳнимиз бунга кўниккан.
Оталарнинг ўлмоғи эски бир одат.
Энг биринчи жасадни ақлимиз эслаб,
Энг сўнгги тобутни ҳам жўнататуриб
Шундай дейди: «Ҳа, шундай, бўлмоғи лозим».
Аламингни қоқ, ташла, илтимосим шу:
Юрагингда қабул эт бизни ота деб.
Бутун олам билсинки, сен тахтимизга
Энг яқин бир одамсан, азиз, суюкли:
Меҳрибон ота дили силайди, сени,
Виттенбергга қайтаман ўқишга дейсан,

Бу ниятинг бизларга маъқул кўринмас.
Утинаман, ўйлагин, қолгин бу ерда,
Қолгин, худди қимматли нуридийдамиз.
Қолгин худди ворисдай, азиз ўғилдай¹.

М а л и к а

Елбормасин онанг ҳам ўғлим беҳуда.
Бунда қолгин, бормагин Виттенбергга сен.

Ҳ а м л е т

Амрингизга мутеъман, шавкатли бону.

Қ и р о л

Мана қисқа, одоблик, лойиқ бир жавоб.
Бу қасримиз — сеники! Бону, кетайлик.
Юракларни шод қилди ихлосманд Ҳамлет.
Бу ихлоснинг шаънига майлар ичилур,
Қадаҳларнинг совини билдирмоқ учун
Замбараклар булутга қилур жарчилик.
Осмоннинг садоси, коса нидоси
Тўпларнинг наърасига қўшилсин ҳамон.
Қани, юринг...

Ҳамлетдан бошқа ҳамма кетадилар.

Ҳ а м л е т

Кошки, шу гўшт тўрваси маҳв бўлса тамом.
Ё эриса, чириса, ёки буғ бўлса!

¹ Қирол, агарда Ҳамлет Даниядан чиқиб кетса, чет мамлакатларда унга қарши кураш уюштириши мумкин, деган андиша билан унинг қолишини ўтинади.

Кошки эди, демаса халлоқи-олам
 Уз-ўзини ўлдирмоқ феълини гуноҳ.
 Бутун дунё ўзининг ҳаракатида —
 Нақадар тўнг, бемаъни ва тўмтоқ экан!
 Шунча ифлос ҳамма ёқ! Қоплаб олгандай
 Гулистоннинг тупроғини бурган ўтлари
 Нега шундай? Бу ҳолнинг боиси нима?
 Ўлганига икки ой тўлгани ҳам йўқ.
 Ана подшоҳ! Қуёшнинг ёрқин шуъласи.
 Унга қиёс этилса — бу паст бир ҳайвон.
 У онамни шунчалик севар эдики,
 Қизганарди чехрасин шамоллардан ҳам.
 Фарёд сендан, эй фалак! Эслаб не қилай!
 Онам шунча мафтунди марҳум отамга,
 Чанқоқлиги ошарди қониққан сайин.
 Аммо бир ой ўтмасдан!.. Бас энди бу гап!
 Оҳ хотинлар... номингиз — бевафоликдир!
 Ҳа, ҳа, бир ой ўтмасдан!.. Тобут кетидан —
 Ниобея¹ сингари оҳ-фигон тортиб
 Борганида оёққа кийган бошмоғи
 Ҳали ҳам бутун...
 Онам, онам, у хотин... ёраб, илоҳим,
 Онгсиз ҳайвон эр учун шунча шошилмас,
 Ҳолбуки эр қилгани — бадбахт амаким
 Ўшар марҳум отамга, Гераклга² мен
 Қай даража ўхшасам... Войдод, новайло.
 Бир ой ўтар-ўтмас-а... Унинг қовоғи
 Мунофиқ кўз ёшидан ҳануз қизил-ку!..
 Аммо шошиб янги эр қўйнида ётар,

¹ Ниобея — Қадим мифологияда, бирдан ҳалок бўлган ўн иккита боласига йиғлаган она.

² Геракл (Геркулес) — қадим мифологияда, ўзининг жисмоний қудрати ва шижоати билан донг чиқарган паҳлавон.

Йўқ! Бу шундай куйи, оқибати бад!
Тишни тишга босайин! Парчалан, эй дил!

Горацио, Марцелл ва Бернардо кириб келдилар.

Горацио

Шаҳзодага саломлар!

Ҳамлет

Саломат бўлинг!

Янглишмаса хотирам сиз — Горацио!

Горацио

Худди ўзи, шаҳзодам, содиқ бандангиз.

Ҳамлет

Нечун банда бўласиз? Бизлар — дўстлар-ку.
Виттенбергдан келишнинг бонси нима?
Сиз — Марцеллми?

Марцелл

Шаҳзодам, худди ўзидир.

Ҳамлет

Кўрганимга мамнунман.

(Бернардога)

Хайрли оқшом.

(Горациога)

Виттенбергдам келмоққа боис нимадир?

Г о р а ц и о

Елқовликка мойиллик, азиз шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Ҳақингизда душман ҳам шуни айтолмас,
Ўзингизга шу бўҳтон нега ҳам керак?
Бу сўз билан қилмангиз таъбимни хира,
Сизни яхши биламан, сиз танбал эмас.
Хўш, қандай кутиб олди сизни Эльсинор?
Ҳали сизни майхўр ҳам қилиб қўямиз.

Г о р а ц и о

Кўриб олдим отангиз дафнини, эвоҳ!

Ҳ а м л е т

Яхши эмас дўстларни калака қилмоқ.
«Онангизнинг тўйини кўрдим» деб айтинг.

Г о р а ц и о

Ҳа, бу гап рост. Тўй жуда тез бўлиб қолди.

Ҳ а м л е т

Бунинг ҳисоб-чўти бор, бил Горацио!
Азада худойига пишган овқатлар —
Қўйилди дастурхонга никоҳ тўйида.
Ҳаётимда бу кунни яна кўрмоқдан —

Душманимни жаннатда кўришим афзал.
Отам — ана, гўёки кўзим олдида.

Горацио

У қаерда, шаҳзода?

Ҳамлет

Дилим кўзида.

Горацио

Мен бир карра кўрувдим: ажойиб қирол!

Ҳамлет

Ҳа, у чин инсон эди, бутун ва олий,
Иккинчи ундай инсон топилмас, афсус!

Горацио

Биласизми, бу кеча у бунда эди.

Ҳамлет

Бунда? Ким, ким?

Горацио

Отангиз, қирол.

Ҳамлет

Отам — ҳа?

Г о р а ц и о

Диққат бўлманг, таажжуб қилмангиз шунча.
Қулоқ солинг. Сўйлайман ғалати қисса.
Бу гувоҳлар тасдиқлаб берар нақлимни.

Ҳ а м л е т

Тезроқ айтиб берингиз, азбаройи ҳақ!

Г о р а ц и о

Пойлоқда турар экан бу икки жаноб,
Бернардо ва Марцеллга икки тун қатор
Кечанинг жим қўйнида кўринган арвоҳ.
Бошдан-оёқ қуроли — жонли кишидай
Шоҳона қадам босиб ўтган эмиш у.
Отангизга ўхшармиш у зоти-шариф.
Буларнинг мот кўзлари олдидан аниқ —
Ўтган эмиш уч марта бир қулоч нари.
Буларни тер босган-у, тиллари қотган.
Мен ҳам турдим пойлоқда учинчи кеча.
Кейин бу мудҳиш сирни айтдилар мепга.
Жанобларнинг гаплари жуда рост экан,
Ўша маълум соатда кўринди арвоҳ.
Отангиз ёдимдадур. Иккаласи бир,
Худди бу қўллар каби.

Ҳ а м л е т

У қайдан ўтди?

М а р ц е л л

Соқчилар турадиган майдон ёнидан.

Ҳамлет

А, сиз гаплашдингизми?

Горацио

Унга гапирдим.

Қайта-қайта сўрадим, ҳеч индамади.
Аммо бир пас қайрилиб ўғирди бошин,
Гапирмоқчи бўлганди менга, мазмуни,
Лекин бирдан шу чоғда, қичқирди хўроз,
Бу товушдан қалтираб қолиб у арвоҳ —
Ғойиб бўлди кўзлардан.

Ҳамлет

Мотман бу ишга.

Горацио

Улай агар, шаҳзода, бу — чин, ҳақиқат,
Бурчимиздир сизни ҳам хабардор қилмоқ.

Ҳамлет

Ҳа, ҳа, тўғри! Асабим босилур ҳозир,
Ким бу кеча пойлоқчи?

Марцелл ва Бернардо

Бизмиз, шаҳзода.

Ҳамлет

У арвоҳ қуроллими?

Марцелл ва Бернардо

Ҳа.

Ҳамлет

Бошдан-оёқ?

Марцелл ва Бернардо

Бошдан-оёқ!

Ҳамлет

Юзини кўролдингизми?

Горацио

Кўрдик! Юздан сипарин очиб олганди.

Ҳамлет

Қовоғин солганмиди?

Горацио

Пўқ, ундай эмас.
Бир маъюслик бор эди қарашларида.

Ҳамлет

Учганмиди ранглари ёки қизарган?

Горацио

Буткул ўчган.

Ҳамлет

Тикилиб боқар эдими?

Горацио

Ҳа, тикилиб...

Ҳамлет

Афсуски, мен йўқ эканман.

Горацио

Сиз бўлсангиз, ақлдан ажратарди у.

Ҳамлет

Ҳаммаси ҳам эҳтимол. Кўп турдими ул?

Горацио

Юзни санашлик учун етгудай бир вақт.

Марцелл ва Бернардо

Йўқ, кўп бўлди, кўп бўлди.

Горацио

Менга шунчалик.

Ҳамлет

Соқоллари оқмиди?

Г о р а ц и о

Унчалик эмас.

Ҳаётда бўлганидай бир оз оқ кирган.

Ҳ а м л е т

Бу кеча сизлар билан турай пойлоқда,
Мабодо келиб қолар.

Г о р а ц и о

Аниқ келади

Ҳ а м л е т

Агар келса у арвоқ отам шаклида,
Жаҳаннам ман қилса ҳам, сўзлашажакман.
Аmmo сиздан илтимос: эҳтиёт бўлинг.
Сир тутгандай бу ишни сиз ҳозиргача,
Лабларга муҳр босинг, жим қолинг тамом.
Дўстликни қадрларман. Ҳақ ярлақасин!
Соат ўн иккиларда бу ерга чиқиб
Сиздан хабар олурман.

Ҳ а м м а

Қуллуқ, шаҳзода.

Ҳ а м л е т

Сиз менга қул эмассиз, дўстимсиз. Хайр!

(Ҳамлетдан бошқа ҳаммаси кетади.)

Қуролланган экан у отам нусхаси!
 Бир фалокат чиқмасин! Бу бир қаллоблик.
 Қош қорайсин! Бу ишда ҳафсала керак.
 Гўрнинг пинҳон сирлари очилар бешак.

(Кетади.)

УЧИНЧИ САҲНА

Полоний уйида бир хона, Лаэрт ва Офелия кириб келадилар.

Лаэрт

Ашёларим кемада. Синглим, алвидо!
 Йўлчи еллар эсганда бизнинг манзилга —
 Кемалардан хат-хабар юбор. Унутма!

Офелия

Бунга шубҳа қилмагин!

Лаэрт

Сенга Ҳамлетнинг —

Илтифоти бекор гап, майнадир тамом.
 Бу бир ҳавас, қонларнинг эҳтиросидир,
 Бу — қор ичра ўсган бир бинафшадирки,
 Нозик, аммо ўткинчи, хушбўй ва ожиз
 Чечакнинг ўзи, холос.

Офелия

Шунчами, холос!

Лаэрт

Ишон, фақат шунчалик. Ва яна билки,
 Ҳаётда ўсмоқ демак, семирмоқ эмас.
 Ўсган сайин кишида аъзою бадан,
 Юксалади фаросат, зеҳни баробар.
 Балки унинг севгиси ҳозир покиза,

Ниятида йўқ балки ёмон гаразлар.
 Аммо ўйла, у кимдур. Ундан қил ҳазар.
 У-ку олиймақомдир, аммо ҳур эмас.
 Уз насабу наслига у бўлмиш асир.
 Ҳар кимлардай ўзида йўқ ихтиёри.
 Бошқалар ҳал қилади ўлка тақдирин,
 У риоя қилади эл талабига.
 Узи бирон нарсани ҳал этолмайди,
 Энди тушун: сен унинг тароналарин —
 Рост деб билсанг поймол бўлур номусинг.
 Кўнсанг унинг сен қизгин сўровларига,
 Қалбинг берсанг кетади қизлик хазинанг.
 Эҳтиёт бўл, Офелия, ҳазар қил, синглим,
 Шавқу ҳавас ўтидан сақланиб мудом,
 Узингни ишқ — савдодан олиб қочгайсан.
 Мабодо деразадан қиз ўз бетини
 Ҳатто ойга рўй қилса, одобдан эмас.
 Энг ифбатли қизни ҳам тухматлаш осон.
 Ҳали куртак очмаган ёш ниҳолларни
 Қурту қушлар еб-титиб қуритар дарров.
 Умрлар саҳарида шабнамлар ўзи
 Заҳарли касалларин юқтирар бизга.
 Модомики хулқимиз ҳали пишмабди,
 Тортинчоқлик — биз учун энг яхши васий.

О ф е л и я

Насиҳату пандингни қалбим ёнига
 Мен посибон қўяман. Аммо оғажон,
 Сен ҳам бир хил бетавфиқ домлалар каби
 Ўзгаларга жаннатнинг йўлин ваъз этиб,
 Уялмай, айшу ишрат кўчаларига
 Қирмагайсан!

Л а э р т

Сен мендан хотиржам бўлгин.

Ҳаялладим мен нега? Ана отам ҳам.

П о л о н и й кириб келадн.

Икки марта оламан сиздан фотиҳа.
Яна бир гал сиз билан хайрлашаман.

П о л о н и й

Ҳали ҳам сен шу ерда, Лаэрт? Уят бу!
Букиб қўйди елканлар елкасини ел.
Ўзинг қайда юрибсан? Оқ йўл тилайман.
Ўгитимга қулоқ сол, кўнглингга чертгин.
Орзу ва армонингни махфий тут доим,
Мос тушмаган гапларни сўйлама сира.
Одамлар-ла хушрафтор бўлсанг ҳам, лекин
Ҳеч ким билан ёр-иноқ бўлмагин зинҳор.
Темир чамбарлар билан банд эт дўстларни,
Аммо ким учрайверса қўллар сиқишиб,
Ҳовучингда қабартма қадоқларни сен.
Жанжалларга киришма, аммо бир кирсанг —
Бошқаларга жанжални тавба қилдиргин.
Ҳамма гапини эшитгин, ўзинг кам гапир.
Ҳукмларга тўз, аммо ўз ҳукминг яшир.
Ҳамёнингга яраша либос кийиб юр.
Олифталик қилмагин, завқ билан кийин!
Одамлар танилади уст-боши билан,
Францияда киборлар бу ҳақда ғоят
Ўткир кўзу нозик дид эгасидурлар.
На бировни қарздор қил, ва на-да қарз ол.
Қарз пул берсак ажраймиз дўстдан ҳам пулдан.
Қарзга олсак тежашлик эсдан чиқади.
Энг аввал шу:— ўзингга бўл садоқатди.
Шундай қилсанг, тун пойин босган кундуздек,
Ҳамма ишда садоқат бўлур муяссар.
Хайр энди, ёдлаб ол, сафарга жўна.

Лаэрт

Каминангиз жўнайди таъзимлар билан.

Полоний

Аллақачон вақт бўлди. Қароллар кутар.

Лаэрт

Офелия, хайр энди, айтган гапларим
Хотирангда сақлансин.

Офелия

Бекитдим дилга,
Кўнглимнинг калидини олиб кет ўзинг.

Лаэрт

Яхши қолинг.

(Кетади)

Полоний

У қандайин гап экан, айт, Офелия?

Офелия

Сўз очилди шаҳзода Ҳамлет устидан.

Полоний

А, шундайми? Жуда соз. Мен эшитдимки —
Гўё тез-тез келармиш сеникига у.

Сен ҳам унга, дейдилар, кўп илтифоткор.
 Кўрганларини еткизган менга одамлар.
 Бу рост бўлса, демакки, сен ифратингни,
 Ўз қизлик номусингни хато англайсан.
 Орангизда не сир бор? Очиқ айт менга.

О ф е л и я

Гаров бўлсин самимий дўстликка дея —
 Меҳрибонлик кўрсатди у бир неча бор.

П о л о н и й

«Гаров бўлсин» эмиш-а? Ё пирим, тавба!
 Бу гаплардан нима ҳам англайсан ўзинг?
 Хўш, ҳалиги «гаров»га сен нима дединг?

О ф е л и я

Ҳеч нарса тушунмайман, ҳайронман ўзим.

П о л о н и й

Тингла, сенга ўргатай: олган гаровинг
 Қалбаки танга дегин, ва бундан кейин —
 Қиммат баҳо гаровлар олишга тириш.
 Бўлмаса-чи, ҳай қизим, бўш гаровларга —
 Ютқизиб қўймай тагин кекса ақлимни.

О ф е л и я

Ота, у ўз севгисини эҳтиром ила —
 Менга изҳор айлади.

Полоный

«Эҳтиром» эмиш!

Офелия

Ва сўзларин исботлай дея, доимо —
Авлиёлар номига онт ичар эди.

Полоный

Бу — қушларга бир тузоқ. Яхши биламан —
Қон қизиса қасамга сахий бўлар тил.
Қизим, булар учқунки, бир пас «лип» этиб
Учиб-учиб кетарлар иссиқдан ҳали.
Сен буларни олов деб янглишма, қизим.
Бундан буён, оғирроқ бўлгин рафторда.
Камсухан бўл, ҳар сўзинг қадрласинлар.
Чақирсалар, сен дарров «лаббай!» демагин.
Ҳамлет бўлса — ёш йигит, тортинчоқ эмас.
Лекин сира ишонма унинг гапига.
Хусусан онтларига. Онтлар — ёлғон гап.
Ташқариси бошқа-ю, ичи бом — бошқа.
Одамларни алдамоқ қулай бўлсин деб —
Узларини авлиё — мўмин кўрсатган
Кўп пишиқ қаллобларга ўхшар қасамлар.
Гапни очиқ қилайин: хоҳламайманки, —
Бундан кейин вақтингни бир дақиқа ҳам
Шаҳзода Ҳамлет билан ўтказсанг. Боргин.
Гапларимни унута кўрма.

Офелия

Хўп, ота!

(Кетади.)

ТУРТИНЧИ САҲНА

Яна у ерда. Қаср олдида майдонча. Ҳамлет, Горацио
ва Марцелл кириб келадилар.

Ҳамлет

Изғирин ачитмоқда! Совуқни қаранг!

Горацио

Қишдагидай кўп ёмон чимчилаяпти.

Ҳамлет

Соат неча бўлдикан?

Горацио

Сал кам ўн икки.

Марцелл

Иўқ. Ошгандир. Жом чалди.

Горацио

Чалдимми? Дуруст.

Ундай бўлса арвоҳнинг келиш муҳлати
Яқинлашиб қолибди.

Карнай ва тўп отиш садолари.

Бу нима, шаҳзода?

Ҳ а м л е т

Қирол ётмай, кайф сураб то саҳаргача,
Уйинбозлик, майхўрлик қилар тун бўйи.
Рейн шаробин қадаҳлаб сипқариб олгач,
Замбарак ва карнайлар эълон қилишар
Унинг шижоатини.

Г о р а ц и о

Бу ҳам одатми?

Ҳ а м л е т

Ҳа, шундайроқ, эй, ҳайҳот! Бу одатларни —
Ҳурмат қилмоқдан кўра, унутмоқ маъқул.
Шарқу ғарбга донг отган майхўрлигимиз
Ёт элларда қилибдир бизни шарманда.
Бизни «майхўр» дейдилар, «тўнғиз» дейдилар.
Бу лақаблар чиндан ҳам иснод келтирар
Шаънимизга шарафу хизматимизга.
Баъзи одамларда ҳам бу ҳол учрайди,
Масалан, туғма бир доғ бўлур танида,
(Зотан унинг гуноҳи эмас бу, чунки
Ўзи танлаб олганмас ота-онасин)
Ёки биров ғалати кўринар кўзга,
Ёки муомалада қусури бўлур,—
Бундай кичик нуқсонлар хулласи калом
(Наслидан ё ўзидан, қайдан бўлмасин)
Одамларнинг кўзида кишини тамом
Бир пулга чиқаради. Ваҳолонки, у —
Инояти-илоҳий сингари тоза
Ҳимматларга эгадур, жўмарддур балки.
Энди қаранг, бемаъни ёмон бир қатра

Булғаб қўяр олийзот яхшиликларин.
Ачинарли эмасми.

Г о р а ц и о

Қаранг, шаҳзода!

А р в о ҳ кириб келади.

Ҳ а м л е т

Эй илоҳий азизлар, нажот берингиз!
Сен руҳи-яздонмисан, ё зилли-шайтон,
Жаннатнинг нафасими, ё боди-дўзах.
Ниятингда савобми ёки жиноят,
Бу келишинг мен учун чўпчак — муаммо.
Шу сабабли тергашга мажбурман сени.
Сени қандай атайин: падарим, Ҳамлет,
Даниянинг қироли, ҳукмдор, гапир!
Мени гафлат ичида қолдирма. Сўйла,
Нега ерга кўмилган суякларингнинг —
Қафанлари йиртилган? Нега қўйнида
Сени қучган тобутинг эснамоқ бўлиб,
Очди тошлик жағларин, ирғитди сени?—
Нечун жонсиз жасадинг совут — яроқли
Ойдин тунда юради кўп ваҳимадор?
Нечун биздай дево на махлуқларни сен
Маталларга чулғайсан, қалтиратасан?
Сўйла нечун? Сабаб не? Бизга не чора?

Арвоҳ имлайди.

Г о р а ц и о

У имлайди, сиз билан танҳо қолмоқчи,
Елғиз сизга айтмоқчи бўлган гапи бор.

Марцелл

Қаранг, қандай меҳрибон ундайди сизни
Йироққа чақиради. Аммо сиз борманг.

Горацио

Сиз мутлақо бормангиз!

Ҳамлет

У бу ерда индамас. Боришим лозим.

Горацио

Бора кўрманг, шаҳзода!

Ҳамлет

Нимадан қўрқай?

Менинг умрим баҳоси игнача эмас.
Руҳим бўлса... Руҳимга ундан хатар йўқ.
Чунки руҳим у каби абадий, ўлмас!
Яна мени имлайди. Олдига борай.

Горацио

Хўш, борди-ю у сизни бир сув лабига,
Еки денгиз бўйида мудҳиш қояга —
Имлаб бориб, ногаҳон жинга айланса
Ҳушингизни олса-ю, жинни бўлсангиз,
У топда не қиласиз? Бир ўйланг шуни.
Бунисиз ҳам, ҳар қандай оддий пайтларда
У қоядан ҳайбатли денгизни кўрган
Кишилар йўқотади эсин бир пасда.

Ҳ а м л е т

Яна имлар. Боравер! Мен ҳам келаман!

М а р ц е л л

Юбормаймиз!

Ҳ а м л е т

Торт қўлинг!

Г о р а ц и о

Уйланг! Қеракмас.

Ҳ а м л е т

Йўқ, бу мени тақдирнинг ўзи чақирар,
Томиримга у қуяр арслон қувватин.

Арвоҳ имлайди.

Нуқул имлар, йўл беринг, афандиларим!

(Урталаридан чиқиб кетмоқчи бўлади.)

Ким йўл тўсса, ўзини арвоҳ қиламан.
Қочинг, дейман!— Сен жўна. Ҳозир келаман.

А р в о ҳ в а Ҳ а м л е т кетадилар.

Г о р а ц и о

Ҳозир ўзи жазава ҳолатидадур.

Марцелл

Юр борайлик. Бир ўзин қолдириб бўлмас.

Горацио

Кузатайлик. Не бўлур бу ишнинг кети?

Марцелл

Дания давлатига бир бало юққан.

Горацио

Парвардигор, ўзинг бўл бизга раҳнамо.

Марцелл

Юр!

Кетадилар.

БЕШИНЧИ САҲНА

Яна у ерда. Майдончанинг олисроқ томони. Арвоҳ ва Ҳамлет кириб келадилар.

Ҳамлет

Мени қайга судрайсан? Нари бормайман.

Арвоҳ

Юр орқамдан.

Ҳ а м л е т

Юраман.

А р в о ҳ

Вақт келиб қолди.

Дўзахнинг оловида куядиган вақт.

Мени унда қийнарлар.

Ҳ а м л е т

Бечора арвоҳ!

А р в о ҳ

Ачинмагин, астойдил менга ишонгин,

Ва қулоқ ос!

Ҳ а м л е т

Вазифам — сени тингламоқ.

А р в о ҳ

Ҳаммасини эшитгач, қасос олгайсан.

Ҳ а м л е т

Нима дединг?

А р в о ҳ

Отангинг арвоҳиман мен.

Бир муддатга кечалар дайдиб юришга,
Кундузлари дўзахда куймоққа бандман.
Дунёдаги умримда қилган гуноҳлар
Куйиб даф бўлмагунча бу давом этар.
Ҳақим йўқдир сўйлашга зиндоним сирий,
Йўқса очсам бу ҳақда сенга қиссамни
Ҳар бир сўздан қотарди виждонинг сенинг,
Қонинг музлар, кўзларинг юлдуздай ўйнар
Жингалак сочларинг-чи текисланарди —
Ва тиккайиб турарди игналар каби.
Ва лекин абадият шундай садоким —
Дунёвий қулоқларга етмоғи маҳол.
Сен отангни бирон вақт чин севган бўлсанг,
Мени тингла, хўб тингла, тингла!..

Ҳ а м л е т

Ё раббий!

А р в о ҳ

Мени аблаҳ ўлдирган. Қасосимни ол.

Ҳ а м л е т

Ўлдирганми?

А р в о ҳ

Ҳа, шундай ўлдиришки, бу —
Ҳар турли ўлдиришдан минг марта бадтар.

Ҳ а м л е т

Тезроқ гапир, токи мен хаёл каби тез,
Қанотланиб фикримнинг оташи билан,
Учга учай.

А р в о ҳ

Азмингни кўриб турибман.
Сўзларимдан қонларинг жўшга келмаса —
Сўйла-чи, ким бўлардинг?— «Лета»да яъни —
Унутилиш дарёси лойида ўсган —
Бақа тўни бўлардинг бебурд ва сассиқ.
Энди, Ҳамлет, қулоқ сол, гап гарқалдики —
Гўё мени, боғчада ухлаганимда
Илон чақиб ўлдирган. Дания аҳли
Бу сохта афсонага алданиб кетди.
Энди билгин, эй менинг олизот ўғлим,
Илон — отанг қотили,— бугун бемалол —
Унинг тожин кийибдир.

Ҳ а м л е т

А — кароматим!

Қотил менинг амаким?

А р в о ҳ

Ҳа.

Қондошига номарддир ва паст зинокор.
Хулқидаги маккорлик, ширинсуханлик
Ҳунарлари шунчалик зўрки, шу билан
Маликани кўндириб нафсониятга
Ўзи билан ўйнашмоқ йўлига солди.

(Шундай йўлдан ургувчи ҳунарга лаънат!)
 Биласанми, бу қандай тушкунлик, Ҳамлет!
 Никоҳ куни қилинган аҳду паймонда —
 Содиқ қолган у юксак севгим ўрнига
 Бир ярамас махлуққа қучоқ очмоқлик,
 Бу қандай бир тушкунлик!

Аммо бузуқ қанча ҳам жоду қилмасин —
 Соф ахлоқни бузишга ожиз бўлгандай —
 Шаҳвоний нафс фаришта қучоғида ҳам
 Безиб гашту роҳатдан, ҳавасланади —
 Мурдор гўштига...

Жим бўл! Майин шабада эса бошлади,
 Саҳар яқин. Қалтароқ қилай қиссамни.
 Пешиндан сўнг боғчада ухлаган эдим,
 Бирдан сенинг амакинг қўлида шиша,
 Лаънати «заҳри қотил» шишасин ушлаб
 Аста келди бошимга, ва у заҳарни
 Қуйди қулоқларимга. Бу мудҳиш оғу
 Қонга шундай душманки, симобдан ҳам тез
 Томирларда чопади ва оқлиқ тушган
 Сут сингари қонларни уютиб қўяр.
 Шундай бўлди менинг ҳам ҳолатим у чоғ.
 Бирдан мохов Лазарнинг¹ бадани каби
 Қоплаб олди теримни ёмон яралар.
 Олиб қўйди, хуллас гап уйқумда, укам —
 Тожимни ҳам, жонимни ҳам, маликамни,
 Гуноҳларим етганида авжи аълога,
 Ҳали тавба-газарру қилмасдан бурун
 Мен афв сўролмаин боби-раҳматдан,
 Бўйнимда барча қора амаллар билан
 Жўнатилдим майдони сиёсатга тез.
 Оҳ, бу даҳшат, кўп даҳшат, даҳшатдир, инон.

¹ Л а з а р ь — Инжил афсоналаридан олинган бир исм. Шекспир даврида моховларни «Лазарь» деб айтишар эди.

Сен ўзингни отанга ўғил деб билсанг
 Дания шоҳларининг ётоқхонаси —
 Уйнашларга бўлмасин бир ишратхона!
 Аммо сенинг қасосинг қанча қизмасин —
 Номусингни булғама ва ўз онанга
 Емон бир қасд айлама. Унинг жазоси —
 Унинг худованди ҳам — виждон азоби.
 Ҳайр энди, қараб кўр, ялтироқ қуртлар
 Тонг чоғин кутган сайин нурсизланмоқда.
 Хайр энди, алвидо, мени унутма.

(Кетади.)

Ҳ а м л е т

Эй замин, эй осмон! Яна ким тинглар?
 Балки дўзах қулоғи! Чидаб тур юрак!
 Оёқларим рост туринг, асло букилманг!
 У дедики — «Унутма!» — сени унутмоқ?!
 Модомики, каллада яшар хотира —
 Модомики, эсим бор, сени унутмам.
 Мен ёдим дафтаридан ўчириб ташлаб —
 Ҳиссиётнинг барча ҳам нишонларин,
 Гўдакликдан мияга ёзилган тамом —
 Китобларнинг сўзларин, барча нақшларин,
 Қиссаларнинг ҳиссасин ўчирай, аммо, —
 Аммо сенинг фармонинг ягона китоб,
 Покиза китобдурким у бўлар мазмун
 Хаёлимда ёзилган саҳифаларга.
 Эй ярамас, паст хотин, эй бадзот махлуқ!
 Эй кулгуси ширину, юраги қора.
 Буни ёзиб қўяйин, қани дафтарим,
 Буни ёзиб қўяйки, кулган одам ҳам

Кулимсираб кўп аблаҳ бўлмоғи мумкин.
Бошқа юртда маҳолу Данияда мумкин.

(*Ёзади.*)

Буни ёздим, амаким, энди шиорим:
«Хайр энди, алвидо, мени унутма!»
Бунга қасам нчаман.

Горацио ва Марцелл (*сахна орқасидин*).

Шаҳзода, Ҳамлет!

Марцелл

(*Саҳна орқасидан*)

Шаҳзода?

Горацио

(*Саҳна орқасидан*)

У қаерда?

Ҳамлет

Ҳа, шундай бўлур!

Горацио

(*Саҳна орқасидан*)

Ҳай, бормисиз шаҳзода!

Ҳамлет

Лаббай, дўстларим!

Горацио ва Марцелл кириб келадилар.

Марцелл

Хўш, шаҳзода?

Горацио

Нима гап?

Ҳамлет

Қиёмат гаплар!

Горацио

Хўш, нима гап?

Ҳамлет

Сўйласам, сир тутолмасиз.

Горацио

Иўқ, маҳкам сир тутамиз.

Ҳамлет

Хўп, бўлмаса, гап шунда: ким ўйлардики...
Лекин бу гап ўзаро?!

Горацио ва Марцелл

Баҳаққи — худо.

Ҳамлет

Шундай разил йўқ бутун Данимарқада,
Ўзи шунинг устига — пачава, аблаҳ.¹

Горацио

Шу ҳикматли гапларни айтмоқлик учун
Арвоҳ керак эдими?

Ҳамлет

Сўзларинг тўғри.

Энди гапни чўзмасдан қўлларни сиқиб
Хайрлашиб кетайлик ўз ишимизга.
Сизнинг бўлак ишингиз, хоҳишингиз бор,—
Ҳар кимнинг бор зотан ўз иш ва хоҳиши.—
Менинг ҳам ўз хоҳишим;— гапнинг очиги
Бир девона бандаман бормоғим зарур
Ибодату тоатга.

Горацио

Бу сўзлар фақат

Узуқ-сочиқ сўзларнинг гирдоби, холос.

¹ Ҳамлет сирни (яъни амакининг қотил эканини) очиб беришига сал қолади. Аммо бирдан ўзини тутиб эҳтиёткорлик юзасидан гапни бошқа ёққа буради. У даврда подшоҳни жиноятда айблаган киши ўлим билан жазоланар эди.

Ҳ а м л е т

Сизни ранжитган бўлсам, узр сўрайман...

Г о р а ц и о

Ранжимоққа сабаб йўқ.

Ҳ а м л е т

Йўқ, Гораций бор,

Авлиёмиз Патрикка¹ онт ичаман, бор.
Энди арвоқ ҳақида шуни айтайки,
У муътабар, ҳурматга сазовор бир зот
Бу ҳақдаги чин гапни суриштирманглар.
Энди менинг дўстларим, мактабдошларим,
Қиличбоз шерикларим, сизларга ўтинч.

Г о р а ц и о

Бажону дил, шаҳзода, бажо этамиз.

Ҳ а м л е т

Бу ҳодиса ҳақида гинг этилмасин!

Г о р а ц и о в а М а р ц е л л

Гапирмаймиз, шаҳзода.

¹ П а т р и к — Ҳамлетнинг отасини ўлдирган Клавдий (Ҳамлетнинг амакиси) қиролни илон чақиб ўлдирган деб расмий овоза тарқатган. Диний ақидаларга кўра, авлиё Патрик Ирландия тупроғидан илонларни қувиб чиқарган. Ҳамлет, Патрикни тилга олиши билан илонни — қирол Клавдийни йўқ қилишга аҳд этган бўлади.

Ҳамлет

Қасамёд қилинг!

Горацио

Виждонимга қасамёд...

Марцелл

Мен ҳам қасамёд.

Ҳамлет

Мана қилнч, шунга ҳам қасам ичингиз.

Марцелл

Бир мартаба қасамёд қилдик-ку!

Ҳамлет

Иўқ, йўқ.

Менинг қиличимга ҳам қасамёд қилинг.

Арвоҳ

(Саҳна тагидан)

Қасамёд қилинг!

Ҳамлет

Аҳа, сен ҳам, оқсоқол, сўзимга шерик?

У нималар сўзлади, эшитдингиз-ку!

Қасамёд қилинг!

Г о р а ц и о

Нима деб қилайлик қасам?

Ҳ а м л е т

«Кўрганимни ҳеч кимга айтмайман!» дея —
Қасам ичинг қиличга қўлларни босиб.

А р в о ҳ

(Саҳна тагидан)

Қасамёд қилинг!

Ҳ а м л е т

Бу ерда ва ҳар ерда?¹ Бу ёққа ўтинг.
Қўлни босинг қиличим дастасига сиз,
«Кўрганимни ҳеч кимга айтмайман!» дея
Қасам қилинг, қиличга қўлларни босиб.

А р в о ҳ

(Саҳна тагидан)

Қасамёд қилинг!

Ҳ а м л е т

Ҳа, кекса кўркаламуш? Ишинг тез экан,
Кавлаб етдинг? Утайлик бошқа бир жойга.

¹ Бу — лотинча бир таъбирдир: «Hic et ubique».

Г о р а ц и о

Кун ҳам, тун ҳам, гувоҳ бўл бу фаройибга!

Ҳ а м л е т

Фаройибот деб ўйланг шу ҳодисани
Горацио, дунёда кўп ҳоллар борким,
Кирмагандур тушда ҳам фалсафангизга
Энди қаранг, керакса сизларга нажот,
Яна бир бор қасамёд қилингни, мендан —
Нима содир бўлса ҳам ёки мен ўзим
Айёрликка қўйсам ҳам ўзимни баъзан —
Сиз менинг шу ҳолимни қилиб томоша
Мана шундай ё мундай қўл қовуштириб
Мана мундай бошингиз чайқаб демайсиз:
«Қайдам, бизмас...» «Хоҳласа айтар эдик-ку».
«Қошки хоҳишманд бўлсам...», «Айтар эдик-ку»
Мана талаб: мен ҳақда нима сезсангиз
Бу тўғрида ҳеч кимга қилманг ишора.
Мана шунга қасамёд қилинг, худованд
Бўлгай сизга мадакдор.

А р в о ҳ

(Саҳна тагидан)

Қасамёд қилинг!

Ҳ а м л е т

Ором топгин, фитнакор, безовта арвоҳ!
Афандилар мен сизга ихлосманд, тобе.
Бу дўстликнинг далилин Ҳамлетдай фақер,

Ҳақирона бечора,— вақти келганда —
Сизга кўрсата олур, худо ёр бўлса.
Энди бирга юрингиз,— яна эслатай.
Лабингизга босингиз жимлик бармоғин.
Замонларни улаган иплар узилди.
Шу узилган ипларни нечун боғлайин!
Бирга юрингиз.

Кетадилар.

II ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Эльсинор. Полоний уйда бир хона.
Полоний ва Рейнальдо кириб келадилар.

Полоний

Мана унга бу мактуб, бу пул, Рейнальдо!

Рейнальдо

Топширгайман.

Полоний

Ва яна маъқул гап шуки,—
Кўришмасдан бурунроқ у билан, дўстим,
Унинг ҳолу феълни суритирсангиз.

Рейнальдо

Ўзимнинг ҳам ниятим шудир.

Полоний

Офарин.

Юз офарин, сиз, ошно, дастлаб Париждэ

Даниялик кимлар бор, шуни билингиз,
 Пулдормилар, қаердан улар насаби?
 Хоналари қаерда, дўстлари кимлар,
 Мабодо танисалар менинг ўғлимни —
 Саволларни ёғдиринг, аммо пардалик.
 Ўзингизни кўрсатинг узоқ танишдай.
 Сўнгра қилинг, масалан, шундай даромад:
 «У кишининг дўстларин танийман, ҳатто —
 Учратганман отасин, ўзи ҳам қисман —
 Менга ошна бўлади», тушундингизми?

Рейнальдо

Ҳа, лордим, тамомила!

Полоний

«Ўзи ҳам қисман —
 Менга ошна бўлади». Дейсиз шу тахлит.
 Сўнгра қўшинг: «Ошномиз, аммо жуда кам.
 Лекин яна у эски беаза бўлса...»
 Фалон-фистон дейсиз-у, боплаб қўясиз.
 Уни ўлган ҳисоблаб истаган гапни,
 Тўқий беринг, гапиринг, сира ҳайиқмай.
 Аммо бундан келмасин номусга иснод.
 Бунга эҳтиёт бўлинг. Бўлак шўхликлар,
 Эрк ва ёшлик ишларин айтинг бемалол.

Рейнальдо

Чунончи, қиморбозлик?

П о л о н и й

Майли, гапиринг.
Жанжалкашлик, майхўрлик, оғзи бузуқлик,
Қизларга хушторлиги ҳақида сўзланг.

Р е й н а л ь д о

Номусига доғ — иснод келмасин дейман!

П о л о н и й

Хунар шуки: гап-сўзлар тушгай ўрнига.
Қораламанг жуда ҳам ҳаддан ошириб,
Бу бемаҳал қўрсликдан зотан не фойда?
Йўқ, азизим, аксинча, шундай қилингки,
Унинг барча хатоси ва нуқсонлари —
Одамларга кўринсин бебошлик каби,
Узрлик бир хумпарлик ва ёшлик каби.

Р е й н а л ь д о

Ажабо бу...

П о л о н и й

Бу нечун, демоқчидирсиз?

Р е й н а л ь д о

Шундай, жаноб, нимага шунчалар ташвиш?

П о л о н и й

Мана менинг мўлжалим. Бу йўл — бехато.
Сиз гўёки бегараз бир шева билан —

— Иш маҳали салгина енг кирлангандай,—
 Уғлимга доғ қўйсангиз, сизнинг ҳамсуҳбат —
 Дарҳол сизга «ҳа-ҳа» деб бўлгуси шерик.
 Мабодо у ўзи ҳам ўғлимдан шу хил —
 Қилиқлар кўрган бўлса, сўзингиз бўлиб
 Қистирар ўз мансабу расмига кўра
 Шу тахлит иборалар: «афандим», ёки —
 «Балли дўстим» ва ёки «ҳа шундай, тақсир!»

Рейнальдо

Жуда тўғри.

Полоний

Ҳа, ўлманг, мана ўша пайт...
 Ҳа, айтгандай нима демоқчи эдим? Имонимга
 Онт ичаманки, мен нималарнидир айтмоқчи
 эдим-а.

Нимада тўхтаган эдим?

Рейнальдо

Дедингизки: «Сўзингиз бўлиб...»

Полоний

«Ҳа, бўлиб.

Ҳа, бўлиб қистиради ва айтадики:
 Ҳа биламан мен ўша йнгитни. Кеча,
 Ё туновкун у фалон-пистонлар билан
 Фалон-пистон жойларда бирга бўлувди.
 Улар копток ўйнашди, бу-чи: маст-аласт.
 Ахир ўйин тугади муштбозлик билан». —
 Ёки бошқа хил айтур: «Ўзим гувоҳман —

У кўп борар маълум бир савдо уйига,
 Ва у ерда берилар айшу ишратга»
 Ва ҳоказо, ҳоказо. Тушундингизми?
 Ёлғонлардан қурган шу тузоғингизга
 Албат тушиб қолғуси ҳақиқат қуши.
 Биз фаросат аҳлимиз. Ана шу тахлит
 Эгри йўлдан чиқамиз рост-тўғри йўлга.
 Шу усулни қўлланинг ўғлимга ҳам сиз.
 Қани, энди аниқми, тушунарлими?

Рейнальдо

Батамом.

Полоний

Хўб бўлмаса, саломат бўлинг.

Рейнальдо

Шафқатпаноҳ афандим.

Полоний

Аmmo сезмасин —

Орқасидан кўз бўлиб юрганингизни.

Рейнальдо

Асло, милорд.

Полоний

Ва яна шуни билингки —

Ҳар кимнинг ўзидадур ўз ихтиёри,
 Ҳақ йўлни топганларга жаннати аъло.

Рейнальдо

Тушундим.

Полоний

Оқ йўл бўлсин.

Рейнальдо кетади. Офелия киради.

Офелия! Не гап?

Офелия

Эй худованд! Билсангиз, қандай қўрқибман.

Полоний

Худо ўзи сақласин! Нега?

Офелия

Мен ҳали —

Қашта тикиб ўтирсам шаҳзода Ҳамлет —
Кириб келди: бошяланг, ёқалар очик,
Боғичсиз пайпоқлари тўпиққа тушган,
Шундай безиллайдики, тиззаларининг
Дир-дир титраб уришин эшитса бўлур.
Шунча ҳам довдираган, гўё шу тобда —
Дўзахнинг даҳшатидан сўзламоқ учун
Ер тагидан чиққандай.

П о л о н и й

Балки, у сенинг —
Муҳаббатинг куйида шайдо бўлибдур?¹

О ф е л и я

Қайдам. Балки!

П о л о н и й

Нималар айтаётир ул?

О ф е л и я

Билагимни бир сиқиб, бир оз тисланди.
Сўнгра иккинчи қўлин қўйиб қаншарга
Менга тикилиб боқди сураткаш каби.
Анча вақт давом этди шу ғалати ҳол.
Қўлимни бир силтигач уч таъзим қилди,
Ва шу қадар чуқур бир оҳ тортдики, мен —
Уйладимки узилди сўнгги нафаси.
Бундан кейин қўлимни қўйиб, юбориб
Қайрилиб менга қараб кета бошлади,
Йўлига қарамасдан кетар эди у,
Шу ғалати ҳолатда чиқди эшикдан,
Аммо тикилган эди менга кўзлари.

П о л о н и й

Юр мен билан қиролни топиб олайлик.
Бу мутлақо муҳаббат ошифталиги,
Муҳаббатда шайдолик ҳазил гап эмас,

¹ Ҳамлет Офелияни чиндан севар эди. Бироқ отасининг хун қасосини амакиси Клавдийдан олишга қатъий қарор бергани учун ўз севгисини босиб Офелия билан хайрлашмоқчи бўлган. Унинг ғалати қилиқларини одамлар шайдолик (жин-нилик) деб тушунадилар.

Энг кутилмас балолар юз берар ундан.
 Зотан, бизнинг дунёда ҳар хил эҳтирос
 Бизни қилиб овора хатар келтирар.
 Кўп таассуф! Балки сен сўнгги кунларда
 Унга озор бергудай бир иш қилибсан?

О ф е л и я

Йўқ, шекилли. Аммо мен ўгитингизни —
 Эсда тутиб рад этдим зиёратини,
 Ва юборган хатини.

П о л о н и й

Шундай экан-да!

Ўйламасдан, шошилиб, қизиб, Ҳамлетни
 Енгилтак деб ўйлабман, хато қилибман.
 У сен билан ўйнашиб, ташлаб кетади —
 Деб ўйлабман, бекорга гумон қилибман.
 Тангри гувоҳ, чолларнинг гуноҳи шуки
 Ҳаддан ошиқ қилурлар эҳтиёткорлик.
 Ешларда бепарволик гуноҳ бўлгандай.
 Юр, қилайлик ҳаммасин подшоҳга арз.
 Баъзан очиқ эътироф этмоқдан кўра —
 Сукут этиб ийманмоқ юз чандон ёмон.
 Қани, кетдик!

ИККИНЧИ САҲНА

Яна у ер. Қасрда бир хона. Қирол, малика, Розен-
 кранц, Гильденстерн ва маҳрамлар кириб кел-
 дилар.

Қ и р о л

Хуш келибсиз Розенкранц ҳам Гильденстерн!
 Дийдорларинг кўрмоққа кўп муштоқ эдик.

Энди ҳожат ҳам чиқди шунинг устига.
 Сиз албатта хабардор бўлсангиз керак,
 Ҳамлетда зоҳир бўлган ўзгаришлардан,
 Сурати ҳам, ахлоқи ҳам шунча ўзгарди,
 Ки ҳеч таниб бўлмайди. Тушунолмаيمان.
 Отасининг вафоти дардидан бошқа
 Яна қандай дардисар бу ишга боис.
 Иккингиздан ҳам ўтинч, сизлар қадимдан —
 У билан мактабдошу тенгқур бўлгансиз,
 Унинг феълу хулқига ошносизлар.
 Истироҳат кунларин бизга бағишлаб,
 Бир муддат кошонада меҳмон бўлинглар.
 Улфат бўлинг ва фурсат бўлса ҳамоно,
 Авиқлангки, қайси сир қийнайди уни.
 Дард билинса, давосин топмоқлик осон.

М а л и к а

У сизларни, жаноблар, кўп тилга олар,
 Ишонингки, дунёда сизларча унинг —
 Ихлос қўйган бошқа бир дўстлари йўқдир.
 Агар илтифот қилиб шу вақтингизни
 Бизнинг хоҳишимизга сарф айласангиз —
 Билгайсизки, лутф этиб шу келишингиз,—
 Шоҳона мукофотга бўлур сазовор.

Р о з е н к р а н ц

Зоти-оилларингиз ўз хоҳишларин
 Ўтинч эмас, амр-ила изҳор этмоққа
 Шоҳона ҳуқуқлари бор-ку, ҳазратлар!

Г и л ь д е н с т е р н

Камарбаста турибмиз, сизларга муте,
 Бу пойи шоҳснада кутамиз фармон.

Қирол

Қуллуқ сизга, Гильденстери ва Розенкранц.

Малика

Қуллуқ сизга, Гильденстери ва Розенкранц.
 Лутфан, дарҳол ўтингиз ўғлимни кига.
 У ғоят ўзгарибди! Жаноблар, сиздан
 Бирон тангиз кузатинг шу меҳмонларни.

Гильденстери

Иншоолло, бизнинг бу суҳбатларимиз
 Дардига чора бўлмай!

Малика

Худо мадаккор.

Розенкранц, Гильденстери ва баъзи бир маҳрам-
 лар чиқиб кетади. Полоний кириб келади.

Полоний

Норвегияга юборган элчиларимиз
 Эсон-омон қайтишди, аъло ҳазратим.

Қирол

Сен доимо хуш хабар олиб келасан.

П о л о н и й

Бундан буён ҳам шундай бўлур, подшоҳим.
 Худовандга қанчалик ҳам бўлса руҳим,
 Қиролимга бурчимдур шунчалик хизмат.
 Биласизми, нимани арз этмоқчиман?
 Ё миям айнигандур шунчаликки, мен —
 Искович, ит бўлишдан ҳам ожиздурман,
 Ё бўлмаса топганман илдизларини —
 Ҳамлетдаги ошифта аҳволларнинг мен.

Қ и р о л

Дарҳол сўйла. Сабрим йўқ ортиқ кутишга.

П о л о н и й

Сиз, дастлаб элчиларни қабул қилсангиз.
 Сирим шунинг, устига, шарбатдай бўлур.

Қ и р о л

Бўлмаса, сен уларга ўзинг пешвоз чиқ!

П о л о н и й чиқади.

Гертруда, у дейдики, бадбахт Ҳамлетнинг
 Жиннилик сабабларин топганмиш, гўё.

М а л и к а

Бахтга қарши, бу ҳолга, битта сабаб бор:
 Қирол ўлди, биз эса дарров тўй қилдик.

Қирол

Ўзимиз аниқлаймиз.

Полоний қайтиб келади, у билан бирга Вольтиманд
ва Корнелий.

Салом, дўстларим!

Нима айтди биродар норвег қироли!

Вольтиманд

Сизга ташаккур қилиб иқбол тилади.
Қўшинга ихтиёрлий аскар тўпламоқ
Масаласин у тамом тақиқлаб қўйди.
Ҳозиргача, у буни Польшага қарши —
Сафарга тайёрлик деб ўйлаган экан.
Аммо, кейин у бундан мақсад, афтидан
Сизга ғараз эканини фаҳмлаб олган.
У кекса ва хастаҳол бўлгани ҳолда —
Жиян уни алдаган. Шоҳ ғазабланди.
Келсин дея буюрди. Келди Фортинбрас.
Амакиси уни хўб уришди, сўкди.
Ниҳоят Фортинбрас, сиз жанобларга —
Ҳеч қандай қасд қилмасин, деб тилхат берди.
Бу тавбадан қувонган кекса подшоҳ
Йилига уч минг крон маош тайинлаб
Унга рухсат бердики, йиғган лашкарини
Польшага қарши сафар учун бошласин.
Иловада у сиздан кўп сўрайдики —

(Қиролга бир қоғоз чўзиб беради)

Сизга қарам ерлардан ўтиб боргани

Қўшинларга ижозат бергайсиз, зотан —
Бу тўғрида номада кафолат ҳам бор.

Қирол

Ишларнинг авзодан кўп мамнун бўлдик.
Вақт борида батафсил ўқиб номани,
Лойиқ жавоб ёзармиз ўйлашиб баҳам,
Файратларингга балли. Энди дам олинг.
Кеч марҳамат қилгайсиз базми-олийга.
Хайр, ҳозирча.

Вольтиманд ва Корнелий кетадилар.

Полоний

Бу ишда беш кетдик, шоҳим.
Гапни чўзмоқ — ортиқча, аълоҳазратлар.
Қирол, ким-у, қарол ким, бу маълум нарса.
Вақт-вақт экан, кундуз — кун, кечқурун — оқшом,
Бу гапларни баҳс қилиб исботлаш ўзи —
Кундузнӣ ҳам, кечни ҳам нобуд қилмоқдир.
Модомики камгаплик ақлга жондур,
Сергаплик бу ақлнинг тани — безағи.
Мен ҳам қисқа сўзлайман. Уғлингиз — жинни.
Жинни дедим, чунки жин ургандир уни.
Бу-ку майли.

Малика

Гапиринг бекиноя, тез.

Полоний

Бу ерда ҳеч киноя йўқдир, маликам.
Унинг жинни бўлгани? Бу бир ҳақиқат,

Бу бир ҳақиқат экан — жуда таассуф.
 Таассуф қилганимиз — ўзи ҳақиқат.
 Кўп бемаъни жумлалар. Менга барибир.
 Киноясиз гапирай: демак: у жишии.
 Бу ҳолатнинг сабабини топмоқлик керак.
 Бу ҳолатми, иллатми?— аниқлаш лозим.
 Чунки ҳолат ўзи ҳам иллатлик бўлур.
 Нимага ҳожат бўлса, у бизга керак.
 Хўш, мен нима демоқчи?
 Бир қизим бор, чунки қиз ўзи — меники.
 У итоат важҳидан менга берганин
 Сизларга ўқиб берай, яхши тинглангиз.

(Уқийди)

«Жонимнинг нигори, илоҳи, соҳиби жамол
 Офелияга».
 Бу ибора суюқ ибора. «Соҳиби жамол» кўп
 чайналган
 ҳам бачкана сўз. Хайр, нарисини эшитингиз.
 Мана:

(Уқийди.)

«Унинг сўлум, оппоқ кўксига бу...» ва ҳоказо ва
 ҳоказо.

М а л и к а

Буни Ҳамлет ёзганми?

П о л о н и й

Бир оз сабр этинг.

Мен ҳаммасини, батартиб, ўқиб бераман.

(Уқийди)

«Нурга келтирма имон,
Ишонмагин ҳеч кимга,
Ҳақиқатга қил гумон
Ишон менинг севгимга.

Оҳ, азизим Офелия, мен шеърбозлик ҳунари билан чиқишолмайман, Оҳу фарёдни қофияга солишга ишқибоз эмасман. Аммо, сени жони дилдан севганимга, гўзалим, ишон. Хайр. Бебаҳом, жоним танимдан жудо бўлгунча бутун борлиғи билан сеники бўлмиш Ҳамлет».

Мана, итоаткор қиз менга берган хат,
Бундан бошқа қаерда, қайси маҳалда
Ҳамлет унга илтифот кўрсатганини —
Қизим менга сўзлади ўз оғзи билан.

Қ и р о л

Қиз, унинг севгисига нима дер экан?

П о л о н и й

Ҳақимда, қиролимнинг раъйлари қандай?

Қ и р о л

Сизни номус, садоқат ўрнаги дейман.

П о л о н и й

Донм шундай бўлсам мамнун бўлурман,
Биласизми, бу ишқни қизимдан олдин

Мен пайқадим, ҳаттоки, куртак ҳолида.
 Шояд бундай хатларга бепарво қолсам,
 Панжара орасидан қарасам эди,
 Юрагимга жим бўл деб, буюрсам эди —
 Сизлар, шоҳим, маликам — бу ҳолни кўриб:
 Мени қандай ота деб ўйлар эдингиз?
 Йўқ, мен дарҳол қизимга дангал айтдимки:
 «Лорд Ҳамлет — шаҳзодадир, унинг юлдузи —
 Сеникидан бошқача. Қўй бу савдони!»
 Унга насиҳат қилдим, қалбин қулфлаб
 Ҳамлетнинг элчиларин ҳайдаб юборсин,
 Совғаларин қайтарсин, деб ўгит бердим.
 Қиз сўзимга бўйсунди. Натижада-чи:
 Қалта қилиб айтганда, бечора ошиқ,
 Ғусса чека бошлади, камовқат бўлди,
 Ухлаёлмай дард чекди, мадори кетди,
 Енгилгина довираб безовта юрди,
 Ва ахири тушди шу девоналикка,
 Шу жазава туфайли қурди шўримиз.

Қ и р о л

Сиз-чи, қандай ўйлайсиз?,

М а л и к а

Ростга ўхшайди.

П о л о н и й

Мен, қачон «гап шундайдир» деб сўйласам,
 Тескари чиққанини ҳеч, кўрганмисиз?

Қирол

Эсимда йўқ.

Полоний

(ўз бошини ва елкаларини кўрсатиб)

Бу гал ҳам гапим ҳақиқат.
Бўлмаса, жудо қиллинг бошни елкамдан.
Қўлимда мен йўловчи ипни ушласам
Топаман ер тагидан ҳаққониятни.

Қирол

Буни қандай текширсак?

Полоний

Бу жуда осон.
Гандираклаб юрар у даҳлизма даҳлиз
Кунни бўйи.

Малика

Бу гап ҳам мутлақо тўғри.

Полоний

Бўлмаса, учрашдирай қиз билан уни,
Пойлаб турсак иккимиз парда ортидан.
Уларнинг учрашувин ўзингиз кўринг.
Мабодо, у қизимга ошиқ бўлмаса,
Касалига бўлак важ очилиб қолса —

Демак мен янглишибман, мен вазир эмас,—
Балки, карвонсаройда саройбондурман.

Қирол

Хўш, бўлмаса, биз уни пойлаб қўрармиз.

Малика

Мана, шўрлик ўзи ҳам, қўлида китоб.

Полоний

Иккалангиз ҳам чиқинг, бир четга чиқинг.
Мен уни гапга солай. Кечиринг мени.

Қирол, малика ва маҳрамлар кетадилар. Ҳамлет
китобни ўқигани ҳолда кириб келади.

Ҳамлет афандимнинг кайфлари қалай?

Ҳамлет

Худога шукур, яхши.

Полоний

Сиз мени танийсизми, милорд?

Ҳамлет

Жуда яхши танийман. Сиз — балиқфуруш¹

¹ «Сиз — балиқфуруш» — Ҳамлет ўзини атайлаб девона-тентакликка солиб, заҳарханда имоларни ишлатади.

П о л о н и й

Иўғ-э! Нима деяпсиз, милорд.

Ҳ а м л е т

Бўлмаса, балиқфурушлардай ҳалол бўлсангиз зарар қилмас эди.

П о л о н и й

Ҳалол дейсизми, милорд?

Ҳ а м л е т

Ҳа, жаноб. Замонамизда ҳалол бўлиш дегани, ўн минг киши ичида яккаю ягона дегани бўлади.

П о л о н и й

Гапингиз айна ҳақиқат милорд.

Ҳ а м л е т

(ўқийди)

«Ахир, нима ҳам дер эдингиз! Модомики ҳатто офтобдай илоҳий бир қудрат чувалчанглари болалатиб кўпайтирар, ўлаксалари ўз шуълалари билан силаб турар экан, у ҳолда...» Ҳа, айтгандек сизнинг қизингиз бор-а?

П о л о н и й

Ҳа, бор, милорд.

Ҳ а м л е т

Уни қуёшга чиқармай туринг. Анқайиб қўлдан кетгизманг, ошнам!

П о л о н и й

(*ўз-ўзига*)

Энди бунга нима деб бўлади? Гапнинг иккидан бири қизим устида. Аммо мени бирданига таниёлмади. Эмиш, мен балиқ савдогари эмишман. Жиннилик зеҳнини бадтар хира қилибди. Ундай десам, ёшлигимда мен ҳам муҳаббатнинг балоларига кўп йўлиққанман-ку-я! Шундай бўлишимга сал қолган эди. Яна гапга солиб кўрай-чи.— Милорд, ўқнётганингиз нима?

Ҳ а м л е т

Сўзу, сўзу, сўз...

П о л о н и й

Узи у ерда нима гап, милорд?

Ҳ а м л е т

Кимлар ўртасида?

П о л о н и й

Мен, қўлингиздаги китобда нима ёзилганини сўраётирман.

Ҳ а м л е т

Тухмат ёзилган. Бу муттаҳам ҳажвчининг ёзганига ишонсак эмиш, чолларнинг соқоллари оқ бўлармиш,

бетлари ажинларга тўлармиш, гўё кўзларидан мум шираси ва олхўри елими қуюқ-қуюқ оқиб кетармиш ва гўё уларнинг калласида ақлдан хотиржамлик, сонларида эса дармондан камлик содир бўлармиш. Буларнинг ҳаммасига мен, тақсир, қулайгина ишонавераман-у, лекин бу гапларни нашр қилиб чиқаришни одобсизлик деб ҳисоблайман. Зероки, сиз ўзингиз ҳам қисқичбақа сингари орқага тисланиб турсангиз, жаноби олий, бир кун менга ўхшаб қариб қоларсиз-ку, ахир.

П о л о н и й

(ўзи-ўзига)

Буники жиннилик бўлса ҳам, баҳорҳол анча силсиласи борга ўхшайди.— Очиқ ҳавода шамоллаб қоларсиз. Шундан кўра нарироқ жилсак бўлмасмикин, милорд?

Ҳ а м л е т

Қаерга, гўргами?

П о л о н и й

Дарвоқе, ундан нарироқ жой ҳам йўқ.

(Ўзича.)

Бунинг жавоблари, аҳён-аҳён нақадар кароматли-я! Бир хил ақли қосирлардан шундай ҳозиржавоб гаплар чиқиб қоладики, ақли расо одамларда бундай гапларни кам учратасан, киши! Лекин энди бориб, қизим билан буни учраштиришнинг чораларини ўйлашим керак.— Ҳурматли шаҳзода, кетишимга ижозат бергайсиз!

Ҳ а м л е т

Нимани ҳам сизга берай! Ўзимдан ажратиб сизга бемалол берадиган ҳеч нарсам йўқ. Ҳаётимдан бошқа йўқ, ҳаётимдан бошқа йўқ, ҳаётимдан бошқа йўқ.

П о л о н и й

Омон бўлинг, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Оҳ, тинкамга тегди шу кекса лақмалар!

Розенкранц билан Гильденстерн кириб келадилар

П о л о н и й

Сизга шаҳзода Ҳамлет керакми? Мана худди
ўзларин.

Розенкранц

(Полонийга)

Раҳмат, тақсир!

Полоний кетади.

Гильденстерн

Ҳурматли шаҳзода!

Розенкранц

Қимматли шаҳзода!

Ҳ а м л е т

Ҳа, меҳрибон дўстларим! Сенми, Гильденстерн?
Ҳа, сенмисан Розенкранц? Хўш, ишлар қалай?

Р о з е н к р а н ц

Дунёдаги одамлар қатори, дуруст!

Г и л ь д е н с т е р н

Бахтимизга, бахтимиз ҳаддан ошмайди:
Толе бизни бошига кўтарган эмас!

Ҳ а м л е т

Этигига пошна ҳам қилмаган, дейман!

Р о з е н к р а н ц

Биз — на униси шаҳзода ва на буниси!

Ҳ а м л е т

Буниси жуда соз! Лекин, янги гаплардан эшитсак!

Г и л ь д е н с т е р н

Янги гап, шаҳзодам, шуки, дунёю оламда виждон
деган бир нарса пайдо бўлган эмиш.

Ҳ а м л е т

Эҳтимол, охир замон яқин бўлса. Ҳар қалай, олган
хабарларингиз нотўғри. Энди, келинг, батафсил гапла-

шайлик. Сизлар менинг азизларим, Фортунани, у толе маъбудасини нима қилиб шунча дарғазаб қилдиларингки, у сизларни шу ерга — зиндонга юбэрибди!

Гильденстерн

Нега зиндонга бўлсин, шаҳзода?

Ҳамлет

Дания — зиндон.

Розенкранц

Ундай десангиз, бутун дунё — зиндон.

Ҳамлет

Ҳа, шунинг устига жуда намунали бир зиндон. У ерда беҳисоб обхоналар, авақталар, чоҳлар борки, булардан энг бадтарини Дания деб атайдилар.

Розенкранц

Биз, бунга қўшилмаймиз, шаҳзода.

Ҳамлет

Демак, у сизлар учун зиндон эмасдир. Зотан, дунёда яхши ва ёмон нарсалар ўзи-ўзидан бўлавермайди. Фақат бизларгина уларга шундай баҳо берамиз. Мен учун Дания — зиндон.

Розенкранц

Демак, сизнинг ғурурингиз уни назарингизда зиндондай кўрсатади. Сизнинг кенг тилакларингизга бу ер торлик қилади.

Ҳамлет

Ё раббим! Мени ёмон тушларнинг азобидан қутқазинг-да, бир ёнғоқ пўчоғининг ичига банд қилинг. Мен у ерда ўзимни бепоён оламнинг султони деб санаган бўлар эдим!

Гильденстерн

Ана, шу тушлар ўзи ғурурликдан туғилади. Мағрур одам нуқул хом хаёллар оламида юради. У ўзи ўзига бино қўйиб юргани юрган. Ҳа, ундоқ одам ўз тушларининг кўланкаси, ўз уйдирмаларининг сояси, холос.

Ҳамлет

Туш — ўзи соядан бошқа нарса эмас-ку!

Розенкранц

Ҳамма гап ҳам шунда! Шундан кўриниб турибдики, киши ўзини катта олиб юриши бежиз ва бемаъни гап. Бундоғ димоғдорлик бор нарсанинг сояси тугул, соянинг сояси деса бўлади.

Ҳамлет

Ундай бўлса фақат ғурурланишга ҳақи қолмаган паст кишиларга бизда чинакам «бор нарса»-ю, чина-

кәм қиммат аҳли — бу паст кишиларнинг сояси экан-да! Бўлди энди. Бекорга бош қотиришдан кўра, аркка борсак бўлмайдами? Азбаройи ҳақ, менинг ҳозир каллам тамомила гаранг!

Розенкранц ҳам Гильденстерн

Биз доимо орқангиздан юриб хизматингизни ўтаймиз.

Ҳамлет

Нега керак, охир! Менинг ўз хизматкорларим, сўнгги вақтларда орқамдан юриб ҳар қадамимни пойлаб турибдилар. Энди сизлар, қўлни юракка босиб ростини айтинглар: Эльсинорда нима қилиб юрибсизлар?

Розенкранц

Фақат, сизга меҳмонга келдик, шаҳзода, бошқа муддао йўқ.

Ҳамлет

Мен фақир бўлганлигим учун, миннатдорчилигим ҳам шунга яраша кўп бўлолмайди. Лекин ҳар ҳолда сизлардан миннатдорман. Гапнинг рости, сизлар шу миннатдорчиликка арзимайсизлар. Сизни чақириб олиб келган эмасмикин? Бу — сизнинг ўз хоҳишингизми? Ўз ихтиёрингиз билан келдингизми? Ҳа? Лутфан, виждоний гапиринг. Ҳа? Ҳа? Қани?

Гильденстерн

Сизга нима десак, милорд?

Ҳамлет

Бор гапдан бошқа нимани хоҳласаларинг айтаве-
ринг! Сизни чақириб олиб келганлар. Кўзларингизда
иқрорни кўраман. Сиз ўзингизни қанча тутсангиз ҳам
бу иқрорни яширолмайсиз. Биламан, бизнинг шафқат-
ли қирол ва қироличамиз сизларни чақиртириб олган-
лар.

Розенкранц

Қандай ният бўлиши мумкин экан, шаҳзода?

Ҳамлет

Буни сиз, мендан кўра яхшироқ биларсиз. Лекин
ўртоқлик ҳақиға, илгариги қадрдонлик, меҳрибонлик,
маслакдошлик ҳурматиға ва булардан ҳам азиз эъти-
қодлар ҳурматиға мени лақиллатмай, рўй-ростини ай-
тинг: сизни чақиришиб келишдимиз, йўқми?

Розенкранц (*Гильденстернга*)

Нима дейсиз?

Ҳамлет

(*Ўз-ўзига*)

Худди мўлжалға тегибди!—Мени яхши кўрач-
ларнинг яширманглар.

Гильденстерн

Милорд, бизларни чақириб олиб келдилар.

Ҳамлет

Нимага эканлигини мен сизга айтиб берайми? Шу билан менинг сезишим сизнинг иқрорингиздан илгарироқ бўлган бўлади ва шундай қилиб сизнинг қиролга ва маликага бўлган садоқатингиз ўзининг бир ҳаром тукини ҳам йўқотмайди. Сўнгги вақтларда, негадир, мен ўзимнинг қувноқлигимни ва шуғулланиш одатларимни йўқотиб қўйдим. Руҳим шу қадар изтиробдаки, коинотнинг бу гулзори, бу дунёи-олам назаримда унумсиз бир қоядай; бу — фалакларга кўтарилган ҳаво чодир, олтин шуълалар билан ҳалланган бу шоҳона гумбаз эса, бадбўй ва зарарли бугларнинг йиғиндисидай кўринади. Табиатнинг нақадар ажойиб муъжизасидир одамзод! Унинг зеҳни нақадар олижаноб; ундаги қобилиятлар нақадар бепоён! Нақадар мунтазам ва хушбичимдир ул! Феълу атвори фариштага на қадар яқин! Маслак ва қарашлари худовандга шунчалик яқин! Коинотнинг чиройи! Махлуқларнинг тожи, сарвари! Менинг назаримда эса, бу ҳаммаси бир ҳовуч хоки-хокисар, холос. Эр кишиларга қизиқмайман, хотинларга эса,— гарчи сиз бу сўзимга шубҳа қилиб илжаясиз — ундан беш бадтар.

Розенкранц

Шаҳзода, бундай шубҳалар хаёлимга ҳам келган эмас!

Ҳамлет

Бўлмаса, эр кишилар мени қизиқтирмайди, деганимда нега илжайдингиз?

Розенкранц

Сўзларингизни эшитганимда ичимда айтдимки, «бундай бўлса актёрлар жуда совуқ кутиб олинар экан-да». Йўлда улар биздан кейин қолган эдилар. Улар бу ерга, хизматингизга келмоқдалар.

Ҳамлет

Қирол ролини ўйновчига — қуйи таъзимлар. Мен ул аълоҳазрат жанобларининг бож тўловчиси бўламан. Дайди баҳодир ролида ўйновчи ҳам ўз қилич ва қалқонига лойиқ иш топар. Ошиқ ролидагининг оҳлари ҳам бекорга кетмас. Савдойимижоз ролидаги актёр ўзига оромгоҳ топиб олар. Қитиқланишга мунтазир бўлган қорин эгалари қизиқнинг ўйинларини кўрганларида шу қадар хахолаб куладиларки, уларнинг ичаклари ҳам узилиб кетади. Қаҳрамон қиз ролидаги актриса бўлса, шеърнинг вази — бошқаси билан ўзини қийнаб ўтирмай, ўз юрагини эркин-эркин очиб бераверсин! Қандай актёрлар улар?

Розенкранц

Сизга ҳамма вақт ёқиб келган актёрларнинг ўзлари, — пойтахт трагиклари.

Ҳамлет

Нега улар дайдиб юрадилар? Доимо бир жойда истиқомат қилсалар, пул жиҳатидан ҳам, шуҳрат жиҳатидан ҳам уларга фойдалироқ бўлар эди-ку.

Розенкранц

Фикримча, сўнгги маҳалда чиқарилган янги қондалар уларни шундай дарбадар юришга мажбур этгандир.

Ҳамлет

Уларни ҳозир ҳам мен шаҳарда бўлган маҳалдагидай, қадрлайдиларми? Даромадлари ҳамон эскичами?

Розенкранц

Йўқ. У гаплар қаёқда дейсиз?

Ҳамлет

Нечук? Наҳотки уларнинг мазаси қочибди?

Розенкранц

Йўқ, улар ўз соҳаларида илгаридай уддабуро усталар. Аммо шаҳарда, ўз уяларидан зўрға бош чиқарган бир қанча болалар пайдо бўлдики, булар ўз овозларини авжга кўтариб, ажойиб олқишларга сазовор бўлмоқдалар. Уларнинг ҳозир ошиқлари олчи. Шу маҳалда улар, эски театрларга шундай ҳужум қилмоқдаларки, ҳатто қиличбоз, сипоҳийлар ҳам матбуотнинг

масхаралашидан хавфсираб, театрларга бормаи кўйдилар.

Ҳамлет

Нима, нима, шу болаларми? Ким уларни боқади? Уларга ойлик қайси ҳисобдан тўланади? Уларнинг товушлари йўғонлашиб қолгунча бу иш уларга ҳунар бўлиб қолдими? Хўш, кейинча: улар ўзлари, ноилож, оддий театрларнинг актёрлари бўлиб қолганларида нима бўлади? Ўз истиқболларининг хароб бўлгани учун улар бунга сабабчи бўлган катталардан аразламайдими?

Розенкранц

Тўғриси айтганда, ҳар иккала томондан ҳам кўп шовқин-сурон кўтарилди. Халқ бўлса буларни бир-бирига қайраб солишдан ҳазар қилмайди. Ҳатто шундай вақтлар ҳам бўлдики, пьесада ғаним пачақланмаса, унга ҳеч нарса тўламайдиган бўлдилар.

Ҳамлет

Ростми шу?

Гильденстерн

Ҳа. Шу орада озмунча қонлар бузилган эмас!

Ҳамлет

Ҳали ҳам, болаларнинг қўллари баланд, денг?

Розенкранц

Балли, шаҳзода. Улар Геркулес билан бирга унинг жиҳоз-пиҳозларини ҳам ирғитиб ташлайдиган бўлиб қолдилар.

Ҳамлет

Зотан, бу таажжуб эмас. Масалан, ҳозир менинг амаким — Дания қироли бўлиб олди. Аммо отам тиригида, амакимни майна қилганлар ҳозир унинг кичик бир суратчасига йигирма, қирқ, эллик, ҳатто юз дукат пул тўлайдилар. Тавба. Бунда табиатдан устун турган бир ҳолат бор. Қошки, фалсафа буни бир синчиклаб кўрса.

Саҳна орқасидан карнайлар товуши.

Гильденстерн

Ана, актёрлар ҳам келишди.

Ҳамлет

Эльсинорга хуш келибсизлар, жаноблар! Қани қўлларни сиқиб бир кўришайлик, ўртоқлар. Меҳмондўстликда одоб ҳам назокат шарт-ку ахир. Шундай қилиб, сиз билан кўришмасам, менинг актёрлар билан учрашувимдаги муомаламни кўриб уларга кўпроқ меҳрибонлик кўрсатдим деб ўйлаб қолишингиз мумкин-да. Яна: хуш келибсизлар! Аммо менинг амаки — отам ва амма — онам янглишмоқдалар!

Гильденстерн

Қайси маънода, милорд?

Ҳамлет

Менинг фақат ғарби-шимолий шамоллари эсганданига жинниликим тутади. Аммо жануб шамоллари эсиб турса, лочинни қарқарадан ажратишга ҳали фаҳим етарли.

Полоний кириб келади.

Полоний

Салом, афандилар.

Ҳамлет

Эшитинг, Гильденстерн, сиз ҳам Розенкранц эшитинг! Ҳар бир қулоққа биттадан соме. Шу кўриб турган кекса гўдагингиз, ҳали йўргакдан чиққанича йўқ

Розенкранц

Эҳтимол у қайтадан йўргакка ўралашиб қолгандир. Ахир кекса кексайган сари болага айланиб кетади, дейдилар-ку.

Ҳамлет

Билиб турибманки, бу ҳам ҳозир актёрлар тўғрисида сўзламоқчи. Мана кўрасиз!— Мутлақ тўғридир, тақсир. Айтганингиздай душанба куни эрталаб.

Полоний

Милорд, сизга янги хабарлар олиб келдим...

Ҳ а м л е т

Милорд, сизга янги хабарлар олиб келдим. Қачонки Росций¹ Румода актёр эди.

П о л о н и й

Актёрлар келишди, милорд.

Ҳ а м л е т (*товуқни тақлид қилиб*)

ҚОҚОҒ-ҚОҚ-ҚОҚ, ҚОҒОҚ-ҚОҚОҚОҚ.

П о л о н и й

Худо ҳақи, келишди, жаноб.

Ҳ а м л е т

Эшак миниб чопишган шу тоб

П о л о н и й

Булар дунёнинг энг яхши актёрлари бўлиб, ҳар кимнинг ҳам таъбини қитиқлай оладилар. Чунончи: трагедиялар, комедиялар, хроникалар, пастораллар, яъни чўпон пьесалари, пасторал — комик асарлар, тарихий — пасторал ва булардан бошқа ҳар хил саҳналар учун ҳар хил пьесаларга улар уста. Сенеканинг сипоҳийлиги, Плавтнинг чаққонлиги — улар учун ҳеч

¹ Росций — эрамаздан бұрунги I асрда яшаган машҳур рим актёри.

гап эмас.¹ Ёддан ўқиш ва ҳозиржавобликда улар яқкаю ягоналар.

Ҳ а м л е т

Э — сен, бани-Исроилнинг қозиси Евфий,² не-не хазиналаринг бор бўлган сенинг!..

П о л о н и й

У кишининг қандай хазиналари бўлган экан, милорд?

Ҳ а м л е т

Бўлмаса-чи:

«Бор эди ягона бир қизи,

Жонини аямасди ўзи».

П о л о н и й

(ўз-ўзига)

Яна гапни қизимга томон буряпти!

Ҳ а м л е т

Ҳа? Гапим нотўғрими, мўйсафид Евфий?

¹ Сенека — Римда трагедиялар ёзган ёзувчи (эрамининг 65 йилларида ўлган); П л а в т — римлик машҳур комедиялар муаллифи (эраминдан 184 йил олдин вафот этган).

² Евфай — Тавротнинг ривоятига кўра, яҳудийларнинг қозиси Евфай деган шахс ўз ягона қизини қурбонликка қўйган. Ҳамлет, Полоний ҳам ўз қизи Офелияни Ҳамлетга қарши фитналарда қурбон қилишга тайёр эканига ишора қилади.

Полоний

Агар ўша Евфий деганингиз мен бўлсам, гапингиз тамоман тўғри: менинг битта қизим бор ва мен ўшандан жонимни ҳам аямайман.

Ҳамлет

Иўқ, бу сира ҳам тўғри эмас.

Полоний

Бўлмаса, нимаси тўғри, милорд?

Ҳамлет

Мана тўғриси қаранг:

«Ахири ҳукм этди худованд,
Хазина эриди муммонанд».

Бунинг давоми — кечирасиз, — диний муножотларнинг биринчи бандидадур, чунки, биз, биласизми, ҳозироқ эрмак қилиб ўйнаб-кулмоқчимиз.

Тўрт ёки беш актёр кириб келади.

Келинлар тақсирлар, қадамларингизга ҳасанот! Хуш кўрдик дўстларим.— Ё пирим-э, бу — ошнойи қадим-ку! Сени қара, кўришмаганимиздан кейин осиб қўйган соқолингни қара-я! Буни, дейман бекиниб олиб, Данияда мендан қулмоқчисан, шекилли? Бу кўраётганим сизми, ойим қиз?¹ Эй осмон маликаси, мен сизни

¹ Сайёр труппада хотин-қизлар родини ўйновчи ўспиринни Ҳамлет «ойим қиз» деб чақиради. Шекспир даврида хотин-қиз ролларида ўсмир болалар ёки йигитлар чиқар эди.

сўнги мартаба кўрганимдан бери сизнинг бўйингиз Венеция пошнаси қадар кўтарилган! Имонимиз комилки, сизнинг товушингиз эътибордан тушиб таомилдан чиқарилган қалбаки тилладай чирқиллаб қолмас! Хуш келибсизлар, тақсирлар! Келинлар, француз қийғирчиларига ўхшаб, биринчи кўрган дорга осилаверайлик! Қани, биронта монолог эшитайлик! Қани, санъатингиздан бирон намуна кўрсатинлар! Ҳа, биронта оташин монолог.

Биринчи актёр

Нечук, монолог, шафқатли шаҳзодам?

Ҳамлет

Сен бир кун менга бир парча ўқиб берган эдинг; у нарса саҳнага қўйилган эмас эди, ё бўлмаса бир марта қўйилиб кишиларга ёқмаган эди шекилли. Кўпчиликка у увулдиқдай бадҳазм бир нарса бўлиб кўринди. Лекин мен, ва мендан ҳам таъби нозик бўлган бир қанчалар ўша нарсани мукамал пьеса¹ деб баҳолаган эдилар. Чунки у, саҳналарга усталлик билан бўлиниб содда ва равон тил билан ёзилган эди. Эсимда, бир хиллари — асардаги шеърларда туз камроғу, тилида ҳам балоғат етмайди, деб эътироз билдирган эдилар. Лекин ҳар ҳолда, улар ҳам асарни дуруст негизли ва равон деб топишган эди. Менга хусусан, бир монолог кўп маъқул тушган эди; бу монолог — Эней

¹ Афтидан бу ерда гап, Шекспирдан олдин ўтган Кристофер Марло (1564—1593) ёзган «Карфаген маликаси Дидона» фожиаси устида боради.

Ўзи ҳақида Дидонага¹ ҳикоя қилиб берган жойи, айниқса Приамнинг² ўлдирилиши ҳақида сўзлаган жойидир. Агар ўша монолог ёдингизда сақланган бўлса, мана шу байтдан бошланг. Ҳозир:

«Журжон³ ерин деви каби у даҳшатли

Пирр...»

Йўқ бошқача. Аммо Пиррдан бошланади у:
«Даҳшатовар ёвуз Пиррнинг⁴ қора совуғи,
Унинг бутун сиёҳ дили тунга ўхшарди.
У ясама от қорнида ётган чоғида.⁵
Энди қора либосини қизилга бўйаб,
Бўлган эди яна мудҳиш, яна дарғазаб.
Энди уни бошдан-оёқ белаган қонлар.—
Эру хотин, ўғил ва қиз қонлари эди.
Енаётган деворларнинг лаққа чўғида,

¹ Қадимги юнон афсоналарига кўра, кичик Осиёдаги Троя шаҳри бир вақтлар юнонлар (греклар) томонидан босиб олиб куйдирилган эмиш. Бу афсонавий уруш буюк шоир Гомернинг «Илиада»сида батафсил тасвирланган. Эней ботир трояликлар томонидан туриб урушда иштирок этган. Троя юнонийлар қўлига ўтгач, Эней юртдан-юртга дайдиб юриб, охири Италияга бориб қолган ва у ерда Рим давлатининг негизини қўйганмиш. Ўзининг дарбадарлик чоғларида, Энейни тўлқинлар Африка соҳилида Карфаген ерига чиқариб ташлаганмиш. Шу келтирилган монологда Эней, Карфаген малikasi Дидонага Троянинг хароб ва ҳалок бўлганини ҳикоя қилиб беради.

² Приам — Троянинг шоҳи бўлган.

³ Журжон деви — йўлбарс кўзда тутитади. Журжон (европаликларда Гиркания) қадим вақтларда Каспий денгизидан Шарққа томон бўлган ерларнинг номи.

⁴ Пирр — юнон қаҳрамони Ахиллнинг ўғли. У отасининг хун қосасини олиш қасдида Приамни ўлдирган.

⁵ Юнонийлар узоқ вақт Троя қалъасини ололмай овора бўлганлар. Шунда улар ҳийла йўлига ўтиб, гўё урушни тўхтатиб Юнонистонга қайтмоқчи бўлганларини трояликларга эшитдирганлар. Троя қўрғони олдида улар ёғочдан ясалган каттагина от жуссасини, гўё таңгриларга назр тариқасида қолдириб кўз кўрсин учун қалъадан узоқлашганлар. Трояликлар бу найрангнинг мағзига тушунмай отни қалъага олиб кириб шаҳар майдонига қўйганлар. Қоронги тунда отнинг қорнида яшириниб ўтирган қуролли греклар майдонга чиқиб олиб шаҳар дарвозасини ўз қўшинларига очиб юборганлар. Юнонийлар (греклар) шаҳарга кириб уни ёқиб юбориб, аҳолисини қириб ташлаганлар. (Афсона.)

Лахта-лахта қон қотибди Пирр либосида.
 Ёнаётган деворларки, ўз оловида
 Бу қотилнинг ниятига ёритарди йўл.
 У шаддод Пирр қонли қобиқ ичида қайнаб
 Қайсарларча олайтириб ваҳший кўзларин
 Излар эди Приамни...»

Бу ёғи сиздан.

Полоний

Азбаройи худо, милорд, бу қироатингиз жуда яхши чикди. Овоз ва зикрингиз жойида.

Биринчи актёр

«Пирр уни топди.

Аммо Приам кўп нотоб бўлганлигидан
 Кўтармоқчи бўлган шамшир тушди қўлидан.
 Чопиб борди унга қараб даҳшатовар Пирр,
 Приамни ўлдиргани ўқталди қилич;
 Аммо буни, шивиллаган қиличдан эсан —
 Шабаданинг ўзгинаси йиқитди ерга.
 Лекин бирдан, ёнаётган Ўрда девори
 Гўё оғир қулаб кетди қотил бошига,
 Пирр ўқталган тигин ушлаб қаққайган эди,
 Гўё қилич қадалганди ҳаво бағрига,
 Суратдаги бир қотилдай қотган эди у.
 Аммо мудом бўрон олди шундай бўлади:
 Ҳаво сокит, осмон жим, булутлар тургун,
 Ҳар ён хомуш бўлганида бирдан гуркираб
 Портлатади у жимликни момақалди роқ...
 Худди шундай: ҳушга келгач даҳшатовар Пирр

Қонталаблик яна бадтар қўзғалди унда.
 Бали, Пиррининг кўл нонинсоф қонли қиличи
 Приамга шундай мудҳиш зарба бердики,
 Жанг тангриси Марсга совут ясаган девлар
 Пўлатни ҳам шунча қаттиқ тоблай олмаслар.
 Уятгин эй бахт тангриси, юзсиз Фортуна!
 Истеъфога чиқарингиз уни маъбудлар.
 Аравасин парчалангиз, туғини олинг,
 Гупчагини синдирунгиз, ўзини ташланг —
 Жаҳаннамга!»

Полоний

Жуда ҳам узун.

Ҳамлет

Майли, буни ҳам сизнинг соқолингиз билан бирга сартарошхонага юборурмиз. Давом этдир, сўрайман. Бу киши фақат балетларни ҳам бепарда латифаларни ёқтиради, холос. Булардан бўлак бирон нарса эшитиб қолса-чи, ухлагуси келади. Давом этдир. Гекуба¹ бобига ўтгин!

Биринчи актёр

«Ким кўрсайди таҳқирланган у маликани...»

Ҳамлет

Таҳқирланган маликани?

¹ Гекуба — Троя подшоҳи Приамнинг хотини.

Полоний

Яхши! «Таҳқирланган маликани», яхши!

Биринчи актёр

У бечора кўз ёшидан сугориб ўтти,
 Яланг оёқ довдиради ноилож, ожиз.
 Тож ўрнига ўраганди бошига рўмол.
 Бир чойшапни ташлаганди қотма танига.
 Бу ҳолатни кимки кўрса бўлиб хўб хуноб,
 Фортунага илолабад ўқирди лаънат.
 Шоҳнинг ўлик жуссасини қийқимлаб — тўграб
 Маликани кўп масхара қилар эди Пирр,
 Кошки, шуни кўрса эди тангрилар, кошки,
 Кошки шунда одамларнинг фиғони-оҳи
 Тангриларнинг юрагига қилсайди таъсир,—
 Шунда ўша бечоранинг оҳу фарёди
 Тангриларнинг кўзларини ёшга тўлгазиб
 Дилларида туғдиради шафқат ва инсоф!

Полоний

Уни қаранг, юзлари оқариб, кўзлари ёшга тўлди!
 Бас, бўлди, бўлди, дейман!

Ҳамлет

Бас. Қолганини кейин айтарсан. Муҳтарам афандим, тайинлаб қўйингки, актёрларга яхши қарашсин, Эшитасизми, буларга дурустроқ муомала қилиб туриш керак. Негаки, булар замонанинг кўзи ва қисқача воқиа — номасидур. Менга қаранг, ўлганингиздан кейин қабр тошингизга бемаза хотира ёзиб қўйилса

майли-ю, лекин сиз тиригингизда булар сизга ёмон баҳо бериб қўйсалар, бу бадтар бўлади.

Полоний

Мен буларнинг ўзларига лойиқ муомала қиларман, шаҳзода!

Ҳамлет

Иўғ-э, худо балонгизни бергур, яхшироқ муомала қилинг, афандим! Агарда ҳар кимнинг лаёқатига қараб муомала қилинса, ким таёқ ейишдан қутула олар экан? Сиз ўз шаънингизга яраша буларга муомала қилинг. Буларда лаёқат қанча кам бўлса, сизда саховат шунча кўпроқ бўлсин. Олиб кяринг буларни.

Полоний

Қани, юринглар, жаноблар.

Ҳамлет

Боринглар, у киши билан, дўстларим. Эртага — то-мсша.

Биринчи актёрдан бошқа ҳамма актёрлар Полоний билан чиқиб кетишади.

Ҳай, эски ошно, менга айт-чи, сизлар «Кушанда Гонзаго»¹ деган темада томоша қўя олмайсизларми?

¹ 1538 йилда Урбан герцогини (Италияда) Лунджа Гонзаго қулогига заҳар қуйиб ўлдирган эди.

Биринчи актёр

Қўя оламиз, милорд!

Ҳамлет

Эртага кечқурун шу томошани қўй. Яна бир гап: Мабодо зарур бўлиб қолса, мен ёзадиган ўн икки-ўн олти сатрлик бир парчани ҳам ёдлаб олиб, томошага киргизса бўладими? Ҳа, бўладими?

Биринчи актёр

Балли, милорд.

Ҳамлет

Жуда соз! Ул жанобнинг кетидан боравер! Лекин уни масхаралаб жаҳлини чиқара кўрманг!

Биринчи актёр кетади.

Кечгача хайр, дўстларим. Яна бир бор айтайки. Сизлар Эльсинорда менга азиз меҳмонсизлар.

Розенкранц

Шафқатпаноҳ, шаҳзода!

Ҳамлет

Худога топширдим!

Розенкранц билан Гильденстери кетадилар.

Қолдим бир ўзим.

Оҳ, мен қандай ярамас, олчоқ бандаман!
 Бу қандай гап: ўткинчи бир актёр мунда —
 Ўз хаёли тўқиган сезгиларига
 Шуурини шунчалик қарам қилдиким —
 Менгзидан қон ўчди, кўзи ёшланди,
 Товушлари бўғилди, бутун туриши —
 Юрагини қақшатган дардларга ойна,
 Сўрасангиз: не учун шунча дард. алам?
 Гекуба учун эмиш!
 Гекубага бу кимдур?
 Е Гекуба бунга ким?
 Аммо бу-чи, нолийди шунча юракдан.
 Агар менинг дардларим бўлсайди унда
 Не-не мудҳиш тўфонлар ёғдирарди ул?
 Хуноб бўлиб зорлаган бўларди саҳна.
 Унинг ролин кўрганда мот бўлиб дарҳол
 Ақлидан озар эди гуноҳкор киши,
 Бегуноҳлар, камтарлар ибрат оларди.
 Қулоқлар ҳам, кўзлар ҳам поймол бўларди.

А — мен-чи:

Аянч, анқов, махлуқман, дайди, сарсари,
 Уйқуаро юраман. Бекорчи, танбал.
 На ўз ҳақим тўғроли бир оғиз гап бор,
 На қиролнинг қасоси учун ҳаракат,
 Ахир уни тожидан, уни жонидан
 Кўп жирканч найранг ила ажратдилар-ку!
 Ёки мен қўрқоқманми? Кимда журъат бор?
 Қани менга шапалоқ урмоқчимилар?
 Е берурлар боладай ўғит-насихат?
 Бурнимдан ушлайдилар ёки бемалол —
 Мени бебурд, ёлғончи атайдиларми?
 Қим бу ишга ишқивоз? Дадил сўйласин?
 Ҳаммасига хўб дея тилхат бераман.

Чунки менинг жигарим — каптар жигари,
Чунки йўқ жигаримда сафрою зарда.
Бўлмаса мен бу баттол йиртқични сўйиб
Жасадин қузгунларга ташламасмидим!
Оҳ, муттаҳам, бадахлоқ! Қонхўр, ёлгончи,
Зино қилиб юрувчи номард, бадкирдор!
Оҳ, интиқом!
Қандай эшак эканман ўзим дарвоқе!
Ўлдирилган отанинг фарзанди бўлсам,
Менга, қасос ол, деса фалакнинг ўзи,
Мен-чи, бузуқ хотиндай ҳасрат қиламан,
Ёки дашном бераман оқсочлар каби!
Тфу, лаънат! Уйғонгин, эй менинг зеҳним!
Қайдадур эшитгандим: гўё ўтмиши
Қоронғу бўлган киши ўз қилмишига
Ўхшашлик бир ўйинни тамошо қилса —
Серпайиб ўз айбига иқдор бўларкан.
Қотил қанча жим турса, индамаса ҳам
Билдириб қўяр экан ўз жиноятин,
Актёрларга топширай, тамошо чоғи
Отанинг ўлимига ўхшашли бирон
Воқеа ўйнасинлар амаким учун.
Амакимдан кўз олмай қарайман ўзим.
Агар бўлса безовта— у ёғи маълум.
Бироқ, кўрган арвоҳим балки иблисдур.
Истаган қиёфатга киролур иблис.
Балки шайтон мажолсиз ҳолимни билиб,
Мени ҳалок қилгани дасиса қурган!
Кўрганимдан ҳам яққол далиллар лозим.
Улар бу ёзувларда. Энди саҳнада
Қиролнинг виждонига қураман тузоқ.

(Кетади.)

III ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Эльсинор. Саройда бир хона. Қирол, Малика, Полоний, Офелия, Розенкранц ҳам Гильденстерн кириб келадилар.

Қирол

Демакки сиз, аниқлай олмадингизки,
Нечун у жиниликка солмишдир ўзин?
Нечун у бесаранжом? Кетин ўйламай —
Нега бузиб қўймишдир ўз осойишин!

Розенкранц

У иқrorки, йўқотган ўз сариштасин,
Лекин нега ва нечун? Айтгуси келмас.

Гильденстерн

Гапга сира бой бермас. Жуда мугомбир:
Сиҳатидан ҳар қачон бошласак суҳбат.
Девонавор макр ила қочар майдондан.

Малика

Сизларни қандай кутди?

Розенкранц

Жуда адабли.

Гильденстерн

Аммо бир оз ясама туюлди бизга.

Розенкранц

Саволга хасис эди, жавобга сахий.

Малика

Сиз таклиф қилдингизми ўйнаб юришга?

Розенкранц

Бўлмаса-чи. Узи ҳам жуда мос тушди.
Биз йўлда актёрларни учратган эдик.
Буни Ҳамлетга айтдик, у кўп қувонди.
У актёрлар, ҳар ҳолда, ҳозир саройда,
Янглишмасам, бу оқшом томоша учун
Улар буйруқ ҳам олган.

Полоний

Айни ҳақиқат.

Зоти шоҳоналари бу томошага
Ташриф буюргайлар деб сўради Ҳамлет.

Қирол

Бу таклифга мамнунмиз. Мен кўп шодманки,
У қизиқа бошлабди ўзини-кулгига.

Шаҳзодада бу тахлит майлларни сиз
Қўллаб туринг, токи, у гусса тортмагай.

Розенкранц

Бақадри имкон!

Розенкранц ва Гильденстерн кетадилар.

Қирол

Сен ҳам азиз Гертрудам, бир настга чиқсанг,
Биз Ҳамлетни бу ерга келтирмоқчимиз.
У бундан беҳабардир. У гўё ногоҳ
Йўлиқишиб қолади Офелия билан.
Мен ва қизнинг отаси истар-истамас,
Жосус каби бу ерда бекинмоқчимиз,
Биз унинг сўзларидан аниқлаймизки,
Унинг дарди — севгими, ё бўлак нарса.

Малика

Ҳозир кетай. Сизга-чи, Офелия, чиндан
Ҳоҳлайманки, сиздаги ҳусну малоҳат
Шаҳзоданинг ягона касали бўлгай.
Ҳоҳлайманки, сиздаги соф хулқу ахлоқ
Бахтларингга Ҳамлетга раҳнамо бўлгай.

Офелия

Иншооллоҳ.

Малика чиқиб кетади.

П о л о н и й

Бу ёққа кел, Офелия.

Кезиб тургин.— Ҳазратим, илтифот қилиб,
 Бунда бекинмоқликка ташриф буюринг!
 Қизим, баҳона учун бу китобни ол,
 Китоб билан хилватда юриш узрлик.—
 Бизлардаги яхшилик: ташқи тақволик,
 Ва мўмин қиёфадан иборатдир бил!
 Шундай қилиб алдаймиз ҳатто шайтонни.

Қ и р о л

(ўз-ўзига)

Оҳ, афсуски, бу гапи унинг кўп тўғри!
 Бу сўз мени қамчидай савалаб олди.
 Ахир менинг ниқобли қилган ишларим —
 Бўёқлари артилган бузуқ хотиннинг
 Юзларидан минг карра бадтар жирканч-ку.
 Қандай азоб!

П о л о н и й

У келмоқда. Бекиниб олайлик, шоҳим.

Қ и р о л ҳам П о л о н и й кетадилар. Ҳ а м л е т кириб келади.

Ҳ а м л е т

Тирик қолмоқ ё ўлмоқ? Шудир масала!
 Қайси бири булардан бизга муносиб?
 Шу дилозор фалакнинг таҳқирларига
 Шикоятсиз — шиквасиз чидаб турмоқми?

Йўқса, унга рад-бадал бериб қўзғалмоқ,
 Қурол олиб ё енгмоқ, ё ваҳв бўлмоқми?
 Улиш... Унутилиш. Масала тамом.
 Танимизга ўралган минг-минг ташвишнинг
 Занжирин илол-абад узади ўлим.
 Зотан дилнинг азамат армони шу-ку!
 Улмоқ — гафлат тушида ухламоқ демак.
 Тушлар! Қандай тушлар у? Тушлар эмиш-а?
 Дунё туйғуларидан тикилган либос
 Гўрда ечиб олинган бўлса, у ҳолда
 Уликлар уйқусига кирарми тушлар?
 Мана, ҳамма сирларнинг ҳикмати шунда!
 Мана, бизнинг ҳаётда ғамларимизнинг
 Муҳлатин йилдан йилга чўзаётган сир.
 Йўқса, шу киборларнинг жаҳолатига,
 Ҳокимларнинг жабрига, сохта кибрига.
 Шу мунофиқ муҳитнинг айёрлигига,
 Бировига ҳасрат ҳам қилолмасликка,
 Муҳаббатнинг хору зор эзилишига,
 Мардакларнинг кўзида ҳар қандай ҳиммат
 Анойилик саналиб топталишига,
 Бутун бу разолатга ким чидарди, ким?
 Ваҳолонки, ханжарнинг битта зарбаси
 Бу мужмал тугунларни ечар кўп осон.
 Улимдан сўнг, у ёқда нелар бўлгуси?
 У қандай, бир диёрки, унга борган кўп,
 Аммо ҳануз қайтолган бирон йўлчи йўқ?
 Бу ваҳима ром этар иродамизни,
 Номаълум бир диёрга қочишдан кўра —
 Бизга таниш балога бўламиз рози!..
 Йўқса тирикчиликнинг зир-борида
 Ҳолсираб юрмоқликка ким кўнарди, ким?
 Бас, фикримиз шу тахлит қўрқоқлашади,
 Ва ақлнинг боши берк кўчаларида —

Сўлиб кетар биздаги жасорат гули.
Кўп умидли, қанотли ниятларимиз
Ҳадеб, нуқул орқага силтаниб қолиб
Барбод бўлаётирлар. Энди бас, етар!—
Офелия! Қувончим! Гуноҳларимга —
Ўз дуонгда кечирим тила, эй пари!

О ф е л и я

Бу ўртада, шаҳзодам, сиҳатлар қалай?

Ҳ а м л е т

Кўп ташаккур, жуда соз, жуда соз, жуда.

О ф е л и я

Менга сиз бир ҳадя берган эдингиз,
Аллақачондан бери ўшани сизга
Қайтиб бермоқчи эдим. Мана олсангиз!

Ҳ а м л е т

Қўйинг, энди, албатта сиз янглишасиз.
Сизга умримда совға берган эмасман.

О ф е л и я

Иўқ, бергансиз, шаҳзода, яхши биласиз,
Ҳар совғага оҳангли сўзлардан қўшиб
Совғаларнинг қимматин оширгансиз ҳам.
Энди ўша сўзларнинг атри қолмабди,
Қайтиб олинг буларни. Ифбатли қизлар
Бевафолар совғасин писанд қилмаслар.
Олинг буларни!

Ҳ а м л е т

А-а-а! Сиз ифбатли қизмисиз?

О ф е л и я

Милорд?

Ҳ а м л е т

Чиройли ҳамсиз?

О ф е л и я

Жаноби олийлари нима демоқчилар?

Ҳ а м л е т

Демоқчимизки, агар сиз ифбатли ҳам чиройли бўлсангиз, сиздаги ифбатнинг сиздаги чирой билан ҳеч қандай иши йўқ.

О ф е л и я

— Ҳуснга энг яхши йўлдош ифбат эмасми?

Ҳ а м л е т .

Бўлмаса-чи! Ва албатта ифбат ҳусни тузатишга улгура олмасдан, ҳусн ифбатни гумга тиқиб қўяди. Илгари буни ғалати гап деб қарашар эдилар, ҳозир бўлса бу исботланган. Мен, қачонлардир сизни севар эдим.

О ф е л и я

Ростакам, шаҳзода, мен шунга ишонар эдим.

Ҳ а м л е т .

Бекорга ишонибсиз! Надомат чекмаган киши — бетавфиқлик ҳамма иши. Мен сизни севган эмасман.

О ф е л и я

Демак, яна бадтар алданибман.

Ҳ а м л е т .

Сен тарки дунё қилиб монастирға жўнагин! Бўл-маса болалар туғиб гуноҳкорларни кўпайтириш не керак? Мен ҳар ҳолда бир нав ахлоқли кишидурман. Аммо менда ҳам койийдиган нуқсонлар шу қадар кўп-ки, онам мени бекорга туғибди деб қўяман баъзан! Мен жуда такаббур, кекчи, худбин бир кишиман. Менинг қабоҳатларим фикрларимдан кўра кўпроқдир, яъни қабоҳатларимни ўйлашга етарли фикрим, жонлантиришга етарли хаёлим ва бажаришга етарли вақтим йўқдир. Менга ўхшаган одамларнинг ер билан кўк ўртасида судралиб юришлари нимага ҳам керак? Биз барчамиз турган-битган алдоқчилар. Бизнинг ҳеч қайсимизга ишонма. Яхшилик билан монастирға бор. Отанг қаерда?

О ф е л и я

Уйда, милорд.

Ҳ а м л е т .

Бўлмаса, ўша уйнинг эшиklarини маҳкамроқ кулфлаш керак, токи у фақат ўз уй ичларинигина аҳмоқ қилиб турсин. Хайр энди.

О ф е л и я

Худовандо, ўзинг бунга нусрат бер!

Ҳ а м л е т .

Сен агар эрга чиқсанг, сепинг лаънатлар бўлур. Агар сен муздай тоза ва қордай покиза бўлсанг ҳам туҳматлардан қутулолмайсан. Тарки дунё қилиб монастырга бор, дейман сенга, монастырга! Омон бўл! Жуда эр қилгинг келса, бир аҳмоқни топиб тег. Чунки эслик одамлар сизларнинг майнабозчиликларингизни жуда яхши билишади. Тезроқ тарки дунё қил! Кечикма. Хайр энди.

О ф е л и я

Эй яратганим, бунга шифо бер!

Ҳ а м л е т .

Сизларнинг ҳунарларингиздан ҳам хабардорман. Парвардигор сизларга бир бет берган бўлса, ўз-ўзларингизга иккинчи бир бетни ҳам ясаб олгансиз. Ичларингизда шунақалари ҳам борки, қилмаган балоси, этмаган найранги йўқ, аммо сўрасанг иффат, маъсумлик, покликдан лоф уради. Йўқ, бунинг кетмайди. Бас энди. Мен бу масалада сарсон бўлдим. Тўй деган гап-

га барҳам. Ҳозиргача никоҳ ўқитиб қолганлар, биттасидан қатъи назар, саломат бўлсинлар. Уйланмаганлар эса шу тахлит қолаверсинлар. Монастирга бор! (Кетади.)

О ф е л и я

Қандай нозик бир зеҳн барбод бўлди, оҳ!
 Унда билим, фасоҳат, мардлик жам эди,
 У бизнинг байрамимиз, умидлар гули,
 Одобларга, завқларга ул эди ҳакам,
 У бир кўзгу эдиким, ногаҳон, афсус —
 Синиб бўлди чилпора. Тамоман, тамом...
 Аммо мен-чи? Дунёда энг ночор хотин.
 Қалбида бор у ичган онтлардан асал.
 Лекин энди қудратли бу ақлу зако
 Ёрилган бир жом каби шикаст дириллар,
 Унинг йигит чеҳрасин, севимли юзин —
 Мажнунлик ажинлари қопламиш. Ёраб!
 Қайга кетди саодат? Оҳ шўр насибам!

Қирол ҳам Полоний қайтиб келадилар.

Қ и р о л

Севгими? Йўқ, бу эмас уни айнитган.
 Гарчи, унинг сўзида йўқдир силсила,
 Лекин, унда жиннилик белгиси ҳам йўқ.
 Ундаги ҳасратларнинг қора қўйнида
 Ўсиб турган — севгининг гуллари эмас,
 Балки хавfli бир қасддир, буниси ёмон
 Бу балони мен барвақт қайтармоқ учун

Мана шундай тадбирни қарорга олдим.
 Унмай қолган божларни йиғиб олсин деб —
 Тездан Англияга жўнатсам уни.
 Балки денгиз ҳавоси, янги ўлкалар,
 Ҳар хил одамлар билан мулоқот, суҳбат —
 Уни бекор банд қилган оғир иллатни —
 Бир карра миясидан даф қилар тамом.
 Қани, айтинг, бу бобда фикрингиз нима?

П о л о н и й

Фикримча, бу фикрингиз анча ўринлик.
 Лекин, шахсан фикримча — унинг иллоти
 Ҳар ҳолда бу шум севги балосидандур.
 — Шундаймасми, қизгинам? Майли керакмас
 Такрорлаб ўтирмагин Ҳамлет сўзларин,
 Биз ўзимиз эшитдик. — Энди ҳазратим,
 Ихтиёр ўзингизда. Маслаҳат шуки,
 Томоша адо бўлгач Малика ўзи
 Ҳамлет билан хилватда бирпас кўришса,
 Хўб десангиз — гапларин пойлаб эштай.
 Малика ҳам Ҳамлетдан сир ололмаса, —
 Амр сиздан. Жўнатиб Англияга,
 Е қамаб қўйинг бирон тегишли жойга.

Қ и р о л

Бааини шундай бўлгай! Мабодо жинни —
 Олиймақом зот бўлса, унга жой — зиндон.

(Кетади.)

ИККИНЧИ САҲНА

Яна сарой. Катта меҳмонхона.

Ҳамлет ва бир неча актёр кириб келади.

Ҳамлет

Ҳалиги ролни, мен сизга кўрсатганимдай айтиб беринг: тутилмасдан равон қилиб айтиб беринг. Бўлмаса, сизларнинг аксарингиз айтиб турганидай шеърни бақриб ўқисангиз, уни шаҳарнинг жарчисига бериб қўйганим маъқул... Ва яна шуки, ҳавони бундай қилиб қўлларингиз билан арраламай туринг. Сиз ҳирсу ҳавасларнинг оқими, бўрон ва ҳатто довулида ҳам тийимли бўлишга ўрганинг, зероки, тийим ҳамма нарсани ихчам қилади. Ахир, баъзида бўз бола бир йигит бир саржин келадиган ясама сочларни тақиб олиб кўзингиз олдида ҳирсу ҳиссиётларини шартта-шартта парчалаб йиртиб ташлаганини кўрганингизда, чидаб бўладими? Бу нарсдан орқа сафларда турган томошабинларгина хушланади, чунки, улар гапсиз ўйин-бозликдай ва оддий шовқин-сурондан бошқа нарсани писанд ҳам қилмайдилар. Шаддоди ландан ҳам шиддатлироқ қилиб шаддодни ўйнамоқчи бўлган азаматни, менга қолса хўп калтаклар эдим. Бундай ўйин иблисона жазава, холос. Бундан ҳазар қилинг.

Биринчи актёр

Зоти олийлари хотиржам бўлсинлар!

Ҳамлет

Лекин ортиқча сиққиқлик ҳам бўлмасин, ҳар бир ҳаракат ва сўзда юракнинг овозини тинглангиз. Сўзга

яраша ҳаракат қилинг, ҳаракатга яраша гапиринг. Лекин булар табиийлик чегарасидан чиқмаслиги шарт. Ҳар қандай ҳаддан ошмоқлик — театрнинг мақсадига хилофдир. Чунки ҳамма даврларда театрнинг муроди — табиатнинг рўпарасига ойна тутиш, шарофатга ҳам, қабоҳатга ҳам уларнинг чин башараларини кўрсатиш, тарихдаги ҳар бир замоннинг юзини бўёқсиз қилиб намоён қилдиришдан иборат бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлур. Агар ўйинда ҳаддан ошиб кетилса ёки кам ҳафсалалик қилинса нодонлар кулади-ю, аммо доно томошабин маънос бўлади. Лекин битта дононинг ҳукми, нодонларга тўлган бутун бир театрдан кўра, ижозатингиз билан, вазминроқ бўлмоғи лозим. Мен, бир қанча актёрларни ва шулар ўртасида донгги осмонга кетган машҳур актёрларни ҳам кўрдимки, беғараз қилиб айтганимда, буларнинг товуш ва қилиқлари на мўминга ўхшар эди, на бединга ва на одам деган бирон бандага. Улар шунчалик ҳайбатли юриб бўкирар эдики, мен табиатнинг қайси бир мардикори одамзодни шундай бемаза қилиб ясади экан, деб ҳайрон бўлар эдим. Ҳа, улар башариятни шунчалик бадбуруш қилиб кўрсатар эдилар.

Биринчи актёр

Шаҳзода, бизлар ўз тўдамизда буларни бир қадар барҳам берибмиз деб ўйлайман.

Ҳамлет.

Бусбутун барҳам беринг. Яна: тентак кишиларнинг ролларини ўйновчиларга: улар учун ёзилган сўзлардан ортиқча сўзлашни ман қилиб қўйинг. Улардан баъзилари, қолоқ томошабинларни кулдирай деб, пье-

санинг энг муҳим бир пайтида ўзлари хохолаб юборадилар. Бу ярамас одатлар ҳалиги қизиқчиларнинг қанчалик арзон нафс эгаси бўлганларига далил, холос. Бориб тайёрланинглар.

Актёрлар чиқиб кетадилар. Полоний, Розенкранц, Гильденстерн кириб келадилар.

Хўш, жаноб, томошани кўришга қиролнинг хоҳишлари борми?

Полоний

Албатта. Малика ҳам бирга бўлади. Тезроқ бўлишини орзу қиладилар.

Ҳамлет.

Актёрларга айтинг: тезроқ бўлсинлар.

Полоний чиқиб кетади.

Сизлар ҳам бориб актёрларни қистамайсизларми?

Розенкранц ҳам Гильденстерн

Жонимиз билан, милорд.

Иккови ҳам чиқиб кетади.

Ҳамлет.

Ҳой, Горацио!

Горацио кириб келади.

Г о р а ц и о

Хизматингизга тайёрман, шаҳзода!

Ҳ а м л е т .

Горацио, мен билган одамлар нчра
Чинакам инсон фақат ўзинг экансан.

Г о р а ц и о

Йўқ-э, милорд!

Ҳ а м л е т .

Бу сенга хушомад эмас.

Нега қилай хушомад, ахир дунёда
Сенинг газнанг, давлатинг, нозу неъматинг
Фақат сенинг шу қувноқ табиатинг-ку?
Қамбағалга қилмаслар хушомадгўйлик.
Буни бойга қилсинлар лаганбардорлар.
Қул каби тиз чўксинлар фойда бор жойда.
Менга қара! Шу кўнглим бир қонун каби
Йўлларимда раҳнамо бўлгандан бери —
Мен сенга хўп тушундим. Сен бутун инсон.
Кўп ғам единг, эмассан аммо ғамзада.
Ҳафсаланг кўп, толенинг илтифотига
Ё қаҳрига бўларсан бир хил миннатдор.
Бундай мижоз эгаси қанча бахтиёр.
У — қамиш най эмаски, фалакнинг қўли
Очиб берган пардада куйлагай дарҳол.
Ўз нафсидан баландроқ турган кимлар бор?
Қани кўрсат, сен билан бағримга босай,
Йўқ, дилимнинг тўрига. Энди бас, тўхта.

Қирол учун томоша қўйилар бу кеч.
 Отамнинг ўлимини сенга айтувдим,
 Томошада бир сахна ўшанга ўхшар,
 Сендан сўров: у сахна бошлангач, ҳамон —
 Мижжа қоқмай кузатгин амакимни сен.
 Эҳтимол, у сахнани кўрган амаким,
 Ихтиёрсиз билдириб қўяр гуноҳин.
 Агар шундай чиқмаса, демак у арвоҳ
 Иблиснинг ўзи экан, миямни эса —
 Вулқоннинг ўчоғидек тутган ис-тутун!¹
 Ваъда аниқ, сўрайман, қунт билан қара.
 Мен ҳам унга қарайман, сўнгра иккимиз
 Таҳлил қилиб чиқармиз кўрилганларни.

Г о р а ц и о

Келишдик. Қўлни беринг. Мабодо ўғри
 Фош қилинмай сирғилса товон тўлайман.

Ҳ а м л е т

Улар келаётирлар. Узимни тағин
 Қасалликка солайин. Жойларни банд эт!

Дания марши. Карнайлар.

Қирол, малика, Полоний, Офелия, Розенкранц,
 Гильденстерн ва бўлак маҳрамлар, машъал кўтар-
 ган навкарлар билан кириб келадилар.

Қ и р о л

Жигаримиз, шаҳзода Ҳамлетнинг кайфлари нечук?

¹ Қадимги Рим афсоналарида Вулқон темирчилик касби-
 нинг тағириси бўлган. Унинг ишхонаси ис-тутун босган дим,
 бўғиқ ва қоронғи макондай тасвирланган.

Ҳ а м л е т .

Ишонасизми,— жуда яхши. Худди буқаламундай¹. Ваъдаларда пишган ҳаво таомидан еб юрибман. Семиришга қўйилган ахта хўрозларни ҳам шунчалик боқмаслар.

Қ и р о л

Бу жавобнинг менга ҳеч бир дахли йўқ. Ҳамлет.
Менга дахли йўқ.

Ҳ а м л е т .

Энди, менга ҳам дахли йўқ.

(*Полонийга*)

Милорд, сиз дорилфунунда эканингизда саҳнага чиқар эдингиз, ростми?

П о л о н и й

Балли, милорд, ҳамда дурустгина актёр ҳисобланар эдим.

Ҳ а м л е т .

Қайси ролда чиқар эдингиз?

¹ У даврнинг эътиқодларига кўра буқаламун (хамелеон) деган жонивор ҳаво билан озиқланиб тириклик қилар экан. Бу гап билан Ҳамлет, мен ҳам ҳозирча кескин ҳаракатларга киришмай «ҳаво» билан озиқланиб юрибман, демоқчи бўлади.

Полоний

Мен Юлий Цезариг ўйнар эдим. Мени Капитолийда ўлдирар эдилар. Мени Брут ўлдирар эди.

Ҳамлет .

Сиздай ювош бузоқни ўлдирган бўлса, Брут бекор иш қилибди.— Актёрлар тайёрми?

Розенкранц

Ҳа, милорд. Сизнинг фармонингизни кутиб турибдилар.

Малика

Бу ёққа кел, азизим Ҳамлет, ёнимда ўтир.

Ҳамлет .

Йўқ, онажон, бу ёқда жозибалироқ оҳанрабо бор.

Полоний

(Қиролга секин)

А-ҳа!.. Эшитдингизми?

Ҳамлет .

Хоним, мумкинми тиззангизга?..

(Офелиянинг оёғи олдида чўзилади.)

О ф е л и я

Иўқ, милорд.

Ҳ а м л е т .

Яъни кечирасиз: мумкинми тиззангизга бошимни қўйсам?

О ф е л и я

Ҳ а , милорд.

Ҳ а м л е т .

Сиз, ҳалиги илтимосимни одобсиз бирон ният деб ўйлагандурсиз?

О ф е л и я

Мен ҳеч нарса ўйламадим, милорд.

Ҳ а м л е т .

Гапнинг рости, қизнинг оёқлари остида ётиш яхши нарасаку-я.

О ф е л и я

Нима дедингиз, милорд?

Ҳ а м л е т .

Ҳеч.

О ф е л и я

Бугун кайфларингиз, жуда чоғ, шаҳзода?

Ҳ а м л е т

Ким, менми?

О ф е л и я

Ҳа, сиз милорд.

Ҳ а м л е т

Ераб, мен сизни хурсанд қилиш учун муаллақчилик қилишга ҳам розиман. Охир, хурсандчиликдан бошқа нима чора бор? Қараб кўринг онамнинг қувноқ юзини; ҳолбуки отамнинг ўлганига икки соат бўлди, холос.

О ф е л и я

Йўқ, шаҳзода, икки карра икки ой бўлди.

Ҳ а м л е т

Ҳа? Шунча кўп-а?.. Ундай бўлса аза-мотамлар гўрга. Қиммат баҳо мўйна либослар кийиб юраман бундан буён. Эй парвардигор! Бундан икки ой муқаддам ўлган у, аммо ҳали унутилган эмас! Демак, улуғ кишининг хотираси, унинг умри тугагандан кейин ҳам, ярим йилгача яшаши мумкин экан. Лекин бундай киши бутхоналарга назру ниёз қилмоғи лозим; бўлмаса, уни ҳам ёғоч отдай унутиб қўярлар. Маълумки, ёғоч отнинг қабрига шундай ёзилган эмиш:

«На оёқ бор, на туёқ,
На у ёғу, на бу ёқ...»

Най чалиниб, пантомима бошланади. Ҳинда: бир бирига жуда меҳрибон қирол ва малика кириб келадилар. Малика қиролни, қирол ҳам маликани қучоқлайди. Малика қирол олдида тиз чўкиб ўзининг садоқатини имолар билан эрига англатади. Қирол маликани ўрнидан турғизиб ўз бошини унинг елкасига қўяди. Сўнгра гулзорликка бориб супа устида ён-бошлайди; унинг ухлаб қолганини кўрган малика чиқиб кетади. Шу пайтда бошқа бир киши саҳнага кириб келади. У шоҳнинг бошидаги тожни қўлига олиб ўпгандан сўнг қиролнинг қулогига заҳар қўяди-да, чиқиб кетади. Малика қайтиб келиб, қиролни ўлик ҳолида кўргач, жуда безовта бўлиб имо-ишоралар билан ўз мусибатини билдиради. Заҳарловчи киши яна икки ё уч ҳаммол билан кириб келади ва маликанинг аламига қўшилганини имо билан тушунтиради. Ҳликни олиб кетадилар. Қотил ҳадялар тақдим этиб, маликанинг илтифотига муяссар бўлмоқчи бўлади. Малика аввал қаҳрланиб унинг севгисини рад этади, аммо охирида эса у анча юмшаб қолади. Улар бирга чиқиб кетадилар.

О ф е л и я

Бунинг маъноси нима, шаҳзода?

Ҳ а м л е т

Бу — «Илон ёғини ялаган киши», маъносини деса-сангиз — муттаҳамлар қасди.

О ф е л и я

Шу пантомима, энди кўрсатиладиган томошанинг мазмунини баён қилса керак?

Ҳ а м л е т

Биз ҳамма гапни ҳозир шу йигитдан билиб оламиз. Актёрлар ҳеч қачон сир тутолмайдилар ва албатта ҳамма нарсани вайсаб очиб берадилар.

О ф е л и я

Ҳозир кўрсатилган пантомиманинг маънисини ҳам тушунтириб берармикан?

Ҳ а м л е т

Ҳа, шугина эмас, ҳатто сиз кўрсатадиган ҳар қандай нарсанинг ҳам маънисини айтаверади. Сиз, кўрсатишга уялманг, у бўлса уялмасдан тушунтираверади!

О ф е л и я

Тилингиз заҳар шаҳзода, жуда заҳар!— Қўйинг энди, пьесани кўрай.

П р о л о г

Томошани бошламасдан,
Биз сўраймиз таъзим билан
Тингланг бизни шошилмасдан!

Ҳ а м л е т

Бу нимаси, муқаддимами ёки узук қошига ёзилган нишонами?

О ф е л и я

Чинакам, милорд, анча калта.

Ҳ а м л е т

Айнан хотинларнинг севгиси каби.

Қирол ҳам малика ролини ижро этувчи иккита актёр кириб келади.

Саҳнадаги қирол

Бизни никоҳ худованди Гименей¹ амри
Муҳаббатда бирлаштирган замондан бери —
Уттиз карра салтанатли аравасида
Дарёларни, дунёларни айланди қуёш,
Уттиз йилнинг ҳар йилида ўн икки марта
Дунёмизни тавоф қилиб ой бўлди йўлдош.

Саҳнадаги малика

Ой ҳам, кун ҳам яна шунча юрсинлар майли,
Аммо сира кам бўлмайди севгининг майли.
Лекин афсус, ошган сайин йилларнинг сони
Камаймоқда ҳазратимнинг кучи — дармони.
Бироқ, сиз-чи, азиз дўстим, шундай ҳолатда
Ташвиш тортиб бир зарра ҳам бўлмаг безовта.
Аёлларнинг тоифаси кўпроқ солиб туз,
Севгини ҳам, ташвишни ҳам шўр қилар ҳадсиз.
Сиз татиган эдингиз-ку муҳаббатимдан,
Ташвишимдай муҳаббатим ошар ҳаддида.
Ҳис зўр бўлса жузъий нарса хатар кўринар,
Кўп севилса, битта зарра тоққа баробар.

Саҳнадаги қирол

Яқин келди айрилиқнинг соати жоним,
Битай дейди танимдаги кучим — дармоним.
Аммо сен-чи, шону шуҳрат, муҳаббат ичра —

¹ Гименей — Рим мифологиясида тўй ва никоҳ тагириси.

Бундан сўнгра яшаб олгин шодликдан баҳра.
Балки бошқа бир эр қилиб...

Саҳнадаги малика

Қўй бекор гапни,
Хиёнатдан ўзга эмас ундай бир севги.
Фалак мени нобуд қилгай бошқа эр қилсам!
Увол бўлар ўзимга ҳам, янги эрга ҳам!

Ҳамлет

(Ўз-ўзига)

Хашак-хушак; хашаки гаплар!

Саҳнадаги малика

Хотин тегса бошқа эрга тегар севмасдан,
Могу давлат тамаида эр қилар қасддан.

Саҳнадаги қирол

Ҳамма гапинг сидқидилдан, имоним комил,
Аммо, мудом собитқадам бўлолмаймиз, бил.
Биздаги жазм, эсимизнинг қўлида каниз,
Ваъдани кўп қилади-ю, хизматга ожиз.
Хом бир мева мўрт шохиди маҳкам турса ҳам,
Аммо пишгач тегар-тегмас узилар бирдан.
Яшай десанг, қасамларни унутмоқ афзал,
Қасамларки, биз ичамиз шошилиб ҳар гал.
Ҳар ҳаваснинг, иштиёқнинг бир ғояси бор,
Аммо у ҳам соб бўлади, соб бўлгач хумор.
Шодлик ва ғам, аста-секин яратганларин

Асовликда йўқ қилади ўзлари барин.
 Шодликларнинг мазмунига ачинади ғам,
 Ғамлар билан иши йўқдир шодликнинг ҳеч ҳам.
 Модомики ҳамма нарса ўткинчи, фони,
 Севгидаги ўзгаришга ким бўлар монe?
 Қим етакчи: муҳаббатга толеми, ва ё —
 Толеларга муҳаббатми? Ана муаммо!
 Баланд чиқсанг, атрофингда мухлислар бесон,
 Сен йиқилсанг, дўстлар сендан қочади ҳамон,
 Аввал деган гапни яна айтай, вассалом,—
 Қўп қазою — кадарларга тўлгандир айём,
 Ахир, ишлар ихтиёри бизларда эмас,
 Бизда фақат бениҳоя орзую ҳавас...
 Сиз иккинчи эр қилишдан иймансангиз ҳам,
 Бева қолгач бу уятга берилар барҳам.

Саҳнадаги малика

Сиздан кейин бошқа эрга теккундай бўлсам
 Неъмат менга ҳаром бўлсин, ёруғлар мотам,
 Аламдийда кўзим бўлгай доимо гирён,
 Ҳаётимга насиб бўлгай узлату зиндон!
 Бутун орзу-хаёлларим бўлгай паришон!
 Мени энгиб барбод этгай замҳарир тўфон!
 Бошқа эрга менда бўлса андак бир хоҳиш
 Кеча-кундуз қисмат бўлгай балою ташвиш!

Ҳамлет

Алдаб қўйса-чи?

Саҳнадаги қирол

Аҳду паймон ҳазил эмас. Майли, сен боргин!

Шу кундузининг ғалвасидан танларим ҳорғин,
Бир оз тинчий. (Уйқуга кетади.)

Саҳнадаги малика

Яхши ухлаб олгин ҳаловат.
Ераб бизни балолардан айла ҳимоят.

(Кетади.)

Ҳамлет

Малика хоним, қалай, пьеса сизга ёқдим?

Малика

Менингча, хоним ваъдага ҳаддан ошиқ сахий.

Ҳамлет

Ҳо! Лекин ваъдасида турар.

Қирол

Сиз пьесанинг мундарижасини биласизми? Унда
ҳеч қандай фисқу фужур йўқми?

Ҳамлет

Йўқ, йўқ. Бу ҳаммаси ҳазилакам. Заҳарлаш ҳам
ҳазил.

Фисқу фужурми? Йўқ, унақаси йўқ.

Қирол

Пьесанинг номи нима?

Ҳамлет

«Сичқон қопқони». Маънисми? Қиноявий бўлса керак. Бу пьеса Венада¹ содир бўлган бир жиноятни кўрсатади. Ҳозир ўзингиз томоша қиласиз. Бу гоьтда қабиҳ бир найрангни кўрсатади. Лекин сизу бизга барибир! Зоти олийингиз билан бизга, виждонларимиз пок бўлгандан кейин бунинг нима дахли бор. Хариш от безовта бўлсин, бизга нима? Биз линагимизни ҳеч бузмаймиз.

Луцион кириб келади.

Мана бу — Луцион дегани бўлади. У қиролнинг жияни.

Офелия

Сиз баёнчининг ролини яхши бажараётирсиз, милорд!

Ҳамлет

Ҳа, бошлайвер қотил. Бўлсанг-чи, ҳай бетамиз! Аҳмоқона қилиқларингни йиғиштириб, бошлайвер. Бўл! «Қасосга чақиради қарға қағиллаб».²

Луцион

Қўл — забардаст, дил — сиёҳ, кўп ўткир оғу,
Ҳеч ким кўрмас, кўп қулай бир фурсатдур бу.

¹ Аслида Урбан герцоги Венада эмас, Италияда ўлдирилган эди. Бу ерда Ҳамлет Клавдий (амакиси)ни калака қилади.

² Номтаълум автор ёзган «Ричард III» номли пьесададан бир мисра. Бу пьесада жиний йўл билан тахтни эгаллаган қирол кўрсатилар эди.

Оқиб-оқиб тўкилгин, бергин жазосин,
Геката маъбудаси¹ тез мамнун бўлсин.
Гиёҳларда бор бўлган заҳар ва зиён.
Бу вужудни қуритиб йўқ қилсин шу он.

Ҳ а м л е т

У, герцогнинг тожу тахтини эгаллаш қасдида уни
бончада заҳарлайди. Герцогнинг исми — Гонзаго. Бу
воқиа тўғрисида итальянча равон қисса ҳам ёзилган.
Энди, қотил қандай қилиб Гонзаго хотинининг муҳаб-
батига муяссар бўлишини томоша қиласиз.

О ф е л и я

Уни қаранг, қирол ўрнидан турди.

Ҳ а м л е т

Қарсилдоқлардан чўчидими?

М а л и к а

Аълоҳазратларига нима бўлди?

П о л о н и й

Тўхтатинг томошани!

¹ Г е к а т о — қадимий мифологияда ўликлар салтанатининг маъбудаси (тангриси) эди.

Қирол

Чироғ тутинг, ташқарига чиқаринг мени!

Ҳамма

Чироғ, чироғ, чироғ!

Ҳамлет ва Горацiodан бошқа ҳаммалари чиқади.

Ҳамлет

Майли, ярадор кийик бўкирсин,
Майли, саломат кийик югурсин,
Биров ухлар, биров уйғоқ
Шу қисматга нима қилмоқ?

Хўш, тақсир, борди-ю, менинг бахту иқболим мени ташлаб туркларга кўчиб кетса, мен бошимга парлардан чангал, кавшимга гуллардан бахмал ясашиб қўйсам, шу актёрлар тўдасига мени ҳам оларлар-а?

Горацио

Маошни яримта қилиб тўлаш шарти билан, ҳа!

Ҳамлет

Йўғ-эй, бутун ойлик билан, де.
Биласанми, азизим Дамон¹
Юпитернинг шунқори шу он —
Тахтдан учиб кетганига
Маъюс бўлиб қолгани бешак,—

¹ Қадим афсоналарда садоқатли дўст образи.

Зеро, тахти олийларига —
Утирибди битта эш... эш... эш... шак!

Горацио

Шаҳзодам, сиз «бешак» сўзига қофия қилиб, «эш»,
«эш» дедингиз, охирина келтиролмадингиз шекилли!

Ҳамлет

Оҳ, Горацио! Менга ҳозир, арвоҳнинг ҳар бир сў-
зи минг тилладан қиммат! Пайқадингми ўзинг?

Горацио

Бўлмаса-чи, шаҳзода.

Ҳамлет

Заҳарлаш пайти-чи...

Горацио

Худди тикилиб қарадим,

Ҳамлет

Ҳай, ҳай, музыка! Бормисиз, найчилар!
Шоҳга ўйин ёқмабди.
Демак дилга сиғмабди.
Ҳай, ҳай, музыка!

Розенкранц билан Гильденстерн қайтиб келадилар.

Гильденстерн

Марҳаматли шаҳзода! Икки оғиз сўзга ижозат борми?

Ҳамлет

Хоҳласангиз, бутун бир дoston сўзлаб беринг, жаноб!

Гильденстерн

Қирол, афандим...

Ҳамлет

Ҳа, афандим, нима бўлди қиролга?

Гильденстерн

У ўз хонасига кириб кетди, авзолари бағоят бузуқ.

Ҳамлет

Бу шаробдандир, жаноб?

Гильденстерн

Иўқ, афандим, сафродан бўлса керак...

Ҳамлет

Буни қиролнинг ўз табибига айтсангиз маъқулроқ бўлар эди, дейман. Тагин мен унга ўз сургиларимни тайинлаб берсам, яна бадтар бўлиб кетмасин, дейман.

Гильденстерн

Марҳаматли шаҳзода, гапингизни бир оз эпақага келтириб қўйсангизу, менга тайинланган чегаралардан четга чиқмасангиз...

Ҳамлет

Марҳамат, қулоқгиналарим ихтиёрингизда!

Гильденстерн

Волидангиз, малика ҳазратлари жуда безовта бўлиб қолиб, мени сизга юборди.

Ҳамлет

Қадамларингизга ҳасанот!

Гильденстерн

Йўқ, шафқатли шаҳзода, ҳозир шу лутфу эҳсонларингиз тамоман ўринсиз. Агар сиз менга тегишли жавобни берсангиз, мен онангизнинг буйруғини бажо келтираман. Бўлмаса, сиздан узр сўраб кетгайман.

Ҳамлет

Беролмайман, жаноб.

Гильденстерн

Нимани, милорд?

Ҳамлет

Сизга тегишли жавобни. Миям жойида эмас. Лекин жавоб қилиб ниманки айтсам ўзингиз жойига қўяверинг. Бу уқдириш, аслида онамга тааллуқи бор. Бўлди, энди бас. Қани бошлайлик. Хўш, айтдингизки, онам...

Розенкранц

Бўлмаса эшитинг:— онангиз дейдиларки, сизнинг феълларингиз уни ҳайрон ва сарсон қилибдур.

Ҳамлет

А, ўз онасини ҳайрон қолдирган ўғил, ҳайрон қоларли ўғил экан-да! Бу ҳайронликнинг тагида бошқа бирон вазминроқ боис йўқмикин? Шуниси қизиқ.

Розенкранц

Сиз ётгани кетмасдан олдин, малика ўз хоналарида сиз билан гаплашмоқчилар.

Ҳамлет

У, бир эмас, ўн марта бизга модар бўлсалар ҳам, амрини бош устига бажо келтирурмиз. Бизга тагин қандай хизмат?

Розенкранц

Шаҳзода, бир вақтлар сиз мени яхши кўрар эдингиз.

Ҳамлет

(қўлларини кўрсатиб)

Мана бу кисабурлик асбобларига қасам ичаманки, ҳозир ҳам сизни яхши кўраман.

Розенкранц

Шафқатли шаҳзода! Айтинг, сиздаги бетобликнинг боиси нима? Сиз ўз дардингизни дўстингиздан яшириш билан нажот йўлини ўзингиз бекитиб қўясиз.

Ҳамлет

Менга юқорироқ бир амал даркор.

Розенкранц

Бу нимага керак, ахир сизни қирол ўзи Дания тахтининг валиаҳди қилиб қўйибди-ку?

Ҳ а м л е т

Шундайку-я, лекин «пичан ўсиб бўлгунча от очидан ҳаром ўлар...» — бу анча эскириб кетган мақол.

Найчилар қайтиб келадилар.

А-ҳа, найлар! Биттасини менга беринг, бир чалиб кўрай-чи. Нарироқ чекининг. Мени худди бирон тузоққа итараётгандай нега менинг теварагимда ўралишиб ётибсиз?

Г и л ь д е н с т е р н

Оҳ, шаҳзода, сизга шунчалик ёпишганим астойдил муҳаббатимдан, холос.

Ҳ а м л е т

Тушунмадим, майли, барибир. Мана сизга най. Бирор нарса чалиб беринг!

Г и л ь д е н с т е р н

Чалишни билмайман, шаҳзода.

Ҳ а м л е т

Лутфан, сўрайман.

Г и л ь д е н с т е р н

Рост гап, билмайман.

Ҳамлет

Ахир, мен ўтиниб сўрайман.

Гильденстерн

Мен буни ушлашни ҳам билмасам, шаҳзода.

Ҳамлет

Бу ёлгон айтишдай осон бир нарса. Бармоқларингизни пардаларда ўйнатинг, оғзингизни ҳавога тўлдириб пуфланг. Дарҳол ширин куйлар пайдо бўлаверади. Мана, мана пардалари!

Гильденстерн

Мен буни қилолмайман. Барибир ҳеч нарса чиқмайди. Мен бу ҳунарни ўрганганим йўқ.

Ҳамлет

Ундай бўлса, қаранг, мени қандай бир лой билан қориштирасиз! Сиз мени ўйнатмоқчи бўласиз. Сиз гўё менинг ҳамма пардаларимни биламиз деб ўйлайсизда. Сиз, менинг сиримни сиқиб чиқариб билмоқчи бўласиз. Сиз, менинг барча ноталарим сизга очиқ-аёндир деб ўйлайсиз. Мана бу кичиккина буюм атайлаб чолғу қилиб ясалган, бунинг бағоят ширин оҳанги бор. Аммо, сиз буни сўзлата олмайсиз. Наҳотки мени сўзлатиш бундан қулайроқ деб ўйлайсиз-а? Мени, истаган чолғуга ўхшатишингиз мумкин, менинг оҳангларимни бузсангиз, буза оларсиз-у, аммо мени асло чала олмайсиз.

Полоний қайтиб келади.

Тангри ёрлақагай сизни, жаноб.

Полоний

Милорд, малика сиз билан, ҳозироқ гаплашмоқчилар.

Ҳамлет

Ана ўша туяга ўхшаган булутни кўрасизми?

Полоний

Азбаройи худо, кўраман; туянинг худди ўзи.

Ҳамлет

Менингча, сассиқ кузанга кўпроқ ўхшайди.

Полоний

Ростакам, орқаси сассиқ кузанники.

Ҳамлет

Ёки кит балиғининг орқаси деса ҳам бўлади.

Полоний

Баайни кит балиғи.

Ҳамлет

Хўб, мен ҳозироқ онам ҳузурига борурман.

(Ўз-ўзига)

Булар сўзни бириктириб мени чинакам жинни қилмоқчилар. Ҳозир етиб бораман.

Полоний

Шундай, деб айтман.

Ҳамлет

«Ҳозир» деб қўйиш осон. Дўстларим, мени бирпас ёлғиз қолдирингиз.

Ҳамлетдан бошқа ҳаммалари кетишади.

Энди тунги афсуннинг айни фурсати.
 Жаҳаннам заҳар сочар, тобут қарсиллар.
 Ҳозир иссиқ қонни ҳам шимирсам мумкин,
 Ҳозир шундай даҳшатга муҳайёманки,
 Кундузи ҳуркар эдим улардан ўзим.
 Волидамиз чақирган. Қутурма эй дил!
 Ҳар не бўлса, кўксимга ўрната кўрма —
 У ноинсоф Нероннинг шиддатли руҳин.¹
 Мен-ку қайсар бўлмайман, сипоҳ бўламан.
 Балки сўзим шиддати ўлдирар уни.
 Лекин, лекин у мени туққан она-ку!
 Қанча қизиб ғазабга тўлсам-да, бироқ
 Қўлларга эрк бермасдан турмоқ яхшироқ.

(Кетади.)

¹ Клавдий Цезарь Нерон (37—68 йиллар) — зулмкорлиги билан танилган Рим императори.

УЧИНЧИ САҲНА

Қасрда бир хона.

Қирол, Розенкранц ҳам Гильденстерн кириб
келадилар.

Қирол

Уни ёмон кўраман, унинг бемаъни
Жиннилигин қўллашга менда йўқ тоқат.
Тайёрланинг, мен ҳозир фармойишимга
Имзо қўяй ва сўнгра сиз билан баҳам
Англияга юборай Ҳамлетни тездан.
Бизнинг олий мақомга тўғри келмаски,
Девоналик ниқоби остида ҳар дам
Пистирмада хатарлар кўзлагай бизни.

Гильденстерн

Йўлга тайёрланайлик. Зоти олийингиз
Минглаб киши ҳақида шунча ғам-ташвиш
Ер экансиз ишингиз табаррук — эзгу.

Розенкранц

Зеро, ҳар ким ўзини бало-хатардан
Фаросати борича қўриқлаши фарз.
Айниқса кўпчиликнинг ҳимоячиси —
Сиз ҳазратга бағоят эҳтиёт лозим!
Чунки, шоҳнинг вафоти бир ўлим эмас.
Бундай ўлим яқинда турган кўпларни
Туби йўқ бир гирдобга судрайди ҳамон.
У жарнинг ёқасида ғилдиракдурки,
Ағдарилса, даставвал унинг тишлари,

Кегайлари чил пора бўлиб сочилар.
Хукмдор бир хўрсинса, унга жавобан —
Халойиқнинг дилидан қалқади фарёд.

Қ и р о л

Сўрайманки, сафарга тезроқ чиқсангиз,
Шу эркин юраётган даҳшат — балони
Кишанбанд қилмоқликнинг палласи келди.

Розенкранц ҳам Гильденстерн

Сафарни тезлатамиз!

Гильденстерн ҳам Розенкранц кетишади. Поло-
ний кириб келади.

П о л о н и й

У ҳарамга, онаси ёнига кетди,
Мен улар ўртасида ҳамма гапларни
Гилямнинг орқасидан туриб эшитай.
Малика уни қаттиқ койиса керак.
Аммо она ҳеч қачон қози бўлолмас,
Она истар-истамас юзхотир қилар.
Ёт бир киши кузатиб тургани маъқул.
Хайр шоҳим. Эшитиб билганларимни
Сиз уйқуга кетмасдан кириб айтурман.

Қ и р о л

Куллуқ, дўстим.

П о л о н и й кетади.

Мен қилган шум жиноятнинг
 Аччиғ-сассиқ тутуни кўп бўғиқ экан.
 Устимда бор энг қадим лаънат тамғаси:
 У қардош ўлдиришлик жиноятидур.
 Жону дилдан истайман ибодат қилмоқ,
 Аммо бундай гуноҳга кечирим йўқдир.
 Қимирловчи мўлжалга отмоқчи бўлган
 Бир кишидай билмайман нима қилишни.
 Қардошимнинг қонига бутун белансам,
 Ушанда ҳам бу қўлни тозаласам —
 Парвардигор қодир-ку! Савобнинг ўзи
 Гуноҳга таққосланиб баҳоланар-ку.
 Агар гуноҳ бўлмаса шафқат ҳам бўлмас,
 Бизлар дуо ўқиймиз, токи худованд —
 Узи бизни асрасин хатокорликдан.
 Мен ноумид бўлмайман. Баланд ўйлайман.
 Йиқилганман. Бу гап рост. Аммо тураман.
 Қайси зикрлар билан бошлай дуони?
 «Кечир қотиллигимни!» — Йўқ, бундай бўлмас.
 Мен ўша ўлжаларни қайтарганим йўқ.
 Жиноятга сабабчи бўлган нарсалар:
 Тож, мамлакат, малика барчаси менда.
 Гуноҳдан қайтмаганга кечирим йўқ-ку!
 Гарчи бизнинг дунёда кўп вақт қотиллар
 Тилла узук — қўл билан қилар пўписа,
 Чунки ҳаром йўл билан топилган неъмат
 Қонунни кўндиришга етарли пора.
 Аммо, унда, осмонда ҳолат бошқача.
 Уша ерда феълимиз рангсиз, найрангсиз,
 Бўлганидай равшандир. У ерда ўтмиш
 Тергов чоғи бизларга холис бир гувоҳ.
 Энди нима? Мен нима қилишим керак?
 Тавба қилмоқ? Ҳа, тавба қудратли таянч.
 Аммо, мен-чи, тавба ҳам қилолмайман-ку!

Улимдан ҳам қорасан, эй сийнам! Азоби
 Типирчилаб ботмоқда халқобга виждон,
 Мадад беринг малаклар, букилинг тизлар!
 Эй юракнинг пўлати эриб бир қадар
 Юмшоқ бўлгин чақалоқ кемирчагидай!
 Ё таваккал!

(Хонанинг ичкарироқ томонига бориб тиз чўкади.)

Ҳ а м л е т кириб келади.

Ҳ а м л е т

У ибодат қилади. Кўп қулай фурсат!
 Шамширнинг бир зарбидан париллар кўкка,
 Шу билан ўч олинур. Шундаймикан? А?
 Бу муттаҳам, отамни нобуд қилибди,
 Лекин мен-чи, қотилни ҳозир ўлдирсам
 Демак уни йўллайман тўғри жаннатга.
 Бу-ку қасос бўлмайди, бу-ку мукофот.
 Менинг отам заҳарли, ҳаром ширадан
 Қорни шишиб, қавариб ўлган эди-ку.
 Бу феъл учун жавобни тангри сўрайди,
 Жавобгарлик албатта катта бўлгуси.
 Аммо ҳозир ҳар турли қабоҳатлардан
 Тозаланиб сафарга тайёр турса-ю —
 Шундай поклик ҳолида, ибодат чоғи
 Бу аблаҳни йўқ қилсам, бу қасос бўлмас.
 Йўқ!
 Сен, қиличим, даҳшатли чоғни кут, шошма!
 У дарғазаб бўлганда ё маст бўлганда,
 Ухлаганда ё ҳаром зино қилганда,
 Қимор пайти уришиб сўккан чоғларда,
 Хуллас, савоб ишларга ёт бўлган дамда
 Уни шундай ирғитки, думбалоқ ошиб

Бориб тушсин қалбидай қора дўзахга.—
 Ҳа, онам чақирибди.— Сургин салтанат,
 Аммо бу чора эмас, озгина рухсат. *(Кетади.)*

Қ и р о л

(Ўрнидан туриб)

Сўзлар учар, сезгилар пастга тортади,
 Ҳиссиз сўзлар фалакка бўлмайди манзур.

(Кетади.)

ТҮРТИНЧИ САҲНА

Маликанинг хонаси.

М а л и к а ҳам Полоний кириб келадилар.

П о л о н и й

У сизга келаётир. Бир оз дўқ қилинг,
 Бемаъни қилиқларин сал тийиб қўйсин.
 Айтинг, уни жазодан сиз қутқардингиз
 Мен бурчакда беркинай. Яна илтимос.
 Қаттиқ-қаттиқ гапиринг.

Ҳ а м л е т

(Саҳна орқасидан)

Бонум, волидам!

М а л и к а

Менга ишонаверинг! Хавотир еманг.
 У бунга келаётир. Беркининг энди.

Полоний гилам орқасига яширинади. Ҳамлет кириб келади.

Ҳамлет

Хўш, онажон, бизга лойиқ қандай хизмат бор?

Малика

Нега таҳқир этасан отангни, Ҳамлет?

Ҳамлет

Нега сиз хўрладингиз отамни, она?

Малика

Сўзлашингда шунча ҳам назокатсизлик!

Ҳамлет

Ҳа, чунки, саволингиз мунофиқона.

Малика

Хўш, бу нима деганинг?

Ҳамлет

Сизга не керак?

Малика

Мен сенга ким бўламан, ҳеч эслайсанми?

Ҳ а м л е т

Бутга қасам ичаман, яхши эслайман:
Эрининг укасига теккан малика,
Ва афсуски, менга ҳам она бўласиз.

М а л и к а

Хўп, бўлмаса, бошқалар сен-ла сўзлашин.

Ҳ а м л е т

Қимирламанг! Утиринг. Сизни қўймайман.
Мен ойна қўяман рўпарангизга,
У ерда ўзингизни айнан кўрарсиз.

М а л и к а

Сен нима қилмоқчисан? Яқинлашмай тур!
У мени ўлдирмоқчи! Войдод!

П о л о н и й

(гилам орқасидан)

Соқчилар!

Ҳ а м л е т

Ҳа, бунда каламуш? Йўқ қилай буни!

(гиламга қилични тикади)

Полоний

(Гилам орқасидан)

Ўлдим!

(Йиқилиб ўлади.)

Малика

Нима қилдинг сен?

Ҳамлет

Ажабо, унда
қирол турганмиди, ҳа?

Малика

Қандай жиноят!

Ҳамлет

Аммо шоҳни ўлдириб қайинига —
Тегиш жиноятдан ошмайди, хоним!

Малика

Нима, «шоҳни ўлдириб?..»

Ҳамлет

Ҳа, маликам, ҳа!

(Гиламни кўтариб Полоний жасадичи кўради.)

Алвидо эй тектурмас, телба жонсарак!
 Сени мен каламуш деб ўйлабман, афсус.
 Қўрасанки ҳовлиқиш зарар келтирар.
 Сиз ўтиринг! Қўлларни титиш не керак?
 Қалбингизни титмоқчи бўлибман ҳозир,
 Башарти у, ярамас одатлар ичра
 Сизгини йўқотмаган, қотмаган бўлса.

М а л и к а

Ахир, нима айбим бор, нега гапларинг
 Шунчалик қўрс ва дағал?

Ҳ а м л е т

Сизнинг феълингиз —
 Сўндиради уятни, самимиятни,
 Ҳақиқатни хорлайди, покизаликнинг
 Манглайига тошади ҳуснибузардай,
 Ва никоҳда қилинган аҳду паймонни
 Қиморбоз гаровига айлантиради.
 Сиз ваъдаю вафони бекор қилдингиз,
 Қўзингизда черковнинг шарияти пуч.
 Феълингизни эслагач кўклар қизарар,
 Фалакнинг гумбазлари хўмрайиб қарар
 Гўё охир замонмиш, қиёмат эмиш.

М а л и к а

Шунча кенг сўзбошидан сўнгра билсайдик
 Масаланинг мағзини, гуноҳимизни?

Ҳ а м л е т

Мана қараб кўрингиз: иккита сурат.
 Суратларга солинмиш оға ва ини.

Буни қаранг: қанчалик жозиба, кўркам:
 Зевспешона, сочлари Аполлонвори,
 Қарашлари Марсники сингари мағрур,
 Осмоннинг элчиси Меркурий каби
 Улуғворлик ва савлат бу кишида жам.
 Бу кишида жам бўлган ҳар бир хислатга
 Бирон тангри босмишдур гўё ўз муҳрин.
 Бу биринчи эрингиз, чинакам инсон,
 А — бу бўлса, иккинчи эрингиз, — гўё —
 Тоза бошоқ ёнида қурт босган бошоқ.
 Кўзингиз қайда эди? Тоғ яйловидан
 Тушиб шундай хашакка хўра бўлибсиз.
 Кўзларингиз бормиди? Бу-ку ишқ эмас.
 Ёшингизга етганда одамлар энди —
 Қалла билан яшайди, елсиз, бўронсиз,
 Аммо бу олий зотни шундай бадзотга
 Алиштирган калланинг мағзи қаерда?
 Сиз ўлик тан эмассиз, қимирлайсиз-ку.
 Аммо сизнинг туйғулар гафлатда ётган.
 Ҳеч бир кимса шунчалик янглишмас эди.
 Киши алаҳласа ҳам шунча бир фарқнинг
 Маънисига албатта етмасдан қолмас.
 Бўлмаса қайси шайтон сизни алдади?
 Киши кўр ё қар бўлса, сезгисиз бўлса,
 Ушанда ҳам бу қадар янглишмас эди.
 Сен қайдасан, эй ҳаё? Васваса, шайтон
 Беванинг ҳам шаҳватин қўзғата олса
 Қандай талаб қилайлик қизлардан ҳаё?
 Бу феълингиз замона келинларига
 Ғоят ёмон намуна бўлғуси, хоним!

М а л и к а

Бас қил, Ҳамлет! Сен менинг кўзимни ҳозир
 Виждонимга қарашга мажбур айладиңг.

Унда кўрганим нуқул қора доғлардир,
У доғларни ҳеч нарса ювиб кетгизмас.

Ҳ а м л е т

Барибир, сиз ёғ босган ётоқда мудом
Нафсингизнинг кайфидан нашъалар топиб
Шаҳватнинг хуморида ағнаётирсиз.

М а л и к а

Ҳамлет, раҳм эт! Сўзларинг ханжар сингари
Қулоғимни тилмоқда.

Ҳ а м л е т

Сизга ҳамёстиқ бўлган қотил ва ҳайвон
Марҳумнинг битта ҳаром тукича эмас.
Сизни қўйнига олган шоҳ эмас — айёр,
У тахт узра ўлтирган битта кисабур.
Токчада тожни кўриб ўғирлаган пес.

М а л и к а

Ҳамлет, раҳм эт!

Ҳ а м л е т

Ёрингиз бир масхарабоз...

А р в о ҳ кириб келади

Менга бошпана бўлинг, эй фаришталар!—
Мендан сизга не лозим зоти-шоҳона?!

М а л и к а

Войдод, унда бошланди яна тутқалоқ!

Ҳ а м л е т

Сиз мени койгани келибсиз, бешак.
Чунки ялқов ўғилман, кунлар ўтса ҳам
Мудҳиш фармонингизни ижро этмадим.
Шундаймасми?

А р в о ҳ

Сенинг сўнай-сўнай деб ётган азмингга
Янги жон киргизгали келдим бу ерга.
Аммо қара онангга. У кўп қақшабди.
Уни дарров қутқазгин ваҳмлардан.
Ожиз руҳни ваҳима тез эгаллайди.
Унга гапир.

Ҳ а м л е т

Маликам, сизга не бўлди?

М а л и к а

Ҳеч нарса йўқ. Нега сен шундай қарайсан?
Бўш ҳавога қичқириб нима сўзлайсан?
Жовдираган кўзларинг нечун ёввойи?
Ухлаб ётган аскарлар бир сигнал билан
Тикка отилганидай нега сочларинг
Тиккайиб турди бирдан? Оҳ, ўғлим, билки,
Қасалликнинг таптани соқитлик босар.
Сен нимага тиклдинг?

Ҳ а м л е т

Унга, ҳу, унга.

Қаранг, у қандай сўлғин! Унинг тарихи
 Ва шу ҳоли тошни ҳам эрита олур.
 Менга боқма! Кўзларинг руҳимни тирнар.
 Руҳим юшаб йўқотар устворлигин,
 Қон ўрнига кўз ёшин тўкмайин тагин.

М а л и к а

Кимга сўзлаётирсан?

Ҳ а м л е т

Сиз, кўрмайсизми?

М а л и к а

Асти. Фақат кўрганим шу кўринганлар.

Ҳ а м л е т

Эшитарсиз?!

М а л и к а

Ҳа, фақат ўз товушимизни.

Ҳ а м л е т

Ана қаранг! Мана у, мана ўша-ку!
 Айни менинг падарим, худди тирикдай.
 Кўрасизми, эшикдан сирғиниб чиқар.

М а л и к а

Бу барчаси савдойи руҳнинг хаёли,
Безгак бўлсанг арвоҳлар кўп кўринади.

Ҳ а м л е т

Безгак эмиш! Билингки менинг томирим
Худди сизнинг томирдай бардам уради.
Сўзларимда маънога халал етмабди.
Сўрасангиз, барчасин қайтариб берай,
Қасал киши айтганин такрорлай олмас.
Худо ҳақи, қўйинг шу малҳамингизни!
Ўйламанг шу балога руҳим айбдор,
Сизнинг қилмишларингиз бу ишга боис.
Бу айтган малҳамингиз ярани ёпар,
Аммо яра ичидан чиритар танни.
Сиз ҳамма гуноҳлардан тавба қилингиз,—
Пушаймонлик билдириб эҳтиёт бўлинг.
Илдизидан юларлар ярамас ўтни.
Бу рост гапларим учун мени кечиринг.
Худди замонамизда савобкор одам
Гуноҳкорга яхшилик қилгани учун
Ўзр сўраётгандай, мени кечиринг!

М а л и к а

Оҳ, ёрилмоқда юрагим, Ҳамлет!

Ҳ а м л е т

Майли, ёмон парчасин ташлангиз дарҳол,
Тоза яшанг у яхши парчаси билан,
Ҳайрли тун, бормангиз амакимга сиз!

Сизда уят бўлмаса, майли уйдирма
 Уятни пайдо қилиб шунга кўнинг.
 Одатланиб қоларсиз! Яхши кўринсак —
 Аста-секин савобга кўникармиз-ку.
 Биз ахлоқ қондасин янги тўн каби
 Қийиб ахир кирармиз ўша қолига.
 Такрорланиш ўзгартар ашённинг юзин.
 Жинларни ё қуварлар, ё ром этарлар.
 Пирингизга тавба ва иқрор қилганда —
 Менга дуода бўлинг! Лекин бу бадбахт.

(Полонийни кўрсатиб.)

Бу бечора ҳақида афсусланаман.
 Чамаси, бу — фалакнинг бир ҳукмидирки,
 Менга ую, унга мен жафокор бўлдик.
 Фалак ахир айлади мени бир жаллод.
 Мен ўзим кўтараман унинг жасадин,
 Қонига ҳам жавобгар ўзим бўламан.
 Яна сизга тилайман ширин уйқулар.
 Қаттиқлигим шафқатдан келиб чиқади.
 Бахтсизликлар давраси бошланди энди,
 Янги балоларга ҳам шайланиб туринг.
 Яна бир гап.

М а л и к а

Мен нима қиламан, энди?

Ҳ а м л е т

Ҳали ҳам сўрайсизми: «Нима қилай?» деб?
 Нимани хоҳласангиз, қила беринг сиз.
 Сиз қиролнинг бағрига ётоққа қиринг.

У сизни эркалатсин, «жонгинам» десин,
У ўпишлар, силашлар сизга хуш келиб
Миннатдорлик қилгали унга айтингки:
— Ҳамлет девона эмас, ҳаммаси найранг,
Аллақандай шум ният пайнда юрар...

М а л и к а

Сенга хиёнат қилиб сотишдан кўра
Улимимга розиман, ўзинг биласан!

Ҳ а м л е т

Ҳа, мени Англияга жўнатмоқчилар.
Биласизми?

М а л и к а

Едимдан кўтарилибди.
Бахтга қарши биламан. Бу қатъий қарор.

Ҳ а м л е т

Йўл хатимга муҳрлар босилаётир.
Менинг икки мактабдош дўстларим эса —
Аллақачон сотишиб ўлик танамни —
Суюнгандан қўлларин ишқаётирлар.
Майли, майли, кўрамиз — чоҳ қазган ўзи
Чоҳга тушиб кетиши ғалати бўлар.
Улар ёмон ниятни ўйлашган менга,
Мен улардан ҳам чуқур қудуқ қазаман!

Энди буни олисроқ жойга кўтарай!
Бу ичак-чавақларни қўяй даҳлизга.
Хайрли тун! Аммо бу насиҳатчи зот,
Қаранг, қанча ювошу сипоҳдур энди —
Ҳаётда-чи, ҳақкадай қақилдоқ эди.
Энди дўстим, мен сизни саранжом қилай —
Хайрли тун, онажон!

Ҳар томонга чиқиб кетишадилар. Ҳамлет Полонийни судраб олиб чиқади.

IV ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Эльсинор. Қасрда бир хона. Қирол, Малика, Розенкранц ҳам Гильденстерн кириб келадилар.

Қирол

Бу чуқур «оқ-воҳ»ларда бирон маъни бор.
Бу маънига бизлар ҳам тушунсак, дейман.
Уғлингиз қаердадир?

Малика

Бизни холи қолдиринг бир пас, жаноблар.

Розенкранц ҳам Гильденстерн чиқиб кетадилар.

Оҳ, ҳалиги фалокат!

Қирол

Нима, Гертруда?

Ҳамлет қалай?

Малика

Ҳайқирар бўрон сингари,
Қуюн билан баҳслашар қаҳру ҳиддатда.
Боя яна алаҳлаб қизиган чоғда —

Гиламнинг орқасидан шарпа эшитгач
«Қаламуш!» деб ҳайқирди ва қилич билан
Пистирмада турган у чолни ўлдирди.

Қ и р о л

Мумкин эмас! Вой агар унда биз бўлсак —
Бошимизга тушарди ўша мусибат.
Унинг эркин юриши сизга ва бизга,
Ҳар кимга ва ҳаммага доимо хатар.
Хўш, бу қонли қатлга кимдир жавобгар?
Ҳайҳот, ўзим жавобгар. Мен ҳушёр бўлсам
Бу бадбахт жафокашга василик қилиб
Четга чиқарар эдим. Айб муҳаббатда.
Унга меҳр кўп бўлди, тадбир йўқолди.
Оилада юз берган бу бахтсизликни
Расво мараз сингари қаттиқ яширдик.
Мараз ичкари кетди. У ўзи қани?

М а л и к а

Аллақайга жўнади жасадни олиб.
Қўпол тошда гоҳ олтин ялтирагандай,
Яхшилик учқунлари ялт этар бунда.
Йиглаб турар ўзидан чиққан балога.

Қ и р о л

Юр, Гертруда, офтоб боғларга ҳали
Тушар-тушмас кемага ўтирар Ҳамлет.
Энди бу қабоҳатни бир бало қилиб
Хаспўшлаймиз ўзимиз. Ҳай, Гильденстерн!

Розенкранц ҳам Гильденстерн кириб келадилар.

Ердамга яна битта дастёр олинг!
 Полонийни шаҳзода сўйиб қўйганмиш!
 Ва жасадни бир ўзи олиб чиққанмиш.
 Унинг жаҳлин чиқармай жасадни олинг
 Ва оҳиста кўтаринг бутхонага сиз!

Розенкранц ҳам Гильденстерн кетадилар.

Юр, Гертруда, дўстларни тўплаб, уларга —
 Нақл этайлик шу янги андишаларни.
 Балки заҳар бўҳтоннинг пишиллашлари,
 Замбаракнинг ўқидай хатарли тухмат.
 Дўстларнинг ҳиммати-ла бизга кор қилмай
 Утиб кетар. Сен мени ёлғиз қолдирма.
 Кўнглимда бор хавотир, изтироб, гашлик.

Кетадилар.

ИККИНЧИ САҲНА

Яна ўша қаср. Бошқа хона.
 Ҳ а м л е т кириб келади.

Ҳ а м л е т

Бутунича топширдим тегишли жойга.

Розенкранц ва Гильденстерн

(Саҳна орқасида.)

Ҳамлет, Ҳамлет!

Ҳ а м л е т

Бу нима? Чақираётган ким?
 Ана ўзлари.

Розенкранц ҳам Гильденстерн кириб келадилар.

Розенкранц

Милорд, айтинг, ўликни нима қилдингиз!

Ҳамлет

Унинг ўз ҳамжинсига, тупроққа қўшдим.

Розенкранц

Жойин айтинг, ўликни олиб чиқайлик!

Ҳамлет

Буни сизлар хаёлга ҳам келтирманглар!

Розенкранц

Нимани?

Ҳамлет

Яъни ўз фойдамга эмас, сизнинг фойдангизга ҳаракат қилишимни. Нарн борса, битта «булутча» мени нима қилиб тергаб ўтирибди. Қиролнинг ўғли унга нима деб жавоб берар эди?

Розенкранц

Сиз мени «булут»га қиёс қиляпсизми, шаҳзода?

Ҳамлет

Ҳа, сизни. Сиз шоҳ инъом-эҳсонларининг ва садақаларининг ширасини шимаётган булутсиз. Аслда, шунақалар подшоҳнинг энг яхши хизматкорларидир. Маймун ўз овқатини милкида сақлагандай, қирол ҳам уларни милкида сақлаб туради. Уларни энг олдинроқ оғзига тиқиб энг охижда ютади. Сизлар ундан шимиб олган нарсаларингиз унга лозим бўлиб қолар экан, у сизларни бир сиқиб олади-да, яна бурунгидай қуп-қуруқ бўлиб қоласизлар.

Розенкранц

Сўзларингизга тушуна олмайман, шаҳзода.

Ҳамлет

Бундан жуда мамнунман. Гўл ақлда ҳазил не қилади?

Розенкранц

Милорд, сиз ўлик жасаднинг жойини бизга айтасиз ва биз билан бирга қирол ҳузурига борасиз.

Ҳамлет

Жасад қиролнинг диёрида-ю, аммо унинг ихтиёрида эмас. Хўш, энди, қиролнинг бу ишга нима дахли бор?

Гильденстерн

Қиролми? Нима деяпсиз, шаҳзода?

Ҳ а м л е т

Қиролингиз бўлмағур, пуч нарса — вассалом. Қани, оборинг мени унинг ёнига. Қани, қани, бир бекин-мачоқ ўйнаймиз у билан! (*Кетадилар.*)

... У Ч И Н Ч И С А Ҳ Н А

Қаср. Бошқа хона. Қирол ўз маҳрамлари билан кириб келади.

Қ и р о л

Уни топиб келгани киши юбордим.
 Кўрасизми, қандай хавф у эркин юрса!
 Унга қўрс муомила қилиб бўлмайди.
 Чунки авом халойиқ унга ихлосманд.
 Халойиқ-чи: кўзига ёққани маъқул.
 Халқ жазони кўради, аммо бу жазо
 Нечун бўлаётганин фаҳмламайди.
 Унинг жўнаб кетиши силлиқ бўлсин деб —
 Хизмат билан борганин баҳона қилсак.
 Касаллик оғир бўлса уни одатда
 Ўткир дорулар билан даволайдилар.

Розенкранц кириб келади.

Нима бўлди? Ўликни топишдиларми?

Р о з е н к р а н ц

Сира топиб бўлмайди ўликнинг жойин.

Қ и р о л

Ўзи қайда?

Розенкранц

Турибди эшик олдида.
Уни олдик назорат остига дарҳол.

Қирол

Олиб келинг Ҳамлетни.

Розенкранц

Ҳай, Гильденстерн,—
Шаҳзодани олиб кир!

Ҳамлет ва Гильденстерн кириб келадилар.

Қирол

Ҳамлет, сўйлагин,
Қаердадир Полоний?

Ҳамлет

У, зиёфатда.

Қирол

Ҳо, у қандай зиёфат? Қайси зиёфат?

Ҳамлет

Шундай бир зиёфатдаки, у ўзи емайди, балки унинг ўзини ейдилар. Ҳозир қурт-қумурсқалар уни егани баъзи олий чақирибдилар. Аслини ўйлаганда қурт

ҳамма тўралардан зўр. Биз ҳамма жониворларни ўзимизга таом бўлсин деб асраймиз, ўзимизни эса қуртларга ем бўлайлик деб боқамиз-да. Йўғон қирол ҳам, ориқ гадой ҳам бир дастурхоннинг икки хил овқатидир, холос. Оқибат айнан бир хил.

Қирол

Ҳайҳот! Ҳайҳот!

Ҳамлет

Масалан, қирол этидан овқатланган қурт билан бир балиқни қармоққа илинтириб олиб, ўша қуртни еган балиқни эса бўлади.

Қирол

Нима демоқчисан сен шу билан?

Ҳамлет

Ҳеч нима. Фақат демоқчиманки, қирол ҳам бирон гадойнинг ичак-чавақларида саёҳат қилиши мумкин экан-да.

Қирол

Қани Полоний?

Ҳамлет

Жаннатда. Бир киши юборинг кўриб келсин! Агар у қайтиб келмаса, ўзингиз бора қолинг! Башарти, у

бир ойгача топилмаса, сиз уни ўз димофингиз билан даҳлизнинг остонасидан искаб топгайсиз.

Қирол

(маҳрамларидан баъзи бирларига)

Шу айтилган жойни қарангиз?

Ҳамлет

У сизга сабрсизлик билан мунтазир!

Маҳрамлар чиқиб кетадилар.

Қирол

Сенинг қонли қилмишинг ноўрин бўлди.
Сени омон сақламоқ ниятида биз,—
Дарҳол жўнатмоқчимиз. Йўлга ҳозирлан!
Кема кутар соҳилда, ўнгай ел эсар.
Кема аҳли кўп катта интизор ичра
Англияга жўнашга шайланиб турар.

Ҳамлет

Англияга, дейсизми?

Қирол

Ҳа.

Ҳамлет

Бу жуда соз!

Қирол

Баракалла, англабсан муродимизни.

Ҳамлет

Муроди мақсадларингизни кўриб турган фариштани кўриб турибман. Хайр бўлмаса, кетдик Англияга!— Алвқдо, севгили онажон!

Қирол

Севгили отажон ҳам демоқчидирсан, Ҳамлет?

Ҳамлет

Йўқ, онажон! Ота ва она — эру хотин бўлади; эру хотин — зоти бутун бўлади. Демак барибир: алвқдо! Онажон.— Демак Англияга, ана, холос!

(Кетади.)

Қирол

Орқасидан чопингиз! Дарҳол кемага,
Бу кун унинг изи ҳам қолмасин бунда.
Энди хайр. Ҳамма гап хатда ёзилган.
Муҳру имзо жойида. Тезроқ жўнанглар.

Розенкранц ҳам Гильденстерн кетадилар.

Эй Англия, агар сен, менинг меҳримни
Мен хоҳлаган йўсунда қадрлай олсанг,
Даниянинг қиличи очган яралар

Агар ҳали сиртингни ачитиб турса,
Ҳали бизга хирожни тўлар экансан —
Амримдан бир ҳарфни бажармай кўр-чи!
Мен амримда яширинча буюрибманки,
Ҳамлет боргач, ҳамоно ўлдирилсин деб.
Бу фармонни Англия, бажармоғинг фарз.
У қонимни куйдирар иситма каби.
Бу оловдан қутқазгин мени бир қарра.
У ҳар қанча соғ бўлса, менга ҳаёт йўқ.

(Кетади.)

ТУРТИНЧИ САҲНА

Данияда бир ува.

Фортинбрас, капитан ва аскарлар кириб келадилар.

Фортинбрас

Дания қиролига бориб таъзим эт.
Унга айтки, капитан, аҳдга мувофиқ —
Бу ўлкадан Фортинбрас ўтиб кетмоқчи.
Қаерда кўришамиз, ўзинг биласан.
Яна айтки, гар хизмат чиқса биз учун —
Қиролнинг хоҳишига ҳамон тайёрмиз.
Хайр!

Капитан

Сизларга оқ йўл!

Фортинбрас

Олга юр лашкар!

Фортинбрас ва аскарлари чиқиб кетадилар. Ҳамлет, Розенкранц, Гильденстерн ва бошқалар кириб келади.

Ҳамлет

Бу кимларнинг лашкари?

Капитан

Норвег лашкари.

Ҳамлет

Юриш қайга?

Капитан

Польшага.

Ҳамлет

Саркардаси ким?

Капитан

Шаҳзода Фортинбрас, қирол жияни.

Ҳамлет

Мақсадингиз нимадур: сарҳадга бориш,
ё Польшанинг ичига бостириб кириш?

Капитан

Ростин айтсам, арзимас бир ер парчасин —
 Забт этгани борамиз. Номига еру —
 Аммо буткул фойдасиз. Менга қолса-чи:
 Беш тиллага олмасдим ижарага ҳам.
 Агар у ерни Польша ва Норвегия
 Сотмоқчи бўлганда ҳам беш тилла чиқмас.

Ҳамлет

Поляклар уни нега ҳимоя қилсин?

Капитан

У ерга жам қилганлар кучли гарнизон.

Ҳамлет

Бир тутам пичан учун икки минг жонни,
 Минг-минг пулни аямай сарф қилишади.
 Худди осойишталик чоғида гоҳо
 Ташқаридан биронта озор емасдан
 Ичига қон югуриб киши ўлади.—
 Миннатдорман, тақсирим.

Капитан

Қуллуқ, афандим.

(Кетади)

Розенкранц

Милорд, биз ҳам жўнасаки!

Ҳ а м л е т

Боринг. Етаман.

Ҳамлетдан бошқа ҳ а м м а кетади.

Ҳамма ишлар қувватлар менинг шубҳамни,
 Ҳамма нарса қистайди мени қасосга.
 Агар одамзод учун энг ширин армон:
 Уйқу ва таом бўлса — уни не дердик?
 Инсон эмас, биз уни, дер эдик ҳайвон.
 Албатта зеҳнимизга фаҳм сингдирган,
 Келгусидан, ўтмишдан тушунча берган,
 Халлоқ бизга демади: бу ақлу идрок
 Бекорига чирисин. Айб нимададир?
 Ё молдай унутувчан бўлишликдадир?
 Еки ҳар бир феълнинг икир-чикирин —
 Суриштириб юрмоқлик одатидадир?!
 Шундай майдачиликнинг чораги фикр —
 Тўртдан уч қисми эса қўрқоқлик, холос.
 Лекин бир муддаони муттасил чўзмоқ,
 Ҳамиша қайтармоқда ҳикмат бормикин?
 Ваҳоланки у ишга менда истак бор,
 Менда имконият бор, у менга қулай!?
 Ҳаётимда учратган ҳар бир воқиа
 Уқдиради менга бу келишмасликни.
 Мана мисол, шу ўтган сипоҳи лашкар.
 Қўп эрка бир шаҳзода уларга сардор.
 У, шуҳратнинг пайида жангга отилмиш.
 Такаббур ёш бу йўлда жонидан кечмиш.
 Ишнинг ўзи арзимас пуч бир тухумга.
 Ана катталик деган шундай бўлади.
 У бир сабаб бўлмаса бир қадам босмас,
 Аммо номус ҳақида гап кетар экан —

Бир тутам пичанни деб кирар низога.
 Мен-чи, отам заҳарлаб ўлдирилгандир,
 Онам шундай шарманда, дилимда газаб.
 Узим бўлсам анқайиб дайдиб юрибман.
 Хижолатман бу ўтган лашкарни кўриб.
 Ахир булар, йигирма мингта сипоҳи
 Улиб гўрда ётмоққа шундай тайёрки,
 Гўё ётадиган жой гўр эмас, ётоқ.
 Наҳотки, бир парча ер учун бу сафар?!
 Ваҳоланки ўша бир парча тупроқда —
 Тирикларга жой етмас, ўликларга гўр.
 Бундан буён қонларга чулган эй фикрим,
 Ё қаҳр-ила яшагин, ё ҳеч яшама! (*Кетади.*)

БЕШИНЧИ САҲНА

Қасрда бир хона.

М а л и к а ва Г о р а ц и о кириб келадилар.

М а л и к а

Уни қабул этмайман.

Г о р а ц и о

У ғавғо қилар.

У чиндан ҳам ақлдан озган чамаси.
 Оҳ, бечора!

М а л и к а

Хўш, унга нима бўлябди?

Г о р а ц и о

Вайсаб-вайсаб гапирар нуқул отасин,
 Дунёни муттаҳам дер, кўкрагин муштлар,
 Қаҳрланар ва йиғлар, бемаъни сўйлар.
 Гарчи унинг айтгани чалкаш, сафсата,
 Аммо биров эшитса гап-сўз қилади.
 Иборалар, имолар, ҳар хил қилиқлар
 Одамларга туюлар, анча ғалати,
 Ҳар ким топар булардан ўзига боп гап.
 Ҳар ким ўйлар: оловсиз тутун бўлмайти,
 Демак, бу қиз мудҳиш бир сирнинг қурбони.

М а л и к а

Майли, уни бир кўрай. Тагин бу бадбахт
 Душманлар хаёлига шубҳа солмасин.
 Майли кирсин!

Г о р а ц и о кетади.

Хаста дилга ва ҳорғин виждонга доим
 Ҳар нарсада бир офат бордай туюлар.
 Шундай қилиб, яширин васваса билан
 Гуноҳ ўзи-ўзини фош қилар экан.

Г о р а ц и о ва О ф е л и я кириб келадилар.

О ф е л и я

Қаерда Даниянинг ҳусни, султони?

М а л и к а

Офелия, не керак?

О ф е л и я (ашула айтади)

Нимасидан танир эдим
 Келиб қолса бизнинг ёр?
 Бошида бор ҳожи бўрки,
 Қўлда қинғир ҳасса бор.¹

М а л и к а

Қумригинам, қўшигинг маъноси нима?

О ф е л и я

Қўйинг-э, давомини айтиб бераман.

(Ашула айтади)

Ўлди хоним, йнгит ўлди,
 Ётди-ю ўлди,
 Бош тагида кўм-кўк ажриқ,
 Тўшаги тошдан бўлди.

М а л и к а

Менга қаранг, Офелия...

О ф е л и я

Қўйинг-э...

Қ и р о л кириб келади.

¹ Баъзи бир ҳикояларда тасвирланганидай, Шекспир даврида ошиқ йнгитлар, севган қизнинг қўрасига кира билиш учун ҳожи (умуман муқаддас жойларни зиёрат қилиб келган киши) ёки қаландар қиёфасига кирар эканлар. Офелия бу халқ қўшигини айтиши билан ўз севгилиси Ҳамлетни кўзда тутди.

М а л и к а

Буни қаранг, шўрликни! Қандай фалокат!

О ф е л и я

Оппоқ кафан, оппоқ гуллар,
Гул тупи яшнар,
Хуноб бўлдим, кўзларимдан —
Тўкилар ёшлар.

Қ и р о л

Қалайсиз, севимли дўндиқча қизим?

О ф е л и я

Тузук, тангри сизни ёрлақасин! Дейдиларки, бой-қуш илгари нонвойнинг қизи бўлган экан. Пешонангга нима ёзилганини билмас экансан, киши! Худованди карим дастурхонингизга барака бергай!

Қ и р о л

(Ўз-ўзига)

Бечора, отам билан гаплашяпман, деб ўйлаётир.

О ф е л и я

Бу айтганларим шу ерда қолсин. Мабодо бунинг маънисини сизлардан сўрасалар айтасизки:

(Ашула айтади.)

Севги куни саҳарда,
 Эшигингиз чертаман,
 Сизга ёр бўламан деб
 Аҳду паймон этаман.
 Йигит очди эшикни
 Қиз кирди уйга ҳамон,
 Қирганида қиз эди
 Қайтганида-чи: жувон.

Қ и р о л

Офелия, жоним!

О ф е л и я

Мана, онт ичмасданоқ тугатаман.

Қ и р о л

Қиз шу аҳволга тушганига кўп бўлдимми?

О ф е л и я

Умидворманки, ҳамма нарсанинг оқибати яхши бўлгай. Сабр қилиш керак. Аммо уни зах тупроққа кўмганларини ўйлаганимда, ўзимни йиғлашдан тия олмайман. Оғамга хабар бериш керак. Менга хайри-хоҳлигингиз учун сизга қуллуқ! Хайрли тун, қимматли хонимлар, хайрли тун, хайрли тун! (Кетади.)

Қ и р о л

Орқасидан пойлаб ундан кўз-қулоқ бўлинг!
 Кетидан кузатиб туринг.

Г о р а ц и о ч и қ и б к е т а д и .

Ана чуқур мотамнинг мудҳиш заҳари.
 Отасининг ўлими бу ҳолга боис.
 Оҳ Гертруда, кишидан омад бир кетса
 Гурунглашиб келади аза-ю дардлар.
 Биринчи дард — отанинг сирли ўлими.
 Иккинчиси — Ҳамлетнинг сургун бўлиши,
 Сургундан бошқа бунга чора йўқ эди.
 Учинчи дард — бу халқнинг жавраб туриши.
 Полонийнинг ўлими ҳақида халқда
 Юриб турган «миш-миш»лар тинкам қуритди.
 Чолни махфий кўмиб биз чакки иш қилдик.
 Тўртинчи дард — бу қизнинг жинни бўлиши.
 У бизни ё жонивор, ё соя ўйлар.
 Энг бадтари хуфия Франциядан
 Лаэрт,— қизнинг отаси, келгани бўлди.
 Четдан юриб у ҳар хил оғзи бўшларга
 Ишонибди. Отаси ўлганлигини
 Уйдирма гаплар билан унга чаққанлар,
 Қотил ким эканлиги аниқ бўлмагач
 Ҳамма айбни бизларга ағдармоқдалар.
 Бу хатарлар, Гертруда, ўқ-олов каби
 Ҳар қадамда пойлайди мен бечорани.

Саҳна орқасида шовқин.

М а л и к а

Бу нима ғалва?

Қ и р о л

Қани швейцарликлар?¹

¹ У даврларда Европадаги подшоҳлар ўзларига сарой соқ-
 чиси қилиб кўпинча швейцариялик сипоҳийларни ёллаб олар
 эдилар.

Эшикни пойласинлар.

Маҳрам кириб келади.

Нима гап унда?

Маҳрам

Подшоҳим, сиз дарҳол бир ёққа қочинг,
 Говни ёриб қирғоқни босган тошқиндан
 Яна бадтар қутурган Лаэрт келмоқда.
 Фитначилар тўпига бош бўлиб ўзи —
 Посбонлар қўлидан олди қуролни.
 Оломон уни ёқлар. Гўё азалдан,
 Барча беҳабар эмиш
 Урфу одатдан,
 Барчаси ҳам қичқирар: «Лаэрт тож кийсин!
 Лаэрт бизнинг шоҳимиз, яшасин Лаэрт!»
 Улар бўркни иргитиб, қарсак чалади.

Малика

Изларни адаштириб шод бўлишибди,
 Ҳайданг! Янглишибдилар дания итлари!

Саҳна орқасида шовқин.

Қирол

Эшикни синдирдилар.

Қуролли Лаэрт кириб келади. Унинг орқасидан бир тўда
 данияликлар ҳам бостириб кирмоқчи бўлади.

Лаэрт

Қани қирол? Жаноблар, сизлар чиқинглар!

Данияликлар

Ўўқ, бизлар ҳам кирамиз.

Лаэрт

Сўрайман, чиқинг!

Данияликлар

Майли, бўпти! Чиқамиз.

Эшик орқасига чекинадилар.

Лаэрт

Раҳмат, дўстларим!

Ўўлларни тўсиб туринг. Хўш, номард қирол,
Қани отам?

Малика

Ўзингни босиб ол, Лаэрт!

Лаэрт

Ўзимни заррача ҳам мен босиб олсам,
Шармандага қолдирган бўлардим тамом —

Отамни ва онамни ҳамда ўзимни...
Севганларимдан бугун мен жудо бўлсам,
Қандай қилиб мен тинчий оламан, ахир?

Қ и р о л

Лаэрт, айт-чи, нимага бу фиққу фасод?
Қўй, Гертруда, у бизга зиён етказмас.
Худованд ўзи сақлар шоҳларни омон.
Душман қанча қасд қилса қўл етказилмас.
Ростин гапир, нега сен ҳовлиқдинг, Лаэрт?
Қани гапир.— Халақит берма, Гертруда!

Л а э р т

Отам қани?

Қ и р о л

Қабрда.

М а л и к а

Шоҳ бунда айбсиз.

Қ и р о л

Қўйиб бергин, сўрасин истаганича.

Л а э р т

Қандай ўлган? Мени сиз аҳмоқ қилмангиз?
Мен сиздан воз кечаман, аҳдни бузаман,
Падарига минг лаънат вафо — қасамнинг.

Мен жазодан қўрқмайман. Амин бўлингки:
Менга икки олам бир. Нима бўлса ҳам
Мен отамнинг қасосин оламан мутлақ.

Қ и р о л

Ким боғлар қўлингизни?

Л а э р т

Қим боғлар эди!
Қасосга ҳам хоҳишим, ҳам кучим етар.
Ташвиш еманг!

Қ и р о л

Билишни хоҳлармидингиз —
Отангиз тўғрисида чин ҳақиқатни?
Сиз жаҳл ила, қасос деб дарғазаб бўлиб
Бир даста карта каби дўстни — душманни,
Ҳақни ёки ноҳақни мажақлайсизми?

Л а э р т

Йўқ, мен фақат ёвларни...

Қ и р о л

Билмоқчимисиз?

Л а э р т

Ёвларни билмоқчиман. Аммо дўстларга
Қучоқ очиб, қонимни қатрама-қатра
Улар учун тўкаман.

Қирол

Мана бу сўзлар —
Яхши ўғил ва содиқ бекзода сўзи.
Мен бу ишда бегуноҳ. Ўзим ҳам сиздай
Азадорман. Бу сизга тез равшан бўлар.

Данияликлар (*сахна орқасидан*).

Кираверсин, йўл беринг!

Лаэрт

Нима у галва?

Офелия қайтиб келади.

Ғазабдан қургин мия! Эй кўзим ёши,—
Шўринг етти қуюлсин, куйсин кўзларим!
Бу сўнган ақлинг учун қасос олурман!
Бунга тангри гувоҳдир. Менинг гулгинам!
Офелиям, азизим, севгили синглим.
Демакки, оталарни олганда ўлим,
Қизлари ҳам ақлдан ажраб емридур.
Севгининг табиати фидокорликдир,
Уликларнинг меҳрида у қурбон қилар
Энг қимматли хислатин.

Офелия

(*ашула айтади.*)

Очиқ эди тобути,
Олиб кетишди дарҳол,

Кўп йиғлашди одамлар,
Қўзичоғим, яхши қол!

Л а э р т

Ақлинг жойида бўлиб, ўч даъво қилсанг,—
Қалтирата олмасдинг мени шунчалик!

О ф е л и я

Қўшилиб айтмайсизми, сиз ҳам: «Чуқурга тушдик,
тобутга етдик, синмасин дук! Айланиб айлан чархим,
бир пақир экан нархинг». Бу қулфбузар — ўғри ўз
хўжайинининг қизини олиб қочибди экан.

Л а э р т

Сўз йиғиндиси-ю, аммо кўп сермаъни.

О ф е л и я

Мана, бу розмарин гули... Бу — ҳофиза қобилия-
тини кучайтириш учун. Олинг дўстим, мени ёд қи-
линг. Мана бу бинафша: бу ўйлаш учун.

Л а э р т

Жинниликдан ҳикмат туғилади. Бемаъниликдан
эса ҳақиқат чиқади.

О ф е л и я

Мана бу кашнич, сизга. Мана бу қўнгироқ гул-
лар ҳам сизга. Мана сизга судоб чечаги. Мана бу гул

бандларини ўзимга олиб қоламан. Бунн «Мариям гнѐх» деса ҳам бўлади. Меникига ўхшамасин десангиз, хоҳлаганингиздай тақиб юринг. Мана буниси мой чечак. Мен сизга бинафшанинг асл ўзини бермоқчи эдим. Бироқ отам ўлганда улар ҳаммаси сўлиб кетдилар. Дейдиларки, у ўлганда қийналмай ўлган эмиш. (*Ашула айтади.*)

Робинжоним, жонажоним, хандоним.

Лаэрт

Хасталикка, дардларга ва зулматларга
Фусункорлик бахш этар бу қиз.

Офелия

(*Ашула айтади.*)

У наҳотки келмайди?
У наҳотки келмайди?
Йўқ, ул ўлган
Ва кўмилган.
Энди навбат сенни.
Оппоқ эди сочларн,
Қордай оппоқ сочлари,
Аммо ўлди.
Бизлар энди —
Унга ўқиб фотиҳа
Руҳини шод айлаймиз.

Барча Исо динидагиларнинг арвоҳларини ёрлақин илоҳим! Тангри мададкорингиз бўлсин, омин! (*Чиқиб кетади.*)

Лаэрт

Кўрдингизми? Е раббим!

Қирол

Тинглангиз, Лаэрт,
 Азангизга шерикман. Ишонинг бунга,
 Қўйинг мени, оқланай далиллар билан.
 Энди доно дўстларни бориб тўплангиз.
 Бизларни улар тинглаб ҳукм чиқарсин.
 Мабодо бизга қарши биронта далил
 Тополсалар айбимнинг товони учун
 Сизга берай тожимни, салтанатимни.
 Ҳатто берай жонимни, бору йўғимни.
 Шундай далил йўқ бўлса, бизга лутф айланг,
 Биргалашиб сиз билан, иттифоқ бўлиб,
 Ҳақиқатни топармиз.

Лаэрт

Мен тамоm рози.

Бу ўлим атрофида юз берган сирлар,
 Яширинча кўмишлар, мозор тошида,
 Хонадон герби билан қилич йўқлиги,
 Маросимга риоя қилинмаслиги —
 Осмонда нолаю фарёд кўтариб
 Ердан ҳисоб сўрайди.

Қирол

Ҳисоб олади.
 Гуноҳкорнинг жазоси — ўлим бўлади.
 Энди, марҳамат!

(Чиқиб кетадилар.)

ОЛТИНЧИ САҲНА

Қаср. Бошқа бир хона.

Горацио ва хизматкор кириб келадилар.

Горацио

Мени сўраганлар ким?

Хизматкор

Бир неча матрос.

Сизга тегишли мактуб келтирган улар.

Горацио

Олиб кириг. Ҳайронман бу мактуб кимдан?

Қим менга мактуб ёзар, Ҳамлетдан ўзга?

Матрослар кириб келади.

Биринчи матрос

Тангри сизга мададкор!

Горацио

Худодан сенга саломатлик тилайман!

Биринчи матрос

Худо шунга хўп деса, бизлар қарши эмас.— Мана сизга мактуб, тақсир. Бу, Англияга жўнаган кемадаги элчидан. Номингиз Горацио бўлса, бу сизга.

Г о р а ц и о

(хатни ўқийди)

«Горацио, бу мактубни ўқиб олишинг билан, бу кишиларни бир иш қилиб қиролнинг ҳузурига олиб кир, буларнинг қўлида қиролга ёзилган номалар бор. Денгизга чиққанзимизга икки кун ҳам бўлгани йўқ эдиким, денгиз қароқчилари кетимиздан тушди. Суръатимиз уларникидан сустроқ бўлгани учун ноилж бир дадиллик билан уларга ҳужум қилдик. Жанг маҳали кемаларимиз бир-бирига тўқнашиб қолди-да, мен душман кемасига сакраб ўтдим. Шу пайтда кемалар бир-биридан ажралишиб мен қароқчилар кемасида ягона асир бўлиб қолибман. Улар, қароқчи бўлсалар-да, менга олижаноб муомала қилдилар. Лекин улар ўз ишларини билиб қилар эканлар. Бунга жавобан мен ҳам уларга хизмат қилишим керак. Бунга қўшилиб юборилган мактубларни қиролга етказиб, ундан кейин худди ажалдан қочаётгандай менга етиб кел. Мен сенга шундай гаплар айтиб қўяманки, ҳайратингдан тилинг тугилади: гарчи бу гаплар сенга айтишим мумкин бўлган ажойиботнинг фақат бир бўлаги, холос. Бу танти кемачилар сени мен турган жойга олиб чиқадилар. Розенкранц ва Гильденстери бўлса, Англияга қараб йўлни давом этдираётирлар. Мен улар тўғрисида ҳам сенга кўп нарсалар айтиб берарман. Хайр, сенга ихлосимга шубҳанг бўлмасин. Ҳамлет».

Юринг, қолган хатларни топшириб қўйиб

Хат йўллаган кишига тезроқ етайлик.

(Кетадилар.)

ЕТТИНЧИ САҲНА

Қаср. Бошқа хона.
Қирол ҳам Лаэрт кириб келадилар.

Қирол

Энди сизнинг бурчингиз менга дўст бўлиб
Поклигимга виждонан қўл қўйишликдир.
Отангизни ўлдирган у номард киши,
Менга ҳам қасд қилгани сизга аниқ-ку.

Лаэрт

Буниси менга аниқ. Аммо нимага
Шундай оғир жиноят учун сиз дарҳол
Тергов буюрмадингиз? Ҳолбуки бун
Талаб қилар ҳуқуқ ҳам осайишталик?!

Қирол

Бунга икки узр бор. Сизга эҳтимол
Улар майда кўринар, менга кўп муҳим.
Аввало, кўп севади уни малика.
Сизга маълум, у менга севикли хотин.
(Бу яхшими, ёмонми, ихтиёр сизда)
Жону тандай бизни ҳеч ажратиб бўлмас.
Биз у билан қўш юлдуз сингари иноқ.
Очиқ судга мен уни бермаганимга —
Яна сабаб: қора халқ унга кўп мафтун,
Астойдил ихлосманд бўлганлигидир.
Унинг хатоларини эл, хизмат дейди.
Халқ ҳам худди чашмаи-аксир сингари
Олтинга айлантирар қуруқ бир шохни.

Бу офатнинг жиғига тегиб бўлмайди,
 Йўқса қўзғалиб турган тескари шамол
 Мен узган ўқларимни қайтариб келиб
 Бошоқларин кўксимга санчмоғи мумкин.

Л а э р т

Демак, унутиб қўяй отам ўлимин?
 Демак, синглим дардини эсдан чиқарай?
 Мақташнинг фойдаси йўқ, аммо биласиз —
 У қиз бутун жаҳонда якка-ягона.
 Йўқ, мен қасос оламан!

Қ и р о л

Қасос оласиз.
 Мени сиз бир анқов деб ҳисоблайсизми?
 Мен ўз бошимга тушган хавфу хатарни
 Соқолимга чирмашиб чиқсин дейманми?
 Кейинча тушунасиз. Сизнинг отангиз
 Дўстим эди. Мен ўзим-ўзимга асло
 Хусуматкор эмасман. Шунинг ўзи бас...

Ч о п а р хатни олиб киради.

Қани, тағия нима гап?

Ч о п а р

Хат бор, подшоҳ
 Ҳамлетдан бу сизга-ю, бу маликага.

Қ и р о л

Ҳамлетданми? Ким берди?

Ч о п а р

Мен кўрганам йўқ.
Аллақандай матрослар олиб келганмиш.
Улардан Клавдия қабул қилганмиш.

Қ и р о л

Лаэрт, эшитасизми, ўқиб берай! Сен жўна!

Ч о п а р ч и қ и б к е т а д и .

(Уқийди)

«Улуғ ва шавкатпаноҳ ҳукмдор! Сизга маълум бўл-
гайки, мени яп-яланғоч қилиб салтанатингиз соҳилла-
рига ташладилар. Эртага дидори шоҳоналари олдига
бориб қуллуқ қилишга рухсат олийларини сўрайман.
Токи, ҳазратим илтифотларидан баҳраманд бўлиб бу
ногаҳон ва ғалати қайтишимнинг тафсилотини шахсан
баён қилгайман. Ҳамлет».

Бу қанақа гап бўлди? Ҳамма қайтдимми?
Бу ёлғонми ё ҳамма ишлар таппа-тахт?

Л а э р т

Қўл кимники?

Қ и р о л

Баайни шаҳзоданики.
Мана бу «яп-яланғоч»... худди ўз хати.
Мана пастда: «шахсан» деб қўшиб қўйгани...
Нима дейсиз бу ишга?

Лаэрт

Мен ҳам ҳайронман.
Аммо келса у билан учрашмоқчиман.
Айбларин юзига иргитсам дейман.
Кўнглим бир оз тинчлайди.

Қирол

Бўлди. Бу дуруст.
Бундай бўлса ҳамма иш жойида экан.
Лаэрт, ўзим бошлайман сизни бу ишга.

Лаэрт

Бошланг, аммо шарт шуки, яраш бўлмасин.

Қирол

Яраштириб бўлибман! Аксинча бўлур.
Қайтган бўлса у, демак энди бормайди.
Мен бошқача бир чора ўйладим ҳозир.
Уни шундай бир қалтис ишга солайки,
Ҳалок бўлсин у ўзи хоҳиши билан.
Шунда на эл оғзида овоза бўлар,
На онаси найрангни пайқаб шак қилар.
Буни ҳамма бир қазо бўлди деб ўйлар.

Лаэрт

Подшоҳим, гапим рост, ихтиёр сизда,
Йўл бошланг менга.
Мен хизматга тайёрман.

Қирол

Қасдимиз ўша.

Биз, сизни шу орада хўп эсга олдик.
Сизни Ҳамлет ёнида мақтаб кучингиз —
Қудратингиз ҳақида гап-сўзлар кетди.
Сиздаги бир ҳунарга у кўп ишқивоз.
(Гарчи менга у ҳунар кўп маъқул эмас!)

Лаэрт

Қайси ҳунар?

Қирол

Йигитлар бўркидаги бант.

Ёшлар енгил чакмонлар кияр албатта,
Зотан, ҳамма ёшликда олифта бўлар.
Булар бари майда гап: Энди эшитинг:
Асли нормандлик бўлган битта бекзода
Бундан икки ой аввал бу ерга келди.
Мен ўзим кўп кўрганман французларни
Уларга лашкар тортиб урушганман ҳам.
Ҳа, фаранглар тенги йўқ чавандозлардир.
Аmmo бу норманд беги — худди сеҳргар.
Эгар узра битгандай қадалиб қолиб
Қуйилишиб кетарди бедови билан.
Уни тасвир қилгани тилимиз ожиз,
У лавҳани тушда ҳам кўрмайсан, киши!
Бунга ақлимиз етмас!

Лаэрт

Нормандликми, у?

Қирол

Ҳа, нормандлик.

Лаэрт

Жонимни гаров қўяман,—
Унинг исми Ламонддур?

Қирол

Ҳа, худди ўзи.

Лаэрт

Ким ҳам уни танимас: у — юртнинг фахри,
У кўп машҳур қиличбоз! Яхши танийман.

Қирол

Сизни у ҳам кўп яхши билганин айтди.
У сизнинг қиличбозлик ҳунарингизни
Жуда юксак баҳолаб мақташга тушди.
Бу ҳунарда у сизни мислсиз, дейди,
Унинг ўз ўлкасида шуҳрат қозонган
Энг зўр қиличбозлар ҳам сизга дуч келса
Сарғайиб, гангиб кетиб расво бўлармиш.
Бу мақтовлар Ҳамлетнинг гашига тегиб,
Сиз билан бўй ўлчашмоқ армони билан
Етса тушига кирди қилич ўйини.
Мана, сизга баҳона.

Лаэрт

Нечук баҳона?
Тушунмадим. Нимага баҳона, шохим?

Қирол

Лаэрт, айтинг сиз чиндан ота меҳрида
Куйиб юрган фарзандми ёки бўлмаса
Ғамгин сурат сингари бежон ҳайкалсиз?

Лаэрт

Кўп ғалати саволлар!

Қирол

Отангизни севасиз, бунга шубҳа йўқ.
Лекин ҳар бир севгининг онаси — замон,
Ҳар бир севги, учқунми йўқса аланга?
Буни тағин синовдан ўтказар замон.
Муҳаббат ўз ўтида муттасил куйса
Куйиб-куйиб ахири сўхтаси қолар.
Юракдаги ҳислар ҳам ушланиб турса,
Тирбанд бўлиб сиқилиб, майдалашади.
Тилакларни айнимай бажармоқ лозим,
Чунки тилакларнинг ҳам ўзгариши кўп:
Дунёдаги калла ва қўллар қадар кўп:
Фурсатни бой берилса надомат — бекор.
Масалага ўтайлик. Гапнинг қисқаси:
Ҳамлет қайтиб келибди. Лаэрт, айтинг-чи:
Сиз фарзандлик меҳрини қуруқ сўз эмас,
Амалда исботлашга тайёрмисиз, ҳа?

Лаэрт

Бутхонада ҳам кўрсам бўғзин узаман.

Қ и р о л

Шу гап тўғри. Қотилга муқаддас жой йўқ.
 Уч олишнинг макони, сарҳади бўлмас.
 Сиз, азизим, ҳозирча уйда ўтиринг.
 Ҳамлет ўзи эшитсин келганингизни.
 Ҳалиги французга ўхшаб, одамлар
 Сизни мақтаб юборсин бурчак-бурчакда.
 Кейин гаров тикамиз ҳар қайсингизга.
 У найрангни билмайди, ўзи бепарво.
 Тиғларни йўқламайди, у тўғри одам.
 Сиз ўйин қизиганда, бир фурсат топиб
 Ўтмас қилич ўрнига кескин тиғ олиб
 Отангизнинг қонини оласиз ҳамон.

Л а э р т

Жуда яхши. Мен яна қилич дамига
 Бирон нарса суйкайман. Менда бир мой бор.
 Уни агар пичоққа сал суркаб қўйсанг,
 Ўша пичоқ бармоқни кесгудай бўлса,
 Кишини ҳалокатдан қутқаза олмас —
 Дунёдаги бор дармон, дори-ю маъжун.
 Бу заҳарни қиличга суркаб қўяйин,
 Мен Ҳамлетни озгина задаласам бас.
 Ундан кейин иш тамом.

Қ и р о л

Яна ўйлаймиз,
 Ҳамма ёқни ҳисоблаб чўтлаб кўрамиз.
 Башарти шу режамиз ошкора бўлиб
 Ўтмай қолса, у ҳолда нима қиламиз?
 Яна бирон тадбирни биз ғамлаб қўйсақ.

Шошманг! Уйлай! Ҳа, топдим, тайёр, жуда соз!
 А-ҳа, биз-ку қимматли гаров тикамиз...
 Бўлди, бўлди.
 Ҳамлаларни қизитиб тезлаштирасиз,—
 Шунда кураш қизийди, ҳирслар қайнайди.
 Ҳамлет чанқаб сув сўрар, шунда мен дарҳол —
 Унга қадаҳ тутаман. Битта ютса, бас.
 У, ярадан ўлмаса, шундан ўлади.—
 У, нима шовқин-сурон?

М а л и к а кириб келади.

Ана малика!

М а л и к а

Мотам устига мотам, Лаэрт, азизим,
 Синглингиз Офелия, сувга фарқ бўлди.

Л а э р т

Нима? Сувга? Қаерда? Бу — мумкин эмас!

М а л и к а

Сой бўйида бир тол бор, унинг шохлари
 Оқимтир баргларини сувга соллаган.
 Шунга келиб бахтсиз қиз гулдаста учун
 Чолоғон ўт, қоқи гул, оқ гуллар терган,
 Оч бинафша чечагин ҳам шунга қўшган.
 Чўпонлар бу чечакка қўпол ном берган,
 Қизлар бўлса — «ўликнинг тирноғи» дерлар.
 Гулдастани қиз толга осмоқчи бўлган,
 Шохни ушлаб турганда бирдан шох синган,
 Қўлдаги гуллар билан тушган у сувга.
 Аввал унинг кўйлаги сувда қабариб

Сув париси сингари сузаверибди.
 Шунда ҳам у ҳеч бало бўлмаганидай,
 Ёки дарё махлуқи каби бепарво —
 Эски ашулаларни айтиб турармиш.
 Аммо узоқ чўзилмай бу ажиб ҳолат,
 Қўйлаги намни шимгач у оғирлашган
 Ва шўрлик қиз қўшиқнинг баланд авжидан
 Сув тубига, ўлимнинг лойига чўккан.

Л а э р т

Синглим, сувга ботканми?..

М а л и к а

Ҳа, сувга боткан.

Л а э р т

Офелия, сен ҳозир сувга серобсан,
 Мен хуноб кўз ёшимни қўшиб не қилай?
 Лекин қандай мен тияй йиғи-фарёдни?
 Эр кишига йиғламоқ гарчи ор-номус,
 Аммо табиат ўзи йиғлатар бизни,
 Шу билан чиқиб кетар биздан хотинлик.
 Хайр, шоҳим, дилимда ёнғин ловиллар,
 Ва лекин бу заифлик, бежо ҳассослик —
 Азимни бўшатади. *(Чиқиб кетади.)*

Қ и р о л

Гертруда, билсанг —
 Унинг қаҳрин тияй деб қанча қийналдим.
 Бу гал қайта қутуриб қаҳри ошмасин.
 Юр, кетидан борайлик.

(Кетадилар.)

V ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Эльсинор. Гўристон.

Белжураклари билан икки гўрков кириб келади.

Биринчи гўрков

Уз ихтиёри билан абадий роҳатни хоҳлаб, ўзига қасд қилган қизни христиан маросими билан кўмиш шаръий бўлармикин?

Иккинчи гўрков

Шаръий экан-да. Сен гўрни жадалроқ кавлай бер. Терговчи уни кўриб христиан маросими бўйича кўмилсин дебди!

Биринчи гўрков

Бу қандай гап ахир? Қошки ўзини қутқазмоқчи бўлиб сувга ташланган бўлса.

Иккинчи гўрков

Шундай бўлмаса, шундай дейилмас эди, деяпман-ку.

Биринчи гўрков

Шундаймикин? Шунини исбот қилиш керак-да. Шунисиз шаръий қонунга тўғри келмайди. Айтайлик, мен ҳозир қасд қилиб ўзимни сувга ботирсам. Бунда масала уч ёқлама бўлади. Аввало: ният, иккинчи — ҳаракат, учинчи — ниҳоят. Айтайлик, бу қиз ният қилиб...

Иккинчи гўрков

Бай, бай, бай, зеҳнингга балли, гўрков оғайни!..

Биринчи гўрков

Майнавозчилик қилма. Масалан, сувни олайлик. Хўп бўлади. Масалан, мана одам. Бу ҳам жойида. Бу одам, айтайлик, ўз оёғи билан сувга бориб ўзини ўша сувга ботиради. Сен хоҳлайсанми, хоҳламайсанми, у сендан сўраётгани йўқ. Энди масалан, мана сув. Бу бўлак гап. Агарда сув у одамни ўзи ботириб олган бўлса, у ўз ўлимига жавобгар бўлмайди.

Масалан, ким ўз ўлимига айбдор бўлмаса ул ўзини ҳалок қилмабдир. Масалан...

Иккинчи гўрков

Бу қайси моддага тўғри келади?

Биринчи гўрков

Жиноят қидирув ҳам тергов моддасига.

Иккинчи гўрков

Ростини айтайми? Бу қиз аслзода хонадонидан чиқмаганда эди, христиан маросими билан кўмилармиди, дейсан?

Биринчи гўрков

Гапинг рост. Шуниси алам қилади-да. Бадавлатроқ одамлар, демак, хоҳлаганча ўзини сувга ташласа ҳам, ўзини дорга осса ҳам майли-я, аммо, лекин бизларга ўхшаган фақир мўминлар бу тўғрида ўйлаб ҳам кўришга ҳақи йўқ экан-да! Майли, бўлар иш бўлибди. Қани кел, куракни қўлга ол! Аслзодаларга келганимизда-чи, масалан, боғбон, дехқон ва гўрковдан қадимроқ ҳунар йўқ экан, дейман. Уларга Одамато ўзлари ном берибдилар.

Иккинчи гўрков

У киши ўзлари аслзодамидилар?

Биринчи гўрков

Биринчи марта қўлига асбоб олиб иш қилган киши у ҳазратим ўзлари бўладилар.

Иккинчи гўрков

Бекор айтибсан. У киши қўлига ҳеч нарса олган эмас.

Биринчи гўрков

Сен ўзинг бедин мажусиймисан, нимасан ўзинг? Худонинг каломи-шарифини қандай тушунасан? Инжи-

ли-шарифда дейилганки: «Ҳазрати Одам ерни кавлар эди» деб. Нима, бўлмаса, у бўш қўл билан ерни кавлармиди? Энди сенга бир савол. Лекин жавобини қойил қолдирмасанг...

Иккинчи гўрков

Истаганингни сўрай бер...

Биринчи гўрков

Тошкесар, кemasоз ёки дурадгордан ҳам оламда пишиқроқ иш қилаётган ким бор?

Иккинчи гўрков

Дор ўрнатувчи уста бор. Дор, ўзига осилганларнинг ҳаммасидан узоқ умр кўради.

Биринчи гўрков

Азбаройи ҳақ, доно одам экансан! Дорни яхши айтдинг. Лекин у ҳаммага ҳам яхши эмас. Иши ёмон одамга у яхши. Сен уни бутхонадан ҳам мустаҳкам деганинг ёмон бўлди. Ёмон деганинг учун дор сенга яхши бўлади. Бошқача қилиб қайтадан айт. Ё бўлмаса, энди, сен савол беравер.

Иккинчи гўрков

Тошкесар, кemasоз ёки дурадгордан ҳам оламда пишиқроқ иш қилаётган ким бор?

Биринчи гўрков

Энди ўзинг жавобин бериб қутул, вассалом.

Иккинчи гўрков

Хўп, айтаман!

Биринчи гўрков

Хўш?!

Иккинчи гўрков

Билмасам!

Ҳамлет ва Горацио келиб олисроқда тўхтайдилар.

Биринчи гўрков

Бу масалалар билан миянгни ачитиб нима қиласан. Эринчоқ эшакни минг урганнинг билан югурмайди. Шу саволни иккинчи сенга берсалар, тўғридан-тўғри «гўрков» деб қўя қол. Унинг қурган биноси рўзи қиёматгача тураверади. Хўп бўлмаса! Яхшиси, ошна, дарҳол чопиб Иогендан¹ бир шиша ароқ олиб келтир менга!

Иккинчи гўрков кетади.

Биринчи гўрков

(Ерни қазиб туриб ашула айтади.)

Ёш эдим, беғам эдим,
Қизларга ҳамдам эдим,

¹ Шекспир даврида Лондондаги «Глобус» театрининг яқинидаги қовоқхонанинг эгаси.

Жононларнинг кўйида
Шод эдим, хуррам эдим.

Ҳ а м л е т

Бу тентак ўз ҳунарининг қанчалик наҳс эканини
наҳотки англамайди, уни қара, гўр қазиб туриб ашула
ҳам айтади, хумпар!

Г о р а ц и о

Одат бу ҳунарни оддийлаштириб қўйган.

Ҳ а м л е т

Бу табий! Қўл қабарганга қадар сезгир бўлади.

Б и р и н ч и г ў р к о в (ашула)

Лекин келди қарилик,
Шодликларга қўйди чек,
Қаерларга билмадим
Учди кайфим, роҳатим.

Битта бош суягини чиқариб ташлайди.

Ҳ а м л е т

Бу бош чаногининг бир чоғларда тили бўлган, у
ашулалар ҳам айтгандир. А, бу аблаҳ бўлса, гўё би-
ринчи одам ўлдирган Қобилнинг¹ чакка суягини отаёт-

¹ Эски диний ривоятларга кўра, инсоният тарихида бирин-
чи қотил ўз акаси Авелни ўлдирган Қани бўлган экан. Шарқ
мусулмон тарих китобларида бу христианча исмлар Қобил ва
Қобил тарзида қўлланилади.

ганидай уни ерга иргитди. Бу эшак, ҳозир шунчалик ҳазар қилаётган бу калла эҳтимол, тангри таолони ҳам кўп алдаб қўлга туширмоқчи бўлган бир сиёсат арбобининг калласидир. Нима дейсан?

Г о р а ц и о

Эҳтимол, шаҳзодам!

Ҳ а м л е т

Еки сарой маҳрамларидан бирининг калласидир. У ҳар кун: «Сабоҳи шарифингиз хайрли бўлгай, аъло ҳазрат шоҳим! Қайфлар нечук?» дегувчи бир зот бўлгандир. Унинг номи палончи-пистончи бек бўлгандир. У бирон инъомга илиниш учун палончи киборнинг отини ҳам хўп мақтагандир. Тўғрими?

Г о р а ц и о

Тўғри, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Ана, гап шунда. Ҳозир бўлса у, ажал — пучуқнинг арзандаси бўлиб қолибди, черков қоровули бўлса, бел билан унинг адабини бераётир. Бунинг сири аён бўлганда эди, бу ажойиб ўзгаришни англаган бўлар эдик! Энди бу суякни ошиқ ўйинидаги соққадай отиб ташлаш учун шунча парвариш қилмоқ нимага ҳам керак эди? Буни ўйласам, ўз суякларим сирқирайди.

Биринчи гўрков

(Ашула)

Ол куракни, мисранни,
Бичгин янги кафанни,
Чолга қабр кавлагин,
Унга уй тайёрлагин!

(Яна бир бош суягини ташлайди.)

Ҳ а м л е т

Ана тағин биттаси! Бу балки, бир қонуншуноснинг калласидир. Қани энди унинг усул ва қонунлари, унинг ҳийла ва илмоқлари, унинг сафсаталари? Қани? Нега энди, бу омнинг қўпол калтакларига индамайди ва ҳақорат қилгани учун уни жавобгарликка тортмайди? Ҳа! Балки, бу жаноб барҳаёт эканида турли васиқалар, ҳукмномалар, жарима аҳдлари, суд протоколларини пеш қилиб кўп ер-мулкларни қўлга киритгандир? У ўз ерларидан олиб турган ўлпонлар ва жарималари эвазида унинг калласини ернинг лойига ағнатиш, бу қандай бўлар экан?! Наҳотки, унинг кафолатномалари, бир ёқлама, икки ёқлама тилхатлари, унга фақат икки варақ қоғоз миқёсидагина ер таъминлашга кучи етди? Унинг фақат васиқаларини тахлаб қўйилса, бунчалик тор маконга сигмайди-ку. Бу соҳиби мулк бўлмиш жаноб, кенгроқ жойда эркинроқ ётишга ҳақли эмасми, ахир?

Г о р а ц и о

Йўқ, шаҳзодам, унинг макони бир қарич ҳам кенгаймайди.

Ҳ а м л е т

Васиқа ёзиладиган қалин қоғозлар қўй терисидан бўлади шекилли?

Г о р а ц и о .

Ҳа, шаҳзодам! Бузоқ терисидан ҳам қилнади, лекин...

Ҳ а м л е т

Демак, ўша васиқаларнинг мангу бўлиб қолишига ишонганлар қўй ва бузоқ эканлар-да! Мен бу азамат билан бир гаплашиб кўрай. Ҳай, отинг нимади, бу гўр кимники?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Меники, тақсир.

(Ашула.)

Чолга қабр кавлагин.
Унга уй тайёрлагин!

Ҳ а м л е т

Сеники бўлишига ишонаман, чунки сен гўрда туриб ёлғон гапиряпсан!

Б и р и н ч и г ў р к о в

Сизлар гўрдан ташқарида турибсизлар. Демак, у сизники бўлмайди. Мен-чи, гўрнинг ичида турибман, демақ гапим рост.

Ҳ а м л е т

Қандай қилиб рост бўлади? Гўрда ғўддайиб тикка турибсан-у, гўр меники дейсан. Гўр дегани тириклар учун эмас, ўликларга хосдир. Гўрдаман дейишинг билан ёлғон гапирдинг.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Бу ёлғон гўрда қолмайди. У мендан ўтиб сизга юқади.

Ҳ а м л е т

Сен бу гўрни қайси бир мўмин эр киши учун қазиётирсан?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Ҳеч қайси эр киши учун эмас.

Ҳ а м л е т

Бўлмаса, қайси аёл учун?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Ҳеч қайси аёл учун ҳам эмас.

Ҳ а м л е т

Узи бу ерга кимни кўймоқчилар?

Биринчи гўрков

Илгари хотин бўлиб, ҳозирда худо раҳмат қилгур бир бекани.

Ҳамлет

Бу бекорчи хўжамиз миридан сиригача кавлавчи ҳарфхўр экан! Бу тоифа кишилар билан қунт қўйиб сўзлашмоқ лозим. Бўлмаса киноя сўзларга ўралиб қоласан. Худо ҳақи, Горацио, сўнгги уч йилда кўряпманки, замон шу қадар ўзгардики, қора халқ аслзодаларнинг товонига боса бошлади. Ҳой, гўрков бўлиб ишлаганингга кўп йил бўлдимиз?

Биринчи гўрков

Раҳматлик қиролимиз Ҳамлет Фортинбрасни енгган кундан бери.

Ҳамлет

Унга неча йил бўлди?

Биринчи гўрков

Ия, шуни ҳам билмайсизми? Буни ҳар бир аҳмоқ билади-ку! Бу воқеа ёш Ҳамлет тугилган кун юз берган эди. Мен, ҳозир жинни бўлиб, Англияга жўнатилган Ҳамлетни деяпман.

Ҳамлет

Ана, холос! Уни Англияга нечун жўнатишибди?

Биринчи гўрков

Нечун бўлар эди? Ақл олиб келгани жўнатибди-да. Ақлини тузатсин деб жўнатибди. Лекин, борди-ю, ақлини тузатмаса ҳам, у ерда бўлаверади.

Ҳамлет

Яъни?

Биринчи гўрков

Яъни, ҳеч ким унинг фарқига етмайди. У ерда ҳамма ҳам унга ўхшаган жинни-девона.

Ҳамлет

Қандай қилиб ақлдан озган у?

Биринчи гўрков

Айтишларича жуда ғалати бўлиб.

Ҳамлет

Яъни?

Биринчи гўрков

Яъни бир карра ақлу ҳушини йўқотиб қўя қолган.

Ҳамлет

Хўш, унинг жинни бўлиши нимага боғлиқ, ахир?

Биринчи гўрков

Ўзимизнинг шу Дания тупрогига боғлиқ. Мен гўдаклигимдан бери, яъни ўттиз йил бўлди гўрковлик қилаётиман.

Ҳамлет

Киши ер тагида тез чирийдими?

Биринчи гўрков

Одамига қарайди... Одам борки тиригидаёқ чириб сасиб кетади. Шу кеча-кундузда ўлаётганлар шундай бўляпти. Гўристонгача зўрға чидайди. Лекин бир хиллари саккиз-тўққиз йил туради. Кўнчи бўлса ҳеч сўзсиз, тўққиз йил туриш беради.

Ҳамлет

Нега кўнчи кўпроқ туриш беради?

Биринчи гўрков

Чунки тақсир, кўнчининг териси шунча ошланган бўладики, сувга кўп чидам беради. Сув бўлса, сизга ўхшаган одамзод тоифаси ўлганидан кейин, унинг биринчи ганимидир. Мана, тагин бир бош чаноғи. Бу — ер тагида йнгирма уч йил ётган.

Ҳамлет

Бу кимнинг бош суяғи?

Биринчи гўрков

Бадбахт бир хумпарники. Отини айтмаганим маъқулроқ.

Сиз, кимники, деб ўйлайсиз?

Ҳамлет

Билолмадим.

Биринчи гўрков

Илоҳим, раҳмат кўрмасин, шунча ҳам бемаза ҳазилкаш эди у. Бир кун бошимга бир шиша рейн шаробини қуйиб юборган эди. Қаранг-а, бир шиша шароб. Бу бошкоса тақсир, ўрда қизиқчиларидан Йоркнинг бош суягидир.

Ҳамлет

Шу-я?

Биринчи гўрков

Худди шунинг ўзи.

Ҳамлет

Қани, бир кўрай.

(Бош суягини қўлига олиб.)

Бечора Йорик! Мен уни танир эдим, Горацио. Бу одам бениҳоя ҳозиржавоб, уйдирмаларга жуда уста

эди. У мени минг мартаба орқасига кўтариб ўйнаткан. Ҳозир бўлса бунга қараганда кўнглим озаётир. Мана бу ерда лаблар қимирлайдиган жой. Мен буни жуда кўп ўпганман. Қани энди сенинг ҳажвларинг, қизиқчиликларинг, ашулаларинг? Бутун дастурхон атрофидагиларни ўлгудай кулдирадиган қаҳ-қаҳаларинг қани? Ҳайҳот, ўз кемшик жағинг аҳволидан тишни ғижирлатиб таъна қилишга ҳам бирон ҳазилинг қолмабдими? Милкларинг бир-бирига киришган. Қани, аслзода хонимнинг пардозхонасига бориб юзига қанча қалин упа-эликни қўямасин, оқибати қанақа бўлишини айтиб берсанг-чи. Бу кароматинг билан уни кулдириб кўрсанг-чи.— Горацио, менга бир нарсани айтиб бер.

Г о р а ц и о

Нимани, шаҳзодам?

Ҳ а м л е т

Нима деб ўйлайсан: Искандар Румий¹ ҳам ерда ётганида шу ҳолатда бўлганмикин?

Г о р а ц и о

Айнан, шундай.

¹ Македониялик машҳур саркарда Александр. Шарқда Искандар Румий, афсоналарда эса Искандар Зулқарнайн деб шуҳрат топган (эрамиздан бурунги 356—323 йиллар).

Ҳ а м л е т

У, ҳам шундай сасиб турганмикин? Уҳ!
Г о р а ц и о

Айнан шундай, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Жасадларимиз қандай паст хизматларга ярар экан, Горацио! Масалан, Искандар хокининг тақдирини, ҳатто бориб-бориб бирон пиво бочкасини сувашга хизмат қилишини тасаввур этиб кўр!

Г о р а ц и о

Бу — воқеага юзаки қараш бўлиб қолмасмикин?

Ҳ а м л е т

Асло йўқ. Аксинча, бу нарса — воқеанинг муҳаққақ қонусларини билиб туриб, унинг ўзгаришларини кузатиб туриш дегани бўлади. Масалан: Искандар ўлди, сўнгра Искандарни кўмдилар, сўнгра Искандар чириб хок бўлди. Хок — тупроқдир. Тупроқдан лой олишади. Шу Искандарнинг лойи билан пиво бочкасини сувашлари нега мумкин бўлмасин?

Шамоллаб вафот бўлган Қайсари-Румдан —
Вақти келгач лой қилишар деворлар учун.
Ер юзини қалтиратган буюк жаҳонгир
Деворларга тиқин бўлиб ишланар ҳозир.

Энди, жим! Ўзимизни бир чеккага олайлик! Ана қирол!

Поп бошлиқ жаноза маросими кўринади. Офелия тобути кетида Лаэрт, кузатувчилар, сўнгра қирол, малика ва уларнинг маҳрамлари.

Ҳамлет

Малика ҳам арк аҳли. Кимни кўмишар?
Тартиб тамом бузилган! Маълум бўлдики,
Ўз-ўзини ўлдирган бирон аёл бу!
Бизни улар кўрмасин. Эҳтиёт шартдир.
Четроқ туриб кўрайлик.

Горацио билан ўзларини бир четга оладилар.

Лаэрт

Яна қандай маросим қилингусидир?

Ҳамлет

Мана, кўр олижаноб йигит. Лаэртни.

Лаэрт

Яна нима қилмоқлик ниятингизда?

Поп

Биз шаръий қоидадан ошиб ҳам кетдик.
Чунки у ўлган эмас, ажали билан.
Юқоридан бизларга буйрилмасайди,
Сури Исрофилгача нопок ётарди,
Ва дуолар ўрнига унинг кетидан
Тошу кесак ташларди ҳамма халойиқ.
Аммо қаранг, тобути узра гулдаста,

Жомлар уриб кузатди уни одамлар.

Л а э р т

Демак сизда ихтиёр фақат шунчалик?

П о п

Ишимиз адо бўлди. Аммо биз агар
 Бўлак марҳумлар узра ўқилганидай
 Марсиялар ўқисак шарият расмин
 Шу билан биз поймол қилган бўламиз.

Л а э р т

Тобутни туширингиз! Майли у маъсум
 У покиза жасаддан унгай наргислар.
 Унутмаки, дағал поп, сен жаҳаннамда —
 Ўртаниб-куйганингда менинг пок синглим
 Фаришталар қатори, ўйнар жаннатда.

Ҳ а м л е т

Яъни ким: Офелия?!

М а л и к а (тобут устига гуллар сочиб).

Нафосат нафисага қисмат бўлсин, ол!
 Тинч ухлагин. Уйлардим бир куни сени —
 Ҳамлетга қаллиғ қилиб аркка келтирсам.
 Мозорингни эмасу, келин ётоғинг
 Гуллар-ла қопламоқни айлардим хаёл.

Л а э р т

Золимнинг қилмишлари сени маҳв этди,
 Жафокорга йўлиқсин тўқсонга бало!..
 Ҳай, тўхтанглар! Тупроқни ташламай туринг,
 Уни яна бир марта қучмоқ истайман.

(Гўрга ирғиб тушади.)

Ўлик билан тирикни ҳам кўма беринг!
 Текис жойда катта тоғ уйиб ташланглар.
 Шундай тоғки, паст қолсин унга нисбатан
 Пелион ҳам ва ҳатто зангори Олимп¹.

Ҳ а м л е т *(олдинга чиқиб)*

Ким бунда нола тортар асабий, маъюс?
 Фарёдига ачишиб кўкда юлдузлар
 Тиланчилар тўпидай тиқилишмоқда.
 У ким бўлса мен унга хизматга тайёр!
 Дания шаҳзодаси Ҳамлет мендирман!

(Ирғиб қабрга тушади.)

Л а э р т

Даф бўл, шайтон!

(Ҳамлет билан ёқалашади.)

Ҳ а м л е т

Сен дуо сўзларин ўрган.

¹ Грециядаги тоғларнинг номлари. Қадимий афсоналарга кўра, Олимп ер юзида энг баланд тоғ ҳисобланар эди; Олимп чуққиларида худолар яшар эмиш.

Томоғимдан қўлинг торт ва билиб қўйки —
 Ўзим қизгин эмасман, аммо мабодо
 Содир бўлиши мумкин бирон фалокат.
 Сен пушаймон бўларсан. Қўлингни олгин!

Қ и р о л

Ажратинг!

М а л и к а

Ҳамлет, Ҳамлет!

Ҳ а м м а

Афандилар, бас!

Г о р а ц и о

Тинчланингиз, шаҳзодам!

Уларни ажратиб қўядилар ва улар гўрдан чиқадилар.

Ҳ а м л е т

Қўланка бўлиб қолган у қиз ҳурмати
 Охиргача жанг қилмоқ менинг қарорим.
 Кўзларим то тирикдир, тинчланмайман мен.

М а л и к а

Қўланками, ўғлим — ҳа?!

Ҳ а м л е т

Офелияни

Шундай севар эдимки, қирқ минг оғаси

Биргалашса менчалик сева олмайди.
Айт-чи, синглинг шаънида не қилмоқчисан?

Қ и р о л

Ўзида эмас ҳуши.

М а л и к а

Унга тегманглар!

Ҳ а м л е т

Билмоқчи бўламанки, нима қилардинг?
Еқанг йиртиб, йиғлардинг? Уришармидинг?
Сирка ичиб, ермидинг тимсоҳнинг гўштин?¹
Буларнинг барчасига мен ҳам қодирман.
Бу ерга йиғлагани келдингми, сўйла?
Ё гўрга сакраб тушиб тирик кўмилиб
Мени ҳижил қилгани келдингми, сўйла?
Бунга мен ҳам қодирман. Тоғлар ҳақида
Вайсаб ўтдинг? Эмиш шу мозор устига,
Тупроқ тўкинг, қадалсин устимизда тоғ,
Шундай тоғки, Оссанинг² чўққиси ҳатто
Унга кўра тупроқда холдай кўринсин.
Бундай ўқирмоқликка мен ҳам қодирман.

М а л и к а

Бу ҳаммаси телбалик тутқалоғидур.

¹ Ҳамлет у даврдаги аслзода ёшлар ўртасида расм бўлган «аҳду паймонлардан» кулади. Улар ўз севганларига садоқатларини изҳор қилиш учун «сирка ичишга» ёки дорихоналар деразасига тулумлари қўйилган тимсоҳ гўштини ейишга ҳам тайёرمىз деб қасам ичишар эди.

² О с с а — Грецияда бир тоғ.

Сал кутайлик, у яна тинчиб қолади.
Она кабутар каби ювошланади.

Ҳ а м л е т

Лаэрт, менга не учун шунча хусумат?
Назаримда, бир чоғлар биз иноқ эдик.
Майли... Қанча парвариш қилсанг бўрини,
Яна бир кун тарк этар ўз ғамхўрини.

(Кетади.)

Қ и р о л

Горацио, у билан бирга бўлингиз!

(Горацио кетади.)

(Лаэртга)

Кечаги маслаҳатни эслаб, сабр этинг,
Яхшиликка ҳал бўлгай барча муаммо.
Гертруда, кўз қўйинг. Ҳамлет устидан.—
У қиз учун тириклар жонин оламиз.
Яна, бир оз кутайлик. Вақт келиб қолар —
Осойишта яшамоқ муяссар бўлар.

(Кетадилар.)

ИККИНЧИ САҲНА

Яна у ерда. Қасрда бир катта хона.
Ҳ а м л е т билан Г о р а ц и о кириб келадилар.

Ҳ а м л е т

Бу масала кўп аниқ. Энди бўлди. Бас,
Ёдингдами шу ўтган барча ҳодиса.

Г о р а ц и о

Бўлмаса-чи, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Мен бетинч эдим,
 Қийнар эди руҳимни ичимдаги жанг.
 Ётоғимда ўзимни кишанда сездим.
 Сўнгра тез қалқиб олдим. Яшасин тезлик!
 Кўрлик бизга кўп маҳал нажот келтирар,
 Ҳолбуки, йироқбинлик янглиштиради.
 Демакки, бор оламда шафқатли тангри,
 Ўзи бизни, тақдир ва иқболимизни
 Инояти лутфидан дариг тутмайди.

Г о р а ц и о

Бахтимизга, бор экан ундай худованд.

Ҳ а м л е т

Елкамга чакмон ташлаб чиқдим ҳужрамдан,
 Излар эдим уларни тимирскиланиб,
 Ахир топдим хатларни ва қайтиб келдим.
 Қўрқинчдан дадилландим, орни унутдим —
 Муҳрни бузиб ташлаб ўқидим хатни,
 Ҳайрон бўлдим қиролнинг разолатига,
 У мактубда ўқидим, Горацио, ўзим,
 Ва билдимки, мен мудҳиш хатар эканман —
 Дания диёрига ва Англияга.
 Содда қилиб англатай, хатда буюрилган:
 Мен боришим биланоқ чопилсин қаллам!

Г о р а ц и о

Йўқ-э!

Ҳ а м л е т

Мана фармойиш. Кейин ўқирсан.
Кейинги ишларимни айтиб берайми?

Г о р а ц и о

Лутфан айтинг!

Ҳ а м л е т

Сездимки, душманлар мени
Бир тузоққа солмоқчи. Дарҳол жазм этдим:
Янги бир хат ёздим-у, оққа кўчирдим.
Бир замонлар аъёнлар қаторида мен —
Хушхатлик ҳунарини хўрлаб юрардим.
Ҳуснихатга қилмасдим сира эътибор.
Лекин бу гал хушхатлик қилди кўп хизмат.
Айтайми, ёзганимни?

Г о р а ц и о

Айтинг, албатта!

Ҳ а м л е т

Мен қиролнинг помидан шундай хат ёздим:
Модомики, Англия бизга божгузор,
Дўстлигимиз гуллайди мисли қўш бошоқ,
Модомики, ҳар икки давлат ҳамжиҳат,

(Шу ерда хатга қўшдим бирталай мисол)
 Шу фармойиш ўқилгач, ўша пайтдаёқ
 Хат элтувчи кимсалар дарҳол, бесўроқ —
 Ҳеч қандай суд қилмасдан қатл этилсин!

Г о р а ц и о

Хўш, муҳрни қаердан олдингиз, милорд?

Ҳ а м л е т

Бу ишда ҳам худованд бўлди мададкор!
 Чўнтагимда бор экан отамнинг муҳри,
 Ушандан нусха экан шу қирол муҳри.
 Мен ёзган мактубимни имзолаб, буклаб,
 Яна қўйдим жойига илгаригидай,
 (Яширин алмашилган бола сингари).
 Эртасига юз берди денгиз уруши,
 У ёғини мен ёзган хатдан биласан.

Г о р а ц и о

Демакки Розенкранц ва Гильденстерн —
 Дарёй-фано бўйлаб сузибдилар-да!

Ҳ а м л е т

Шунга интилар эди ўзлари зотан.
 Вийдоним мусаффордир, чунки у шумлар
 Бекорга аралашди бизнинг курашга.
 Улуғлар талашганда, фуқаро жим тур!

Г о р а ц и о

Шу қиролни қаранг-а?

Ҳ а м л е т

Кўриб турибсан!

Шу қанчалик разолат! Қаҳрим шундан-да!
 У отамни ўлдириб, онамни бузди.
 Тўсиқ бўлди мен билан халқ ўртасида.
 Энди ҳаётимни ҳам нобуд қилмоқчи!
 Аммо унинг найранги энди ўтмайди.
 Энди уни мен ўзим барбод этаман.
 Мен бу ишга азм этдим...

Г о р а ц и о

У, Англияда

Юз берган ҳодисани тезда эшитар.

Ҳ а м л е т

Албатта эшитар-у, аммо шу кунда,
 Ҳозирча фурсат менинг ихтиёримда:
 Зотан одамзод умри шунча қисқаки,
 Оғиз очиб бир, икки дегунча тугар.
 Аммо хижолатда мен. У кун Лаэрт-ла
 Бекорга гавго қилдим. Унинг мотами —
 Менинг ҳам мотамимдир. Ярашмоқчиман.
 Лекин дардни жар солиб гердайиш нечун?
 Мен шундан қаҳрландим.

Г о р а ц и о

Жим! Бу ким экан?

(О з р и к к и р и б к е л а д и.)

О з р и к

Олий ҳазратларининг эсон-омон Данияга қайтиб келганлари муборак бўлгай!

Ҳ а м л е т

Қуллуқ, жаноб.

(Гораццога секинроқ.)

Сен бу искабтопарни биласанми?

Г о р а ц ц о

(Ҳамлетга секин)

Йўқ, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

(Гораццога секин)

Ундай бўлса бу сенинг бахтинг. Уни таниш шараф эмас. Унинг кўп ҳамда семиз ерлари бор. Бирон ҳайвонни ҳайвонлар шоҳи қилиб кўтарсалар, бу жаноб дарҳол ўшанинг ёнига ўз охурини қўяди. Бу-ку ўзи битта зогча, аммо қўнадиган уясининг катталигига қараганда бу -- зогчаларнинг кибори ҳисобланади.

О з р и к

Азиз шаҳзода, олий ҳазратлари илтифот қилсалар, аъло ҳазрат қирол томонидан менга ҳавола қилинган бир гапни эшитсалар!

Ҳ а м л е т

Мен бу сўзингизни, жаноб, хотирамда маҳкам эслаб оларман. Аммо, қалпоғингизни бошқа хизматга буюрманг. Қалпоғнинг жойи калла-ку, ахир.

О з р и к

Қуллуқ, олий ҳазрат. Аммо ҳаво бугун кўп иссиқ...

Ҳ а м л е т

Йўқ, ишонингки, ҳаво бугун ғоят совуқ. Шимолдан шамол келяпти.

О з р и к

Дарвоқе, бугун пича совуқ бўлиб турибди.

Ҳ а м л е т

Лекин, ҳар ҳолда менинг танамга ҳаво жуда ҳам иссиқ ва дим туюлаётир.

О з р и к

Таъриф қилиб бўлмайдиган даражада иссиқ ва дим, шаҳзодам! Бу иссиқни баён қилмоққа тилим ожиз. Лекин шаҳзодам, аъло ҳазрат қиролнинг амрларига мувофиқ сизга маълум қиламанки, улар сиз учун биров билан катта гаров ўйнайдиган бўлдилар.

Ҳ а м л е т

Ҳар ҳолда сўрайманки...

(Озрикни шляпа кийишга қистайди.)

О з р и к

Қўйинг, қўйинг, азбаройи худо! Менга шундайлигим қулайроқ, амин бўлингиз! Жаноби олий, шу кунларда ўрдага Лаэрт келиб қолди. У киши — чинакам жентльмен бўлиб, гоят ёқимли, ҳамда соҳиби камол ва соҳиби жамолдурлар. Жиддий қилиб айтганда уни мажмуатул одоб деса бўлади, негаким, аён ва аслзодаларга ёқадиган жумла назокатлар у кишида жам бўлгандир.

Ҳ а м л е т

Сизнинг таърифингиз у кишига жуда муносиб. Биламанки, у кишини бобма-боб тасвирлаш одамзоднинг эсу хотираси учун шундай оғир юкдирки, улар кишининг фазилатлари кетидан хаёлан эргашиб етишни ҳам қийинлаштиради. Аммо холисанулло маддоҳдай айтиб қўяйки, мен у кишини жуда олий зот деб биламан, ва унинг тенги фақат ўзининг суратидир деган хулосага келаман. Унга эргашувчилар бўлса ул зотнинг фақат сўлғин сояларигина, холос.

О з р и к

Олий ҳазратим, у киши ҳақидаги баҳоларингиз айни ҳақиқат.

Ҳ а м л е т

Лекин жаноб, мақсадингизни дангал айтиб қўя қолинг! Нега ахир биз бу жентльменни ўз дағал гапларимиз билан ифлослаб ўтирибмиз?

О з р и к

Жаноби олий?

Г о р а ц и о

Гапни очикроқ қилса бўлмайдими? Ростакам, шундай қилинг, илтифотли афандим!

Ҳ а м л е т

Шу одобли йигитнинг сиз айтмоқчи бўлган гапларга нима дахли бор?

О з р и к

Лаэртни айтадиларми?

Г о р а ц и о

(Ҳамлетга секин)

Бу кишининг гапдонлиги соб бўлди. Олтин ҳалли сўзлар барчаси сарф бўлиб кетди.

Ҳ а м л е т

Ҳа, Лаэртни, жаноб.

О з р и к

Биламанки, сиздан яшириң эмас.

Ҳ а м л е т

Истар эдимки, бу сиздан яширин қолмасин. Гарчи, шу тақдирда ҳам мен ютадиган ҳеч нарса йўқ. Хўш, жаноб?

О з р и к

Биламанки, сиздан яширин эмаски, Лаэртнинг яна бир камолоти...

Ҳ а м л е т

Баҳо беролмайман, чунки баҳо берсам кучларимизни таққослаб қўйишга тўғри келмасмикин деб қўрқаман. Гарчи, киши ўзини тўлароқ билиши учун биров билан ўзини қиёслаб қўйиши фойдадан холи эмас.

О з р и к

Гап, у кишининг қуролга моҳир бўлганлиги устидан бораётир. Умумнинг фикрига кўра бу хусусда унинг тенги йўқ эмиш.

Ҳ а м л е т

Қанақа қурол экан у?

О з р и к

Қилич ва ханжар.

Ҳ а м л е т

Дудам қурол экан. Хўш, сўнгра?

О з р и к

Қирол сизнинг томонингизни олиб унга қарши олтита арабий бедовлардан қўймоқчи. Лаэрт бўлса, эшитишимга қараганда, сизга қарши олтита фаранги қилич ва ханжар қўймоқчи экан. Буларнинг ҳаммаси муносиб асбоб-жабдуқлари билан; бамисоли камарлар, қайишлар ва ҳоказолари билан. Ва яна уч жуфт ажойиб нафис боғичлар ҳам борки, улар ҳалиги дасталарга бағоят мос тушибди. Асл безаклар билан музайян қилинган ҳалиги боғичларни деяпман.

Ҳ а м л е т

Бу боғичларингиз нима деган бўлади?

Г о р а ц и о

(Ҳамлетга секин)

Бу ерда шарҳу изоҳсиз нарсага тушуниш маҳол эканини илгаридан сезиб турибман.

О з р и к

Боғичлар, бу яъни ҳалиги қайишларнинг илмоғи бўлади, тақсир.

Ҳ а м л е т

Бизлар қилич ўрнига замбаракларни осиб юрганимизда эди, бу таъбир балки тўғри бўлар эди. Ушангача сиз қиличнинг қайиши деяверинг. Майли, гапни чўзмайлик. Демак, олтита арабий бедов бир томонда,

олтита фаранги қилич, уларнинг асбоб-жабдуқлари ҳамда асл безаклар билан музайян қилинган уч жуфт боғин иккинчи томонда. Хўш, булар ҳаммаси нимага гаров қўйилади?

О з р и к

Қирол таъкид қиладики, сиз билан Лаэрт ўртасида бўладиган ўн икки олишувдан учтаси у ёғнинг тўқ-қизтаси сизнинг фойдангизга бўлади деб. Агар, ҳазрати олийингиз, марҳамат қилиб ҳозир жавоб берсангиз, бу гапнинг қанчалик тўғри эканини дарҳол текшириш мумкин бўлар эди.

Ҳ а м л е т

А, мен: йўқ!— деб жавоб берсам-чи.

О з р и к

Шаҳзода, мен демоқчиманки: агар сиз бу олишув ҳақидаги таклифни қабул қилсангиз...

Ҳ а м л е т

Мен зални айланиб юрмоқчиман: агар аъло ҳазратларига маъқул бўлса, ҳозир менинг дам олаётган вақтим. Майли, қиличларни олиб келсинлар. Агар у йингит рози, қирол эса, ўз ниятида барқарор бўлса, мен кучим борича гаровни қирол ютиб олишига уринаман. Акс тақдирда, қисматим шармандалик ва мағлубият бўлур.

О з р и к

Жавобингизни худди шундай қилиб етказишга буюрадиларми?

Ҳ а м л е т

Худди шундай, жаноб, аммо бу сўзларга зебу зийнат бериш ўзингиздан.

О з р и к

Олий ҳазратларига садоқатларимни арз қилман.

Ҳ а м л е т

Шарафёб қилдингиз, марҳамат, марҳамат...

(Озрик кетади.)

Хайриятки садоқатини ўзи арз қилади. Бўлмаса ҳеч ким уни садоқатли деб арз эта олмайди.

Г о р а ц и о

Қочди. Бу жўжа чиққан тухумнинг пўчоқлари ҳали бошида кўриниб турибди-ю, қилмоқчи бўлган ишларини қаранг.

Ҳ а м л е т

Бу киши, албатта, онасининг маммаларини эмганида ҳам унга хушомадгўйликлар қилганди. Ҳозирги одамлар ҳаммаси шу тахлит! Улар қилиқ ва одоблар-

нинг фақат ташқи томонларинигина эгаллаб олиб ҳар хил завқларнинг гирдобида тўлқиннинг устига бўртиб чиқадилар. Аммо синамоқчи бўлиб бир пуфласанг — пуфак, холос.

Л о р д (кириб).

Шаҳзодам, аъло ҳазрат подшоҳимиз, ёш Озрик орқали сизга салом юборган эди. Сиз, унга бу залда мунтазир бўлиб турадиганингизни айтган экансиз. Подшоҳ ҳозир сўраяптилар: сиз Лаэрт билан олишмоқ ниятидан қайтдингизми, йўқми?

Ҳ а м л е т

Мен ўз қароримга содиқман. Қарорим эса, қиролнинг ниятларига мос. Қирол хоҳлар экан, бурчимни ўтайман. Ҳозирми, бўлак вақтдами, барибир. Мен ўзимни ҳозиргидай яхши ҳис этсам бўлибди.

Л о р д

Ундай бўлса қирол, малика ва маҳрамлар ҳозир бу ерга тушадилар.

Ҳ а м л е т

Хуш келурлар.

Л о р д

Маликанинг тилаги шуки, сиз олишувдан илгари Лаэртга бир-икки ширин гап айтсангиз...

Ҳ а м л е т

У мени савоб ишга ўргатар экан...

Л о р д кетади.

Г о р а ц и о

Сиз ютқизасиз, шаҳзодам!

Ҳ а м л е т

Менимча, йўқ. У Францияга кетгандан бери мен доимо қиличбозликда машқ қилиб келдим. Бунинг устига имтиёз мен томонда. Мен албатта ютаман. Аммо билсанг эди, юрагимда қанча гашлик бор? Майлига, бари бекор.

Г о р а ц и о

Бу қандай гап, шафқатли шаҳзодам!

Ҳ а м л е т

Бемаъни кайфиятлар. Аммо бу ваҳималар аёл кининигина ўз қароридан қайтара олади.

Г о р а ц и о

Агар кўнглингиз безовта бўлса, унга қулоқ солинг. Мен бориб уларга хабар қилайки, кайфингиз жойида эмас.

Ҳ а м л е т

Асло ва мутлақо. Биз ваҳима ҳам хурофотлардан баланд туришимиз керак. Чумчуқ ҳам ўлса амри ҳақ-

ла ўлади. Агар толенмизда бир иш ҳозир рўёбга чиқиши керак экан, демак уни кечиктириб бўлмайди. Ҳозир бўлиши керак. Кейинроқ бўлмас экан, демак, у иш ҳозир бўлиши керак. Агар ҳозир бўлмаса, барибир ноилож ва лобид бўлади. Шайланиб ўшани кутмоқ керак — масала ана шунда. Биз ҳеч қайсимиз ўлар соатимизни билмас эканмиз, нега бунга барвақт тайёрланиб туриш мумкин бўлмасин? Бўлар нарса — бўлади.

Қирол, малика, Лаэрт, Озрик, маҳрамлар,
қилич ушлаган навкарлар ва бошқалар кириб келади.

Қирол

Тўхта, Ҳамлет. Бери кел, бергин қўлингни.

(Ҳамлет билан Лаэртнинг қўлини қўшиб қўяди.)

Ҳамлет

Афв қилинг афандим, мен ҳақсиз эдим.
Аммо сиз,— бекзодасиз, кечиринг мени.
Бу ерга жам бўлганлар, ҳаммаси билар
Ва сизга ҳам айтганлар балки ҳақимда!
Гоҳо ақлу ҳушларим хира бўлади.
Шаънингизга ҳақорат қилган бўлсам мен,
Ишонингиз, иллоти касаллигимда.
Ҳамлетмикан жавобгар? Йўқ, Ҳамлет эмас
Ҳамлет — телба, Лаэртни ҳақорат этган.
Демак бу ишни Ҳамлет ўзи қилмабди.
Ким айбдор? Ҳамлетнинг девоналиги.
Демак Ҳамлет ўзи ҳам даъвогар экан.
Ҳамлетнинг касаллиги — унинг душмани.
Ҳаммадан ҳам барала ўтинаманки,

Мени ғаразгўйликда айбламангиз!
 Ҳамма билсин: йўқ эди сизга ҳеч қасдим.
 Том устидан ўқ узсам, ул ўқ янглишиб
 Биродарни ярадор қилибди, афсусл

Л а э р т

Нафратларга жой бўлган қалбим қаъридан
 Мен сизни афв айладим. Аммо ор-номус —
 Бўлак нарса, мен буни кечиролмайман.
 Бу хил низо-жанжалга, доно арбоблар,
 Хўп десалар ярашмоқ бўлади мумкин.
 Аммо ўша чоққача сиз таклиф этган
 Дўстликка дўстлик билан жавоб берурман.

Ҳ а м л е т

Бунга шодман. Таклифни хотиржам бўлиб
 Қабул қилдим. Бошлайлик!— Қани қиличлар?

Л а э р т

Менга қилич!

Ҳ а м л е т

Мен сизга ожиз рақибман.
 Чунки, сизнинг қиличда шоввозлигингиз
 Мен билан таққосланса, юлдуздай порлар.

Л а э р т

Мендан кулаётирсиз...

Ҳ а м л е т

Иўқ, ундай эмас —
Улай агар мен сизни масхара қилсам.

Қ и р о л

Қиличларни сиз беринг уларга Озрик.
Биласизми олишув шартларин, Ҳамлет?

Ҳ а м л е т

Балли шоҳим, лекин сиз гаровингизни
Мендай кучсиз томонга тиккансиз, ажаб?

Қ и р о л

Бу нотўғри. Иккинги ҳам менга маълум.
У гарчи моҳир, аммо имтиёз сизда.

Л а э р т

Бошқа қилич берингиз. Бу менга оғир.

Ҳ а м л е т

Бу менга боп.— Иккала қилич тенгмикан?

О з р и к

Балли, азиз шаҳзодам.

Олишувга ҳозирланадилар.

Қ и р о л

Шароб келтиринг.—

Ҳамлет икки зарбани еткизгач, яна —
 Учинчи зарбани ҳам қайтарса, дарҳол
 Ҳамлетнинг шарафига тўплар гурласин.
 Қирол ҳам май кўтарар унинг шаънига.
 Ҳозир қирол қадаҳга бир инжу ташлар.
 Бир инжуки, Даниянинг тўртта қироли
 Уз тожини безатган дурдоналардан
 Яна қимматбаҳодир. Қадаҳлар тутинг.
 Сурнайлар карнайларга, улар тўпларга
 Замбараклар кўкларга, кўклар ерларга
 Наъра солиб билдирсин: Дания шоҳи
 Ҳамлетнинг соғлигига май кўтармоқда!
 Бошлагаймиз! Ҳакамлар, яхшилаб қаранг!

Ҳ а м л е т

Тайёрланинг!

Л а э р т

Бошладим.

(Уриша бошлайдилар.)

Ҳ а м л е т

Бу — бир!

Л а э р т

Қайтардим.

Ҳ а м л е т

Ҳакамлар, қараб кўринг!

О з р и к

Бир зарба, ҳисоб.

Л а э р т

Иккинчисин бошлайлик!

Қ и р о л

Бирпас тўхтанг, ичайлик! Соғ бўлгин, Ҳамлет.
Мана инжу сеники.— Сенга бу қадаҳ.

Саҳна орқасидан карнай ва тўп садолари.

Ҳ а м л е т

Май — бемаҳал.— Бошлайлик! Жадалроқ бўлинг!

Уришадилар.

Яна бир зарб! Тўғрими?

Л а э р т

Иқрорман, зарба!

Қ и р о л

Уғлимиз енгаётир.

М а л и к а

Тоза терлабди.
Мана Ҳамлет, рўмолчам. Қизиб кетибсан.
Мен малика, ичаман ғалабанг учун!

Ҳ а м л е т

Қуллуқ, онам...

Қ и р о л

Гертруда, ичма шаробни.

М а л и к а

Ичгим келди. Сўрайман, ижозат беринг.

Қ и р о л

(Узига-ўзи)

Бу қадаҳ заҳарлидир! Энди йўқ нажот.

Ҳ а м л е т

Йўқ, онажон, сиз билан ичишим барвақт.

М а л и к а

Кел, юзингни бир марта артиб қўяйин.

Л а э р т

Энди, зарба мен берай!

Қирол

Буниси гумон.

Лаэрт

(Ўзи-ўзига)

Қандай оғир виждонга бу қабоҳатлар.

Ҳамлет

Бу гал, Лаэрт, ҳазилни йиғиштиргайсиз.
Хужум қилинг, сўрайман, қонуний, жиддий
Йўқса, ҳазил қиласиз, деб гумондаман.

Лаэрт

Хўш, фикрингиз шундайми? Келинг бўлмаса.
Уришадилар.

Озрик

Дуранг бўлди.

Лаэрт

Зарб бериш шундай бўлади!

Лаэрт Ҳамлетни яралайди. Сўнгра олишув қизиганда улар қиличларини алмаштирадилар. Ҳамлет ҳам Лаэртни яралайди¹

¹ Дуэлчилар уришганда бир-бири қўлидан қиличини тортиб олишга интилар эдилар. Бу ерда иккала томон (Ҳамлет ҳам Лаэрт) бир вақтнинг ўзидагина қиличларини бир-биридан тортиб олган бўладилар.

Қирол

Тез ажратиб қўйинглар! Бундай бўлмайди.

Ҳамлет

Йўқ, қайтадан!

Малика йиқилади.

Озрик

Ёрдамга, малика беҳол!

Горацио

Улар қонга беланди.— Қон қайдан, милорд?

Озрик

Лаэрт, бу қон қаердан?

Лаэрт

Хўп қўлга тушдим.

Мен бир тузоқ қургандим эпчиллик қилиб,
Энди ўзим тушибман ўша тузоққа.

Ҳамлет

Маликага не бўлди?

Қирол

У қонни кўриб

Бир оз эсдан кетибди.

М а л и к а

Йўқ, ёлғон, Ҳамлет.—
Шароб, шароб!— Заҳарли шароб!

(Улади.)

Ҳ а м л е т

Хиёнат бор ўртада! Айбдор кимдир?
Хоинни топмоқ керак!

Л а э р т

Далил қўлингда!

Ҳамлет, сен ўлдирилдинг. Сенга даъво йўқ.
Ҳаётингнинг муҳлати ярим соатча,
Далиллари қўлингда. У тиг заҳарли.
Бу феълимдан бўлурман ўзим ҳам ҳалок.
Малика йўқ. Йўқ мадор кўп сўзлашимга.
Ҳаммасига айбдор қиролдир, қирол!

Ҳ а м л е т

Ҳа... қиличга ҳам заҳар суркалганми, ҳа?!
Қани заҳарли шамшир, жойингни топгин!

(Қилич билан қиролни яралайди.)

Ҳ а м м а

Хиёнат!

Қ и р о л

Ҳай, дўстларим, қутқазинг мени!
Фақат жароҳат едим. Ҳали нажот бор!

Ҳ а м л е т

Бўлмаса ол, сохтакор, одамхўр жаллод!
 Уз инжунгни май билан бир ютиб кўр-чи!
 Бор онамнинг ёнига!

Кирол ўлади.

Л а э р т

Ажаб бўлибди:
 Бу шаробни у ўзи тайёр қилганди.
 Қани, кел олижаноб Ҳамлет, мен кечдим:
 Отамнинг ҳам ўзимнинг хунимдан. Сен ҳам —
 Уз хунингдан кеча қол! (Улади.)

Ҳ а м л е т

Худовандо, кечиргин! Мен ҳам кетингдан...
 Горацио, иш тамом. Хайр, малика!
 Сизларга-чи? Бу қонли даҳшатни кўрган
 Ва индамай томоша айлаганларга —
 Оҳ, агар муҳлат бўлса, айтиб берардим.
 — Аммо ўлим, кўп анқов бир соқчидирки,
 Қўймай-нетмай судрайди бизни йўлига.—
 Оҳ, сизларга кўп нарса айтгим бор эди...
 Бу ҳам майли, Горацио, ҳамма иш тамом.
 Сен-ку тирик. Бу ишдан беҳабарларга
 Сўйлагин мен тўғрида бор ҳақиқатни.

Г о р а ц и о

Қандай мумкин! Менда бор римликлар хулқи.
 Ухшамасман Дания авлодига мен.
 Менга етарли заҳар бу қадаҳда бор.

Ҳ а м л е т

Агар мард бўлсанг,
 У қадаҳни менга бер. Бер, дейман сенга!
 Бу воқеа тамоман қоронғи қолса —
 Мени бешараф ўйлар келгуси авлод.
 Йўқ, сен мени дўст десанг, вақтинча тўхта,
 Бир муддат кутиб тургин жаннат лаззатин.
 Бу серташвиш дунёда бир оз юр ҳали,
 Инсонларга тушунтир шўр ёзмишимни.

Саҳна орқасидан марш ҳам милтиқ товушлари.

Бу ўқ узишлар нега?

О з р и к

Польшадан ғолибона қайтиб ўтаркан
 Инглиз элчиларин қутлар Фортинбрас.

Ҳ а м л е т

Гораций, мен ўламан. Заҳарнинг кучи
 Мени беҳол айлади. Англия ёқдан
 Хабарлар то келгунча, юмилар кўзим.
 Уйлашимча, Фортинбрас қирол бўлгуси.
 Мен ҳам ўз овозимни унга бераман.
 Унга батафсил айтгин бу можарони.
 Кейин эса жим, сукут!

(Улади.)

Г о р а ц и о

Тиниб қолди кўп нодир бир юрак. Ухла,
 Фаришталар қўшиғи сени тинчитсин!

Ким экан, бу ноғора уриб келганлар?

Саҳна орқасидан марш чалнади. Барабан — ноғора товушлари байроқлар ва маҳрамлари билан birlikда Фортинбрас ҳам инглиз элчилари кириб келадилар.

Фортинбрас

Қаерда ўтди ўша қонли можаро?

Горацио

У қанақа можаро? Ҳа, бу можаро,
Бу мислсиз мотамнинг макони шу ер.

Фортинбрас

Эҳтирослар жавлони тинмабди ҳали,
Улимнинг даргоҳида катта зиёфат.
Чунки шунча жасадни суриштирмасдан
Қонли дастурхонига уйиб ташлаган.

Биринчи элчи

Даҳшатдир, даҳшат.
Англия хабарлари кечикиб қолди.
Фармони бажарилди, десак — кўп мамнун
Бўладиган бу қирол, ҳозир эшитмас!
Розенкранц ҳам Гильденстерн қатл этилганлар.
Ким бизга раҳмат айтар?

Горацио

У айта олмас!
У тирик бўлганда ҳам бунни айтмасди,

Уларни ўлсин деган эмасди, қирол.
 Модомики, Польшадан ва Англиядан
 Қелаётган йўлингиз бунда туташар,
 Буюрингиз, жасадлар тизилсин қатор,
 Мен ҳам баланд бир жойдан айтай барала —
 Утган-битган жамулжам саргузаштларни.
 Мен ҳаммага ҳикоя қилиб бераман:
 У даҳшатли, инсофсиз, қонли ишлардан,
 Янглишиб ўлдиришлар, золим фалакдан,
 Ахир жазосин тортган риёкорликдан,
 Гуноҳкорлар тўқиган макру ҳийладан,
 Ниҳоят, хонларнинг маҳв бўлишидан.
 Мен батамом айтаман уларнинг барин.

Ф о р т и н б р а с

Қани, дарҳол эшитсак бу можарони,
 Шу учун чақирилсин олий бир кенгаш.
 Ноқулай бир соатда менга қўнди бахт.
 Бу ўлкага менинг бор қонуний ҳақим.
 Бор муътабар васиқам.

Г о р а ц и о

Бу тўғрида ҳам
 У кишидан берилган менга ваколат.
 Чунки унинг овози тақдир билан тенг.
 Ҳозир ҳамма ақллар қизғин, ошифта,
 Тагин янги бир бало чиқиб қолмасин.
 Шошилайлик!

Ф о р т и н б р а с

Ҳамлетни тўртта мулозим —
 Сипоҳларга яраша сўрига қўйсин.

Тирик қолса у албат бўларди қирол.
Уни ҳарбий низомнинг усули билан,
Ҳарбий музика чалиб кўтаринглар тез.
Қолган жасадларни ҳам кўтариб чиқинг!
Жасадлар йиғиндиси бу ерга эмас
Балки, жанг майдонига мос тушар, холос.
Ўқ узишга берилсин ҳозир қўмонда!

Мотам марши. Жасадларни олиб чиқадилар. Бундан кейин
замбараклардан ялли ўқ узиш.



АНТОНИЙ ВА КЛЕОПАТРА

КОМИЛ ЯШИН
таржимаси

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

- Марк Антоний
 Октавий Цезарь
 Марк Эмилий Лепид
- } триумвирлар.
- Секст Помпей.
 Домиций Энобарб
 Вентидий
 Эрос
 Стар
 Деркет
 Деметрий
 Филон
- } Антоний тарафдорлари.
- Меценат
 Агриппа
 Долабелла
 Прокулей
 Тирей
 Галл
- } Цезарь тарафдорлари.
- Менас
 Манекрат
 Варрий
- } Помпей тарафдорлари.
- Тавр, Цезарь саркардаси.
 Канидий, Антоний саркардаси.
 Силлий, Вентидий қўшинидаги аскарбоши.
 Евфроний, Антонийнинг Цезарга юборган элчиси.
- Алексас
 Мардиан
 Селевк
 Диомед
- } Клеопатранинг яқинлари.
- Қуръачи.
 Мискин киши.
 Клеопатра, Миср маликаси.
 Октавия, Цезарнинг синглиси ва Антонийнинг рафиқаси.
- Хармиана
 Ирада
- } Клеопатранинг чўрилари.
- Аскарбошилар, аскарлар, чопарлар, сарой аҳли, хизматкорлар.
- Воқеа Рим империясининг турли томонларида бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

I-САҲНА

Искандария. Клеопатра саройидаги зал.
Деметрий билан Филон кириб келишади.

Филон

Саркардамиз жудо бўлмиш ақлидан буткул!
Авваллари қўшин тортиб юрганларида
Зирҳли Марсдай паршираган оташ кўзлари
Келиб-келиб шу лўлининг бадчеҳрасига
Маънос ва зор термилишдан қолди бўшамай
Ёвлар билан олишганда ҳар зарби ила
Не-не пўлат қалқонларни чок этган юрак
Эндиликда ошуфтаҳол паст сиприндига
Бамисоли бир елпигич қилмоқда хизмат.
Ана, улар келишяпти.

Бурғулар чалинади. Антоний ва Клеопатра аъён-
лари билан кириб келишади. Ҳарам қуллари қўллари-
да елпуғич билан Клеопатрани елпишади.

Қара, яхшилаб,

Бу оламни тутиб турган учта устуннинг
Бириси деб ҳисобланмиш ушбу калонно
Нафсибад бир фоҳишага бериб жиловин
Эртаю кеч силаб-сийпаб, папалар уни.

Клеопатра

Муҳаббатми? Улуғлиги нечоғлик экан?

Антоний

Муҳаббат ҳеч ўлчов билмас, чексиз, бепоён.

Клеопатра

Излаб етсам дейман унинг поёнига мен.

Антоний

Бу дунёнинг ташқисидан излайсан уни.

Антонийнинг хизматкорларидан бири киради.

Хизматкор

Ҳукмдорим, этинг рухсат, Римдан бор хабар!

Антоний

Сухбатни ҳам совутдинг-ку, калта қил, тез бўл!

Клеопатра

Чопарларнинг сўзларини эшит, Антоний.
Ажаб эмас, Фульвияни бўлсанг ранжитган?
Ё оғзидан она сути кетмаган Цезарь
Буюргандир ваҳшат ила: «Жим турма, ошғич
Анов шоҳни қувиб солиб, бунисини қўй,
Амрим бажар, йўқса ўзинг оласан жазо»,

А н т о н и й

Нималар деб жавраяпсан, ширин маҳлиқо?

К л е о п а т р а

Невлай, балки сенинг бунда қолиб кетишинг.
 Хуш келмаган Цезарь ила ёстиқдошингга.
 Ё бўлмаса Цезарь сени четлатган ишдан.
 Билиб олгин — нималарни буюрган экан
 Римда қолган хотининг... Йўқ, кечиргил, Цезарь...
 Ҳа, иккови. Чопарларнинг эшитгил гапин.
 Қип-қизариб кетдинг, ҳозир тож ҳаққи, айтсам!
 Бу Цезардан ҳайиқишинг аломати, ё
 Фульвиядан тегадиган дашном қўрқуви?
 Чопарларни чақиринглар тезда бу ерга!

А н т о н и й

Римни Тибр тўлқинлари айласин вайрон!
 Кул-кул бўлсин менга деса тожи салтанат!
 Бас, паноҳим шу ер энди. Шоҳликлар битар!
 Ер бир ўғит; боқар бирдай жонворлар билан
 Одамни ҳам. Аммо юксак фазилат, бу бурч
 Зоҳир бўлар фақат ишқда, оҳу кўзлигим.

(Клеопатрани қучади.)

Исботлайман эндиликда бутун дунёга,
 Шу чоққача ўтган бирор ошуфта дилнинг
 Уз ёрини биз сингари севмаганлигин.

К л е о п а т р а

Лофни қаранг! Ишққа шундай сайқал берган зот
 Уйландию Фульвияга бедард, бекўнгил.

Эсин еган тантиқ хотин эмасман ҳали,
 Антонийнинг кимлигини хўпам биламан.
 Антоний...

А н т о н и й

...Ҳа, Клеопатра мафтун этган зот.
 Ёлвораман: севгимизни ардоқласанг гар,
 Унинг тотли онларини надомат тўла
 Машмашага сарфламоқнинг йўқдир ҳожати.
 Ҳар сония бағишласин роҳат ва лаззат,
 Қандай эркак бу оқшомнинг бўлар соҳиби?

К л е о п а т р а

Чопарлардан эшитайлик.

А н т о н и й

Чўрткесар, ўжар!

Нима қилса ярашади гул чеҳрасига —
 Ғазаб қилса, хандон урса ёки йиғласа.
 Мен бўлсам-чи, шавқу завқдан жон-дилим ўйнаб
 Лол қоламан латофату назокатига.
 Чопарларинг даркор эмас менга бу лаҳза!
 Сенга эса ўзим ёрман, сенга жон фидо.
 Икковимиз бирга-бирга мана шу оқшом
 Сайр этамиз кўчаларни, боқамиз юртга.
 Юр, маликам. Ахир кўнглинг нақ куни кеча
 Турганди-ку шуни истаб...

(*Хизматкорга.*)

Йўқол! Тилинг тий!

Антоний ва Клеопатра аъёнлари билан чиқиб
 кетишади.

Д е м е т р и й

Цезарни ҳам менсимасдан қўйди Антоний.

Ф и л о н

Тонг қоламан гоҳи пайтлар уни танимай
 Ва дейманки: наҳотки бу ўзимиз билган,
 Бизнинг оташқалб соҳиби буюк Антоний?

Д е м е т р и й

Минг афсуски, тасдиқлайди ўз тили билан
 Римга етган нодўстона мишмишларни ҳам.
 Қайдам яна, бугун-эрта, ноумид шайтон,
 Эсин йиғиб олар дейман. Хуш қол, элатдош!

Кетадилар.

2-САҲНА

Клеопатра саройидаги бўлма.

Хармиана, Ирада, Алексас ва қуръачи кириб
 келадилар.

Х а р м и а н а

Ҳазрат инсон Алексас, ширинзабон Алексас, меҳри
 дарё Алексас, марди майдон Алексас! Маликага оғиз
 кўпиртириб мақтаган қуръачинг қайда? Кимга тегаркин-
 ман, деб юрагим така-пука бўляпти. Ўзинг ўша одам
 жонингга ора киради, девдинг-ку?

А л е к с а с

Ҳой, қуръачи!

Қ у р ъ а ч и

Тайёрдирман хизматларига.

Х а р м и а н а

Ҳа, у шуми?— Қўп каромат кўрсатармишсан?

Қ у р ъ а ч и

Табиатнинг асрор тўла буюк китобин
Уқиб қолгум у-буларни гоҳо чўқилаб.

А л е к с а с

(*Хармианага*)

Қафтингни тут, кўра қолсин, майлига, бир қур.

Э н о б а р б билан хизматкорлар киришадн.

Э н о б а р б

(*хизматкорларга*)

Қани, чаққон таом тортинг! Майи нобни ҳам.
Клеопатра сиҳатига ичамиз оппоқ.

Х а р м и а н а

Ёруғ, ойдин фол оч менга, авлиё одам.

Қ у р ь а ч и

Чор-ночор эплаганим фақат каромат.

Х а р м и а н а

Кўрсат кароматингни...

Қ у р ь а ч и

Бўлур ҳусну малоҳатинг бундан ҳам зиёд.

Х а р м и а н а

Тўлишаманми?

И р а д а

Иўқ, эс-ҳушинг, қариб боргач, бўлар пардозда...

Х а р м и а н а

Ажин юзга тирноқларин ботирмаса бас.

А л е к с а с

Пиримуршид авлиённинг сақланг иззатин.

Х а р м и а н а

Хап бўл. Хап!

Қ у р ь а ч и

Севасану севилишдан бўлурсан йироқ.

Хармиана

Ишқдан кечиб шароб ичиб, бўлай жигар хун.

Алексас

Гапларини бўлмай, мундоқ эшитгани қўй!

Хармиана

Қани, менга бирорта ажиб мўъжиза, каромат кўрсат. Аломат кунлардан бирида биратўла учта шоҳга тегиб, ўша заҳоти тул қола қолай. Эллик беш ёшимда кўрган болам нақ Ёҳудиялик Ироднинг ўтакасини ёрсин. Октавий Цезарнинг хотини бўлиб, маликам мақомига етиб қолишимни ҳам ваъда эт.

Қуръачи

Маликангдан узоқ умр кўришинг аниқ.

Хармиана

Мана бу гап ажиб! Узун умр кўришни майдан ҳам афзалроқ кўраман.

Қуръачи

Ўтмишда бўлгансан ҳамроҳ толега,
Энди у тобора сендан йироқлар.

Хармиана

Унда бояги олий наслу насаб, аслзодалар ҳақидаги орзумга ета олмайдиганга ўхшайман-ку. Қани, айт-чи, пешонамга нечта ўғилу нечта қиз ёзилган?

Қ у р ъ а ч и

Мустажоб бўлганда дуо — истагинг.
Шу чоққача миллион бола кўрардинг.

Х а р м и а н а

Бор-е, бетамиз! Одам тахлит эмас, афсунгар бўлганинг учун ҳам сени кечираман.

А л е к с а с

Истакларимдан ёлғиз тўшак воқиф деб
ўйловдингми?

Х а р м и а н а

Шошма! Энди бир фол очгин Ирадага ҳам.

А л е к с а с

Тақдиримиз не бўлишин билсак ҳаммамиз.

Э н о б а р б

Ҳар ҳолда бугун бошимизга не савдолар тушишини биламан. Итдай ичамиз.

И р а д а

Кафтимдаги манави чизиқларга қараб фақат битта нарсани айтиб берса бўлади: Менинг тақдирим ифбатли кечади.

Хармиана

Нилнинг тўлиб оқаётганини кўриб... қурғоқчилик бўлишини билгандай.

Ирада

Жим турсанг-чи, очофат, этаксиз сатанг, фолбинлик-ни сенга ким қўйибди?

Хармиана

Кафтнинг намлиги зурриётдан дарак бермаса, қўлимдан ҳеч бало келмас экан. (*Қуръачига.*) Менга қара, унга шунчалик арзимас нарсаларни каромат қилавер.

Қуръачи

Иккингиизнинг тақдирингиз бирдай бўлажак.

Ирада

Қандай тақдир? Қандай экан? Айт-чи дурустроқ.

Қуръачи

Айтдим барин.

Ирада

Наҳотки, ундан қилча ҳам бахтлироқ бўлмасам?

Хармиана

Хўш, қилча бахтлироқ бўлсанг, ўша қилни қаерда ўсишини истардинг?

Ирада

Фақат эримнинг бурнидан бўлак жойда.

Хармиана

Хунук нарсалардан эгамнинг ўзи асрасин. Хўш, энди Алексаснинг гали! Қисмат қандай бўлишини айт. Мурувватли Изида! Унга маймоқ хотин ато қилгин! Мана бу хотинидан айрилиб, ундан ҳам беш баттарига йўлиқсин. Бу ишдан охирабад боши чикмасин, ахири энг расво бир хотин ўйнаб-кулиб туриб, гўрга тиксин, унгача шармандаи шармисор бўлсин. Бу илтижоларимга қулоқ солгин, меҳрибоним Изида! Шуни қилу бўлак илтижоларимни, майли рад эт. Утинаман, меҳрибоним Изида!

Ирада

Омин! Нолаи додмизга қулоқ сол, сарвари коинот маъбудамиз. Дуппа-дуруст эркак расвойи радди маърака хотинга уйланганини кўрсанг алам қилади. Бироқ нотанти аҳмоқнинг шарманда бўлганини кўрмасанг ундан ҳам ёмон бўларкан. Шу боисдан ақалли бошқа одамлар тўғри йўлдан тоймасинлар, деб қилмишга яраша жазосини бер, меҳрибонимиз Изида!

Хармиана

Омин.

Алексас

Оҳ-ҳо, қаранг-а! Борди-ю, қўлларидан келса борми, улар шармандамни чиқаришда ҳеч нимадан қайтишмасди.

Энобарб

Жим! Антоний келар, ана.

Хармпана

Иўқ, бу — малика...

Клеопатра дириб келади.

Клеопатра

Кўрдингизми Антонийни?

Энобарб

Иўқ, давлатпаноҳ.

Клеопатра

Келмадими бу ерга?

Хармпана

Иўқ, малика.

Клеопатра

Бугун у кайф-сафо кўйида экан,
Бирдан Римни эслаб қолди.— Энобарб!

Энобарб

Лаббай, давлатпаноҳ?

Клеопатра

Уни қидир, топ,
Сўнг келтир бу ерга. Қайда, Алексас?

Алексас

Мен шундаман. Антоний ҳам кепқолди, ана.

Антоний, чопар ва шотирлар кириб келишади.

Клеопатра

Йўлиқмайман. Қани юринг, кетайлик бундан.

Клеопатра, Энобарб, Алексас, Ирада, Хармиана, қуръачи ва хизматкорлар чиқиб кетишади.

Чопар

Қўшин тортиб борди хотининг шунда...

Антоний

Акамга қарши-я?

Чопар

Ҳа, худди шундоқ.

Бироқ тортиб қўймоқ учун Цезарь танобин,
Тил топишди иккаласи ўтмасдан фурсат.
Цезарь бўлса илк жангдаёқ қилди тору мор,
Сўнг иккови қочиб қолди Италияга.

А н т о н и й

Хўш, ёмонроқ хабар йўқми?

Ч о п а р

Келса шум хабар,
Кетгусидир кўп ҳолларда элчининг боши!

А н т о н и й

Овсар ёки қўрқоқларга етказса хабар.
Борин гапир, яширма ҳеч, бўлар иш бўпти.
Замирида яширинган бўлса ҳам ажал
Улуғроқдир мақтовлардан менга ҳақиқат.

Ч о п а р

Аччиқ, заҳар хабар ҳам бор, қулоқ сол, сардор:
Парфиянинг қўшинларин бошлаб Лабием
Фрайдан ҳам ўтиб, кирди Осиёга нақ
Сурия-ю Лидиянинг хонликларида
Қисқа қилсам, Иония узра ҳам бугун
Голибона ҳилпирайди найзатуғлари...
Бунда эса...

А н т о н и й

Нега энди гўлдираб қолдинг?
Демоқчисан: нашъу намо сурар Антоний.

Ч о п а р

О, ҳукмдор!

А н т о н и й

Яширмагин мишмишларни ҳам.
 Римда не деб атасалар Клеопатрани,
 Шундай ата. Аямагин мени ҳеч бир,
 Фульвияга ўхшаб койи, айла дағдаға,
 Не гуноҳим бўлса барин тўкиб солавер,
 Нафрат, ғазаб ҳақиқатдан тайсалланма ҳеч.
 Гар ён берсанг, ҳа, зарардан бўлак иш чиқмас,
 Гина-кудурат дил куйдирар жингиртоб қилиб.
 Боравергил!

Ч о п а р

Фармонингни бажаргум доим!

(Кетади.)

А н т о н и й

Сакнондан келмиш бизга қандай хабарлар?

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Сакнондан келган ким бор? Қайда чопари?

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Шу ердадир, мунтазирдир фармонингизга!

А н т о н и й

Айтгил, кирсин ҳаялламай эсим борида,
 Маҳкам Миср запжирини узмасам бўлмас.

(Иккинчи чопар киради.)

Хўш, келтирдинг нечук хабар? Сўйлагил дадил!

И к к и н ч и ч о п а р

Естикдошинг дунёдан кўз юмди, Фульвия.

А н т о н и й

Наҳот ўлди, Фульвия, а? Қаерда ўлди?

И к к и н ч и ч о п а р

Сакионда.

(Хатни беради.)

Унинг дарди-касали ила
Кўп нарсалар борасида билурсан хатдан.

А н т о н и й

Боравер.

И к к и н ч и ч о п а р к е т а д и .

Тарк этмиш у қалб ёруғ дунёни.
Кўнгилгинам турган эди бу ишни тилаб.
Бунни қаранг, яқинларда нафрат-ла қувган
Нарсаларни кўнгил қўмсаб қолади гоҳо.
Пайти келиб ёнингдаги жоно, дил хушинг
Еқмай қолар ва тегадир меъдангга жуда.
О, қанийди Фульвияни тобутга солган
Қўллар яна ўша жойдан тортиб чиқарса.

Раҳматлик, бу дилу жоним тўрида яна..
 Бу дилбарни тарк этмасам бўлмайди энди.
 Акс ҳолда маишату ишқу ҳаваслар
 Лак-лак бало келтиргуси менинг бошимга.
 Ҳой, Энобарб!

Э н о б а р б киради.

Э н о б а р б

Бордир яна қандай фармонинг?

А н т о н и й

Жўнамасам бўлмас имкон борича шитоб.

Э н о б а р б

Унда бу ерлик аёлларни ҳалокатга ташлаймиз-ку.
 Улар бу шафқатсиз мазаллатга дош беролмайдилар-ку.
 Мабодо кетсак борми, бари худа-беҳуда оҳу надомат
 чекишиб адоий тамом бўлишади.

А н т о н и й

Бормасам бўлмас.

Э н о б а р б

Бордию бу жуда зарур бўлса, бемалол адоий тамом
 бўлишаверсин. Аёлларни арзимас нарсага қийнаш увол
 бўлади, бироқ муҳим иш турганда, уларнинг бари сариқ
 чақага арзимади. Клеопатра буни эшитса борми, у ҳам-
 мадан олдин жон беради. У йигирма марта менинг кўз

олдимда ўлган, ҳаммасидаям тағни арзимаган н.рсага. У бу гапни эшитса жон-жон деб ўлаверади, нимага десанг ўлимни ҳам ёр қучоғига ўхшатади чоғи.

А н т о н и й

Ҳеч ким билмас унинг нечук айёрлигини.

Э н о б а р б

Иўғ-э! Унинг барча ноз-итоблари, ичкуярлиги соф севгисининг самимий ифодасидир! Нафаси бамисоли насим, кўз ёшларини абри найсон томчилари десанг ҳам кам. Бунақа довулу жалаларни шу чоққача кўрмаганман. Булар унинг айёрлигини кўрсатмайди. Айёрликка келганда Клеопатра шунақанги ногаҳоний бўронлар кўтарадики, унинг олдида Юпитер шарманда!

А н т о н и й

Қаердан ҳам кўзим тушди унинг ҳуснига!

Э н о б а р б

Наҳотки сен пушаймон бўлсанг? Уни учратмаганинда борми, оламдаги ажиб мўъжизаларнинг биридан бенасиб қолардинг. Бу толе сенга ёр бўлмаганида, сафарим хайф кетди, деяверсанг бўларди.

А н т о н и й

Фульвия ўлди.

Э н о б а р б

Нима?

А н т о н и й

Фульвия ўлди.

Э н о б а р б

Фульвия-я?

А н т о н и й

Ўлди.

Э н о б а р б

Начора, худоларга энди бир нима атамасанг бўлмайди. Худо эри бор хотиннинг жонини олмоққа хоҳиш билдирган экан, ўша хотиннинг эри оламда эски жулдир ўрнига гард қўнмаган янги либос тикувчилар борлиги билан юпанмоғи лозим ва лобид. Мабодо оламда бошқа аёллар қуриб кетган бўлса, ана унда Фульвиянинг ўлими сенга оғир савдо бўлиб, йиллаб мотам тутсанг арзирди. Бироқ бошингга тушган қайғуни бартараф қилса бўлади. Эскиси эскиганда янги этак топилади. Эскиси учун йиғламоқчи бўлсанг, кўзингни пиёз билан артақол!

А н т о н и й

Неки тугун қилган бўлса Фульвия — барин
Бир-бир ечиб ташлай олсам, маъқул бўлур хўп.

Э н о б а р б

Унда бу ердаги сен боғлаган тугун нима бўлади?
Бу ердан олисда сен тугунларни ечиш билан банд бўлсанг, Клеопатра бу ерда баттар тугилмайдими?

Антоний

Бас қил энди ҳазилингни. Саркардаларга
Менинг ушбу сўзларимни етказгил ошғич,
Малика-ла хайрлашиб тушунтиргайман
Бунча шитоб қайтишимнинг сабабларини.
Фульвиянинг ўлими-чи, уйга чорловчи
Талайгина даъволарнинг фақат биттаси.
Кўп нарсадан воқиф бўлган аҳбоблар тезда
Римга қайт, деб номаларни турдилар битиб,
Цезарь билан қасдлашиб бош кўтарган Помпей
Уммонларнинг жilовини олмишдир қўлга.
Қиши қадрин ўлгандан сўнг билгувчи авом,
Об-ҳавога қараб тез-тез турар ўзгариб.
Шу бонсдан оталарнинг буюклиги ҳам
Кўп ҳолларда тиркалади ўғилга фақат.
Довюраклик, мардлик, қудрат бу ёқда қолиб
Ўз номию қўшинини пеш қилган Помпей
Авом халқнинг мишмиши-ла ҳозир қаҳрамон.
Назаримда, салтанатга қилмоқда таҳдид.
Хуфиёна гимираган кимсалар ҳам бор,—
Қил эмас-ку от думидан юлинган жонсиз,
Ва лек ҳали заҳри қотил илон ҳам эмас.
Бас, хабар бер қўшиндаги барча аскарга,
Жўнамоққа кемаларга чиқсин.

Энобарб

Айтаман.

Кетадилар.

3-САҲНА

Уша жой. Бошқа бўлма.

Клеопатра, Хармиана, Ирада ва Алексас кириб келишади.

Клеопатра

Қани ўзи?

Хармиана

Кўрганим йўқ ўшандан бери.

Клеопатра

(Алексасга)

Бориб бил-чи, қаерда у, бандми, ким билан?
Аmmo менинг юборганим билмасин зинҳор.
Маъюс бўлма, мени айтки — ўйин тушяпти,
Қувноқ эрса, мени носоғ, дея бер хабар.
Тезроқ бору яна жадал қайтгил изингга.

Алексас кетади.

Хармиана

Маликам, сен ҳақиқатда севсанг, у ҳолда,
Антонийнинг муҳаббатин қозонмоқ учун
Танлаётган ушбу йўлинг нотўғри, галат.

Клеопатра

Хўш, сенингча нималарни қилмоғим даркор?

Хармиана

Ихтиёрин бер ўзига, тўсма ҳеч йўлин.

Клеопатра

Тентаксан-да, Хармиана. Қилган бу ишим
Ундан жудо бўлмоқ йўли.

Хармиана

Тегма ғашига,
Дилимизга қўрқув солиб турганларга биз
Изҳори ишқ даъвосини қилолмаймиз ҳеч.

Антоний киради.

Ана, келди Антоний ҳам.

Клеопатра

Мадорим йўқ ҳеч.

Антоний

(четга)

Қандай айтдим ўшал маъшум хабарни энди?

Клеопатра

(Хармианага)

Юр, кетайлик бундан, тагин йиқилиб қолмай,
Уйлайманки, бу азоб ҳам бормайди кўпга,
Яратганинг ўзи бергай унга хотима.

Антоний

О маликам, гулбаданим, жоним, маҳбубам!

Клеопатра

Утинаман, яқинлашма!

Антоний

Не бўлди сенга?

Клеопатра

Хушxabарни кўзларингдан билиб турибман.
Шаръий хогин не гапларни ёзмиш хатида?
Уйингга бор. Ҳурмати зўр ўшал заифанг
Бу ёқларга сени йўллаб адашган жуда.
Боргандан сўнг унга обдон тушунтириб қўй,
Узоқ туриб қолганингга дахлим йўқлигин.
Наҳот бунга етса қурбим? Сен уникисан.

Антоний

Худоларнинг ўзларига аён бу.

Клеопатра

Уят!

Олам — олам бўлибдики, бирор малика
Мен сингари расво ҳолга тушмаган асло!
Бевафолик қилишингни сезарди кўнглим.

Антоний

Клеопатра!

Клеопатра

Худоларни солиб ўртага
Ўшанда сен садоқатдан ичсанг-да қасам
Фульвияни ташлаб келган сен беоқибатнинг
Сўзларига чин кўнглидан ишонай қандай?
Қасамхўрнинг сўзларига ишонмоқ эса,
Қалтабинлик, тентакликнинг фирт ўзгинаси.

Антоний

Маликам!

Клеопатра

Иўқ, ширин сўзлар излаб ўтирма,
Хайр, дея юртинг кўзлаб чиқавер йўлга.
Бир вақтлар қолайин деб ялинганигда,
Одамларни лол қилгувчи сўзамол эдинг.
Лаблариму кўзларимга тўймасдинг боқиб,
Қошларимнинг меҳробига қилардинг сажда.

Бошдан-оёқ мени мисли фаришта дердинг,
 Мен ҳозир ҳам бошқа эмас, ўшал-ўшаман.
 Аммо сен-чи, сендай донги кетган сарлашкар
 Каззоб деган зўр унвонни олиб турипти.

А н т о н и й

О, маликам!

К л е о п а т р а

Бўлсам эди чорпахил аскар
 Тан берардинг мисрликлар жасоратига.

А н т о н и й

Қулоқ сол, эй гулузорим. Юртимга мени
 Чорлаяпти энди масъул, зарур юмушлар.
 Кетсам ҳамки қолар мудом юрагим бунда,
 Қўп қиличлар қиндан чиққан Италияда,
 Улус ҳоли тангмиш, юртлар вайрон, хомталаш.
 Секст Помпей эса мутлақ ошиб ҳаддидан
 Қўймоқчимиш Римни буткул денгиздан тўсиб.
 Қўш ҳокимлик бўлдими юрт, қолмайди тартиб.
 Бир замонлар Римдан буткул қувилган Помпей
 Отасининг шавкати-ла тиклаб қаддини,
 Аламзада кимсаларга бўлмиш раҳнамо.
 Кўлмаклик бор юртда, гўё тўнтариш ила
 Бор иллатдан халос бўлар юрт, деб ўйлашар.
 Сафаримнинг яна битта сабаби ҳам бор;

Гар эшитсанг жўнашимга ризо бўлурсан:
Бандаликни бажо қилган шўрлик Фульвия.

К л е о п а т р а

Ёшимга мос келмайди-ю ҳавойилигим,
Мен барибир чўпчакларга учиб юрмайман.
Қачон ўлибди?

А н т о н и й

Бу хабар ростдир, маликам!
Манавини ўқиб кўриб бўлурсан огоҳ.
Не галвалар кўтарганин олурсан билиб.
Бошқалари ўз йўлига пировардида
Қачон, недан ўлганин ҳам яхши фаҳмлайсан.

К л е о п а т р а

Мана шундай сенинг ишқинг, билсанг, Антоний!
Киши дилгир пайтларида қўлга олгувчи
Май солинган ул муқаддас кўзалар қайда?
Фульвиянинг ўлимидан кўриб турибман,
Бир кун ўлсам ўзни қандай тутишингни мен.

А н т о н и й

Галвани қўй, тушунсанг-чи, нозик фаҳмсан.
Не маслаҳат қилсанг шуни тутаман маҳкам.
Ул руҳафзо офтоб ҳаққи, қасам ичай, мен —
Содиқ қулинг, аскарингдай чиқурман йўлга.

Уруш десанг урушаман, ё ярашаман,
Сен не десанг бажо этар мафтункор қулинг.

К л е о п а т р а

Еқам ипчи бўшатгил сал. Кетдим бўгилиб.
Йўқ, керакмас. Тобим қочиб, кўз тиниши ҳам
Бирдан келиб, бирдан кетар, қарори йўқ ҳеч,
Антонийнинг ишқи мисол.

А н т о н и й

Кўзингни очгил,
Сенга бўлган муҳаббатим, инонгил албат,
Барча синов, бардошлардан ўтгай бемалол.

К л е о п а т р а

Ҳа, Фульвия тирик бўлса дерди тасанно.
Юзинг бур-да, унинг ҳаққи, кўз ёш қилиб ол.
Хайрлашиб сўнг мен билан, бўзлагин аччиқ,
О, маҳбубам, айрилиққа чидолмайман, де.
Имилламай бошла тезроқ, юракларни эз!
Елгонларинг ўхшаб кетсин озгина ростга.

А н т о н и й

Тилингни тий. Тўлиб борар сабр косаси!

К л е о п а т р а

Чакки эмас бу сўзларинг. Зўрроқ олавер.

А н т о н и й

Қиллич ҳаққи, қасам ичай!

К л е о п а т р а

Қалқонни ҳам айт!

Дуруст сўзлар айтаяпсан. Аммо бундан ҳам
Зўр сўзларни келтирмоққа кучинг етгулик.
Хармиана, кўрайлик-чи қани, иккимиз,
Нималарга қодир экан римлик Геркулес.

А н т о н и й

Хуш қол энди, Клеопатра.

К л е о п а т р а

О, шаҳсуворим,

Икки оғиз сўз айтмоққа бергин ижозат.
Сен кетасан, мен қоламан... йўқ, йўқ, ундаймас!
Иккимиз ҳам севишардик... йўқ, йўқ, ундаймас!
Узинг яхши биласанки... Не демоқчийдим?..
Эҳ, эсим ҳам Антонийдай хиёнат қилди.
Унут бўлдим, ҳаммасини унутдим мен ҳам.

А н т о н и й

Бу оламда топилгуси бор саркашлигу
Тентакликлар бўлмиш бари сенда мужассам,
Сенга ошиқ бўлмоқлик-чи — ўта тентаклик.

К л е о п а т р а

Ута мушкул, қийин экан бу тентакликка
 Қалб тўридан бериб жойни, силаб-сйламоқ
 Маъзур тутгин, неки феълим бўлса, Антоний,
 Қиммати йўқ менга унинг, сенга ёқмагач.
 Сени ҳозир виждон амри чорлар сафарга.
 Шу ваядан ҳам қулоқ солма оҳу зоримга.
 Ишларингга ёр — мадаккор бўлсин худолар.
 Ёвларингни енгиб жангда ғалаба қучгил,
 Қиличингни туширмагин қўлингдан асло,
 Поёндозинг бўлаверсин доим зафарлар.

А н т о н и й

Хуш қол энди. Ҳижронда ҳам бирга бўлурмиз,
 Жисман бунда қолгунг, руҳан кетгунг мен билан,
 Жўнайдирман, аммо кўнглим сендадир, сенда.
 Хайр, кетдим!

Кетадилар.

4-САҲНА

Рим. Цезарь уйдаги бўлма.

О к т а в и й, Ц е з а р ь қўлида хат кўтариб кирази. Л е п и д
 ва хизматкорлар ҳам шу ерда.

Ц е з а р ь

Мана, Лепид, кўргин ўзинг, бадфеъллигимдан,
 Ҳукмронлик бобдаги ҳамкори олий
 Биродарим ёмонлашга бел боғламадим.
 Искандария шаҳаридан ёзишар бундоқ:

Антонийнинг қилар иши балиқ овлашу.
 Эртаю кеч майхўрликдан ўтмасмиш нари.
 Клеопатра сабоқ берар унга мардликдан,
 Антонийдан назокатни ўрганармиш у;
 Элчилар ҳам Антонийга йўлиқмиш аранг,
 Ҳамкорлари ким эканин эслабди зўрға.
 Сенга айтсам, ўзимизнинг ўшал Антоний
 Заифлигу баъд ишларга муккадан кетмиш.

Л е п и д

Бўлса ҳамки Антонийда қанча заифлик,
 Кўрк бўлгулик сифатларни яшира олмас.
 Билиб қўйки, зулмат бўлса гар қанча қуюқ
 Самодаги юлдузлар ҳам чақноқ, жилвагар.
 Антонийга у қусурлар ўтмишдан мерос,
 Фақат ўзи қусурлардан қутулолган йўқ.

Цезарь

Мурувватинг зўр-да, Лепид. На чора унга
 Птолемей тўшагида ором гуноҳмас.
 Оташзабон одам чиқса тахт инъом этиб,
 Қуллар билан ичиб турса бир косадан май,
 Куппа-кундуз яна кезиб кўча-кўйларда
 Кир, ипринди кимсалар-ла муштлашиб юрса.
 Ҳурмат учун бу ишларни кечирса бўлар,
 Гарчи улар ҳар кимга ҳам келтиргай иснод.
 Биласанми, Антонийнинг енгилтаклиги
 Иккимизга келтирмоқда хунук оқибат.
 Кошкийди, у бўш вақтини ишқий можаро,
 Кайфу сафо, ишрат билан юрса ўтказиб.
 Ҳозир эса вақт ғанимат, юрт таҳликада,

Ҳар сония тайёргарлик сари чорлайди
 Бонг уради салтанатнинг юмушлари деб!
 Шу ганимат дамларни ҳам бериб ишратга,
 Қилма деган ишни қилган гўдак сингари,
 Эрмаклар деб ўз бурчини эсдан чиқарган
 Антонийни чақирмоқлик зарур тартибга.

Ч о п а р киради.

Л е п и д

Мана, келди янги хабар.

Ч о п а р

Шавқатли шоҳим!

Бажарилди фармонларинг. Ҳар бир соатда
 Янги гаплар келиб турар чегара ёқдан.
 Баҳри уммон жиловидан ушлаган Помпей;
 Куч тўплаган сендан қўрққан кимсалар аро.
 Аламзада бўлганларнинг бари ўшанда,
 Мишмишларга қараганда, хафамиш сендан.

(Кетади.)

Ц е з а р ь

Худди шундай гап кутувдим бугун ўзим ҳам.
 Ҳукмдорнинг қанақаси яхши деганда,
 Ҳали тахтга чиқмагани маъқул, дейдилар,
 Тиригида кўпчиликка ёқмаган ҳоким
 Ўлгандан сўнг авлиёдай топади обрў.
 Оломонни сув ўтига қилурлар қиёс:

Кетаверар оқим қайга тортқиласа гар.
 Гоҳи ўннга, гоҳи сўлга кетар сузилиб,
 Кейин эса чирийди-да.

Иккинчи чопар киради.

Иккинчи чопар

Келтирдим хабар.

Қўлга олди қўш қароқчи бутун уммонни.
 Бири Менас, иккинчиси бўлса — Менекрат.
 Кемалари кеча-кундуз ҳеч чиқмай четга
 Италия ерларига қилмоқда ҳужум.
 Улар номин эшитганда соҳилдагилар
 Титраб-қақшаб қолишади. Утюрак ёшлар —
 Юзларига қўндирмоқда газаб қизил ранг.
 Кемаларни уммон сари чиқди дегунча,
 Тутишар-да, талон-торож айлашар улар.
 Қўш қароқчи қаҳрамонлик қилишмас даъво,
 Аммо Помпей номин сотиб, солишар даҳшат.

Цезарь

Эсингни йиғ, Антоний, сал кўзингни очгил!
 Йиғиштиргин эҳтиросли ишратларингни!
 Гирций, Панса қўшинлари дабдала қилган
 (Гарчи жангда ҳалок бўлди шу икки сафир)
 Мутинадан бошни олиб қочган кунларинг,
 Очлик деган душман қувган эди изингдан.
 Шон-шавкатдан жудо бўлиб юрган бўлсанг-да,
 Бу душман-ла мардонавор туриб олишдинг,
 Арзир эди бирон ваҳший гар ҳавас этса.
 Чанқаганда ичавердинг отнинг пешобин,

Ҳайвонлар ҳам ичмайдиган ботқоқ лойқасин.
 Қишда қолган кийик каби пўстлоқ кемириб,
 Заҳар-заққум мевалардан единг жирканмай,
 Альп тоғида бўлганингда, турқидан ҳатто
 Одам ҳушдан кетадиган ўлакса ебсан.
 Ушанда ҳам мазанг қочмай, тинканг қуримай,
 Ҳатто рангинг сарғаймасдан қоядек турдинг.
 Сен ҳақиқий аскар йигит, девкор азамат,
 Шу сабабли бормас тилим таънага.

Л е п и д

Афсус!

Ц е з а р ь

Антонийни ўсал этсин ор ила номус.
 Биз иккимиз қўлга қурол олмасак бўлмас,
 Бунинг учун ҳарбий кенгаш ўтказмоқ даркор.
 Дам ғанимат, буни солсанг агар пайсалга
 Хўп Помпейга қўл келади.

Л е п и д

Эртага, Цезарь,

Қўл остимда қанча қўшин борлигин билиб,
 Қуруқдаги аскар билан кемалар сонин
 Яна бир бор чўтлаб чиқиб, айтаман аниқ.

Ц е з а р ь

Икковимиз кўришганда келаси сафар
 Айтажакман бошдан-оёқ. Хуш қолгин энди.

Л е п и д

Яхши боргин. Қелиб қолса янги хабарлар,
Қолиб кетмай мен ҳам четда, тураин билиб,
Илтимосим чиқармагил ёдингдан.

Ц е з а р ь

Зинҳор,
Буни билгум нақ ўзимнинг бурчимдай тайин.

Кетадилар.

5-САҲНА

Искандария. Клеопатра саройидаги хобгоҳ.
Клеопатра, Хармиана, Ирада ва Мардиан ки-
риб келадилар.

Клеопатра

Хармиана!

Хармиана

Лаббай, маликам?

Клеопатра

О-о!

Ушал майдан тезроқ қуйиб узатгин.

Хармиана

Нечун?

Клеопатра

Антонийим токи қайтиб келгунга қадар
Тошдай қотиб ухламоқни истайман дилдан.

Хармиана

Уша ҳақда не учундир кўп ўйлайсан-да.

Клеопатра

Хиёнатдир айтганларинг!

Хармиана

Мутлоқ, маликам!

Клеопатра

Қаердасан, Мардиан, ҳой, ҳарам оғаси!

Мардиан

Тайёрдирман маликамнинг хизматларига,
Кўнгиллари не хизматни тилайди бу дам?

Клеопатра

Чийиллаган овозингни эмас, ҳар қалай.

Минг йилда ҳам ололмайсан кўнглимни мутлоқ.

Иқболдан-ку ёлчигансан, нега деганда
Юрак ёниб чорлайдиган йўқ бирор нарсанг.
Эҳтироснинг нелигини биласанми?

М а р д и а н

Ҳа!

К л е о п а т р а

Қандайига? Рост биланми?

М а р д и а н

Йўқ, унчаликмас.

Амалда-ку кўп нарсага эмасман қодир,
Лек эҳтирос менга таниш. Чунки ўйлайман
Венеранинг Марс-ла қилган ишларини кўп.

К л е о п а т р а

Қани, ўзинг, Хармиана, айт инсоф билан,
На ишларни қилар ҳозир бизнинг Антоний?
Турибдими тик оёқда ё оларми дам?
Пиёдами ёки отда еларми олға?
Бахтиёрсан, эй остида ўйноқлаган от!
Антонийнинг вазнин сезиб қилурсан роҳат!
Мағрур югур, эй тулпорим, сенинг ҳамроҳинг
Бу оламнинг ярмин сўраб турган баҳодир,
Сўзламоқда ҳозир ўзи... Балки шивирлар:
«Қаердасан, эй мисрлик офатижоним?»—
Кўрса мени атар эди кўпинча шундай.
Нега энди сипқорайин ширин оғуни?
Бу офтобнинг бўсасидан тамом қорайиб,

Кечмиш йиллар ажинига бўлган гирифтор
 Мендайин бир бедавога ким ҳам дейсиз зор?
 Элимизга келиб Цезарь суққанида бош,
 Қўл узатса етмайдиган малика эдим.
 Помпей бўлса кеча-кундуз кетмай ёнимдан,
 Жон бераркан, кўзларимдан изларди нажот.

А л е к с а с киради.

А л е к с а с

Салом дейман, гўзал Миср маликасига!

К л е о п а т р а

Антонийга ўшар жойинг бўлмаса ҳамки,
 Улфат эдинг, у туфайли кирдинг қаторга,
 Қўрғошин ҳам зар-тиллога айланди-қолди.
 Мард Антоний кайфияти нечук, яхшими?

А л е к с а с

Сизга айтсам, о маликам, сўнгни дамда у
 Қўлимдаги ушбу дурни босди лабига,
 Қайта-қайта ўпиб, сўнгра узатди менга.
 Сўзлари ҳам юрагимдан жой олди мангу.

К л е о п а т р а

Сўзларин айт, қулоғимга қуйилиб қолсин.

А л е к с а с

«Дўстим,— деди,— маликага еткиз, албатта,
 Садоқатда тенгсиз бўлган римлик мафтуни

Арзимаган шу совгани — бир чиганоқни
 Йўлламоқда. Сўнгра бир кун албат пойига
 Муқаррардир тиз чўкиши беҳисоб юртлар»...
 «Айтиб қўйгин, унутмагин, — деди у яна, —
 Бош эгажак Машриқ замин». Шунда, десангиз,
 Ирғиб минди тулпорига, босди қамчини.
 Тулпори ҳам қаттиқ кишнаб кўтариб кетди,
 Шу боисдан жавобим ҳам етмади унга.

К л е о п а т р а

Қани айт-чи, хушҳолмиди ёки хафаҳол?

А л е к с а с

На иссиғи, на совуғи бўлган кундуздек,
 Хурсандлигу хафалигин бўлмасди билиб.

К л е о п а т р а

Одам деган шундай бўлса! Хармиана, боқ,
 Оқилона тутар ўзин, сир бой бермайди.
 Шерикларим тагин маъюс бўлишмасин деб,
 Қўринмасди асти ғамгин. Ўйнаб-кулишлар
 Миср деган жойда қолди демоқлик учун,
 Хушчақчақлик, хурсандликдан юрар нарида,
 Қувноқлигу ғамгинликнинг нақ селаваси!
 Қани айт-чи, бу борада ким етар унга?
 Ҳеч ким! — Йўлда кўрмадингми элчиларимни?

А л е к с а с

Йигирмага яқинини кўрдим шекилли,
 Нсга тез-тез элчиларинг қатнашиб қолди?

К л е о п а т р а

Антонийга бирор мактуб ёзмаган куним,
 Машъалистон олам бўлур менга зимистон!
 Қоғоз билан сиёҳ келтир, бўл, Хармиана.
 Миннатдорман бугун сендан, яша, Алексас.
 Цезарни-чи, мен бунчалар севмасдим чоғи?

Х а р м и а н а

О, Цезарь-ку — шон эгаси!

К л е о п а т р а

Овозинг ўчсин!
 Дилдаги шу завқинг билан қўшмозор бўл-е!
 Антонийни шон эгаси деб айт!

Х а р м и а н а

Цезарь мард!

К л е о п а т р а

Эркакларнинг сардорю мардларнинг мардин
 Цезарга сен яна бир бор тенг қилсанг борми,
 Дабдалангни чиқаргумдир, Изида ҳаққи!

Х а р м и а н а

Мени кечир, ўтмиш кунлар олиб хаёлим,
 Эски ҳислар қўшиғини куйлаб қўйибман.

Клеопатра

У вақтларда ёш ва думбул, ҳеч бир нарсанинг
Фарқин билмас қони ҳам суст қиз бола эдим.
Қани қўзғал, қоғоз билан сиёҳ келтир тез.
То Мисрда одам зоти қолмагунича
Чопарларни жўнатгайман, унга пайдар-пай.

Кетадилар.

ИККИНЧИ ПАРДА

I-САХНА

Мессина. Секст Помпей уйидаги бўлма.
Помпей, Мене крат ва Менас кириб келишади

Помпей

Гар худолар ҳақгўй бўлса, майли, у ҳолда
Адолатли ишимизга берсинлар мадад.

Мене крат

Уларнинг бу сукутини, шавкатли Помпей,
Раддия деб ўйламоқлик бўлмас инсофдан.

Помпей

Биз беҳуда тоатлар-ла бўлсак овора.
Бекор кетгай бу ҳаракат, илтижолар ҳам.

Мене крат

Биз кўпинча ўзга зиён оламиз тилаб,
Худолар ҳам балолардан асрашиб бизни,
Илтижомиз рад этишар. Гоҳо тоат ҳам,
Ибодат ҳам бекор кетар.

Помпей

Зафар менга ёр!

Халқимнинг ҳам кўнгли менда, денгизлар тобе.
 Куч-қудратим бўлса, гўё янги чиққан ой,
 Ошиб-тошиб, кундан-кунга борар тўлишиб.
 Миср олган Антонийни ўз оғушига,
 Айш-ишратни урушдан ҳам кўргуси аъло.
 Пулни ғамлаш билан банддир Октавий Цезарь,
 Минг-мингларча юракларнинг ичиб қонини.
 Лепид эса икковига бирдай парвона,
 Аммо ичдан ёмон кўрар, улар ҳам буни
 Бир чақага олишмайди.

Менас

Цезарь ва Лепид

Қатта қўшини тўшлаб энди бошлашар юриш.

Помпей

Елғон гап бу! Қимдан билдинг, айтасан ҳозир!

Менас

Силвий айтди.

Помпей

Бу тушига киргани аниқ.

Антонийга римликларнинг бугун кўз тутиб
 Туришгани маълумдир. О ғар Клеопатра!
 Қани энди ишқнинг сеҳри дудоқларингни
 Рангсизликдан қутқарсаю, ақиқлантирса!

Жодунг берса кўмак ҳусну малоҳатингга.
 Жозибанг-чи жоду билан тароватингга.
 Ишқибозни кўмиб ташла кайфу сафога,
 Нозу пезмат, май, шаробдан узмасин кўзин.
 Шулар билан овлаб-товлаб силжитма сира,
 Нонсоний ишга кимки кетса муккадан,
 Шавкатидан айрилади сувга чўккандай.

В а р р и й киради.

Не хабарлар келтирмишсан, айтавер, Варрий?

В а р р и й

Айтадиган гапларим ҳам ҳаммага маълум.
 Антонийни кутишмоқда Римда илтизор.
 Алча бўпти, тарк этганмиш Мисрни буткул.

П о м п е й

Хабар йўқдир менга бундан кўра машъумроқ.
 Сенга айтсам, Менас, мутлақ ўйламовдим мен
 Ишқ домидан қутулмаган бу ишратпараст
 Урушни деб княжагин бошга дубулға.
 Очиғини айтсам агар, санъати ҳарбда
 Иккисин ҳам қолдиргуси доғда албатта.
 Арзир бугун гурурлансак исён туфайли,
 Нафси мисли ўпқон бўлган бу жононсевар
 Тарк этмишдир Птоломей бевасин ишқин.

М е н а с

Цезарь билан Антонийнинг пишмайди оши.
 Антонийнинг бунда қўли йўқ эрур гарчи,

Хотини ва биродари Цезарга қарши
Адоват-ла бош кўтариб курашгани рост.

Помпей

Қайдам, Менас? Бу бачкана машмаша, жанжал,
Чекилмасми кўрганида зўр адоватни!
Бизга қарши жанг қилмоққа бўлмаса мажбур,
Ғижиллашиб қолишарди уччовлари, ҳа
Асли улар бир-бирларин қиймаламоққа
Сабаблар ҳам топилгуси меъёрдан ортиқ.
Аммо улар кўнглидаги қўрқув ва ташвиш,
Қўймасмикин уччовини иноқлаштириб.
Ана шуни билмай доғман, худолар ҳофиз,
Бизга тақдир ато этсин. Биз-чи бор кучни
Тўплайлик-да курашларга ташлайлик ўзни.—
Кетдик.

Кетадилар.

2-САҲНА

Рим. Лепид уйидаги бўлма.

Энобарб билан Лепид кириб келишади.

Лепид

Қилган бўлар эдинг зўр иш, Антонийни сен
Ҳовуридан туширсангу овласанг кўнглин,
Бир шаштидан қайтарсайдинг, дўстим Энобарб.

Энобарб

Эс-ҳушини келтиргумдир жойига албат.
Гар гашига тегмоқликни истаса Цезарь,
Антоний ҳам бир ҳурпайиб, боқиб баланддан

Марс сингари бир ўкирар. Худолар ҳаққи,
 Антонийнинг башараси бўлса-чи менда,
 Шу учрашув туфайли, бас, овора бўлиб,
 Устарага ишим тушмас эди мутлақо.

Л е п и д

Эски ҳисоб-китобларнинг эмас фурсати.

Э н о б а р б

Мабодо иш пишган бўлса, йилнинг ҳар фасли
 Пишган ишни бажармоққа мос бўлув доим.

Л е п и д

Майда ишлар ўзин четга олмоғи даркор.

Э н о б а р б

Майда ишлар босиб тушар каттасин гоҳо.

Л е п и д

Қизишма кўп. Чўғни ҳадеб пуфлайвермагин.
 Келди ана кўланкаси майдон Антоний.

А н т о н и й б и л а н В е н т и д и й к и р и б к е л и ш а д и.

Э н о б а р б

Етиб келди ҳаялламай мана Цезарь ҳам.

Цезарь, Меценат ва Агриппа кириб келишади.

А н т о н и й

(Вентидийга)

Ишларни тез адо этиб, Парфияликлар —
Еққа юриш бошляжакмиз.

Ц е з а р ь

(Меценатга)

Билмадим, аммо
Агриппадан сўраб кўргин, айтса эҳтимол.

Л е п и д

Бизни асли бирлаштирган олий мақсадлар
Олижаноб ўртоқларга аёндир бари.
Гиди-биди, майда гаплар бўлсин тез унут,
Камаймасин мурувватлар бир-биримизга.
Арзимаган нарсалар деб қолсак тортишиб,
Эски яра тузалмайди, очилар қайта.
Шу сабабдан ўтинаман, муҳтарам дўстлар,
Арзимаган нарсаларни ўтинглар четлаб,
Бўлинг юмшоқ, газабга ҳам берманг сира эрқ,
Бўлмаса-чи путур етар, бузилар жириш.

А н т о н и й

Яхши сўзлар...

(Имо-ишора қилиб Цезарь билан саломлашади.)

Ҳар иккимиз бўлсак ҳам душман,
Жаңг олдидан сени албат қутлардим шундай.

Цезарь

Хуш келибсан.

Антоний

Мишнатдорман.

Цезарь

Утир.

Антоний

Ўзингдан бўлсин.

Цезарь

Майли, ихтиёринг.

Утиришадн.

Антоний

Қулоғимга етган баъзи гапларга кўра
Гарчи асло бўлмаса-да мутлақо дахли
Еқмаганмиш сенга менинг баъзи ишларим.

Цезарь

Келиб-келиб арзимаган ишлар учун ҳам
Хафа бўлсам сендан, тоза қурирди шўрим.
Гар ўзимга нодахлдор ишлар учун ҳам
Жаҳлим чиқса, ҳар қадамда юрсам ёжиниб,
Кўпчилкка майна бўлиб қолардим албат!

А н т о н и й

Менинг Миср тупроғида туриб қолганим
Сенга қандай таъсир қилди, билсам бўларми?

Цезарь

Римда ўзим қолганимда, не кўйда бўлсанг,
Мен ҳам шундай аҳволотда қолганлигим рост.
Мабодо сен турсанг ҳамки Миср элида,
Менга қарши найрангларни ишлатган бўлсанг,
Барибир деб кетавермас эдим мутлақо.

А н т о н и й

Найрангларни ишга солдинг, деганинг нима?

Цезарь

Наҳот бунинг изоҳига қолса эҳтиёж?
Хотининг ва биродаринг бирлашиб туриб,
Сенинг номинг бўлган ҳолда уларга дастак,
Менга қарши бош кўтариб қилишди жанглар.

А н т о н и й

Бўлмағур гап. Менинг номим бўлмаган зарур,
Укам Люций изламаган ундан ҳеч паноҳ.
Ўзинг билан бир тўдада жанг қилганлардан
Тўплаганман анча-мунча тўғри гапларни.
Наҳот укам сенга қарши бош кўтарсаю
Бунинг билан менга асло солмаса кўлка?
У сен билан олишсаю мен қолсам четда?
Икковимиз бир одаммиз, ишлар ўртада,

Бу борада ўзинга ҳам йўллагандим хат.
 Мабодо сен бирор ғалва чиқармоқ бўлсанг,
 Сабабини бўлак ердан ахтар, гапим шу.

Цезарь

Мени ҳозир ноинсофга чиқариб буткул,
 Кўтармоқчи бўлаяпсан ўзингни кўкка.
 Бунинг эса баҳонадан йўқ бўлак оти.

Антоний

Йўқ, йўқ. Сира борма бундай хаёлга, дўстим.
 Ўзинг ўйла, наҳотки мен — сенинг ҳамкоринг,
 Ишимизнинг илдизини қирқмоқчи бўлган
 Укамни нақ ишга солиб, гиж-гижлаб қўйсам?
 Хотинимга келганда-чи? На чора, сенга
 Шу хил хотин йўлиқишин қиламан орзу.
 Енгил экан жilовини тутмоқ жаҳоннинг
 Жilовлашдан кўра уйда шундай хотинни.

Энобарб

Эҳ, ҳаммамизнинг хотинларимиз шунақа жангари
 бўлишса қани эди! Ўшанда юришларда ҳам хотингина-
 миз ёнгинамизда бўларди.

Антоний

Цезарь, мени тўғри тушун, таассуфдаман,
 Хотиниму биродарим бошлашган исён,
 Қизиққонлик шон-шуҳратга бўлиб омухта
 Сарсон қилган сени жуда, бузган ороминг,
 Ташвишларинг етмагандай қотирган бошинг.
 Сенга қандай ёрдам қилай? Айтгин бемалол.

Цезарь

Ушанда мен ёдим хатлар, қилмадинг парво,
 Гарқ бўлгандинг ўшал пари базмларига.
 Чопар борса яқинингга йўлатмай асло,
 Масхаралаб, қувиб солиб, ўқнмай хатин
 Бир чеккага улоқтирдинг.

Антоний

Чопаринг бўлса
 Беижозат кирмоқ бўлган тўғри бостириб,
 Ушанда мен уч подшоҳга бериб зиёфат
 Турган эдим, кайфиятим эди берироқ.
 Эртасига йўқлаб қолдим чопарни ўзим,
 Кечиримга баробардир бу ишим, билсанг,
 Бироқ булар арзимаиди сарфлашга вақт.
 Галва учун бўлак сабаб ахтарсанг маъқул.

Цезарь

Содиқликка қасам ичиб, буздинг онтингини.
 Энди эса нақ ўзимни қилмоққа айбдор,
 Қандай тилинг борар сени?

Лепид

Ўзни бос, Цезарь.

Антоний

Қўявер, Лепид!
 Тўкиб-солсин дилидаги неки борини,
 Менинг шаъним шубҳалардан турар юксакда.
 Тўхтамасдан гапиравер.— Буздим онтимни...

Цезарь

...Илк илтимос қилдим сендан: сўзинг аяма,
Ишинг билан мадад бергил; сен-чи, рад этдинг.

Антоний

Очиғини айтсам агар, қилмадим диққат,
Шароит ҳам шундай эди. Бошим айланиб,
Мия айниб, базмларда қолгандим чалғиб.
Гуноҳимни тан оламан, бош товламайман.
Тан олиш-ла қадр-қимматим урмайман ерга,
Қудратимни бўшаттириб қўймайман асло.
Ажаб эмас, Фульвия ҳам қилганда исён,
Қутқармоқни хаёл қилган мени Мисрдан,
Шу тариқа кулфатларга бўлдим сабабкор.
Ундай бўлса ҳар нарсанинг чегараси бор,
Мен ҳам энди ор-номусга туширмасдан доғ
Узр сўраб қолмоқчиман.

Лепид

Ажойиб сўзлар...

Мецеят

Утган ғалва-ғавғоларнинг муҳокамасин
Тўхтатсак-чи, барчасини этсак-чи ушут,
Эътиборни қаратсак-чи ҳозирги кунга
Вазият ҳам, яраш, дейди.

Лепид

Жуда ўринли.

Энобарб

Жўнроқ қилиб айтганда, бир-бирларингга меҳр деган нарсадан жиндай қарз беринглар. Помпей ҳақидаги мишмишлар тўхтагандан кейин, қарздан узилишасизлар. Ушанда бекор қолиб, бемалол ғижиллашаверасизлар.

Антоний

Аралашма бу ишларга. Жангчисан холос.

Энобарб

Унутибман, ҳақ гап ҳатто худога ёқмас.

Антоний

Тилингга эрк бераверма. Жим бўлсанг-чи, бас.

Энобарб

Майли, майли, сасим чиқмас мисоли бир тош.

Цезарь

Гарчи қўпол айтилса ҳам аслида тўғри.
 Ҳаракатда бирлигимиз бўлмаса сира,
 Дўстлигимиз қолажакдир таҳликада хўп.
 Қани энди бизни маҳкам тутган чегани
 Қайдалигин билсам агар, топмай қўймаслим,
 Борар эдим шу дунёнинг чеккасига ҳам.

Агриппа

Ижозат бер, Цезарь, менга.

Цезарь

Сўйла, Агриппа.

Агриппа

Сенинг синглинг Октавия ҳуснда танҳо,
Шоң-шавкатли Антоний-чи, ҳозир сўққабош,
Хотини ҳам ўлиб қолди.

Цезарь

Бас қил, Агриппа!

Клеопатра бу сўзларни эшитса борми,
Беодоблик бобида хўп шўринг қуритиб,
Ҳар қанча айб ёпиштира, гуноҳлар қўйса,
Бадбахт деса, ҳақли бўлар.

Антоний

Уйланганим йўқ,

Агриппа ўз сўзин, майли давом эттирсин.

Агриппа

Бир умрга дўсту ёрон бўлмоқлик ҳамда
Уртадаги оқибатни маҳкамлаш учун
Юракларни қовуштирамоқ бўлғуси жониз.
Антонийни уйлантирмақ керак синглингга.
Соҳибжамол Октавия қилсин бахтиёр
Пешонаси ярқираган ушбу бандани.
Антонийнинг одобию, муносиб хулқи,
Ростин айтсам, таърифлардан турар баландда.
Бу икки қалб қовушса-чи, битар ғалвалар,

Жанжаллару қўрқувларга қолмайди ўрин.
 Оқибатлар ҳар жиҳатдан бўлғуси яхши.
 Кўнгилларни хира қилган ярим-ёлғонлар
 Чин бўлса-да, кейин сизга беролмайди панд.
 Октавия иккилгизни баробар кўрса,
 Бир-бирингга меҳрларинг ортгуси шаксиз.
 Кўпчиликнинг кўнглин овлаб оласиз албат.
 Бу фикрни виждон бурчим эслатар кўпдан,
 Шу босидан журъат этдим сўзлашга, уэр.

А н т о н и й

Нима деркин бунга Цезарь?

Ц е з а р ь

Аввал Антоний

Ушбу гапга не дейишин билдирса яхши.

А н т о н и й

Ғалваларнинг чокларини бостирмоқ учун
 Агриппада кўрсам эдим бирор ваколат,
 Деяр эдим: «Бу гапларинг маъқул, Агриппа».

Ц е з а р ь

У ҳокимлик бобида ҳам тенглашур менга,
 Уйлайманки, қайтармайди синглим ҳам гапин.

А н т о н и й

Бундай маҳкам ва бахтиёр иттифоқликдан,
 Бош тортмоқлик тушимга ҳам қирмайди ҳатто.

Қўлингни бер, Цезарь, тезроқ. Иноқлигимиз
Мангуликка. Давом этгай, чорлагай бизни
Олий, эзгу мақсадларга.

Цезарь

Мана, қўлим ол.
Севолмайди сингисини ҳеч ким менчалик.
Энди эса, тутмоқчиман сенга қўш-қўллаб.
Синглим буткул ҳаётини бахшида қилсин,
Юртларимиз, юрагимиз иноқлигига.
Ўртамизда меҳр бўлсин.

Лепид

Шундай бўлуր ҳам.

Антоний

Вақти келиб, фурсат етиб, Помпейга қарши
Ўйламовдим сира қилич кўтаришимни.
Помпей эса пича аввал, яқингинада
Баҳоси йўқ бир яхшилик қилганди менга.
Энг аввало айтай унга ташаккурларим,
Ношукур деб хаёлига келтирмасин ҳеч.
Сўнгра эълон қилсам қилай, майлига, уруш.

Лепид

Шошилмасак бўлмас сира, кечиксак борми,
Бизлар қолиб, унинг ҳамла қилмоғи тайин.

Антоний

Манзилгоҳи қайда?

Цезарь

Мизен тоғи пастида.

Антоний

Қуруқликда ҳоли қалай, баландми қўли?

Цезарь

Баландликка анча баланд, қудрати ҳам зўр.
Денгизга у бошқаларни бийлатмай қўйган.

Антоний

Ана шундай мишмишларни эшитганим бор,
Уйлайманки, куч синамоқ пайти ҳам етган.
Аммо жиба, дубулғалар киймасдан бурун,
Керак майда машмашалар илдизин қирқмоқ.

Цезарь

Бош устига, азиз дўстим, сени ҳозироқ
Сингилгинам ҳузурига бошлайин.

Антоний

Лепид,

Бизлар билан бирга бўлгин.

Лепид

Шонли Антоний,
Бўлсам ҳамки, ушбу дамда хастаю бемор,
Қололмасман бу ерда ҳеч, бирга борурман.

Бурғулар чалинади. Антоний, Цезарь ва Лепид чиқиб
кетишади.

Меценат

Хуш келибсан, бизнинг Римга, дўстим Энобарб.

Энобарб

Цезарнинг ўнг қўли, ажойиб Меценат! Олижаноб
дўстим Агриппа!

Агриппа

Олижаноб Энобарб!

Меценат

Бу ёғи чиройли чиққани жуда яхши бўлди-я. Сиз-
лар Мисрда роса маза қилган кўринасизлар.

Энобарб

Нимасини айтай! Азбаройи кеч турганимиздан хи-
жолат бўлиб офтоб ҳам афтимизга қараёлмасди. То тун-
нинг ранги уятдан оқармагунча маишатдан бош кўтар-
масдик.

Меценат

Ун икки кишилик нонуштага саккизта тўнғиз гўшти
кетгани ростми?

Э н о б а р б

Бу бизга бургут чивин ютгандай гап эди. Баэмларимизда шунақанги нарсалар бўлардики, ҳар қанча айтсам ҳам оз.

М е ц е н а т

Мишмишларга ишонадиган бўлсак, Клеопатра зўр нарса эканда-а?

Э н о б а р б

Киди дарёсидаги биринчи учрашувдаёқ Марк Антонийни ўзига ошиқу шайдо қилди қўйди.

А г р и п п а

Уни кўрган одам алдамаган бўлса, чиндан ҳам зўр экан.

Э н о б а р б

Ҳозир сенга барчасини айтаман бир-бир.
 У маҳлиқо тушган кема Киди дарёсин
 Сувларида жилва қилар мисли олтин тож.
 Кемасининг ўмови ҳам қўйма тилладан,
 Елканлари тикилганди қирмиз шоҳидан.
 Азбаройи таратгандан хушбўй исларни
 Шамол ишқдан сархуш ҳолда бош урарди, бош.
 Най садосин мақомида кумуш эшкаклар
 Сувга ботар эшкакларни ювган томчилар
 Ишқ селида тугён уриб эргашар эди.
 Маликанинг таърифига ожизман-ожиз,

Унинг ҳусну малоҳати йўқдир Зухрода,
 Манман деган таърифлар ҳам лолу афтода.
 Андак қия ёнбошлаган ҳолда ётаркан,
 Боши узра жилваланар барқут соябон.
 Икки ёнда турган кўркам, барно ўғлонлар
 Ҳар биттаси кўз олгулик елпугич ила
 Маликага бахш этишар роҳатбахш салқин.
 Буни кўрган Антонийнинг жўш урди қони,
 Вужудига сизмай қолди қайноқ юрак ҳам.

А г р и п п а

Буни кўр-а! Хўп бахтиёр экан Антоний!

Э н о б а р б

Маликанинг канизлари сезгир ва ҳушёр
 Нерейдлар каби ҳар зум, ҳар бир лаҳзада
 Нигоҳидан сезишарди кўнгил тўлқинин.
 Бир канизи борар эди кемани ҳайдаб,
 Қўллари-чи, мисли гулдай нозик ва латиф..
 Шул боисдан каниз қўли теккан жиҳозлар
 Жон киргандай қолар эди зумда титрашиб.
 Ҳар тарафга тараларди муаттар ҳидлар,
 Одамлар ҳам бу асрордан қолишганча лол,
 Шаҳар қолиб, силжишарди дарёга томон.
 Антонийга макон бўлган бозор майдони
 Шу тариқа кўз олгунча қолди тез бўшаб.
 Ушбу дамда фақат ҳаво эди ҳамроҳи,
 Учар эди илож топса шунда ҳаво ҳам!

А г р и п п а

О, баҳосиз аёл-да бу!

Э н о б а р б

Соҳил томонга.

Етганида маликанинг соҳир кемаси,
Антоний ҳам чопарларни юбориб зумда,
Маликани таклиф қилди базми жамшидга.
Назокатин ишга солиб Клеопатра ҳам,
Саркардани даъват этди бўлмоққа меҳмон.
Антонийни биласизлар — одобда ўткир,
Аёл сўзин қолдирмайди мутлақо ерда,
Соқолини ўн мартача роса қиртишлаб,
Базм сари юзланганда ўйнарди кўзи.

А г р и п п а

Аёл деган шундай бўлса! Юлий Цезарнинг
Қиличи ҳам шу малика қурбони бўлган,
У қўш ҳайдаб, малика-чи хирмон кўтарган.

Э н о б а р б

Бир кун, десанг, ўшал санам кўзим ўнгида
Элик одим масофадан ўтаркан чопиб,
Нафас деган жонвор сиқиб, ўпкаси шишиб,
Оғзин каппа очганича ютарди ҳаво.
Бундай ҳолат бошқаларни кўрсатар хунук,
Унинг ҳусну жамолига берарди сайқал.

М е ц е н а т

Антоний ҳам энди ундан қутулса керак.

Э н о б а р б

Қутулишни хаёлига келтирмас сира.
Клеопатра турган жойда ёшлик абадий,

Ғамзалару ишвалари тегмагай жонга.
 Шундай бўлар: баъзиларнинг кўзи тушганда
 Клеопатра юракларга ўт ёқар жуда,
 Эсингни ҳам қелтиради зумда жойига.
 Иштаҳада қолишмайди унча-мунчадан,
 Лек буниси ярашади ўзига буткул.

М е ц е н а т

Анча-мунча эси бўлган, камтар ва хушрўй
 Аёл зоти Антонийга хуш келса борми,
 Октавия саркардага мисли бир жаннат.

А г р и п п а

Қани энди, йўл бошланглар. Йўқ дея кўрма,
 Шу ерларда эканинга, дўстим Энобарб,
 Бўлажаксан азиз меҳмон.

Э н о б а р б

Раҳмат, биродар.

Кетадилар.

3-САҲНА

Уша жой. Цезарнинг уйидаги бўлма.
 Цезарь, Антоний, Октавия хос навқари ва
 туғдорлари билан бирга кириб келишади.

А н т о н и й

Зиммамдаги юксак бурчим, давлат ишлари
 Айирмоғи мумкин бизни,

О к т а в и я

Ҳижрон кунлари

Эртаю кеч тиз чўкканча, кўтармай бошим
Дуо қилгум.

А н т о н и й

Хайрли кеч, шавкатли Цезарь,
Қулоқ солма мишмишларга, қилма эътибор,
Октавиям, гуноҳкорман сенинг олдингда,
Булар бари ўтган-кетган ишлардир, билсанг.
Тунинг яхши ўтсин, Цезарь.

Ц е з а р ь

Хайрли бўлсин.

Цезарь билан Октавия кетишади. Қуръачи кириб
келади.

А н т о н и й

Хўш? Согиниб қолгандирсан Мисрни жуда?

Қ у р ь а ч и

О, қанийди, мен у ердан жилмаган бўлсам!
О, қанийди, у ерга сен бормаган бўлсанг!

А н т о н и й

Сабаб-важи борми? Нима? Қани жавоб бер!

Қуръачи

Тилим билан айтмоқлигим мушкулдир жуда,
Аммо чиндан сездим, тезроқ қайтгин Мисрга.

Антоний

Қани айт-чи, тақдир боқар кимга жилмайиб,
Кимнинг қўли узун бўлар: менми ё Цезарь?

Қуръачи

Цезарь, албат. Илож топсанг ундан йироқ бўл,
Осмоний фариштанг-ку девкор мададкор,
Мағлубият нелигин билмайсан асло.
Енгилмайди сендаги руҳ ҳеч бир балода,
Цезарь билан бўлсанг бунинг кўрасан ақсин.
Олисроқдан гаплашавер, яқин йўлама.

Антоний

Бундоқ дема, тилингни тий, тушундингни?

Қуръачи

Пўк,

Сендан бўлак бир кимсага очмайман оғиз,
Аммо шуни билиб қўйгин, Цезарь билан сен
Неки ўйин ўйнасанг-да, ютқазининг ҳақ.
Сўндиргуси сенинг шуъланг унинг жилваси.
Такрор дейман: қилолмайсан асло тириклик
У бор жойда, йироқда-чи — қудратлисан сен!

Антопий

Боравер! Айт Вентидийга, бу ёққа келсин.

Қуръачи кетади.

Бас, отлансин йўлга энди. Тасодифми ё,
 Валийликми, ҳар ҳолда рост қуръачи сўзи:
 Цезарь деса тин қолади ҳатто суяклар,
 Тенг келолмам унга асло зафар бобида.
 Ютқазимиз турган гапдир ҳар бир ўйинда,
 Чек ташласак унинг ғолиб чиқмоғи тайин,
 Гар иккимиз хўроз тутиб уриштирак ҳам,
 Хўрозимни қочиргуси униг дакани.
 Мен Мисрга тезроқ бориб, муқаддас никоҳ
 Ришталарин маҳкам боғлай, ўрнатай тинчлик.
 Бахтим эса кун чиқарда чопадир албат.

Вентидий киради.

Келганингдан хурсанд бўлдим, Вентидий сенинг,
 Парфиялик душманларга отлангил шитоб.
 Юр. ваколат васиқасин берай қўлингга.

Кетишади.

4-САҲНА

Уша жой. Кўча.

Лепид, Меценат ва Агриппа кириб келишади.

Лепид

Бундан нари кузатмоқнинг йўқдир ҳожати,
 Боринг энди, саркардалар қолди кутишиб.

А г р и п п а

Жиндай сабр, Октавия билан Антоний
Хайр-маъзур этсин. Сўнгра жўнармиз.

Л е п и д

Узимизга хўп ярашиб тушган яроғлар
Таққан ҳолда учрашамиз. Яхши қолинглар.

Демак,

М е ц е н а т

Гапинг тўгри, Мизен тоғин этакларига
Сендан олдин боражакмиз, албатта, Лепид.

Л е п и д

Иш туфайли олис йўлни босмасам бўлмас,
Сизлар эса икки кунни ютишинглар ҳақ.

М е ц е н а т б и л а н А г р и п п а

(бараварида)

Оқ йўл.

Л е п и д

Хайр.

Кетадилар.

5-САҲНА

Искандария. Саройдаги девони хос.

Клеопатра, Хармиана, Ирада ва Алексас кириб келишади.

Клеопатра

Биздек севги қулларига хуш келадиган
Наволарни истаб қолди бу хира кўнгил.

Мулозим

Созандалар! Қаердасиз?

Мардиан кириб келади.

Клеопатра

Қўй, ҳожати йўқ.

Қани, бўл тез, Хармиана, соққаларни ол.

Хармиана

Қўлим оғрир, ҳарам оға билан ўйнай қол.

Клеопатра

Гапинг тўғри, фарқи йўқдир аёлга асло —
Хотин билан ўйнайдими, ночор қул билан.
Ўйнаймизми? Эплайсанми?

Мардиан

Урилиб кўрай.

К л е о п а т р а

Ким бўлса ҳам уринса бас, чиқмаса-да наф,
 Оширади мурувватим, товлар меҳримни.
 Йўқ, ўйнагим келмай қолди! Унинг ўрнига
 Йўл олайлик дарё томон қўлда қармоқ-ла.
 Олислардан куй садосин тинглабон масрур,
 Қармогимни яхши сезмай комига тортган
 Қизил қанот балиқларни тутай бирма-бир.
 Нақ ўшанда Антоний деб фараз қиламан
 Қармогимга тушиб қолган ҳар бир балиқни.
 Ва дейманки: «Ҳолинг қалай, тушдингми қўлга!»

Х а р м и а н а

Эсингдами, бўлган эди тоза ҳам кулгу,
 Икковларинг кўп тутишга гаров бойлашдинг,
 Сен юборган ғоввос ғоят эпчиллик қилиб,
 Қармоғига илиб чиққан ўлик балиқни,
 Тутдим, дея Антоний хўп бўлганди хурсанд.

К л е о п а т р а

Ушанги кун ўлганда ҳам чиқмас ёдимдан!
 Ушал кунги кулгим роса қўзғади жаҳлин.
 Ушал тунги кулгим эса қилди бахтиёр,
 Эртасига субҳидамда ошириб кайфин,
 Турфа-турфа кийимларим кийдириб қўйдим,
 Узим эса Филипдаги жангда иш берган
 Зўр қилични белга тақиб, туриб олдим тек.

Ч о п а р к и р а д и .

Италиядан келяпсанми? Қани, бўл тезроқ,
 Кушхабарлар айтиб қондир диллар чанқоғин.

Ч о п а р

О, малика! О, малика!

К л е о п а т р а

Бўлдими ҳалок?

«Ҳа» десанг бас, ўлдирасан маликангни ҳам.
Антонийнинг тириклигин, кайфи чоғлигин,
Озодлигин ҳозир менга етказсанг борми,
Истаганча олтин берай, қилмам зиқналик,
Манман деган шаҳаншоҳлар қалтираб ўпган
Қўлим чўзай, марҳаматим тутмайин дариг.

Ч о п а р

О, маликам, юрибди у мисли жаннатда.

К л е о п а т р а

Мана олтин. Олгин яна... Ахир марҳумлар
Тилга тушса, уларни ҳам деймиз: «Жаннатда!»
Мабодо сен шу маънода сўзлаган бўлсанг,
Ўзим тутган олтинларим эритиб ҳозир
Шундай мудҳиш калом чиққан оғзингга қуйгум.

Ч о п а р

Маликам, бир эшитиб кўр.

К л е о п а т р а

Майли, айтавер.

Хушxabардан умидимни қўйганман узиб.

Асир тушмай, соғ-саломат бўлса Антоний,
 Шодиёна чехранг қани? Қовоғинг солиқ.
 Олиб келган бўлсанг агар менга шум хабар,
 Ҳар бир мўйи илон бўлиб биланглаётган
 Махлуқ эмас, одам янглиғ турибсан-ку сен?

Ч о п а р

Гапларимга қулоқ солмоқ борми кўнглингда?

К л е о п а т р а

Юлиб ташлаш истаги бор асов кўнглимда.
 Антонийнинг асир тушмай Цезарь қўлига,
 Соғ-саломат юрганини гапирсанг ҳозир
 Бошингдан зар ёмғирин ёғдиргум сени.
 Унутмассан яхшилигим.

Ч о п а р

У соғ-саломат.

К л е о п а т р а

Минг бор шукур.

Ч о п а р

Цезарь билан апоқ-чапоқ у.

К л е о п а т р а

Сен кўнгли оқ одамсан-да.

Ч о п а р

Иккови қалин дўст.

К л е о п а т р а

Сенга борим садақадир.

Ч о п а р

Ташаккур, бироқ...

К л е о п а т р а

«Бироқ?» Ушбу сўзга йўқдир ҳеч бир тоқатим,

«Бироқ» сўзи ўлимидир хуш дебочанинг.

«Бироқ» — худди зиндондаги хароб маҳбусни

Озод қилган зиндонбонга ўхшайди. Эшит,

Айлантирма гапни, энди яширма мендан,

Борини айт, тўкиб солгин, яхши-ёмонни.

Озодми у? Цезарга дўст бўлгани ростми?

Ч о п а р

«Озод» деган сўзни тилга олмадим ҳали,

Октавия билан ҳозир қаттиқ боғланган.

К л е о п а т р а

Октавия? Хўш, нимаси ёқибди унинг?

Ч о п а р

Тўшаги.

К л е о п а т р а

Ҳм... Хармиана, музлар баданим.

Ч о п а р

Икковлари бир ёстиққа қўйишдилар бош.

К л е о п а т р а

Худо урсин сени!

(Чопарни уриб ағдаради.)

Ч о п а р

Раҳм эт!

К л е о п а т р а

Нима дединг сен?

(Уни дўппослайди.)

Йўқол бундан, ярамас қул! Йўқ эса ҳозир,
Сочинг юлиб, кўзларингни ўйиб ташлайман!

(Уни қаттиқ силталайди.)

Темир косов билан боплаб савашар сени,
Ундан кейин паст оловда, зира-пиёзлаб
Қовуришар сени, ҳа-ҳа.

Ч о п а р

Тамом бўлдим-ку!

Бунда йўқдир менинг қўлим, чопарман холос.

К л е о п а т р а

Бу сўзларинг ёлғонлигини айтсанг мабодо,
 Ер-сув берай. Мартабангни оширай зумда.
 Кек сақламай кечирайин ёлғон гапингни.
 Газабимни келтирдинг сен, мен эса урдим —
 Бас, тенг бўлдик. Тортиқ қилай сенга кўп нарса
 Бунақасин кўрмагансан ҳатто тушингда.

Ч о п а р

У уйланди.

К л е о п а т р а

Кунинг битиб қопти, лаънати.

(Ханжарин олади.)

Ч о п а р

(четга)

Қочиб қолай!..

(Клеопатрага.)

Гуноҳим не? Айбим йўқ-ку ҳеч.

(Қочади.)

Х а р м и а н а

Узингни бос, тўхта энди, шошма, маликам!
 Наҳотки бу ишда чопар бўлса айбдор?

Клеопатра

Урарми ҳеч чақмоқ бу хил ғуноҳкорларни?
 Бутун Миср Нил сувига бўлсин мустагриқ!
 Кабутарлар айлансинлар аждаҳоларга!
 Қайтаринглар чопарни тез! Қаҳру захримни
 Сочмагайман унга асло! Қайтаринглар тез!

Хармиана

Утакаси ёрилди-ку.

Клеопатра

Урмайман энди.

Хармиана чиқиб кетади.

Гар айбдор бўлсам ҳамки барига ўзим,
 Беҳудага қулни уриб, қийнаб ўзимни,
 Қўлимни ҳам ҳаром қилдим.

Хармиана чопар билан кириб келади.

Киравер, қўрқма.

Қалтис ишдир шум хабарни келтирмоқ доим.
 Хуш хабарни айтаверар кўринган одам.
 Шум хабарни айтмаса ҳам сезилар шундай.

Чопар

Ўз бурчимни бажардим мен.

Клеопатра

Уйландими у?

Яна бир бор «ҳа» десангми, тошар ғазабим,
Боягидан баттар бўларди.

Чопар

Ҳа, у уйланди.

Клеопатра

Лаънат сенга! Бу сўзингдан қайтмайсанми ҳеч?

Чопар

Ҳушим йўқдир ёлғонга ҳеч.

Клеопатра

Ёлғон бўлсайди!

Сувга ботиб кетсин майли Мисрнинг ярми,
Газандалар уя қурсин унда ҳар ёққа!
Йўқол! Гўзал бўлсанг ҳамки оламда танҳо,
Менинг учун жирканч, хунук бир бедавосан.
Уйланганми, айт!

Чопар

Маликам...

Клеопатра

Уйланганми, айт!

Ч о п а р

Ғазабингни тоширганим рост, ўзингни бос,
Итоатли бўлганимга қийнама ортиқ.
Октавия Антонийга никоҳ бўлди-да!

К л е о п а т р а

Шундай ёвуз хабар билан бош суққан одам
Қолишарми ёвузлардан? Йўқол, тез йўқол!
Римдан келган либосларнинг йўқдир ҳожати,
Қурбим етмас, молинг билан қўшмозор бўлгин!
Қоранг ўчсин!

Ч о п а р кетади.

Х а р м и а н а

Озроқ сабр қилгин, маликам!

К л е о п а т р а

Антонийни роса мақтаб, ургандим ерга
Уша буюк Цезарни-я.

Х а р м и а н а

Жуда кўп марта.

К л е о п а т р а

Мана олдим жазойимни. Кетдик. Мадор йўқ...
Ииқиламан... Хармиана! Тез бўл, Ирада!
Хайрият-е, ўтиб кетди. Югур, Алексас,

Тўхтатгину чопарни, сўнг Октавиянинг
 Ҳусну кўркин, феъл-атворни, ёшии суриштир.
 Сочин ранги қандайлигин сўрагин албат.
 Қандай бўлса барин келиб айтасан менга.

А л е к с а с кетади.

Айрилдим-ку мен умрбод! Йўқ, йўқ, истамам!
 Гоҳида у туюлади мисли Горгона,
 Гоҳи эса Марс сингари тўкар салобат.

(Мардианга)

Алексасга уқтириб айт, билсин чопардан
 Бўйи басти қандайлигин Октавиянинг.
 Хармиана, гапирма, бас, раҳм қил менга.
 Қани бошланг ётоғимга, тирнаманг ярам.

Кетадилар.

6-САҲНА

Мизен тоғи этагидаги қароргоҳ.

Бургулар ва поғоралар садолари остида бир тарафдан Помпей билан Менас, иккинчи тарафдан Цезарь, Антоний, Лепид, Энобарб ва Меценат навкарлари, яроқбардорлари билан кириб келадилар.

П о м п е й

Гаровдаги одамларни алмашлаб олдик,
 Жанг олдидан сўзламоққа етди фурсат ҳам.

Ц е з а р ь

Биз ҳам асли музокара тарафдоримиз,
 Шул боисдан йўллаб эдик анча муқаддам
 Мактуб ила таклифларни сенга ўзимиз.

Ажаб эмас, яхши гаплар шаштинг қайтариб,
 Қиличингни ўз қинига киритса зора.
 Аламларинг тарқалсаю, уйни соғиниб,
 Йўл олишса Сицилия навқиронлари,
 Улиб кетмай бу ерларда.

Помпей

Сўрайман сиздан,
 Жавоб қилинг, худоларнинг ноиблари — Сиз,
 Сиз — бу олам ҳукмдори бўлган азизлар!
 Отам ўчи олинмасдан қолади наҳот,
 Дўстларию ўғли унинг турганда тирик?
 Юлий Цезарь топганди-ку ахир иложин:
 Ул Брутга соясини рўбарў қилди,
 Унинг учун мана сизлар олдингиз-ку ўч?
 Нега энди рангпар Кассий ҳамда диловар,
 Римликлардан Брут, бошқа эрксеварлар ҳам
 Юлий Цезарь бошин кесиб, Капитолийни
 Қизил қонга бўямоққа қилдилар журъат?
 Бир кишининг кўпчиликка бош бўлмоғини
 Исташмади улар асло. Мен ҳам шу кўйда
 Бор кемамни тўплаб, йиғиб, юкларни ортиб,
 Бу ғазабкор уммонни ҳам солиб ларзага,
 Додин бериб жиноятчи ношукур Римнинг,
 Отам ўчин олмоғим бор.

Цезарь

Қизишма, Помпей.

Антоний

Қўрқитмагин сен бизларни кемалар билан.
 Денгизда ҳам беллашмоққа кучимиз етар.
 Қуруқликда ғоят зўрмиз, ўзингга аён.

Помпей

Қуруқликда қудратинг-ку жуда зўр: ҳатто
Огам уйин ўтказдинг-ку ихтиёрингга.
Уя қурмоқ одатмас-ку каккуларга, бас,
Сен ҳам унда яшайвергин фурсат етгунча.

Лепид

Бу гапларнинг ишга мутлоқ алоқаси йўқ.
Аввалига бизлар қилган таклифларга тез
Жавоб этсанг яхши бўлур.

Цезарь

Гап ҳам шу ҳақда.

Антоний

Елвормаймиз бизлар ҳеч вақт. Манфаатингни
Кўзлагину бор гапларни айтавер бир-бир.

Цезарь

Кўнгил қурғур тусар доим анча нарсани.

Помпей

Сизлар менга тутмоқчисиз Сицилияни,
Сардиния билан бирга инъом ўрнида.
Мен қувлайман денгиздаги қароқчиларни,
Бошдан-оёқ тўлдираман буғдойга Римни.
Шунда қилич мертик бўлиб, қалқон тешилмас,
Мақбул келса, тарқаламиз.

Цезарь, Антоний ва Лепид

(бараварига)

Ҳа, худди шундай.

Помпей

Таклифларинг дилимга хуш келгани учун
 Бу ерга бош суққанимни билиб қўйинглар.
 Марк Антоний газабимни келтирди бироқ.
 Унга қилган яхшилигим юзга солсам ҳам,
 Камайтирмай, пасайтирмай айтган бўламан.
 Билиб қўйгин, уканг сенинг Цезарга қарши
 Бош кўтарган кунларида, бечора онанг
 Сицилия тупроғида паноҳ топганди,
 Қўрган эди иззат-икром, меҳру оқибат.

Антоний

Эшитгандим буни, Помпей. Хурсандман беҳад,
 Миннатдорман, раҳмат сенга.

Помпей

Бергин қўлингни.
 Уйламовдим сени бунда учратаман деб.

Антоний

Шарқликларнинг тўшаклари кўп юмшоқ экан.
 Мен мабодо сен туфайли қайтганимда ҳам,
 Зиён қилмай наф кўрардим — ўзимга аён.

Цезарь

Ростин айтсам сенга, Помпей, ўзгарибсан кўп,
Сўнгги марта дийдорингни кўргандан бери.

Помпей

Шум тақдирнинг ажинлари из солди юзга,
Сабабини билолмайман. Аммо қалбимни
Қаритолмас, буни ўзим яхши биламан.

Лепид

Учрашувдан кўп хурсандмиз.

Помпей

Ўзим ҳам жуда.

Бундан чиқди, битишувга келганимиз рост.
Энди эса бор шартларни хатга тушириб,
Муҳр босмоқ кифоядир.

Цезарь

Галга солмай, тез.

Помпей

Базм қуриб, бир-биримиз сийлаймиз энди,
Ким бошлашин — ташланган чек қилар бир ёқлик.

Антоний

Навбат менга!

Помпей

Чек ташлаймиз, тўхта, Антоний.
 Навбат сенга қачон етар бўлса ҳам, албат
 Баб-баравар мақтагаймиз ғоят самимий,
 Бир-биридан аъло Миср неъматларини.
 Юлий Цезарь хўп семирмиш Мисрда энди,
 Ҳалол намак ёққан эмиш мизожига ҳам.

Антоний

Кўп нарсалар эшитибсан, қойил қолдирдинг.

Помпей

Хафа қилмоқ хаёлимдан йироқдир сени.

Антоний

Иззат-нафсга тегадиган сўзлар айтмадинг.

Помпей

Кўп нарсалар эшитганмиш. Айтишларича,
 Аполлодор олиб келган елкада гўё...

Энобарб

Бўлди, бас қил! Олиб келса, хўш, нима бўпти?

Помпей

Нима олиб келган эди?

Э н о б а р б

Цезарга атаб
Олиб келган маликани қопига жойлаб.

П о м п е й

Танигандай бўлдим энди. Қалай юрибсан?

Э н о б а р б

Ёмон эмас. Бундан буён яна соз бўлур,
Тўрт базмнинг кайф-сафосин сурамиз ҳали.

П о м п е й

Қани, жангчи, қўлингни бер. Душман эмасман,
Жанглардаги чиранишинг кўрганимда мен
Минг офарин ўқиганман жасурлигингга.

Э н о б а р б

Сени анча мақтаганман, тонмайман бундан,
Жуда сенга меҳрим зўрмас, рост айтсам, бироқ
Жасоратинг мақтовига сўз тополмайман.

П о м п е й

Мен-чи, сенинг ростгўйлигинг учун мақтайман.
Ҳозир эса кемам сари юринглар дейман.

Цезарь, Антоний ва Лепид

(биргаликда)

Эргашурмиз энди сенга.

Помпей

Юринглар, кетдик.

Энобарб ва Менасдан бўлак ҳаммалари чиқиб кетишади.

Менас

(бир четга)

Помпейнинг отаси ўлса ҳам бунақа шартнома туз-
маган бўларди. (Энобарбга.) Сени илгари қаердадир
кўргандайман-а?

Энобарб

Денгизда бўлса керак.

Менас

Шунақага ўхшайди.

Энобарб

Сен денгиздаги ботирлигинг билан ном чиқаргансан.

Менас

Сен эса қуруқликдаги ботирлигинг билан.

Энобарб

Мақталганим яхши, албатта. Дарвоқе қуруқликда у-
булар қилганимдан кўз юммайман.

Менас

Мен бўлсам — сувда.

Энобарб

Ҳа. Шунга қарамай кўрсатган баъзи бир ишларимдан ўзим ҳам уяламан. Сен денгиз қирғинининг пирисан.

Менас

Сен эса қуруқликдаги қароқчиликни боқлайсан.

Энобарб

Бўйин товлаш навбати энди менга келди. Қўлингни бер, Менас. Мабодо кўзларимизда ҳукм чиқариш ҳуқуқи бўлганида борми, улар оғиз-бурун ўпишаётган қўш қароқчини ҳозироқ қамаган бўларди.

Менас

Қўллари қанчалар қонлигига қарамай ҳар бири кўринишдан фариштага ўхшайди.

Энобарб

Чиройли жувоннинг чеҳрасига ўхшамайди ишқилиб,

Менас

Гапингни қара-я. Хотинлар ҳусилари билан қароқчилик қилишади.

Энобарб

Сеплар билан куч синашсак дегандик.

Менас

Афсуски, энди ичкиликбозликда куч синашамиз, холос. Помпейга бугун бахтининг таъзиясида маишат қилиш насиб этса керак.

Энобарб

Энди ҳар қанча жүз ёши қилса ҳам бахтини тирилтириб ололмайди.

Менас

Қаёқда дейсан. Биз, Марк Антоний бу ёққа қадам ранжида қилар, деб ўйламовдик. Унинг Клеопатрани олгани ростми?

Энобарб

Цезарнинг синглисини Октавия деб аташади.

Менас

Ҳа. У Гай Марцелнинг хотини эди,

Э н о б а р б

Ҳозир Марк Антонийнинг жуфти ҳалоли.

М е н а с

Гапларинг ростми?

Э н о б а р б

Бор гапни айтяпман-да.

М е н а с

Бундан чиқди, Антоний билан Цезарь ўртасидан қил ўтмас экан-да.

Э н о б а р б

Агар авлиё бўлганимда, бунақанги башорат қилишдан ўзимни тийган бўлардим.

М е н а с

Бу никоҳда ишқдан кўра кўпроқ снёсат борга ўхшайди.

Э н о б а р б

Менимча ҳам шундай. Мана кўрасан — оилавий ришталар уларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш ўрнига

бўйинларига сиртмоқ бўлади. Октавия покиза, совуққон ва камгап жувон.

М е н а с

Бунақа хотинга ким жон демайди?

Э н о б а р б

Марк Антоний сира ҳам унақа одаммас. У яна мисрлик маҳбубасининг ёнига боради. Ана ўшанда Октавиянинг оҳ-зори Цезарь кўнглидаги ўтни алангалатади. Ўшанда, сенга ўзим айтганимдай, қанчалар яқин бўлишса, айрилишлари ҳам шунча оғир кўчади. Антоний ишқ лаззатини маҳбубасини қолдирган жойидан излайди. У бир мўлжал билан уйланган-ку.

М е н а с

Бўлса бордир. Биз ҳам кемага борсак. Сенинг соғлигинга ичсам дейман.

Э н о б а р б

Гапинга қўшиламан. Мисрдалигимизда хурмачамизни бунақага жуда ўргатиб олувдик.

М е н а с

Бўлмаса кетдик.

Қетадилар.

7-САҲНА

Мизен буруни яқинидаги Помпей кемасининг борти. Мусиқа.
Бир неча хизматкорлар шароб ва ноз-неъматлар
кўтариб кирадилар.

Биринчи хизматкор

Бу ёққа келишяпти. Манави баҳайбат эманларнинг
илдизлари аранг тутиб турибди. Сал шамол бўлса бор-
ми — қулашлари аниқ.

Иккинчи хизматкор

Лепид бўлса қисқичбақадай қизариб кетибди.

Биринчи хизматкор

Ҳозир ҳаммалари ўшанинг қорнига қуйишяпти.

Иккинчи хизматкор

Улардан бири иккинчисига оғирроқ гап қилса бор-
ми, Лепид: «Етар бас!» деб қичқириб, йўқ ғалвани қўз-
ғатмоқчи бўлади, ўзи эса май оташида ёняпти.

Биринчи хизматкор

Уларни яраштиряпти-ю, ҳеч оёқда туролмаяпти.

Иккинчи хизматкор

Катта одамлар даврасига суқилишга ҳаққинг бўл-
маса, ана шунақа кўйга тушасан. Ўзинг кўтаролмаган

зилдай найзадан сенга нима наф? Ингичка хивичдан
ҳам фойда чиқмагандай бир гап-да.

Биринчи хизматкор

Манаман деганларнинг даврасига суқилсангу ўзинг
ҳеч балога арзимасанг, башарани хунук кўрсатадиган
кўзсиз тешикнинг ўзи бўласан қоласан.

Бургулар чалинади. Цезарь, Антоний, Помпей,
Лепид, Агриппа, Меценат, Энобарб, Мена
ва бошқа саркардалар киршади.

Антоний

Мисрда бор шундай одат, ҳар бир эҳромда
Нил сувини ўлчайдиган белги-селги бор.
Сув мабодо баланд бўлса — ҳосил мўллиги,
Акс ҳолда, қургоқчилик чиқар авжига.
Сув қуригач, деҳқон ташлар лойқага донни,
Ундан кейин ҳосил пишиб, ўрим бошланар.

Лепид

Сизларнинг ўша томонларингизда ғалати газанда-
лар бўлади, деб эшитувдим.

Антоний

Бўлади, Лепид.

Лепид

Уша газандалар Миср ботқоқларида ўзларини Миср
офтобига солиб ётишармиш. Мана, масалан, тимсоҳ.

А н т о н и й

Тўғри.

П о м п е й

(Лепидга)

Утир. Қани ол. Лепиднинг саломатлигига!

Л е п и д

Мен ўзим унчаликмас-ку... Ҳалиям тура оламан.

Э н о б а р б

Тўрт оёқлаб, дегин.

Л е п и д

Ҳа, мен чиндан ҳам Птоломиднинг ўша эҳромлари ажойиблигини эшитгандим. Йўқ, йўқ, тортишманглар, буни нақ ўзим эшитганман.

М е н а с

(Помпейга, секингина)

Помпей!

П о м п е й

(Менасга, оҳиста)

Нима дейсан? Аста қулоғимга айт.

М е н а с

Сал четроққа чиқсак, девдим. Гапим бор сенга.
Бор-йўғи икки оғиз.

П о м п е й

Шошилма. Ҳозир.

(Овозини баландлатиб.)

Қани, Лепид соғлиғига ичайлик, дўстлар!

Л е п и д

Қандоқ буюм ўзи тимсоҳ деганлари, а?

А н т о н и й

Кўринишидан худди ўзига ўхшайди. Узунлиги ҳам ўзининг узунлиги, эни ҳам ўзининг эни. Ўз оёқларида юради. Нима топса емиши ўша бўлади. Ўлса ҳидланади, жони бошқа жониворга ўтади.

Л е п и д

Туси қанақа?

А н т о н и й

Ўзининг туси.

Л е п и д

Ғалати газанда экан.

А н т о н и й

Нимасини айтасан. Кўз ёшлари эса ҳўл бўлади.

Цезарь

Бунақа таърифдан қониқармикин?

А н т о н и й

Қорнига Помпей қуйган шаробларни қўшсак борми,
бу таъриф қаноатлантирар дейман. Қаноатлантирмаса
чинакам очопатнинг ўзгинаси бўлади.

П о м п е й

(Менасга, секин)

Тинч қўй энди! Нима дейсан? Нар и борсанг-чи!
Сенга ахир айтмоқдаман!

(Баланд овозда.)

Май косам қани?

М е н а с

(секин)

Шу жойингдан тез турсангу чиқсанг бир четга.
Е муносиб эмасманми, эшитсанг гапим?

Помпей

(оҳиста)

Жинни-пинни бўлганмисан? Нима гап ўзи?

Помпей билан Менас бир четга ўтишади.

Менас

(секингина)

Тақдирингга содиқ бўлиб келганман доим.

Помпей

(оҳиста)

Садоқат-ла хизмат қилдинг. Гапдан тўхтама!

(Овозини баландлатиб.)

Хўш, дўстларим, нега жимиб қолдинглар?

Антоний

Лепид,

Ўшаб қопсан юшоқ қумга ботган одамга,
Қадди-бастинг тўғри ушлаб турсанг-чи, дўстим!

Менас

(секингина)

Истайсанми сен оламга ҳоким бўлмоқни?

Помпей

(оҳиста)

Нима?

Менас

Ҳоким бўласанми оламга, дейман.

Помпей

(оҳиста)

Қандай қилиб юз берар бу?

Менас

(секингина)

Рози бўсанг бас!

Гарчи ўзим бир чақага арзимасам ҳам,
Сенга олам ҳадя этай.

Помпей

(секин)

Қайфинг йўқми, а?

Менас

(оҳиста)

Қосаларга ҳаттоки лаб теккизганим йўқ.
Истасанг бас — бўлажаксан Ер Юпитери.

Уммонлару тепадаги осмондан бўлак
Ер-сувларинг чегаранинг нелигин билмас.

Помпей

(секин)

Қандай қилиб бари, бари меники бўлар?

Менас

(оҳиста)

Триумвирлар жам бўлишган кемангда шу чоғ,
Бутун олам учовининг қўлига қарам.
Мен арқонни қирқаман тез. Кейин уммонга
Чиққанида учовини зумда бўғизлаб
Ташлагаймиз. Сўнг оламнинг султони ўзинг.

Помпей

(секингина)

Ёвузликдир иш қилмоқлик ими-жимида,—
Менинг учун доим шундоқ. Сен учун эса
Ўз хўжангга хизмат қилмоқ — туб ўзга эмас.
Номусимни ўз нафсимга алмашмайман ҳеч,
Ишни расво қилганингни ўз тилингда кўр.
Содир бўлган ишни кўрсам маъқуллар эдим;
Қоралайман аммо, билгил, ёвуз ниятни.
Бу гапларни эсдан чиқар. Май ич.

Менас

(чеккага)

Бас, етар.

Сўнаётган юлдузнинг мен этагин тутмай.

Кимки бирор ишни кўзлаб, эплай олмаса.
У ношудга қиё боқмас қайтиб омад ҳам.

Помпей

Лепид учун сипқорайлик, дўстлар, яна бир!

Антоний.

Соҳил томон кузатмоқнинг вақти ҳам етди.
Лепид учун алёрни ҳам айтаман ўзим.

Энобарб

Ичаман, сен учун, Менаc.

Менаc

Дўстим, сен учун.

Помпей

Тўлдириб қуй.

Энобарб

(Лепидни кўтариб бораётган қулни кўрсатиб.)

Менаc, қара, роса кучли экан!

Менаc

Не бўпти?

Энобарб

Бу оламнинг учдан бирин опти елкага.

Менас

Учдан бири кайфда экан. Агар ҳаммаси —
Маст бўлганда,— гандираклар эди эҳтимол.

Энобарб

Гандираклар, бу тайин гап — ўзинг ҳам оп тур.

Менас

Қани майли битта-битта олайлик, дўстим.

Помпей

Бироқ, айтсам! Искандария базмларига
Етмоғимиз кўп қийиндир.

Антоний

Унча узоқмас.
Қани энди, бир олайлик. Омон бўл, Цезарь.

Цезарь

Кечир мени, ичавериб гангиди бошлар,
Бу дунёда бундан оғир иш йўқдир дейман.

Антоний

Ушбу лаҳза амри шундоқ. Бўлак чоранг йўқ.

Цезарь

Ушал лаҳза қилса эди менга итоат,
Тўрт-беш куннинг насибасини тиқиштиргандан,
Тўрт-беш кунлаб оч юрмоқни кўрардим афзал.

Энобарб

(Антонийга)

Мисрликлар удумини сақлаган ҳолда
Шу базмнинг интиҳоси шарафига бир
Ерни депсиб рақсга тушсак.

Помпей

Зўр гап бўлади!

Антоний

Қани, тез қўл ушлашинглар! Ҳа, бўлинглар! Тез!
Ақлу ҳушни банд айлаган кайфлар тарқамай,
Уйин бошлаб чиқажакмиз роса хумордан.

Энобарб

Қўл ушлашиб, қани тезда ясанглар давра
Созандалар тушингизлар жазавага тез!
Худди шундоқ. Шундоқ туринг. Бошла, болажон!
Бизлар эса нақоратни оламиз авжда.
Овозларни аямасдан айтайлик қўшиқ!

Музыка. Энобарб даврага бошчилик қилади.

Қўшиқ

Май худоси, ҳой Боҳус,
 Сархуш бўлиб шод-хандон,
 Юракларни
 Маҳкам эт.
 Мусибатларни
 Кам эт.

Сархуш бўлиб шод-хандон,
 Тўлиб-тошсин бу жаҳон.
 Тўлиб-тошсин бу жаҳон!

Цезарь

Етар дейман?— Помпей, тунинг ўтсин хайрли!—
 Рухсат бергил, қайиноғам, қўяй кузатиб.
 Маишат деб хижолатмиз виждон олдида,
 Шароблардан юзлар ёнар. Бормасак бўлмас.
 Шундайин зўр. Энобарб ҳам беролмабди дош,
 Узимнинг ҳам тилим сира айланмай қопти.
 Қайф дегани ҳаммамизни бошлабди роса.
 Гина-кудрат вақти эмас. Яхши қолинглар.
 Қўлингни бер, ҳой Антоний!

Помпей

Энди соҳилда

Яна шундай жам бўламиз

Антоний

Албатта! Қўл чўзи

Помпей

Ота ҳовлим босиб олган эдинг, Антоний,
Биз барибир эндиликда жонажон дўстмиз.
Қайиққа туш.

Энобарб

Ҳой секинроқ, ҳушёр бўлинглар.

Энобарб ва Менасдан бўлак ҳаммалари кетишади.

Мен-чи шунда қолажакман.

Менас

Қаютам — сенга.

Ноғоралар, бурғу найлар янграсин роса!
Буюк мардлар билан бўлган хайр-маъзурни
Эшитсин-да, шу уммоннинг худоси ҳам бир.
Битирманглар қулоқларни, ҳой жин ургурлар!

Бурғулар ва ноғоралар чалинади.

Энобарб

Қани энди, қалпоқларни отинг осмонга!

Менас

Э-ҳой! Кетдик.

Кетадилар.

УЧИНЧИ ПАРДА

1-САҲНА

Суриядаги паст текислик.

Вентидий, Силий ва бошқа римлик саркардалар қўшинлари билан кирадилар. Олдиндагилар парфияликлар шаҳзодаси Пакорнинг жасадини кўтариб келадилар.

Вентидий

Тор-мор бўлди Парфиядек жанговар ўлка.
Улган Красс ўчин ол, деб буюрган тақдир.
Парфиянинг шаҳзодаси не ҳолдалигин
Ҳар бир жангчи ўтаётиб кўриб қўйсин бир.
Красс ўчин шу ўглингдан олдик, ҳой Урод.

Силий

Сен ушлаган қилич ҳали совугани йўқ,
Парфиянинг қони турар унда буғланиб,
Шундай ҳолда совумасдан қочқинларни қув,
Мидиядан ҳамда дарё оралиғидан.
Ана шунда Антоний ҳам эъзозлар жуда,
Кўмиб ташлар инъомларга сени.

Вентидий

Йўқ, Силий!

Етар шунча жанг қилганим. Билиб қўй шуни,
 Тобе одам шов-шувлардан йироқ турса соз.
 Саркарда йўқ маҳалида шуҳрат қозонсанг,
 Аҳволингга маймун йиғлар, ундан маъқул саҳв.
 Цезарь билан Антоний ҳам жуда кўп маҳал
 Қозонганлар ўзга қиллич ишлатиб зафар.
 Ўтмишдошим Соссий аввал Сурия келиб,
 Жангларда кўп баҳодирлик кўрсатганида,
 Тошган эди Антонийнинг қаҳру ғазаби.
 Ким қолдирса саркардасин пича орқада,
 Уша одам саркардалар шоҳи саналур.
 Шу ваядан ҳам мағлубият зафардан кўра,
 Нафли бўлар саркардадан ўтмоқчи бўлган —
 Ҳарб кишисин ўпкасини босиб қўйишга.
 Антонийнинг фойдасига кўп ишлар қилсам,
 Фашини тез келтирмоғим турган гап, аён.
 Унда барча зафарларим чиқар чиппакка.

Силий

Сен, Вентидий, исботини қўйдинг ўрнига
 Аскар нархи қиличга тенг, баробарлигин.
 Антонийга нималарни ёзасан энди?

Вентидий

Ёзадиган гапим шундоқ. Антоний зўрдир,
 Руҳлантириб номи билан бахш этди зафар.
 Роза қилиб олиб келган легионлари
 Бургут янглиғ ботирлари бошчилигида
 Парфиянинг аскарларин қилди тору мор.

С п л и й

Қайда ҳозир?

В е н т и д и й

У Афина томонга борар.
Афинага Антонийдан олдин етмоқ-чун,
Қанча халал берса ҳамки ўлжаларимиз,
Тез фурсатда сафар отин сурмасак бўлмас.
Шундай қилиб, дўстлар, қани, чиқайлик йўлга!

Кетадилар.

2-САҲНА

Рим. Цезарь уйининг айвони.
Икки томондан А г р и п п а билан Э н о б а р б кириб кели-
шади.

А г р и п п а

Куёв билан қайнағанинг хўшлаши қалай?

Э н о б а р б

Жавоб бериб Помпейга, тез уч олампаҳоқ
Муҳр билан маҳкамлашди ўшал битимни.
Октавия ҳўнграмоқда ҳижрон олдидан,
Цезарь хафа, Лепид эса ўшандан бери
Қайт қилармиш, келолмасмиш ўзига сира.
Бу гапларнинг барин менга билдирди Менас.

А г р и п п а

Зўр одам-да Лепид!

Э н о б а р б

Танҳо, монанди йўқ ҳеч!
Цезарь деса, аямасдан жонин беради.

А г р и п п а

Антонийни ҳурматлашин бир кўрсанг эди!

Э н о б а р б

Хўш, Цезар-чи! «Ер юзининг Юпитери-ку!»

А г р и п п а

«Юпитерлар султонидир бизнинг Антоний!»

Э н о б а р б

«О Цезарь! О! Тенги йўқдир ушбу оламда!»
«Марк Антоний! Афсонавий қушлар Ҳумоси!»

Э н о б а р б

«У — Цезардир! — демоқдан ҳам борми зўр таъриф!»

А г р и п п а

Икковига таърифни у тақсимлар бир хил.

Э н о б а р б

Кўпроғини Цезарь олар. «О, Марк Антоний!»--
Антонийга меҳри буюк, бундай меҳрни
Хонандаю мусаввиру нотик, мунажжим,
Куйлай олмас, чиза олмас, сўзлай олмас ҳеч.

Аммо Цезарь қаршисида йўқотар ўзин.
Забони ҳам келмас сўзга.

А г р и п п а

Жуда хуш кўрар.

Э н о б а р б

Лепид эса мисли қўнғиз, улар қанотдир.

Бурғу овози

Бас! Омон бўл, олижаноб дўстим Агриппа!

А г р и п п а

Оқ йўл сенга, мустаҳиқ мард, дўстим Энобарб.

Чеккага чиқиб кетишади.

Цезарь, Антоний, Лепид ва Октавия кириб келишади.

А н т о н и й

Шу ергача кузатдинг, бас, қолавер шунда.

Цезарь

Юрагимнинг бир парчасин олиб кетяпсан.
Хафа қилма, яхши қара.— Синглим, ўтинчим,
Антонийга шундай хотин бўлки, оқибат
Ваъдалару умидларим оқлансин тамом.
Дўстлигимиз зўрлигини кечаю кундуз
Хаёлингдан кеткизмагин, Антоний, сира;
Йўл қўйма ҳеч, дўстлигимиз кўрмасин раҳна.
Губор қўнмай порлаб турсин тиниқ, покиза,

Дўстлигимиз устунидан тўқдир кўнглимиз.
Доғ туширмай асрасак бас.

А н т о н и й

Менга ишонмай

Жуда хафа қилмоқдасан.

Цезарь

Айтдим борини.

А н т о н и й

Майли, роса титкилайвер, сенда ихтиёр,
Ваҳимангга, баҳонангга асос топилмас.
Худолар ўз паноҳида асрасин сени,
Римликлар ҳам кеча-кундуз қилсинлар дуо.
Бизга энди ижозат бер, тушайлик йўлга.

Цезарь

Хайр, синглим, яхши боргин, бўл соғ-саломат!
Эзгулик кўр, ғам-ғуссадан тургин йироқроқ.
Азиз бошинг омон бўлсин! Оқ йўл, азизам!

О к т а в и я

Оғажоним!..

А н т о н и й

Севгимизнинг баҳорида бу кўз ёшларинг
Мисли апрель ёмғиридир. Қўлга ол ўзни.

О к т а в и я

(Цезарга)

Кўзинг ташлаб юр куёвинг қўналғасига,
Яна бирор кор-ҳол бўлиб...

Цезарь

«Яна»си нима?

Октавия

Айта қолай қулоғингга.

Антоний

Тили шунақа,
Тили сира бўйсунмагай қалбин сасига,
Қалби эса не учундир забондан маҳрум.
Фақат шундай кўйга тушар оққушнинг пати,
Ихтиёри тўлқинларга ўтган маҳалда.

Энобарб

(Агриппага, оҳиста)

Кўз ёш қилиб қолмасмикин, дейман, Цезарь ҳам?

Агриппа

(Энобарбга эгилганича)

Тиришмоқда пешонаси.

Энобарб

(Агриппага, секин)

Эҳ, афсус, афсус!
Пешонага доғ тушса гар бўлолмас ҳусн.
Инсон тугул ҳатто оддий тўбичоққа ҳам.

А г р и п п а

(Энобарбга, оҳиста)

Антоний ҳам Юлий Цезарь ҳалок бўлганда
Сал қолганди ҳўнграб йиғлаб, дод солишига.
Филипда ҳам Брут учун тўкканди кўз ёш.

Э н о б а р б

(Агриппага, секин)

Уша йили бўлган эди Антоний тумов,
Душманларин қириб, йиғлаб улар ҳолига.
Мен йиғласам — шунда инон кўз ёшларимга.

Ц е з а р ь

Тўқ қилавер кўнглингни сен, меҳрибон синглим,
Канда қилмай хат жўнатиб тураман ўзим.
Сени ташлаб қўймайман, ҳа.

А н т о н и й

Бўлди қил, Цезарь,
Октавия севгисига кўпроқ ким молик —
Бўлишини кўражакмиз. Қетар олдидан
Бағримизга босайлик-чи бир-биримизни.
Сўнгра эса худоларга топшириб сени,
Аста йўлга чиқай энди...

Ц е з а р ь

Хуш бор. Бахтли бўл!

Л е п и д

Қоинотнинг бор нурафшон ёритгичлари
Йўлларингни ёруғ қилсин.

Ц е з а р ь

(Октавияни ўпиб)

Яхши бор!

А н т о н и й

Хайр!

Бурғулар чалинади. Ҳаммалари чиқиб кетишади.

3-САҲНА

Искандария. Ҳовлидаги бўлма.

Клеопатра, Хармиана, Ирада ва Алексас ки-
риб келишади.

Клеопатра

Хўш, қаерда чопар?

Алексас

Чопар киргани қўрқар.

Клеопатра

Бўлмағур гап!

Чопар киради.

Қир, чўчима сира.

А л е к с а с

Маликам!

Ғазаблансанг боқа олмас кўзингга асло,
Яҳудийлар рўдапоси Ирод ҳаттоки.

К л е о п а т р а

Буйруқларим бажо этмоқ учун ҳаттоки,
Бўлса борми яқинроқда бизнинг Антоний,
Нақ калладан айриларди Ирод рўдапо.

(Чопарга.)

Яқин кел-чи.

Ч о п а р

Мурувватли маликам, соғ бўл!

К л е о п а т р а

Қани, менга сўзлаб бер-чи Октавиядан:
Тузук-қуруқ кўролдингми яқинроқдан ҳеч?

Ч о п а р

Ҳа, маликам.

К л е о п а т р а

Қайда ўзи?

Ч о п а р

Шаҳри Римда у,
Яқинроқдан кўрмоқ менга бўлмади насиб,
Ҳамроҳ эди эри билан Цезарь ёнида.

К л е о п а т р а

Бўйи мендан пастми, баланд?

Ч о п а р

Баландмас, пастроқ.

К л е о п а т р а

Овози-чи, жарангдорми ёки заифми?

Ч о п а р

Овози ҳам аранг чиқар чийиллаб...

К л е о п а т р а

Ҳа, ҳа...
Антонийнинг севгиси ҳам чўзилмас кўпга...

Х а р м и а н а

Уни севиш? Бу мутлақо бўлмагур бир гап!

К л е о п а т р а

Мен ҳам шундай фикрдаман. Чийилдоқ овоз

Ушал пакар хотин албат қолар чеккада.
Бундай, қадам босишида салобат борми?

Ч о п а р

Оёғини аранг судраб босганидан у
Юряптими ёки йўқми — бўлмайди билиб.
Кўрган одам жон борлигин билмайди унда.
Аёл эмас, бир ҳайкалнинг ўзи, чамамда.

К л е о п а т р а

Роса олдинг, ростми гапинг?

Ч о п а р

Кўзларим ўткир.

Х а р м и а н а

Чопар сезгир, бир чўқишда қочиран дейман
Ҳар қандайин мисрликни.

К л е о п а т р а

Кўриб турибман,
Улгудайин сезгир экан. Қурғур чопарнинг
Гапларида маъни бор-да.

Х а р м и а н а

Бўлганда қандай.

К л е о п а т р а

Неча ёшга борганини айтоласанми?

Ч о п а р

Улгурибди эри ўлиб бева қолишга.

К л е о п а т р а

Эри ўлиб? Эшитдингми, Хармиана? А?

Ч о п а р

Уттизларга бориб қолган ёши наздимда.

К л е о п а т р а

Юзи қалай, чўзинчоқми ёки юмалоқ?

Ч о п а р

Юзи шундай ялпайганки, айнийди кўнгил.

К л е о п а т р а

Бундай хунук хотинларда бўлмайдими ақл,
Сочи қандай? Рангига ҳеч тушдимми кўзинг?

Ч о п а р

Сочи қора. Пешонаси ўлгудай энсиз.

К л е о п а т р а

Мана олтин, олавергин. Қўй, бўлма хафа,
Утган сафар қаҳру ғазаб қилганимга ҳеч.
Калланг дуруст ишлар экан. Тараддудинг кўр,

Қайтараман яна сени келган йўлингга.
Хатни ёзиб қўяй.

Чопар кетади.

Хармиана

Жуда виждонли экан.

Клеопатра

Ҳа, сен ҳақсан. Афсусдаман, олдинги сафар
Бераҳмлиқ қилдим унга. Октавиянинг
Арзимаган нарсалигин кўриб турибман.

Хармиана

Арзнмайди ҳеч нарсага.

Клеопатра

Ўткир кўз чопар

Ажратаркан буюкликни сохтадан тезда.

Хармиана

Бўлмаса-чи! Чопар сенинг қўлингга ахир
Куни кеча келган эмас.

Клеопатра

Ҳой, Хармиана,

Яна баъзи нарсаларни билсайдим дедим.
Бўпти, майли, юборарсан чопарни кейин,
Яхши бўлар ишлар дейман.

Хармиана

Ишонавер, ҳа.

4-САҲНА

Афина. Антоний уйдаги бўлма.

Антоний билан Октавия кириб келишади.

Антоний

Этирозга, Октавия, ўрин йўқ буткул.
 Кечирардим жоним билан, ушбу гапингга
 Қўшган ҳолда бошқа талай нарсаларни ҳам.
 Аканг Помпей билан яна бошлади уруш,
 Васият ҳам ёзиб, ўқиб бермиш барчага.
 Менинг номим айтилибди ўшанда зўрға,
 Хизматларим тўғри санаш керак бўлганда,
 Жуда қисқа тўхталибди мақтовларга ҳам.
 Одам йиғиб ваъзхонликлар қилганда эса,
 Элу юртга қилган барча яхшилик билан,
 Қўп шарафли ишларимни таъриф этганда,
 Улганининг кунидан у олармиш тилга.

Октавия

Естиқдошим, ишонмагин барига бирдай,
 Ишонсанг ҳам ҳаммасига, чиқмасин жаҳлинг,
 Уртангизда бирор ғалва чиққудай бўлса
 Икки хундор душманни ҳам дуо қилгувчи
 Оламдаги бадбахт хотин бўламан ўзим.
 Ибодатим хуш келмайди худоларга ҳам,
 «Мадад беринг, қўллангизлар эримни сизлар!»—
 Десам, сўнгра аксин қилиб ёлворсам янз:
 «Мадад беринг, қўллангизлар акамни!» ахир —
 Мурувватли худоларни кулдираман-ку,
 Қайси биринг енгиб чиқсанг — менга мусибат.
 Икки тараф олишганда бўлма ўртада.

А н т о н и й

Октавия, илтимосим, муҳаббатингни
 Бағишлагин аъло кўрсанг қай биримизни.
 Номусимдан айрилганим — ўлганим ўша,
 Эринг бўлиб қололмайман мутлоқ номусиз.
 Ундан кўра сендан жудо бўлганим беҳроқ,
 Бизни агар яраштириш бўлса кўнглингда,
 Уриниб кўр. Эндиликда ҳозирлик кўрай
 Аканг юзин қаро қилар ўшал урушга.
 Ҳаракатинг қилавергин, қолмагин доғда,
 Орзуларинг чиқаверсин албат рўёбга.

О к т а в и я

Миннатдорман. Ҳаммадан ҳам қудратли бўлган
 Юпитер ҳам мадад берсин мен нотавоиға.
 Яраштирай икки жондош, қондошларимни,
 Қилсангизлар борми уруш — дарз кетар замин,
 Ҳамда уни тўлдиражак тоғ-тоғ мурдалар.

А н т о н и й

Заҳрингни соч бу галваннинг сабабкорига,
 Тинч қўймагин, уришавер, таъобини торт.
 Шу ишдаги гуноҳимиз бўлса баробар
 Олар эдинг меҳрингни ҳам бўлиб теппа-тенг.
 Отланавер. Шерикликка танла одамлар,
 Ҳа, кўнглингга нима келса, қайтарма асло.

Кетадилар,

5-САҲНА

Уша жой. Бошқа бўлма.

Энобарб билан Эрос икки томондан кириб келишади.

Энобарб

Хўш, Эрос, қандай янги гаплар бор оламда?

Эрос

Аломат янгилликлар.

Энобарб

Қанақа экан?

Эрос

Цезарь билан Лепид Помпейга қайтадан уруш бошлашибди.

Энобарб

Бу эскирган янгиллик. Ким кимни енгибди?

Эрос

Цезарь Помпейни Лепид ёрдамида енгувди, энди уни ўзига тенг кўрмай шон-шухратдан махрум қилмоқчи. Бунинг устига Лепид унинг Помпейга бир замонларда ёзган эски хатларини рўқач қилиб, душман билан тилинг бир, деб айбламоқда. Хуллас, триумвир шўрлик ҳозир қамоқда ётибди, ўлим то халос этгунча ўшандай ётаверадиганга ўхшайди.

Энобарб

Икки коми аждаҳо бор энди оламда.

Тўймасларга берсанг ҳамки ҳар қанча озиқ,

Бир-бирини ғажир, қўймас, тинчимас сира.

Қайда ҳозир Антоний, а?

Э р о с

Боғда юрар у,
 Босиб юрар хўп қуриган ўтларни бир-бир.
 «Аҳмоқ Лепид» деб тишимсиз бақирганича,
 Ўч олмоқчи ҳозир Помпей қотилларидан.

Э н о б а р б

Адади йўқ денгизчилар сафарга тайёр...

Э р о с

Босмоққа шай Италияда Цезарни. Асли
 Олиб кетмоқ учун келдим сени, Антоний.
 Кейинроқ ҳам айтовраман янги гапларни.

Э н о б а р б

Тушмайдими менга деса осмон узилиб,
 Қани, бошла Антонийга.

Э р о с

Кетдик бўлмаса.

Кетадилар.

6-САҲНА

Рим. Цезарь уйидаги бўлма.
 Цезарь, Агриппа ва Меценат кириб келишади.
 Октавия мулозимлари билан кириб келади.

Цезарь

Римни мазах қилмоқ ҳозир асосий иши.
 Одамларнинг айтишича, Искандарияда

Кумушсимон тепаликда Антоний билан
 Клеопатра ўтирармиш тахти тиллода.
 Цезарион ўйнар эмиш пойиларида
 (Менга ота ҳисобланмиш одамнинг ўғли)
 Ҳамда яна анча-мунча зурриётлари.
 Миср тугул Фаластину, Лидия, Қибрис —
 Улкаларни бошқаришни қўш-қўллаб бутун
 Маҳбубага топширганмиш бизнинг Антоний.

М е ц е н а т

Халойиққа билдирмишми буларнинг барин?

Ц е з а р ь

Айтганда ҳам нақ минбардан туриб айтибди.
 Яна икки фарзандлари шаҳаншоҳ эмиш;
 Арманилар, парфиялик, мидияликларга
 Ҳоким қилиб тайинлабди Искандарини.
 Птоломей деганига айламиш тортиқ
 Сурияю, Қиликия, Финикияни.
 Клеопатра ўшал куни кўринмиш элга
 Изиданинг энг муборак, зўр либосида,
 Бир мартамас, кўринибди жуда кўп марта.

М е ц е н а т

Рим аҳлини огоҳ этмоқ лозимдир бундан.

А г р и п п а

Кўпчилиكنинг ҳафсаласи пир эди ундан,
 Ҳалқ ҳам юзин чирт ўгирса ажаб эмас ҳеч.

Цезарь

Халқ биледи; Антонийнинг сенатга ёзган
Айбнома рўйхати ҳам келгандир етиб.

Агриппа

Қимни айблар Антоний? А?

Цезарь

Албатта мени,
Тортиб олиб Сицилияни Помпей қўлидан
Ўзатмабман Антонийга унинг ҳаққини.
Қарзга берган кемаларин олмабди қайтиб,
Ва ниҳоят айбламоқда Лепид жўнидан.
Триумвирлик мартабаси қўлидан кетиб,
Мол-мулкидан айрилгани ёқмабди унга.

Агриппа

Жавоб бермоқ лозим эди барига, Цезарь.

Цезарь

Жавоб бордир, чопар учиб бормоқда йўлда,
Мен хатимда ёздим Лепид бераҳмлигин;
Мартабасин сунистеъмол қилгани учун
Ҳайдалганини айтдим. Олар Антоний албат,
Ўлжа бўлган мол-мулклардан ўз улушини.
Ўзи эса босиб олган арманлар элин
Ҳамда ўзга диёрлардан берсин тегишим.

Меценат

Антонийдан ён беришни кутмагин сира.

Цезарь

Биз ҳам унда бўш келмасдан тураверамиз.

Октавия мулозимлари билан кириб келади.

Октавия

Салом сенга, акажоним ва ҳукмдорим!

Цезарь

Эри ташлаб кетиб қолган сенмисан, синглим?

Октавия

Мени бундай атамоққа йўқдир сабабинг.

Цезарь

Нега энди билдирмасдан писиб келдинг сен?
 Наҳот Цезарь синглисига шу иш муносиб?
 Триумвир жуфтига-я? Ахир авваллар
 Доим қўшин кузатарди, келмасдан олдин
 Хабар бериб билдирарди кишнаб тулпорлар;
 Шохларига чиқиб олган бекорчилардан
 Эгиларди дарахтлар ҳам беролмайин дош.
 Бамисоли еру кўкни тутиб кетарди
 Қарвондаги туёқлардан кўтарилган чанг.
 Ўзинг эса оддий авом, фуқаро каби
 Халқ хоҳишин назар-писанд қилмаган ҳолда
 Даранг-дурунг қилмай тўғри кславерибсан.
 Меҳр гули эътибордан қолса тез сўлар,
 Буни эсда тутмаганнинг ҳоли ҳам ночор.
 Қуруқликда эмас, балки денгизларда ҳам
 Чиқар эдим сени қутлаб истиқболингга,
 Ҳар қадамнинг олқишларга кўмиб ташлардик.

О к т а в и я

Узим шуни истовдим-да, меҳрибон акам,
Буни менга биров мажбур қилгани ҳам йўқ.
Эрим эса, билганидан жанг бошлашингни
Ҳасратларин бир-бир менга айлади баён.
Ижозат бер, Римга қайтай,— дедим унга мен,
У ҳам кўнди илтижоли бу ўтинчимга.

Ц е з а р ь

Кўнглин бўлиб, маишатдан турсанг айириб,
Жон-жон дея бунга кўнмай бўларми ахир.

О к т а в и я

Ундай гапни айтма, ака.

Ц е з а р ь

Сезиб юрибман.

Ишларидан хабарим бор, турибди етиб.
Қаерда у ҳозир?

О к т а в и я

Ака, Афинада у.

Ц е з а р ь

Тагин сени алдабди у! Клеопатра
Аллақачон олган эмиш Мисрга чорлаб.
Бор давлатин тутган эмиш ўшал расвога.
Энди эса урушмоқни кўзлаганидан

Кун чиқарнинг подшоларин қипти жамулжам:
 Ливиянинг подшоҳи Бокҳ ҳам ёнида;
 Фракияликлар шоҳи — Адаллас; араб —
 Шоҳи Малиҳ; подшойи Пафлагония —
 Филадельф, шоҳ Ирод, яна Понтия шоҳи,
 Каппадокия султони Архелай билан
 Комагенлар ҳукмдори бўлмиш Митридат;
 Мидиянинг шоҳи — Аминт; Ликаония —
 Подшоси Полемон бор, яна қанчаси...

О к т а в и я

Шўрим қурсин! Қалбимни тенг иккига бўлиб,
 Душман бўлган бу дўстларга бағишлар эдим.

Ц е з а р ь

Хуш келибсан, ўзинг ёзган ўшал мактублар
 Эринг билан ғаразимга бўлганди тўсиқ.
 Энди бизга таҳдид қилиб, сени-чи алдаб,
 Уртадаги душманликни айлади равшан.
 Матонатни қўлдан берма. Тортишмагин ҳам,
 Оқибатда ҳарна ишлар бўлар муқаррар.
 Кейин нима бўлишини қўйиб беравер
 Тақдир азал иродасин ўзгинасига.
 Оламдаги бор нарсдан менга аълосан.
 Эринг эса мана сени шармисор этди.
 Унинг энди жазосини бермоққа бизнинг,
 Қўнглимизга ғазаб солди худолар. Юпан,
 Келганингдан ҳамма хурсанд.

А г р и п п а

Шундай, маликам,

М е ц е н а т

Хуш келибсиз. Сизни кўриб Рим аҳли хурсанд.
Юракларнинг меҳри қўри сизга аталган.
Фақатгина бетамизнинг, Марк Антонийнинг
Бошигача гуноҳларга ботгани етмай,
Сизни ҳайдаб гарга бермиш ҳокимиятни,
Дунёга ўт қўядиган расво хотинга.

О к т а в и я

Ростмикин-а шу гап, ака?

Ц е з а р ь

Афсус, бари ҳақ.
Хуш келибсан, сингилгинам. Фақат илтимос,
Бардошли бўл, қаноатга зўр бер, бўшашма.

Кетадилар.

7-САҲНА

Акциум бурни ёнидаги Антоний қўналғаси.
Клеопатра билан Энобарб кириб келишади.

К л е о п а т р а

Бир гаплашиб қўймоқчиман кўнглинг бўлсин тўқ.

Э н о б а р б

Нима учун? Гуноҳим не? Айбим нимада?

К л е о п а т р а

Клеопатра қўшин билан юрмасин деган,
Гапни айтган расво кимса ўзинг бўласан.

Э н о б а р б

Наҳот бўлса бу юришнинг бирорта нафи?

К л е о п а т р а

Ҳамла қилса бир-бирига иттифоқдошлар,
Нечук энди бўлмагайман қўшин ёнида?

Э н о б а р б

(чеккага)

Жавобим шу; қўшинларда сақласалар гар,
Айғир билан бир қаторда бияларни ҳам,
Мутлақ фойда чиқмас эди айғир отлардан:
Устидаги суворийси билан баробар
Бияларга сакрар эди.

К л е о п а т р а

Нелар деяпсан?

Э н о б а р б

Антонийга фақат халал берасан, билсанг,
Жасорату, ақлу ҳуши ва бор вақтини
Ҳозир сенга сарфламоқнинг эмас фурсати
Ўшасиз ҳам, уни енгил деб юрганлар бор,

Римда қолган чўрилару ҳарам оғаси
Зимдан роса ишляяпти, деган гаплар бор.

К л е о п а т р а

Қуриб кетсин ўша Риму, гап ташувчилар.
Мамлакатнинг жиловини тутгандан кейин
Сафарларда эркаклардан сира қолишмай
Юраман ҳам, тураман ҳам. Қолишим аниқ,
Қоч, йўлимда тўсиқ бўлма.

Э н о б а р б

Индамайман, хўп.

Ана келди сардоримиз.

А н т о н и й билан К а н и д и й кириб келишади.

А н т о н и й

Қандоқ, Қанидий,
Бурундзий ҳамда ўша Тарентдан илдам
Иония денгизини қолдириб ортда
Шитоб билан Торинани ишғол этди у?
Бундан воқиф бўлувдингми, жоним, севгилим?

К л е о п а т р а

Зўр эпчиллик қолдиради танбални доғда.

А н т о н и й

Баракалла! Жангчилардан қай бири сендай
Имиллашга бероларди бунчалар баҳо?
Ҳа, Қанидий, жанг қиламиз денгизда энди.

К л е о п а т р а

Денгизда! Ҳа, қайда яна?

К а н и д и й

Нимага энди?

А н т о н и й

Цезарь бизни чорламоқда денгиз жангига.

Э н о б а р б

Ол-а! Бундан бир оз олдин яккама-якка
Олишувни қилмовдингми сен унга таклиф?

К а н и д и й

Юлий Цезарь Помпейни хўп дабдала қилган
Фарсалда жанг қиламиз деб, айтсанг бўларди.
Душман қабул айламади бенаф таклифинг,
Ихтиёринг ўзда, энди билганингни қил.

Э н о б а р б

Кемадаги одамларнинг ҳеч мазаси йўқ:
Деҳқонлару эшак ҳайдаб юрганлар бари
Бир юмалаб денгизчилик касбин олганлар.
Цезардаги денгизчилар бутунлай бошқа,
Секст Помпей адабини берган шоввозлар.
Кемаларинг бари зилдай, уларда — акси.
Денгиздаги жангни агар бурсанг қуруққа,
Сира бўлмас на уяти, на хижолати.

А н т о н и й

Йўқ, денгизда олишаман!

Э н о б а р б

Шонли сардорим!

Бу гапингни айтиш билан менсимаяпсан,
Саркардалик санъатингни ўзинг мутлақо.
Бу, билиб қўй, ёши ўтган аскарларингни
Довдиратар, тажрибанг ҳам. Наф бермай қолар.
Зафарга ёр йўлдан нечук юз буриб бирдан,
Тақдирингни таваккалга бермоқ истайсан?
Қандай гап бу? Тасодифми?

А н т о н и й

Олишаман бир.

К л е о п а т р а

Шу чоққача Цезарь ҳали сира кўрмаган
Бордир яна олтмиш кема менинг қўлимда.

А н т о н и й

Кемаларнинг баъзиларин ёндириб ташлаб,
Одамларин мадад учун тақсимлагаймиз.
Цезарь билан тўқнашамиз Акциумда биз,
Гар денгизда аскарларни қилмасак мағлуб,
Қуруқликда енгажакмиз.

Ч о п а р киради.

Не хабарлар бор?

Ч о п а р

Хукмдорим, тўғри чиқди: Цезарь олипти,
Торинани ишғол қипти. Рост экан бу гап.

А н т о н и й

Бўлмағур гап. Цезарь бошлиқ бўлган қўшинлар
Шитоб билан ўтибдими манзилма-манзил.
Канидий, бил, энди бўлар ихтиёрингда
Ўн тўққизта легиону, унга қўшимча
Ўн икки минг отлиқ аскар, ҳазилмас сира.
Мен кемага йўл оламан! Кетдик, санамжон!

К е к с а а с к а р к и р а д и .

А с к а р

Сира наф йўқ олишмоқдан денгизда, шоҳим!
Тақдирларни чирик тахта, қололмас сақлаб,
Мана, менинг қиличим кўр, яраларим кўр!
Финикияликлар, майли мисрликлар ҳам,
Ўрдак каби шўнғисинлар сувда — ихтиёр.
Биз римликлар оёқ қўйиб она тупроқда
Зафарларга эришмоқни қилганмиз одат.

А н т о н и й

Бас, старли! Кемаларга қараб юрайлик!

А н т о н и й , К л е о п а т р а в а Э н о б а р б к е т а д и л а р .

А с к а р

Сўзларим ҳақ, Геркулес-ла ичаман қасам.

К а н и д и й

Сўзларинг ҳақ, аскар, сенинг, аммо саркарда
Ихтиёрин қўлдан берган. Тизгин бировда.
Ҳаммамиз ҳам бир хотинга мутемиз шу дам.

А с к а р

Қуруқдаги бор аскару суворийларнинг
Ихтиёри ўзингдами?

К а н и д и й

Денгизчиларга

Публикола, Марк Юстий, Марк Октавий
Ҳамда Целий бош бўлишган. Ўзимда эса
Қуруқдаги аскарлар бор. Цезарни қара:
Шитобию, жадаллиги солар дағдаға.

А с к а р

Ҳали Римдан чиқмай туриб, аскарларин кўр:
Шунча жойдан ҳеч сездирмай келишган ўтиб,
Майда-майда дасталарга бўлиниб улар,
Панд беришган йўллардаги айгоқчиларга.

К а н и д и й

Ким саркарда ҳозир унинг қўшинларига?

А с к а р

Мишмишларга қараганда, Тавр деган зот.
Шундай деган гап юради.

К а н и д и й

Менга таниш у.

Ч о п а р киради.

Ч о п а р

Император йўқлаяпти сени, Канидий.

К а н и д и й

Кўп хунукдир бу замоннинг янгиликлари
Ҳар лаҳзада содир бўлар бирорта кор-ҳол.

Кетадилар.

8-САҲНА

Акциум яқинидаги текислик.

Цезарь ва Тавр саркорлари билан кириб келишади.

Цезарь

Тавр!

Тавр

Тинглай жон қулоқ-ла. Гапиравергил.

Цезарь

Денгиз жанги то бир ёқлик бўлмагунича.
Жим туравер, киришмагин курашга сира.

Кўрсатмалар айтилган бу бурама хатда.
Сен буларга амал қилгин. Бир нарсани бил:
Шу ерда ҳал бўлгусидир истиқболимиз.

Кетадилар.

9-САҲНА

Текисликнинг бошқа қисми.

Антоний билан Энобарб кириб келишади.

Антоний

Суворийлар туришажак тепа ортида,
Цезарь келса рўбарўдан чиқмоқлик учун,
Биз душмanning кемаларин тепадан туриб
Санаб кўриб, не қилишни ҳал этармиз, ҳал.

Кетадилар.

10-САҲНА

Текисликнинг бошқа қисми.

Кавидий қўшинлари билан кириб келади. Улар саҳна-
нинг ўнг томонига ўтишади.

Тавр ҳам қўшинлари билан кириб келади. Улар саҳна-
нинг иккинчи томонига ўтишади.

Денгиздаги жанг шовқини эшитилиб туради. Энобарб кириб
келади.

Энобарб

Тамом! Тамом! Адо бўлдик! Лаънатлар бўлсин!
Клеопатра берган кема — «Антониада»
Шарт бурилиб қорасини кўрсатмай қочди.

Мисрликлар инъом қилган етмиш кема ҳам
Қуён бўлди. О, қанийди кўр бўлсам ҳозир!

С т а р киради.

С т а р

О, худолар! О, фалакнинг беҳад кучлари!

Э н о б а р б

Не гап, Стар? Нима учун хит бўлмоқдасан?

С т а р

Бемаънилик бошга етиб, тамом айрилдик
Бу жаҳоннинг тенг ярмидан. Алмашдик яна
Бўса учун вилояту ҳокимликни ҳам!

Э н о б а р б

Нима билан тугайди жанг сенинг фикринг-ча?

С т а р

Бу вабонинг оқибатин сўраяпсанми?
Ажал билан тугайди у. Йлоҳим ўша
Маликанинг башарасин ел есин буткул!
Зафар билан мағлубият эгизак бўлиб
Ҳал қилувчи лаҳза етган маҳалда эса
Клеопатра бошлиқ бўлган жойдаги кема
Елканларин кўтардию, мисоли ёзда
Нақ десангиз сўна чаққан бир сигир каби
Думин хода қилиб бирдач қочиб қолса-я!

Э н о б а р б

Мен ҳам кўриб турдим буни. Бўлмай охири
 Қаролмадим чидаш бермай бу манзарага.
 Нима қилай, ноиложман.

С т а р

Кема қочганда

Жодугарга ўзин тиккан Антоний тезда
 Жангни ташлаб, мисли ошиқ ўрдак сингари
 Елканини қанот қилиб ёзиб олганча,
 Маъшуқасян қорасини олди жадаллаб.
 Шу чоққача бўлмагандим бундай шармисор,
 Жасурлигу тажрибанинг тупроқ билан тенг
 Бўлганини энди кўриб туришим.

Э н о б а р б

Эвоҳ!

К а н и д и й киради.

К а н и д и й

Жони чиқиб бораётган ҳарбий шаънимиз
 Чўкмоқдадир кўк денгизнинг қаърига ҳозир.
 Саркардамиз айнимаса, ютардик жангда,
 Қочиб қолиб, майдондан у шармандаларча
 Яхши ибрат кўрсатмади.

Э н о б а р б

(четга)

Шумиди фикринг?

Ундай бўлса, ҳаммамизнинг битди кунимиз.

К а н и д и й

Улар энди йўл олишди Пелопоннесга.

С т а р

Олис эмас. Мен ҳам кетдим. Қўрамиз ҳали
У ёқдаги ишлар нима бўлажагини.

К а н и д и й

Ўз қўшиним билан таслим бўлай Цезарга.
Иттифоқдош подшоҳлардан нақ олтитаси
Таслим бўлиб бу борада бердилар ибрат.

Э н о б а р б

Сўнса ҳамки Антонийнинг бугун юлдузи,
Гарчи ақлим бўйсунмасдан қарши шамолдай
Турса ҳамки, мен изидан бора қолайини.

Кетадилар.

11-САҲНА

Искандария. Саройдаги зал.

А н т о н и й ў з м у л о з и м л а р и билан киради.

А н т о н и й

Эшитинглар. Гўё фарёд қилмоқда замин,
Қийнамагин мени ортиқ, дсмоқчи бўлар.
Антонийни кўтаришдан қилар номус-ор,
Кўз ўнгимни шундай зулмат чулғаб олганки,

Бу дунёдан йўлим топиб кетишим маҳол.
 Нарироқда турар ҳамон олтинли кема,
 Хазинани тезда бўлиб олинг, дўстларим,
 Тез учинглар, Цезарь билан топишарсиз тил.

Антонийнинг яқинлари

Бизда асло қочиш бўлмас!

Антоний

Мен ўзим қочдим,
 Душманларга кўрсатганча фақат елкани,
 Қўрқоқларга мен ўргатдим:— Қочинг, дўстларим!
 Битта йўлни танлаганман сизлардан ҳоли,
 Жонингизни сақланг фақат. Кўрфазга боринг,
 Хазинани топиб, сўнгра бўлиб олинглар.
 Номусимдан ерга кириб кетгудайман мен,
 Қочганимни эслаганда кимга эргашиб.
 Сочларим ҳам олишмоқда бир-бири билан:
 Оқи сўкар қорасини бемаънисан, деб,
 Қораси-чи, оқни айблар қўрқоқлик, ишқда.
 О, дўстларим, тез қочинглар! Хат ёзиб берай,
 Йўлларингиз очиқ бўлгай ўшандан кейин,
 Хафа бўлмай, оғир кунда менинг ўтинчли —
 Таклифимга кўниб тезда чиқинглар йўлга.
 Узин сотган одам яна сотилаверар.
 Тезроқ чопинг деңгиз томон, сизларга ўзим
 Ҳадя қилдим кема билан бор хазинани.
 Мени эса қолдиринглар. Сиздан илтимос.
 Бўлак буйруқ бермоқликка сиғмайди ҳаддим.
 Ўтинчим шу, биродарлар, кўришармиз боз.

Ўтиради.

Эрос билан Клеопатра кириб келишади. Клеопатрани
Хармиана билан Ирада қўлтиқлаб олишган.

Эрос

Тасалли бер, унга яқин бориб, малика.

Ирада

Яқинроқ бор, малика.

Хармиана

Юпат уни, бошқа чора йўқдир, малика.

Клеопатра

Мен ўтирай. О, Юнона!

Антоний

Йўқ, йўқ, йўқ, йўқ, йўқ!

Эрос

Кўзингни оч, император!

Антоний

Уят! Номус! Шармандалик!

Хармиана

Малика!

Ирада

Қадрли, малика!

Эрос

О, ҳукмдорим!

Антоний

Ҳа... Цезарь... У Филиппда мисли бир раққос
Тутган эди ўшал бенаф қиличин қўлда.
Ер тишлатдим ўша куни ориқ Кассийни,
Мағлубият шаробини тутдим Брутга...
Цезарь ишга солган эди бировлар кучин,
У ҳарбу зарб санъатида билармонмасди.
Маана энди... барибир...

Клеопатра

Оҳ! Қаранглар менга!

Эрос

Ҳукмдорим, малика бор, малика шунда.

Ирада

Яқин бориб сўзлаша қол, тенгсиз маликам.
Уят, номус, хижолатдан боши жуда хам.

Клеопатра

Хўп... Бўлмаса сизга турай суяниб.

Э р о с

Урнингдан тур, олампахоҳ, эй ҳукмдорим,
Ҳузурингга келаётир гўзал малика.
Бошин эгиб зўрға бир-бир қадам ташлайди.
Руҳинг тетик қил, акс ҳолда кетар кўз юмиб.

А н т о н и й

Уз шаънимни ерга урдим, тупроққа қордим,
Шармандаман эл олдида.

Э р о с

Малика келди!

А н т о н и й

Не кунларга солдинг мени, Миср гўзали!
Мана энди қилавергин роса мазаммат.
Узим вайрон қилиб буткул тупроққа қорган
Бор нарсалар қаршисида бўлдим шармисор!

К л е о п а т р а

Бегим менинг, ҳукмдорим, валинеъматим!
Мени қўрқоқ кемаларим учун айбситма,
Қочади деб ўйламовдим сени мутлақо.

А н т о н и й

Билар эдинг, ўзимдамас қалбим тизгини,
Қайга борсанг, соянгдайман ҳозир у нозир.
Юрагим ҳам измингдадир, Миср офати.

Билардинг-ку, менга қараб бош ирғаб қўйсанг,
Худоларнинг қасамин ҳам қилиб нописанд,
Қалбим тутиб, чурқ этмасдан тураверишим.

К л е о п а т р а

Кечир мени!..

А н т о н и й

Бечораман, мажбурман энди
Элчиларни йўлламоққа гўдак болага,
Ялинишга, эгилишга ва бўлмоққа хор,
Уйнар эдим бу оламнинг ярмини қўлда,
Тақдирларни қилар эдим якка ўзим ҳал!
Сенинг севги тузоғингга тушгандан бери,
Қиличим ҳам ўралишиб ишқнинг торига,
Сенинг севгинг қаршисида бош эгиб қолди.

К л е о п а т р а

Кечир мени!.. Айбимдан ўт!

А н т о н и й

Тўкмагил кўз ёш.
Қанча дунё топган бўлсам, сарфлаган бўлсам —
Арзимади бари сенинг томчи ёшингга.
Битта бўлсанг барчасининг ўрнин босади.
Болаларим мураббийсин йўлладим бугун,
Элчи қилиб ҳузурига, ўша Цезарнинг.
Келмадими ҳали қайтиб? Севгилим, ҳозир
Ғазабимдан тутамоқда аъзон вужуд!

Ҳой, ким бор? Ҳой, май келтиринг, таом келтиринг.
 Парво этма! Майли қисмат қувғинди қилсин,
 У қисматдан эса доим кулганим кулган!

Кетадилар.

12-САҲНА

Мисрдаги Цезарь қароргоҳи.
 Цезарь, Долабелла, Тирей ва бошқалар кирадилар.

Цезарь

Майли кирсин Антонийнинг ўшал элчиси.
 Ким экан у?

Долабелла

Болаларин мураббийсиммиш,
 Гуё юлиб қанотидан кичикроқ патни
 Бизга томон элчи қилиб йўллагани-чун,
 Антоний ҳам кучсизланиб қолган эҳтимол.
 Элчи қилиб йўлларди у шоҳларни аввал.

Евфроний киради.

Цезарь

Яқинроқ кел. Гапиравер.

Евфроний

Нима бўлса ҳам,
 Келдим бунда Антонийнинг элчиси бўлиб.

Шу чоққача эдим унинг назарида мен
Одам эмас, зарраларнинг зарраси гўё.

Цезарь

Майли шундай бўла қолсин. Не юмушинг бор?

Евфроний

Олқишлайди Антоний ҳам ҳукмдорини,
Ҳам Мисрда қолмоқликка сўрар ижозат.
Бу бўлмаса, унда — оддий фуқаро каби
Афинада ўз кунини кўриб юрмоқчи.
Соф ҳаводан нафас олиб умр сурмоқчи.
Клеопатра ўтинади сендан, эгиб бош:
Птоломей тожин олма ўғилларидан.
Не деганда, ҳозир бари сенинг ҳукмингда.
Ўғилларнинг қисмати ҳам ихтиёрингда.

Цезарь

Антонийнинг ўтинчига қулоқларим кар.
Клеопатра сўзларига келганда эса,
То Мисрдан ҳайдалмаскан унинг ўйнаши,
Ўлдирилмас экан токи расво ўйнаши,
Қулоқ солиб ўтирмайман бу гапларга ҳеч.
Мана шу шарт бажарилса қарашай унга.
Икковига менинг ушбу жавобимни айт!

Евфроний

Зафар доим ёр бўлишин тилайман сенга.

Цезарь

Урдугоҳдан олиб ўтиб кузатиб қўйинг.

Евфроний кетади.

Ишга солгин, Тирей, энди фасоҳатингни,
 Вақти етди, уриниб кўр, ажратишга бир
 Антонийдан собиқ Миср маликасини.
 Ўтинчлари бажарилар ортиғи билан.
 Хуллас, тилга неки келса, сира қайтарма.
 Ваъдаларни беравергин менинг номимдан.
 Бахти келиб турганда ҳам аёл беқарор,
 Фалокат-чи рўпochни ҳам чиқарар ишдан.
 Шундай Тирей, бўш келма ҳеч. Меҳнатинг учун
 Не бойгоза кераклигин айтарсан кейин.
 Не истасанг сўзсиз уни бажарай тайин.

Тирей

Кетдим.

Цезарь

Махфий кузатиб юр, ҳоли нелигин
 Антонийнинг мағлубият алаmidан сўнг.
 Уриниб кўр, билгин ўзин тутишларидан
 Не фикр бор манҳус бошда.

Тирей

Биларман, Цезарь.

Кетадилар.

13-САҲНА

Искандария. Саройдаги зал.

Клеопатра, Энобарб, Хармиана ва Ирада киб келадилар.

Клеопатра

Хўш, Энобарб, нима ишлар қиламиз энди?

Энобарб

Каллаларни бир ишлатиб, ўламиз кейин.

Клеопатра

Бу ишларда ким айбдор? Антоний ё мен?

Энобарб

Антонийнинг ўзгинаси; шаҳвоний нафсга
Ҳеч ўйламай ақлу ҳушни едирди қўйди.
Авзойи-ла бир-бирларин жунбишга солган
Қўшинларни кўриб, уруш турқидан қочдинг.
У-чи, нега қуён бўлди? Ушбу оламнинг
Олишганда бир-бири-ла икки қўчқори,
Барчасига ёлғиз ўзи айбдор бўлган
Саркардамиз ҳисни кўрди бурчдан аълороқ.
Кемасида қочар экан ксманг кетидан,
Ўз аскарни ҳамда душман сафлари аро
Беномуслик — енгилишдан эди оғирроқ.

Клеопатра

Тўхта... Жим бўл...

А н т о н и й б и л а н Е в ф р о н и й к и р а д и .

А н т о н и й

Шуми ҳали унинг жавоби?

Е в ф р о н и й

Ҳа, тақсирим.

А н т о н и й

Агар мени тутиб берсалар,
Маликага ён бергум деб, ваъда қилдимми?

Е в ф р о н и й

Унинг сўзи шундай бўлди.

А н т о н и й

Унга ўзинг айт.

(Клеопатрага.)

Йўлласанг гар оқ аралаш сочли бошимни
Ушал гўдак Цезарь томон эҳтиром ила,
Сенга инъом этар экан талай юртларни.

К л е о п а т р а

Сенинг бошингга-я?

А н т о н и й

(Евфронийга)

Тез қайт Цезарь ёнига.

Унга айтгин, ўн гулидан биттаси ҳали
 Очилмаган чоғда қилиб баҳодирликлар,
 Солиб қўйсин бу оламни роса ҳайратга.
 Пул, мол, кема, аскар деган талай нарсалар
 Насиб этар ҳатто қўрқоқ кимсаларга ҳам.
 Қўл остида бўлган ҳарбий саркардалар ҳам,
 Гарчи муте эрсалар-да гўдак болага,
 Зафарга ёр бўлмоқлари мумкиндай эди.
 Йиғиштириб қўйсин энди буларнинг барин,
 Мен ҳам энди айрилганман бору йўғимдан,
 Олишамиз энди икков яккама-якка.
 Сенга ёзиб берайин хат. Қани юр, кетдик.

А н т о н и й билан Е в ф р о н и й кетишади.

Э н о б а р б

(четга)

Бу қандай гап! Цезарь бўлса эртадан то кеч,
 Зафар қучган қўшинларин бериб жавобин,
 Қиличбозлик хаёл қилар гладиатордай.
 Одам агар айрилса-чи, ташқи файзидан,
 Йўқолгуси кўп маънавий фазилатлари:
 Бахт кетганда, айриламиз ақлдан паққос,
 Айрилмаган бўлсанг ҳали ақлу ҳушингдан,
 Ўзинг қуруқ бўла туриб наҳот тенглашсанг,
 Бўй ўлчашмоқ бўласанми улкан Цезар-ла?
 Цезарь сени ўшал жангда мағлуб этганда,
 Ақлингни ҳам олган экан хўп қатрон қилиб.

М у л о з и м киради.

М у л о з и м

Элчи келди маликага Цезардан.

К л е о п а т р а

Ия!

Бедабдаба, тўппа-тўғри! Буни қаранг-а,
 Ғунча деса муккасидан кетгучи одам
 Лўппи гулдан бугун юзин бурмоқчи бўпти.
 Қирсин.

Э н о б а р б

Тағин иш қиляпман виждонга қарши
 Овсарликни ўзимасми овсарга хизмат?
 Саркардаси мағлубидан асло чўчимай
 Садоқат-ла хизмат қилиб юрган одам ҳам,
 Голиб келган рақибидан устунроқ бўлиб
 Ўз номини шу тариқа ёзар тарихга.

Т и р е й киради.

К л е о п а т р а

Цезарь нени истар?

Т и р е й

Агар қолса ўзимга,
 Холи қолиб, юзма-юз бир гаплашсак, девдим.

К л е о п а т р а

Хавфсирама. Булар бари менинг дўстларим.

Т и р е й

Антонийга ҳам дўст булар. Шундай эмасми?

Э н о б а р б

Дўсти қанча бўлса агар Цезарнинг ҳозир,
Антоний ҳам шунчасига эгалиги ҳақ.
Эҳтимолки, ҳожатимиз йўқдир бизнинг ҳам,
Дўстлашади бизнинг хўжа Цезарь хўп деса,
Демак, биз ҳам дўстидирмиз улуғ Цезарнинг.

Т и р е й

Маъқул.— Цезарь деди,— бориб айт маликага,
Бошга тушган кўргиликлар унут бўлсин, тез.
Сен Цезарнинг Цезарлигин унутмасанг бас.

К л е о п а т р а

Шоҳона гап. Тўхтамасдан гашираверар, бўл.

Т и р е й

Сени отган Антонийнинг багрига ишқмас,
Қўрқувлигин Цезарь билар жуда ҳам яхши.

К л е о п а т р а

О!

Т и р е й

Номусингга путур етган, шаънингда бор доғ,
Бу ҳаммаси зўравонлик касри, захмати.
Шу боисдан Цезарь қилмоқ бўлар мурувват.

К л е о п а т р а

Цезарь — худо, ҳақиқатнинг билар борини,
 Номусимга путур етса — жанг оқибати,
 Қўнгил билан қилмадим мен буни.

Э н о б а р б

(четга)

Наҳотки?

Антонийдан билайин-чи бир суриштириб,
 — Жанг майдонин ташлаб қочдинг сен шўринг
 қурғур,
 Биз ҳам шундай қилиб энди қочмасак бўлмас,
 Бу борада — ўзинг ибрат, йўқса ўламиз.

Кетади.

Т и р е й

Нима деяй Цезарга мен сенинг тўғрингда?
 Бағринг очиқ бўлмоғини истаркан кўнгли,
 Чўзмоқчидир ибодатга сени деб у қўл.
 Цезарь ўзин сезар эди гоят бахтиёр,
 Мабодо сен ясаб асо суйсанг ҳар дам,
 Тақдир унга бахш айлаган улкан омаддан.
 Антонийдан юзни буриб, бўлди тескари,
 Ҳозир сезар қанотингда ўзин бемалол,—
 Деган хабар шод айлағай ҳукмдорни хўп.

К л е о п а т р а

Исминг нима?

Тирей

Тирей.

Клеопатра

Тингла, муҳтарам элчи,
 Бориб айтгин шу сўзларни буюк Цезарга:
 Зафар қучган, шон чулгаган қўлларини мен
 Унажакман тиз чўкиб тез, пойида тожим.
 Олам интиқ бўлиб турган бөл забонидан
 Миср учун манзур ҳукмин эшитсам дейман.

Тирей

Мана буни зўр гап деса бўлгуси тўғри.
 Бахт-иқболга донишмандлик бўлса тесқари,
 Озига ҳам қаноатда бўлган маъқулроқ,
 Даҳшат солмас тасодифлар ана ўшанда.
 Ижозат бер: бурчни ўташ белгиси қилиб,
 Лабим қўйиб муҳр босай сенинг қўлингга.

Клеопатра

Бир вақтлари ота бўлмиш катта Цезарь ҳам
 Тушиб қолса улкан юриш тараддудига,
 Ушбу қўлим ушлаб, сийпаб ҳамда эркалаб
 Бўсаларга кўмиб ташлар эди бесаноқ.

Тирей унинг қўлини ўнади.

Антоний билан Энобарб кириб келишади.

Антоний

Нималарни кўрар кўзим? Мадад қил, тангри!—
 Қим бўласан?

Т и р е й

Келдим амрин этгани бажо,
 Ҳар бир айтган сўзи мисли қонундай бўлган
 Энг қудратли шарифул инсон сўзларин.

Э н о б а р б

(четга)

Таъзирингни беражаклар сени.

А н т о н и й

Эй, қуллар!

Шу чоққача кўрмадим-а, бундай аблаҳни!
 Буни қаранг, ҳой иблислар, сиз ҳам, тангрилар!
 Қайда қолди ҳукмин маним? Илгарилари
 «Ҳой!» десам, бас, ҳамма шоҳлар гўдаклар каби
 «Лаббай!» дея гизиллашиб келишарди-ку.
 Қулоқларинг кар бўлдимин?

Х и з м а т к о р л а р к и р и ш а д и .

Антонийман-ку.

Хўп савалаб дўппосланг бу масхарабозни.

Э н о б а р б

(четга)

Жон талваса қилаётган шерга тегишмоқ,
 Шер бачча-ла ўйнашмоқдан бўлур қалтисроқ.

Антоний

Ой-юлдузлар, бу ишга сиз бўлинглар шоҳид!
 Дўппосланглар ярамасни! Цезарга тобе —
 Йигирмага яқин шоҳлар келиб мабодо
 Лабларини теккизишга қўлига унинг,
 Қалтаклатган бўлур эдим мутлақ аямай.
 Афтларини бужмайтириб: «Дод! Раҳм қилинг!»—
 Демагунча уринг, тепинг, судранг ҳар томон!

Тирей

Марк Антоний! О, Антоний!

Антоний

Оқ калтак қилинг!

Шундан кейин мактубимни қўлида тутиб,
 Ҳукмдорин ҳузурига бўлсин равона.

Хизматкорлар Тирейни олиб кетадилар.

Ёдингдами ярим сўлиб, рангларинг кетиб
 Қолган эди икковимиз учрашган кезде.
 Қелганимда иссиқ ўрним совутиб бунда,
 Хуш адо, ёш хотинимни қолдириб уйда
 Фарзанд кўрсам бўлар эди бари қонуний.
 Не умидлар билан келсам ҳузурингга мен,
 Ерга уриб, расво қилдинг ишқи йўқ ўйнаш.

Клеопатра

Ҳукмдорим!

А н т о н и й

Сендайларга қолмади ишонч!
 Мабодо биз ботган бўлсак гуноҳга роса,
 Қўр бўламиз, ақлимиз ҳам олар худолар,
 Фаросатдан жудо бўлиб, телбарак, манҳус,—
 Улим сари кетарканмиз қаҳқаҳа отиб,
 Суришади иккимизни қусурлар сари,
 Хатоларга йўл қўямиз.

К л е о п а т р а

Шуми оқибат?

А н т о н и й

Марҳум Цезарь қолдирувди менга сарқитин,
 У ҳам энди етмагандай Гней Помпей ҳам,
 Бўлган экан бу неъматдан бир вақт баҳраманд.
 Тўшагингга яқинлашган жуда кўп беном —
 Қимсаларни ҳозир бир-бир санамайман ҳам.
 Жилови йўқ иштаҳангни биламан яхши,
 Рўпочлигу босиқликдан йироқсан тамом.
 Уз-ўзингни тиёлмайсан.

К л е о п а т р а

О, ундай дема!

А н т о н и й

Бир калтафаҳм хушомадгўй довлаб юрагин,
 Қўлинг ўйнаб, лабларига қўйса бемалол,
 Жон роҳатим, дил оромим эрур қўлларинг

Дахлсизу муқаддасдир, наҳот билмасанг!
Утирардим бўлсам агар Базон тоғида,
Хуркиб қочар эди шунда бир пода буқа!
Қутурмоққа ҳозир менинг бордир ҳуқуқим!
Ким осилса дорга, айтмас жаллодга раҳмат,
Мен ҳам ҳозир офариндан йироқман.

Хизматкорлар Тирей билан бирга қайтиб киришади.

Қалай?

Биринчи хизматкор

Саваладик.

Антоний

Сал-пал дод-вой солдимми?

Ҳеч ялиниб-ёлвордимми?

Биринчи хизматкор

Афв сўради.

Антоний

Қиз бўлсайдинг бу кўйларга тушмас эдинг сен,
Нобакорим ўғлим, дея йиғласин отанг.
Бемаҳалда бу Цезарнинг ушлаб этагин
Юрганингдан ўзинг энди кўз ёш қилавер.
Роса калтак ейишингга шу бўлди сабаб,
Босаверар титроқ, кўрсанг аёл қўлини.
Ҳузурига бориб энди ўша Цезарнинг
Очиқ-ёриқ айтиб бер не кўрганларингни.

Менинг ҳозир қандай кўйга тушиб қолганим —
 Хусусида юрган эмиш Цезарь чулдираб;
 Билар-билмас гаплар айтиб юргандан кўра,
 Илгари ким бўлганимни тутсин ёдида.
 Осмондаги чарақлаган юлдузим сўниб,
 Йўл олганда жаҳаннамнинг зулмат қаърига,
 Ғазабим ҳам қўзғалади осон ва енгил.
 Ушбу ишим ва гапларим ҳукмдорингга,
 Хуш келмас, қўлидаги Гиппарх исмли
 Одамимдан олаверсин билганча ўчин.
 Осадими, қийнайдами — унда ихтиёр!
 Энди эса йўқол кўздан, гумдон бўл, йўқол!

Т и р е й кетади.

К л е о п а т р а

Бас, бўлдимиз энди?

А н т о н и й

Етар, моҳи пайкарим!
 Ойдаи ботиб қолганингни ўзи ҳам энди,
 Антонийнинг ҳоли хароб деган белгидир.

К л е о п а т р а

Гапиравер, чидаш бериб туравераман.

А н т о н и й

Назаримда, Цезарга хуш келмоқчи бўлиб,
 Оҳу кўзинг сузиб турдинг палид малайга.

Клеопатра

Мени яхши билмайсан-да.

Антоний

Кўнглинг қолдимми?

Клеопатра

О, азизим! Сендан кўнглим совиса борми,
Худоларнинг продаси кўнглим музларин
Айлантирсин кўкдан ёғар заҳарли дўлга,
Ушал дўлда ўзим аввал бўлайин ҳалок,
Ундан кейин Цезарион бўлсин жувонмарг.
Майли, ўлсин, бирортаси қолмасин омон,
Ўзим кўрган зурриётдан бирортаси ҳам.
Маҳв бўлсин элу юрту бор халойиқ ҳам,
Ҳар қадамда ер тишласин мурда-сурдалар,
Пашшалару чивинларга ётсин таланиб.

Антоний

Бўлди, бас қил, ишонаман, ҳар бир сўзингга.
Қамал билан олмоқ бўлар Искандарияни.
Бу бир хаёл. Олишаман Цезарь билан мен.
Қўшинларнинг руҳи ҳали тушганича йўқ,
Пароканда кемалар ҳам жим бўлган ҳозир.
— Ҳой, қаерда қолган эдинг мардлигим менинг?
— Қулоқ солгин энди гапга, жангда мабодо
Мавҳ бўлмасам, бу лаблардан ўпарман яна.
Қайтажакман душман қонин тўкиб, қиличим
Билан ўзим битажакман йилномага ҳам.
Ҳа, умид бор!

К л е о п а т р а

Мана менинг қаҳрамоним — ким!

А н т о н и й

Куч қўшилар кучларимга, ортар мардлигим,
 Жанг қиламан паққос тиним билмай, даргазаб.
 Зафарга ёр кунларимда беғам душманни
 Аяр эдим кўпинча мен, қилардим халос.
 Энди эса жўнатаман Тартарга буткул
 Ким кўндаланг бўлиб қолса йўлимга менинг.
 Қел нозанин, ўтказайлик шу тунни икков,
 Майл-иштиёқ, завқ-шавққа тўлсин икки дил.
 Руҳи тушкун саркардалар келсин бу ерга.
 Қосаларни тўлдирайлик. Тун-ла олишиб,
 Бир ёзайлик кўнгилларни.

К л е о п а т р а

Бунинг устига,

Мен туғилган кундир бугун. Ёуни муқаррар,
 Мусибатли бўлар девдим, йиғларман девдим.
 Ўзинг яна ўзим билган Антоний бўлсанг,
 Мен ҳам сенга ўша-ўша Клеопатраман.

А н т о н и й

Вақти чоғлик билан ўтар бу оқшом.

К л е о п а т р а

Шоҳим,

Саркардалар йиғилишин қилмоқда хоҳиш.

А н т о н и й

Ҳа, уларга айтажакмиз. Шу кеча роса
Юзлардаги чандиқлари қизарсин майдан.
Қани, юргин, маликам. Бор танда қувват,
Жанглар қилиб тортадирман душман танобин.
Майдонга от солганимда душман бир кўрсин,
Бу қиличим солажагин қанчалар даҳшат.

А н т о н и й, К л е о п а т р а ва мулозимлар чиқиб кет-
тишади.

Э н о б а р б

Бу осмонда яшин, чақмоқ чақиб турса ҳам
Антоний ҳеч титрамайди, сира ҳам қўрқмас.
Қўрқув, даҳшат ваҳимаси газабга ўтса,
Қаптар човут солар эмиш тўғри бургутга.
Саркардамиз ботирлиги ўзига лойиқ,
Ақли билан жасурлиги ортар дамодам.
Жасурлигинг етарлигу, бўлмасанг оқил,
Қиличинг ҳам ожиз қолар, заиф, афтода.
Назаримда тезроқ қочиб қолмасам бўлмас.

Кетади.

ТУРТИНЧИ ПАРДА

1-САҲНА

Цезарининг Исқандария ёнидаги қароргоҳи.
Қўлида хат кўтарган Цезарь, Агриппа, Меценат ва
бошқалар кириб келадилар.

Цезарь

Бу ерлардан тамомила қувиб солмоққа,
Мени фаҳмлаб мисли гўдак қилмоқда таҳдид.
Элчим борса, аямай хўп дўппослатибди,
Ўзи билан олишувга чорлайди мени.
Мен қайдаю у қайдадир. Ана томоша!
Қалла бўлса эди агар бу уришқоқда,
Тушунарди, мабодо мен истасам ўлим,
Бошқаларнинг кўмагисиз топиб олишим.

Меценат

Улугларни тарк этганда ақлу фаросат,
Фарқ қилмайди қўлга тушган жондордан сира.
Эртаю кеч юрган экан бўлиб дарғазаб,
Қисти-басга олмоқ керак ҳеч тиним бермай.
Жаҳл чиқса муҳофаза бўшроқ бўлади.

Цезарь

Саркардалар ҳозир албат қўйишсин билиб,
 Нақ эртага сўнгги бора жанг бўлишни.
 Қўшин ичра бордир аввал Антоний билан
 Бирга бўлиб, хизматини қилган одамлар.
 Уларга айт, Антонийни ушлаб олишсин.
 Ҳар бир жангчи ўйнаб-кулсин, бунга бор ҳаққи.
 Антонийга ачинаман: ҳолидир хароб!

Кетадилар.

2-САҲНА

Искандария. Саройдаги бўлма.
 Антоний, Клеопатра, Энобарб, Хармиана,
 Ирада, Алексас ва бошқалар кирадилар.

Антоний

(Энобарбга)

Якка-якка олишувдан у тортдими бош?

Энобарб

Ҳа.

Антоний

Нимага?

Энобарб

Кучи сендан ўн марта ортиқ
 Одам асло кўтармайдн бир кишига қўл.

А н т о н и й

Мен эртага ҳам денгизу ҳам қуруқликда
 Цезарь билан қиламан жанг. Е қолиб тирик,
 Еки қоним тўкиб, ювай оғир гуноҳим.
 Жангга ҳозир ташнамисан?

Э н о б а р б

Бўлганда қандай?
 «Таваккал!» — деб ташланишим ҳақ.

А н т о н и й

Ҳазилкаш-е!
 Қани энди, чақиравер хизматкорларни!

Хизматкорлар киришади.

Бу оқшом бир ясайсизлар катта зиёфат!
 — Қўлингни бер, менга содиқ хизматчи эдинг!
 Сен ҳам, сен ҳам, сен ҳам, сен ҳам; барингиз менга
 Қилдингизлар кўп шоҳлардан ҳалолроқ хизмат.

К л е о п а т р а

(Энобарбга)

Бу нимаси?

Э н о б а р б

(Клеопатрага)

Гоҳи пайтда алам-мулибат
 Ақли расо одамни ҳам солар шу кўйга.

Антоний

— Сен ҳам эдинг менга содиқ.— Сен ҳам вафодор.
Қани энди жойларимиз қолса алмашиб.
Бир айланиб бўлиб қолсам сиздай хизматкор,
Сизлар эса менга, яъни шу Антонийга.
Қани энди хизмат қилсам сизларга ўхшаб.

Хизматкорлар

Иўл қўймаслар бунга буюк худолар.

Антоний

Дўстлар

Бу оқшом ҳам хизматимда бўлинглар энди.
Қосаларни тўлдириглар доим пайдар-пай.
Бажаринглар ҳар неки бор қилсам ихтиёр.
Бу оламда бўлса эди яна бир диёр,
Одамлари сизлар каби турса хизматда.

Клеопатра

(Энобарбга)

Нима истар?

Энобарб

(Клеопатрага)

Одамларни йиғлатмоқчи-да.

А н т о н и й

Хизматимда турибсизлар ҳозирча менинг.
 Эҳтимолки, шунинг билан тугаб насиба
 Кўролмай ҳам қоларсизлар мени бутунлай,
 Ё ўлигим йўлингизда бўлар кўндаланг.
 Ажаб эмас, эрта билан янги ҳукмдор
 Фармонларин берса сизга, қилса амрлар.
 Шу боисдан «Хайр» дегандай қоламан қараб,
 Сизни қувлаш эса ҳатто хаёлда ҳам йўқ.
 Бори-йўғи икки соат қилинглар хизмат,
 Яхшилиги худолардан қайтади ахир.

Э н о б а р б

Кўнгилларни эзвординг-ку, йиғида ҳамма,
 Мен бўлсам-ку тиёлмайман кўз ёшларимни.
 Ҳаммамизни хотинлардай қўйдинг йиғлатиб.

А н т о н и й

Улай агар, бу нарсани кутмовдим асло,
 Ёш-яланглар қилғусидир энди мурувват.
 Ирод этган сўзларимдан ботибсиз ғамга,
 Кўзингизда ёш кўринди, азиз дўстларим.
 Уйлагандим кўнглингизни кўтарарман деб.
 Истар эдим, зулумотни машъаллар билан
 Қувиб солиб, нари суриб ташлашингизни.
 Машъалистон ҳаёт сари бошлайман сизни.
 Ўлим бизга яқин келмас. Бир базм қилиб,
 Ғуборларни тарқатайлик май ичиб роса.

Кетадилар.

3-САҲНА

Уша жой. Сарой олди.
Иккита аскар кириб келади.

Биринчи аскар

Яхшимисан, биродарим. Эрта не бўлар?

Иккинчи аскар

Ҳамма нарса равшан бўлар. Омадинг берсин.
Ҳеч нимани билмадингми?

Биринчи аскар

Асло, нимади?

Иккинчи аскар

Миш-миш бўлса керак бари. Уйқунг тинч бўлсин.

Биринчи аскар

Шу нарсани ўзингга ҳам тилайман, ошна.

Яна иккита аскар киради.

Иккинчи аскар

Биродарлар, бу кечада ҳушёрлик даркор.

Учинчи аскар

Ўзларинг ҳам анқайманглар. Уйқу тинч бўлсин.

Биринчи ва иккинчи аскар сарой олдида соқчиликка турадилар.

Тўртинчи аскар

Бизларнинг жой мана шу ер.

Учинчи ва тўртинчи аскар бошқа тарафда соқчиликка турадилар.

Эртага яна

Бўш келмаса кемалар бас, қуруқликда ҳам
Душманларни енгиб, зафар қучмогимиз шарт.

Учинчи аскар

Жангчиларнинг ҳаммаси ҳам ботир, азамат.

Саҳна остидан гобой садолари эшитилади.

Тўртинчи аскар

Жим! Нима бу?

Биринчи аскар

Эшитдингми?

Иккинчи аскар

Бу қандай овоз?

Биринчи аскар

Ҳа... музика.

Учинчи аскар

Ер тагидан келяпти, қара.

Тўртинчи аскар

Бу яхшилик белгисими?

Учинчи аскар

Чамамда, акси.

Биринчи аскар

Ҳай, секинроқ гапирсанг-чи... Нима экан-а?

Иккинчи аскар

Геркулесни ҳисобларди ўзига паноҳ,
Энди ўша худо юзин буриб тескари
Антонийни этмоқда тарк.

Биринчи аскар

Чақирайлик, юр,—

Улар ҳали эшитмаган бўлишса керак.

Бошқа соқчилар турган жойга яқинроқ боришади.

Иккинчи аскар

Бирор овоз келяптими?

Ҳаммалари

Қанақа овоз?
Ҳа, келмоқда.. Бу ниманинг аломатийкини?

Биринчи аскар

Ажаб!

Учинчи аскар

Сиз ҳам бу овозни эшитяпсизми?

Биринчи аскар

Хизматимиз йўл қўйганча борайлик яқин,
Билайлик-чи, қандай овоз?

Ҳаммалари

Қандай мўъжиза!

Кетадилар.

4-САҲНА

Ўша жой. Саройдаги бўлма.

Антоний, Клеопатра, Хармиана ва уларга
яқин бўлган бошқа кишилар кириб келадилар.

Антоний

Қурол-яроғ келтир, Эрос!

К л е о п а т р а

Ётиб, ухлаб ол.

А н т о н и й

Вақт ҳам етди, эй севгилим.— Қани, бўл, Эрос!

Э р о с Антонийнинг қурол-яроғларини кўтариб киради.

Зирҳларга бурка мени, меҳрибон дўстим.
Юзин бурса зафар мендан, билгинки албат,
Бунга сабаб бўлган — ундан кулиб юршим.
Қани, тезроқ бўла қол, ҳа.

К л е о п а т р а

Кел, қарашайин

Мана бунга борми ҳожат?

А н т о н и й

Теккизма қўлинг!

Юрагимнинг бўлсанг ҳамки қуролбардори,
Нокерагин олаяпсан. Анавини ол.

К л е о п а т р а

Кел, қарашиб юборайин. Мана шундайми?

А н т о н и й

Шундай, шундай... Энди менга жанглар

писандмас.—

(Эросга.)

Мана шундай, ўрган дўстим. Ўзинг ҳам отлан.

Э р о с

Ҳозир.

К л е о п а т р а

Тўғри солдим чоғи, иллагини, а?

А н т о н и й

Шундай, шундай. Қойил! Энди бўлса, бесўроқ
Буларга қўл теккизганлар бўлгуси хароб.
— Нега энди имиллайсан, бўлсанг-чи, Эрос.
Янги қуролбардоримнинг ишин кўрсанг-чи.
— Қани энди, сен севгилим, кўриб бу жангни,
Тушунсайдинг маънисига озроқ бўлса ҳам,
Санъати ҳарб нелигини қўярдинг билиб.

Қуролланган а с к а р киради.

Салом, аскар. Сени шундай, бир кўришдаёқ
Ботирлигу жасурлигинг билиб олдим мен.
Барвақт туриб борамиз-да ўз ишимизга,
Сўнг кетармиз унга шўнғиб, ўзни унутиб.

А с к а р

Гарчи бўлса ҳамки барвақт, олампаҳоҳим,
Бошдан-оёқ зирҳда бўлган минглаб одамлар
Туришибди соҳил ёқда, сенга мунтазир.

Шовқин-суронлар. Бурғулар овози.

С а р к а р д а б и л а н а с к а р л а р к и р а д и л а р .

Саркарда

Тонг ҳам отди.— Ҳукмдорга бўлсин шарафлар!

Ҳаммалари

Ҳукмдорга шон-шарафлар!

Антоний

Хурсандман, дўстлар,

Довюраклик туймоқдаман сўзларингиздан.
 Ном чиқариш мақсадида юргап навқирон
 Аскар янглиг тонг ҳам отар илдам, пурзиё.
 — Анавини бериб юбор. Бўлди, хўп раҳмат.
 Хуш қол энди, маликам, бас бу ёғи — тақдир.
 Бир аскарнинг бўсасини қабул этгайсан,
 Пайти эмас, ҳозир оғиз кўпиртириб мен
 Гаплар сотиб, сени мақтаб ўтирсам ҳадеб
 Энди сен-ла хайрлашиб, ўрнига қўяй,
 Менга берган эгнимдаги зирҳим амрини.
 — Қани энди, бўшашманглар, мард лочинларим!
 Мен бошлайман сўнгги жангга.— Хайр, алвидо!

Антоний. Эрос ва саркардалар чиқиб кетадилар.

Хармиана

Ижозат эт, ётоғинга қўяй кузатиб.

Клеопатра

Кетдик, қани. Аскарларин бошлади жангга.
 Тезроқдина ҳал бўлсайди жанг оқибати,

Ҳоли қолиб икковлари олишганда бир.
Ана шунда Антоний ҳам... Энди-чи... Кетдик.

Кстадилар.

5-САҲНА

Антонийнинг Искандария яқинидаги қароргоҳи.
Бургулар чақнади. Антоний билан Эрос кириб келиша-
ётганларида рўбарўларидан кекса аскар чиқиб қолади.

А с к а р

Зафарни ёр қилсин сенга, албат худолар.

А н т о н и й

Ушанда мен ишонсайдим чандиқларингга,
Қуруқликда жанг қилардим душманим билан.

А с к а р

Ҳа. Ушанда атрофингдан жилмасди сира,
Мағлуб бўлган шоҳлар билан, бугун тонг саҳар
Қочиб қолган дилга яқин одамнинг бешак.

А н т о н и й

Тонг саҳарда? Қим бўлди у?

А с к а р

Қимлигин айтсам,
Яқин тутган одамингу, мабодо ҳозир:
«Энобарб» деб, чақирсанг гар, ажабмас шунда
Жавоб берса у Цезарнинг қароргоҳидан:
«Сенга хизмат қилмайман», деб.

А н т о н и й

Жинни бўлдингми?

А с к а р

Цезарь ёққа қочиб кетди.

Э р о с

Хукмдор, аммо
Қолиб кетган Энобарбнинг моллари бунда.

А н т о н и й

Қочдимми?

А с к а р

Ҳа! Бошим билан бераман жавоб.

А н т о н и й

Не қилардик, майли, Эрос, жўнатиб юбор
Топган-тутган нарсаларин битта қолдирмай.
Мактуб ёзиб, унда менинг алвидомни айт
Бахт тилайман, яна шундоқ умидим борки,
Хўжасини янгиламай хизмат этсин у.
Хатни тез ёз, унга ўзим имзо чекаман.
О, шум тақдир! Ҳалолларни қиласан хоин.
— Бора қолгин энди. Эрос. Эҳ, сен Энобарб!

Кетадилар.

6-САҲНА

Цезарнинг Искандария яқинидаги қароргоҳи.
Бургулар чалинади. Цезарь, Агриппа, Энобарб
шотирлари билан кириб келишади.

Цезарь

Жангни тезроқ бошламасак бўлмас, Агриппа,
Антонийни тириклайин қўлга олишни
Одамларга тайин қилгин.

Агриппа

Бажаргум албат.

(Кетади.)

Цезарь

Биз истаган кунлар қолди анча яқинлаб.
Шундан кейин соя ташлар зайтуни шохлари
Бу оламнинг бизга тобе уч бўлагига.

Чопар киради.

Чопар

Жангга кирди Антоний.

Цезарь

Тез Агриппага айт:

Қочқинларни қўйсин фақат олдинги сафга.
Ана шунда Антоний ҳам бутун қаҳрини
Сочгусидир нақ ўзининг одамларига.

Цезарь шотирлари билан кетади.

Энобарб

Алексас ҳам чиқди хоин, Антоний уни
 Юборганди бир иш билан Ёҳудияга,
 Боргандан сўнг, у Иродни хўп алдаб-сулдаб,
 Цезарь томон қочмоқликка кўндирди атай.
 Цезарь эса ажал билан сийлади уни.
 Канидийни дўстлари-ла олди хизматга,
 Бироқ сира ишонмайди, кўнгил эмас тўқ.
 Мен ҳам тутдим қабоҳатга юзим охири,
 Шу боисдан шодлик менга тамом бегона.

Цезарнинг аскарни киради.

Аскар

Ҳой Энобарб, юборибди сенга Антоний,
 Уша ерда не орттирган бўлсанг барини.
 Қўйган ўзин ҳадяларини. Чодирингга чоп,
 Туширмоқда юкларингни келган бир одам.

Энобарб

Ҳаммасини ўзинг олгин.

Аскар

Қўйгин ҳазилни.

Мен борини айтаяпман. Яхши бўларди,
 Гар кузатсанг ўша ёқдан келган одамни.
 Мен борардим, аммо имкон бермас хизматим.
 Ҳукмдоринг сахий экан нақ Юпитердай.

Э н о б а р б

Бу оламда ҳеч топилмас мендай палиди,
 Хўп биламан буни ўзим. Зўрсан, Антоний!
 Сахийлигинг йўқдир чеки, хиёнатни сен
 Олтин билан турганингда шунча эъзозлаб,
 Не берардинг бурчга содиқ ўз одамингга?
 Юрагимни алам қийнар, яқин орада
 Бу қийноқлар жондан жудо қилмаса борми,
 Топажакман бунинг осон ва аниқ йўлини.
 Аламим ҳам етар бунга, биламан аниқ.
 Антоний-ла олишайми? Йўқ, ундан кўра,
 Ахлат тўла бир ариқни топай қидириб,
 Уша ерда майли, ўлай. Ифлос қанча мўл —
 Бўлса шунча ярашгуси разил ўлимга.

Кетадилар.

7-САҲНА

Икки қароргоҳ ўртасидаги жанг майдони. Жанг шовқини. Бур-
 гулар ва ногоралар овози эшитилади.
 Агриппа саркардалар билан кириб келади.

А г р и п п а

Ичкарига хўп кирибмиз, қайтайлик энди!
 Ушбу жангда раҳнамодир Цезарнинг ўзи.
 Биз душмандан кутмагандик бунчалар зарбни

Кетадилар.

Жанг шовқини. Антоний билан яраланган Стар киради.

С т а р

Жанг жанглигин қилади-да, эй ҳукмдорим!
Биз шиддатли ҳамла билан ташлансак агар
Абжағини чиқарардик душманни зумда.

А н т о н и й

Ҳамма ёғинг беланибди қоп-қора қонга.

С т а р

Қўш жароҳат «Т» ҳарфидай бўлиб турганда,
Яна бир ўқ келиб тегиб унинг ёнига,
«Н» ҳарфига ўхшаб қолди.

А н т о н и й

Қочиб қолди-ку!

С т а р

Биз уларни ирғитамиз ифлос ариққа!
Бўш келмайман, баданимда соғ жойларим кўп,
Чидагайман ҳали қанча жароҳатларга.

Э р о с киради.

Э р о с

Тирақайлаб қочди душман, қўлимиз баланд,
Буни энди зафар деса ярашар жўла.

С т а р

Тиним билмай қилич солиб бормоқлик керак!
 Қўрқоқларни қуён қилиб қувсангиз борми,
 Топилмайди бундан яхши эрмак дунёда.

А н т о н и й

Менга маъқул келди сенинг хушчақчақлигинг.
 Ун баробар сенга берай инъомни ортиқ.
 Кетдик!

С т а р

Кетдик, бир оёқда бўлсак ҳам ҳатто!

Кетадилар.

8-САҲНА

Искандария деворининг ёнида.

Жанг шовқини эшитилиб туради. Антоний ва Стар қў-
 шинлари билан кириб келадилар.

А н т о н и й

Биз душманини улоқтирдик қароргоҳига,
 Қим бор бунда — маликага беринглар хабар.
 Қуёш ҳали жамолини кўрсатмай туриб,
 Биз душманнинг томирида қолган қонни ҳам
 Тирқиратиб, жонни олмай қўймаймиз албат.
 — Миннатдорман барчангиздан, азиз аскарлар,
 Зиммадаги бурчингизни тушунган ҳолда
 Матонатли жанг қилдингиз майдони ҳарбда.

Мен деганда, айладинглар жонларни нисор,
 Ҳар бирингиз Гектор янглиғ билмайсиз қўрқув
 Энди эса шаҳар бориб ором олинглар,
 Дўстларни-ю, хотинларни босиб бағирга,
 Жанглардаги жасурликдан сўзлаб беринглар.
 Қўзларидан тўккан севинч ёшлари ила
 Қонингизу терингизни ювсинлар улар,
 Жароҳатлар даволансин бўсалар билан.

(Старга.)

Қўлингни бер.

Клеопатра шотирлари билан киради.

Сўзлагайман ботирилингни

Сеҳр, жоду оламининг маликасига,
 Ўзи айтгай сенга чуқур миннатдорлигин.
 — Кел энди, эй бу оламининг гўзал эркаси,
 Зирҳ ўраган бўйнимга сол латиф қўлларинг.
 Бу шоҳона либосларинг ечмай бўлса ҳам,
 Бағримга кир, зирҳлар сира бўлмасин тўсиқ.
 Эшитгандим арабангнинг шўх шалдирашин.

Клеопатра

О, ботирим! Жасурларнинг сардори, нори!
 Мардоналик, довьораклик сенда мужассам!
 Ёвуз тақдир занжирларин парчалаб мағрур,
 Юзинг ёруғ, жангдан қайтдинг.

Антоний

Сайроқ булбулим!

Қўплар қолди ул жанггоҳда мангу ер тишлаб

Сочларимда кўринса ҳам оқлар, малагим,
 Ўйламагин, қудратимнинг бўлган манбан
 Ақлим бордир, ҳали ўзим йўқотганим йўқ,
 Олишаман манман деган йигитлар билан.

(*Старни кўрсатиб.*)

Мана шулдир чин қаҳрамон. Қилгил мурувват,
 Бер қўлингни, лабларига боссин эртароқ.
 — Қани, ўпгин, эй баҳодир!— Яхши жанг қилди,
 Одам зотин қирмоққа аҳд қилган бир худо
 Вужудига жойлашгандай қийратди кўпни.

К л е о п а т р а

Мендан сенга бўлар эъзоз, эй жасур дўстим,
 Подшоларнинг тилла сувли қурол-яроғи.

А н т о н и й

Ёқутларга сероб эди Феб араваси,
 Яроғлар ҳам қолишмасин безак бобида.
 Қўлни бергин менга, дўстим, Искандарияга
 Қилич, найза тешган ушбу қалқонларимиз
 Ғолибона юриш билан олиб кирайлик.
 Қўшинимиз, афсус, сизмас саройимизга,
 Сизса борми, ўтирардик ҳаммамиз бирга,
 Эртанги жанг шарафига сўнардик қадаҳ.
 Тақдиримиз ҳал этилар ушбу жангда ҳам.
 — Қани, чалинг энди, тинмай ҳой бурғучилар,
 Ногоралар бир кўтарсин шаҳарни бошга.
 Еру осмон шарафласин бу садо ила
 Жанг майдонин ғолиблари бўлган зотларин.

Кетадилар.

9-САҲНА

Цезарь қароргоҳи. Аскарлар соқчиликда туришибди. Энобарб киради.

Биринчи аскар

Урнимизга одам келар бир соатдан сўнг,
Келишмаса бориб хабар қилмоқлик даркор,
Кеча ойдин, субҳидамги соат иккида
Яна қайта жанг бўлади, деган гаплар бор.

Иккинчи аскар

Ростин айтсам, кеча бўлди ҳолимиз кўп танг.

Энобарб

Сен шоҳидим бўла қолгин маним, эй кеча!

Учинчи аскар

Ҳой, кимдир у?

Иккинчи аскар

Жим тур... Аста қулоқ солайлик.

Энобарб

Ой ҳам шоҳид эрур менга ҳозирги дамда!
Хоинларни нафрат билан авлодлар эслаб —
Қўйганида, тасдиқлагин: шўрбахт Энобарб
Пушаймон-ла сенга кўз ёш қилганлари-ю,
Уқинганин...

Биринчи аскар

Энобарбми?

Учинчи аскар

Жим бўл... Қулоқ сол.

Энобарб

Қайғу деган мамлакатнинг, эй ҳукмдори!
 Ушбу тунга хўп сочибсан оғуни тўплаб —
 Вужудимга эзиб сочгин,— майлига у жон,
 Тутқунликда яшагунча ўлгани афзал.
 Жиноятнинг тоши билан парчалаб юбор
 Аламлардан адо бўлган бу юрагимши,
 Чек қўйилар шунда барча ғаму андуҳга.
 О, Антоний, сенсан буюк одил тождор,
 Энобарб-чи, ғоят тубан, аблаҳ ва муфлис,
 Кечиргин сен кечиргандай одамни одам.
 Мен розиман майли, мени қўрқоқ хоинлар —
 Рўйхатига тиркасинлар сира аямай!
 О, Антоний!

(Улади.)

Иккинчи аскар

Чақирайми, нима дейсизлар?

Биринчи аскар

Қулоқ солиб турайлик-чи. Зора Цезарга
 Керак бўлган бирор гапни валдираб қолса.

Учинчи аскар

Майли, қара, ўхшайди-ку ухлаб қолганга.

Биринчи аскар

Ҳушдан кетган бўлса керак. Ётар олдидан
Ким бунчалар зўр ибодат қиларди, дейсан.

Иккинчи аскар

Уйғотайлик.

Учинчи аскар

Тур ўрнингдан, қимирласанг-чи!
Кимсан? Гапир!

Иккинчи аскар

Жавоб бер, ҳой! Эшитяпсанми?

Биринчи аскар

Ётар ўлим қучоғида.

Олисдан ногора товушлари эшитилади.

Қара! Ногора

Ухламоқчи бўлганларни аста уйғотар.
Бу ўликни топширайлик қоровулларга,
Ўйламагин, авомлардан деб уни.

Учинчи аскар

Кетдик.

Ажабмаски, бир оздан сўнг қолса уйғониб.

Аскарлар Энобарбнинг жасадини олиб кетадилар.

10-САҲНА

Иккала қароргоҳ оралиғидаги жанг майдони.
 Антоний ва Стар қўшинлари билан кириб келадилар.

Антоний

Денгизда жанг қилмоқликни кўзлашар улар,
 Билишади қуруқликда келмайди омад.

Стар

Денгиз билан қуруқликда жанг бўлмоғи ҳақ.

Антоний

Нақ осмону оташда ҳам жанг бўлса майли!
 Ҳар ерда ҳам қодирдирмиз зарба бермоққа.
 Қани энди ишга келсак. Пиёдаларни
 Тепаликка қўяжакмиз, шаҳарга яқин.
 Кемаларнинг бари чиқиб бўлган денгизга.
 Биз у ердан туриб яхши кузатсак бўлар
 Ғанимларнинг ҳар қандайин ҳаракатларин.

Кетадилар.

Цезарь қўшинлари билан қиради.

Цезарь

Жойингизда қимир этмай тураверинглар,
Улар ўзи то ҳужумга ўтмагунича.
Душман сара қўшинларни барин йўллади
Кема турган томонларга. Бизга зафар ёр.

Кетадилар.

Антоний билан Стар қайтиб киришади.

Антоний

Икки томон кемалари тўқнашди ҳозир,
Қарағайли тепаликдан кўринар бари.
Бораману, тезда қайтгум сенинг ёнингга.

Кетади.

Стар

Малиқанинг кемасининг арқонларига
Қалдирғочлар уя қўймиш. Авгурлар сокин,
Улар турқи, кўриниши хунук жуда ҳам.
Антоний ҳам гоҳида ҳуд, гоҳида беҳуд.
Куч-қувватдан қайтиб қолган, иқбол ҳам уни
Аввалгидай сал-пал боқиб, қилар умидвор —
Гоҳ зафардан, гоҳо эса роса қўрқитар.

Денгиз жангининг шовқини эшитилади.

Антоний қайтиб киради.

Антоний

Бу не қисмат! Бу не ҳолат! Жанг барбод яна!
Яна қилди бу мисрлик аёл хиёнат!

Барча кема қочиб ўтди душман томонга,
 Ана кўргин, қалпоқларин отиб осмонга
 Шаробхўрлик қилишмоқда аскарлар бирга.
 Ҳў, лаънати, сотқин, расво! Майда болага
 Мени сотиб юбординг-а. Юрагим энди
 Олишгуси хўп беаёв юрагинг билан.

(Старга.)

Қўшинларни қилгин озод. Мен энди фақат
 Жодугар-ла ҳисоб-китоб қила олсам бас.
 Ҳаммасига жавоб бериб, қутқар ўзингни.

С т а р кетади.

О, қуёшим! Энди асло қайтиб кўрмайман
 Тонг паллада ётоғингдан кўтаришинг бош.
 Қўлни-қўлга бериб ҳозир хайр-хўш қилар
 Иқбол билан Антоний ҳам шу дамда жадал.
 Биқинимдан нари кетмай, товоним ялаб,
 Нима десам фармонларим бажо қилганлар,
 Эндиликда шарбат янглиғ ёйилиб оқиб,
 Қўшилмоқчи бўладилар Цезарь тўпига.
 Барчасидан юксак бўлган бир кедр эса
 Пўстлоқлари тилинганча турибди яккаш,
 Мени сотиб юбординг-а, мисрлик маккор,
 Қуриб кетсин жодуларинг, расволигинг ҳам!
 Менга кўзинг тикканингда сеҳринг зўридан
 Жанг пайтида тушган эди қиличим қўлдан.
 Оғушингни ҳар нарсадан қўярдим устун,
 Истакларим тожи билан муддаом, дердим!
 Мана энди ишга солиб бор айёрлигин
 Мени забун, хароб этди бу лўливачча!
 Ҳозир эса ғирт гадоман.— Эрос! Ҳой, Эрос!

К л е о п а т р а киради.

Эй, алвасти! Сенми? Йўқол!

К л е о п а т р а

Недир гуноҳим,
Ғазабингни сочиб қолдинг муҳаббатингга?

А н т о н и й

Қоранг ўчир! Мен ҳозироқ қонингни ичиб,
Цезарнинг бор хурсандлигин қиламан барбод.
Зўр бўларди, Цезарь сени қора халқига
Эрмак учун эртаю кеч қилса сазойи.
У ўтирган аравадан кейинда ўзинг
Аёл шаънин хўп таҳқирлаб юрсанг судралиб.
Кўрсатишса арзимаган сариқ чақага
Ҳар қадамда санғиб юрган ҳар бекорчига.
Октавия етар эди ўз орзусига
Тирноқлари тигдай ботгач жирканч юзингга.

К л е о п а т р а кетади.

Хайриятки, кетдинг ҳозир фойдангни кўзлаб,
Бу дунёда топиларми наф деган нарса?
Ғазабимда қўйганимда сени ўлдириб,
Кўп ажалдан сақлармидим сени бегумон.
— Ҳой, Эрос! Ҳой! Эгнимда бор Несс берган
кўйлак,
Қувват бергин, ҳой Геркулес, мадад қил, суя!
Қулни ҳозир отсам дейман ой ўроғига,
Сенинг зилдай гурзинг билан йўқотмоқчиман
Бу дунёда ўзим азиз кўрган нарсани.
Алвастига ўлим! Мени сотди гўдакка...

Қурбониман фитнанинг мен. У эса энди
Буving учун дучор бўлур ўлимга! Эрос!

11-САҲНА

Искандария. Саройдаги бир хона.
Клеопатра, Хармиана, Ирада, Мардиан ки-
риб келадилар.

Клеопатра

Тезроқ, тезроқ! Ердан беринг! Дарғазаб жуда,
Шиддати зўр қалқон тутган Теламондан ҳам,
Фессалия тўнғизидай ғазабкор, ёмон.

Хармиана

Кириб олгин хилхонага, асра ўзингни,
Антонийга айтажакмиз сени ўлди, деб.
Хукмдорнинг тарк этмоғи улуғворликни,
Жони тандан чиқмоғидан анча мушкулроқ.

Клеопатра

Ҳа, қочайин хилхонага.— Сен-чи, Мардиан,
Тезда бор-да Антонийнинг ҳузурига, айт:
Клеопатра қасд қилди ўз жонига ўзи.
Ўлаётиб айтди бир сўз фақат — «Антоний».
Бориб тезда тушириб қўй уни ҳовридан,
Сўнг айтарсан не кўйларга тушганин унинг,
Югур тезроқ.— Хилхонага чопайлик энди.

Кетадилар.

12-САҲНА

Уша жой. Бошқа бўлма.

Антоний билан Эрос кириб келадилар.

Антоний

Қаршингдаги Антонийми, ё бошқа биров?

Эрос

Сиз ҳукмдор, Антонийсиз.

Антоний

Гоҳо булутлар

Бирдан кириб қолгусидир аждар тусига.
Қуюқ тортган буғлар гоҳо қолади ўхшаб,
Айиқ, арслон ёки қалъа деворига, ё —
Эгилган бир қоя ёки тоғлар қатига,
Ё бўлмаса ўрмон босган яшил тепага.
Ҳаво шундай алдаб қўяр кўзларимизни.
Оқшом ғира-ширасида кўрганинг борми?
Шундайини бир мўъжизани?

Эрос

Ҳа, ҳукмдорим.

Антоний

Кўз олдингда турган бир от, ўшал лаҳзада
Булутларнинг сингиб кетиб тезда қаърига,
Сувга тушган томчи янглиғ кетар кўринмай.

Эрос

Шундай бўлиб турар баъзан.

Антоний

Меҳрибон, Эрос,
 Ҳозир мен ҳам бир шарпаман, шундай омонат.
 Рост бўлса-да, менинг ҳозир Антонийлигим,
 Эриб-тугаб бормоқдаман. Наҳот Миср деб,
 Уруш қилган бўлсам-а мен? Малика эса
 (Юрагини бағишлаган девдим ўзимга,
 Уйловдимки, унга мафтун юрагим каби
 Гумдон бўлган миллионларча юракка ўхшаб.)
 Найрангларни ишга солиб, қилиб айёрлик,
 Душманим-ла тил топишиб пинҳон ва зимдан
 Шон-шаънимни пуллаб, унга олибди зафар!
 Қўй, йиғлама, эс-ҳушим ҳам ўзимда экан,
 Қандай ўлим танламоққа етади кучим.

М а р д и а н киради.

Менга қара, ўғирлабди ўшал маликанг
 Қиличимни.

Мардиан

Асло бундай дема, Антоний.
 Севар эди маликамиз сени бағоят,
 Тақдирини қўшган эди тақдирингга ҳам.

Антоний

Овозингни ўчир, сурбет! Даф бўл кўзимдан!
 Менга қилди зўр хиёнат ёвуз маликанг.
 Бунинг учун жони кетар.

М а р д и а н

Инсон икки бор

Жонин сира нисор этмас, ўлолмайди ҳеч.
Узилгандир малика ҳам ушбу қарзидан.
Истакларинг бўлди бажо, қийнама ўзинг.
Мана унинг ўлаётиб айтган сўзлари:
«Шон-шавкатли мард Антоний! Мардим Антоний!»
Кўзин юмиб кетар экан, малика абад
Юрагига жо айлади, исминг такрорлаб
Ўзи билан олиб кетди нариги дунёга.

А н т о н и й

У ўлдими?

М а р д и а н

Ҳа, дунёдан кўз юмиб кетди.

А н т о н и й

(Эросга)

Ечиб олгин энди қурол-яроғларимни,
Ишларим ҳам битди бари, бўлар ухласам.

(Мардианга.)

Омон-эсон қолганингга қилгин шукурлар,
Шунинг ўзи, билсанг, сенга улкан мукофот.

М а р д и а н кетади.

Ечиб олгин!— Аяксинг бу етти қават
 Қалқонлари мени асло сақлаб қололмас
 Нақ бошимга тушаётган бу кучли зарбдан.
 Вақт етди. Ёрил, кўкрак! Гавдам, юрак ҳам
 Гар маҳкамроқ кўринса-да, сендан мустаҳкам,
 Тез парчалаб ташла уни!— Нега сен, Эрос,
 Имиллайсан гўё ҳолдан тойган одамдай!
 Умримда кўп жанглар қилдим. Хуш қолинг энди.
 Жангда ёвдан хўп асраган тиг-яроғларим!
 Қошингизда доим менинг ёруғдир юзим.

Э р о с кетади.

Жудолик ҳам кўпга бормас, ҳа, Клеопатра.
 Кўз ёш тўкиб, сендан узр сўрамоқ учун,
 Тезда тушиб мен изингдан олгайман етиб.
 Имилласам — катта азоб, керак шошилмоқ,
 Чироқ ўчиб қолгандаёқ, лозим ухламоқ.
 Курашмоқдан ҳеч маъни йўқ, бари беҳуда,
 Ўз қудратинг ўз жонингни маҳв этар холос.
 Тамом энди. Фақат муҳр босса кифоя.—
 — Қайдасан, ҳой Эрос!— Мен ҳам кетдим, малика!
 — Ҳой, Эрос!— Ҳой бир оз тўхта, севгилим, маним,
 Қўл ушлашиб икковимиз киргаймиз албат
 Жаннатилар сайр этажак ўшал маконга.
 Ана шунда бизни қуршар, арвоқлар шодон
 Шунда бизлар Дидона ҳам Эней гуруҳин
 Узимизга оғдирамиз.— Эрос! Ҳой Эрос!

Э р о с киради.

Э р о с

Не истайди, ҳукмдорим, айлаини бажо.

А н т о н и й

У ўлсаю мен қолсам — ғирт номуссизлик бу.
 Худоларнинг қазабига қолиб кетмайин.
 Бу қандай гап! Қиличи-ла дунёни қайта
 Қурган ҳамда денгизларни чўнг кемаларга
 Тўлдирворган соҳибқудрат мендай бир одам
 Мардликка паст кетиб турса аёл олдида,
 Билинмаса сабот, руҳин улугворлиги!
 У ўлимни тахлаб ахир дебди ажалга:
 «Ўз-ўзимдан енгилдим мен, бировдан эмас!»
 Эсла, Эрос, онт ичгандинг, мабодо бирдан
 (Мана ҳозир ўша нарса бўлди-ку содир.)
 Шармандалик, тавқи ланъат тушса бошимга,
 Лйтганимни ўшал замон қилгайсан бажо:
 Бир зарб билан ўлдиргайсан. Фурсати етди,
 Ўзингни бос, мутлақ мени ўлдирмайсан сен,
 Расвосини чиқаргайсан Цезарь базмини.

Э р о с

О, худолар! Асрадингиз жангларда мени,
 Мўлжалланган қанча-қанча ўқлардан роса,
 Наҳот энди одамзодга кўтарсам қўлим?

А н т о н и й

Ё томоша айламоқлик афзалми сенга
 Ҳов, Римдаги деразамнинг тагида туриб:
 Икки қўли боғлиқ бўлган ҳукмдорингнинг
 Уятдан бошин ердан узолмай сира,
 Мағрур Цезарь орқасидан судралишини?
 Ғалабадан масрур бўлган Цезарнинг ахир
 Абгор бўлган асирини мазахлашини?

Э р о с

Иўқ, йўқ, асло!

А н т о н и й

Ундай бўлса, шайлан, биродар!
Бир зарб етар — ўша менга бўлғуси шифо!
Ватан учун кўп хизматлар қилган элпарвар
Қиличингни яланғочла қайтадан яна.

Э р о с

Раҳм-шафқат қилгин менга, ҳашматмаобим!

А н т о н и й

Сени буткул озод қилиб, берганимда эрк
Илк буйруғинг адо этгум, шаксиз муқаррар —
Дея менга сўз бергандинг. Энди, ижро қил
Галга солсанг илгариги хизматларинг ҳам
Сувга оқар. Қани энди қиличингни ол!

Э р о с

Мангу шараф янглиғ балқиб кўзни олгулик
Нурли юзинг четга буриб тургин ақалли.

А н т о н и й

Майли шундай бўла қолсин.

Э р о с

Мана... Қиличим.

А н т о н и й

Қани, бажар, зиммангдаги ўшал юмушни.

Э р о с

Мурувватли хўжам, раҳбар, улуг сардорим,
Сенга ўлим зарбин ҳозир етказмай туриб,
Ижозат бер «Узр» сўзин дадил айтмоққа.

А н т о н и й

Хайр, Эрос.

Э р о с

Алвидо, эй шавкатли сардор!
Ижозатми энди қилич солмоққа?

А н т о н и й

Ҳа, ҳа!

Э р о с

Ундай бўлса...

(Узини қилич устига ташлайди.)

На чорам бор, ақалли шунда.
Кўрмайман-ку Антонийни ўлик ҳолида.

(Улади.)

А н т о н и й

Олижаноб инсонликда тургайсан юксак,
 Жуда яхши сабоқ бердинг, довюрак Эрос.
 Сен, маликам, сен ҳам менинг қуrolдош дўстим,
 Жасурликда ҳаддан зиёд бўлдинглар ибрат.
 Ушбу дамда ўлим билан унашганим рост.
 Энди бўлса, Эрос, мендек бир ҳукмдоринг
 Сенга шогирд сифатида бергусидир жон.
 Жонни нисор этмоқликни ўргатдинг менга,
 Шундай қилай энди.

(Қиличга ўзини ташлайди.)

Нима? Тирикманми мен?
 Ҳой соқчилар! О... Келинглр, ўлдинг тезда!

Д е р к е т билан соқчилар келишади.

Б и р и н ч и а с к а р

Нима шовқин бўлар бунда?

А н т о н и й

Чаладир ишим
 Утинаман, қолганини тугалланг, дўстлар.

И к к и н ч и а с к а р

Юлдуз сўнди.

У ч и н ч и а с к а р

Бўлар энди қиёмат-қойим.

Ҳаммалари

О, мусибат!

Антоний

Ҳурматларим ҳаққи, ўлдилинг.

Биринчи аскар

Қўлим бормас.

Иккинчи аскар

Мен ҳам.

Учинчи аскар

Ҳеч ким уdda қилолмас

Аскарлар кетишади.

Деркет

Шум тақдир ҳам шум ўлимнинг бўлиб омухта,
Қочиб қол, деб уқтирмоқда одамларингга.

(Антонийнинг қиличини кўтаради.)

Бу қиличу Антонийнинг ўлган хабари
Иўл очади менга Цезарь томон, албатта.

Дномед киради.

Диомед

Қаердадир, Марк Антоний?

Деркет

Манов ерда у.

Диомед

Жони борми, тирикми у? Толқонинг борми?
Нега жавоб бермай туриб қолдинг саррайиб?

Деркет кетади.

Антоний

Диомед,
Утинаман, қилич солиб ўлдир, Диомед.

Диомед

О, шавкатли раҳнамойим, бу ерга мени
Юборганди Клеопатра хабар олгани.

Антоний

Гапир, қачон?

Диомед

Ҳозиргина.

А н т о н и й

Қаерда ўзи?

Д и о м е д

Паноҳ қилган подшоҳларнинг хилхонасин у,
 Бунда ҳозир бир фалокат рўй берганини
 Сизганидан юрагига тушган ғулғула:
 Хиёнатда айблабсан уни беҳуда,
 Ғазабинг ҳам ўшал онда сўнмасди сира;
 Малика ҳам буни яхши тушунганидан,
 Чиқарувди ёлғондакам ўзини ўлдига.
 Оқибатда хунук чиқиб қолишдан қўрқиб,
 Мени сенга йўллар экан, буюрди атай
 Сирдан воқиф этмоқликни, кеч қолдимми ё?

А н т о н и й

Кеч қолдинг, ҳа, кечроқ қолдинг, софдил Диомед.
 Айтганим қил, соқчиларни чақиргин тезроқ.

Д и о м е д

Ҳой, ким бор? Ҳой! Саркарданинг соқчилари, ҳой!
 Тезроқ келинг! Сизни йўқлар шонли Антоний.

С о қ ч и л а р к и р и ш а д и .

А н т о н и й

Хизмат қилинг, сўнгги марта, дўстларим, менга:
 Клеопатра ҳузурига элтинглар жадал.

Биринчи аскар

О, мусибат! Нечун бизнинг ҳукмдоримиз
Кетмоқдадир бу дунёдан, қолиб бошқалар?

Антоний

Рухан тушиб, хурсанд қилманг, эй сафдошларим,
Меҳрибонлик нелигини билмас тақдирни.
Табассум-ла қарши олиб унинг зарбини,
Етказасиз шунинг билан хўп аёвсиз зарб,
Қани энди кўтаринглар. Мен ҳам сизларни
Бошлаганман кўп жангларга. Навбат сизларга,
Юким энди елкангизда. Раҳмат барига.

Соқчилар Антонийни кўтариб чиқиб кетишади.

13-САҲНА

Ўша жой. Шоҳлар хилхонаси.

Тепадан Клеопатра, Хармиана ва Ирада кириб
келадилар.

Клеопатра

Хармиана! Менинг куним битиб, шу ерда
Насиба ҳам тугар дейман.

Хармиана

Ўзингни бос, қўй.

Клеопатра

Йўқ, йўқ, буни истамайман. Не бўлса бўлсин,
Барчасига тайёрдирман, гирифтор ўзим.

Тасаллини сира-сира тиламас кўнглим.
Кулфатим-ку оғир, гам ҳам шунга яраша,
Тасаллига бўй бермайди.

Пастдан Диомед киради.

Гапир! Ўлдимми?

Диомед

Жонни ҳали ҳалқумида, ўлим шарпаси
Кўлкасини солмоқдадир устига. Ана
Келишмоқда олиб уни бунда аскарлар.

Пастда Антонийни кўтариб киришадиган аскарлар кўрилади.

Клеопатра

О, қуёшим! Тилка-пора ер-осмоним ҳам!
Зулмат энди қопламишдир бутун жаҳонни.
О, Антоний! О, Антоний, Антоний!.. Севгим!
Бу ён келинг! Хармиана, қарашсангиз-чи,
Ҳой Ирада, қаердасан, жадал элтинглар,
Олиб чиқинг тепага тез.

Антоний

Тилсиз сукунат!

Антонийни Цезарь эмас йиқди Антоний,
Зўр ғалаба қозонди у ўзин устидан.

Клеопатра

Антонийни енгар эди Антоний ўзи.
Шундоқ эди, шунақа, ҳа... Қуриди шўрим!

А н т о н и й

Маликам... О... Менга ҳозир маҳталдир ўлим.
 Гарчи ақиқ лабларингдан ўпиб минг бора,
 Роҳату завқ қилганимга қарамай сўнг бор
 Упмоқ учун турибман-ку умримни чўзиб.

К л е о п а т р а

Узр, пастга тушолмайман, кечир, севгилим,
 Иложим йўқ, истамайман тушмоқни қўлга.
 Турса ҳамки Цзарга ёр бўлиб зафарлар,
 Клеопатра бўлолмайди базмига безак.
 Турар экан қайрилмасдан ханжарнинг дами
 Ҳамда зумда ўлдирувчи илоннинг заҳри,
 Ҳеч нимадан тап тортмайман, чўчимайман ҳам.
 Мўмин-қобил Октавия хўмрайиб боқиб,
 Нафрат билан ғазаб-заҳрин роса сочса ҳам...
 Қани, қани, бунда келгин, жоним Антоний!
 — Ҳой, қизлар, ҳой биродарим, даст кўтаринглар,
 Олиб чиқинг!

А н т о н и й

Тезроқ бўлинг. Жоним чиқади.

К л е о п а т р а

Қўлларимда кўтарган ҳам вақтларим бўлган,—
 Билмас эдик илгари биз бундай эрмакни,
 Қанчалар зил-замбилдирсан, менинг севгилим!
 Қудратинг ҳам вазиларга айланган дейман,
 Нақ Юнона бўлганимда, сени албатта
 Кўтарарди Меркурий ҳам осмон-фалакка.

Юпитер ҳам ёнгинангда бўларди бирга.
Шундай, шундай. Қўп бўлмагур хаёллар эса
Тентакларга муносибдир, хосдир ҳар маҳал.
— Қани, қани, бу тарафга элтинглар тезда.

Антонийни юқорига олиб чиқишади.

Улимингни топишинг ҳақ ҳаёт бор жойда,
Бўса билан сенга, жоним, жон қилай ато.
Қани энди бўлолсайди қудрат лабларда,
Улим деган нарсани ҳеч қўймасдим сира.

Ҳ а м м а л а р и

О, мусибат!

А н т о н и й

Улмоқдаман... Уламан...

Бирор қултум шароб бергин. Айтмоқчиман гап...

К л е о п а т р а

Йўқ, йўқ, навбат келган менга. Айтаман ўзим,
Минг-минг лаънат бизни хазон қилган Тақдирга.
Чил-чил бўлсин, мажақлансин чархи кажрафтор.

А н т о н и й

Шошма, жоним... Сен Цезардан илтимос этгил,
Тинч қўйишин ҳаётингу номус-орингни.

К л е о п а т р а

Икковини кўрмоқ мушкул эрур бир ерда.

А н т о н и й

Қулоқ солгин, сен дилдорим. Сира ишонма
 Цезарь деган зотга яқин бирор кимсага.
 Фақатгина Прокулей...

К л е о п а т р а

Цезарчиларга

Ишонмайман сира. Фақат суянарман мен
 Шиддатимга, ўз кучимга, шу қўлларимиз.

А н т о н и й

Тўкаверма кўз ёшингни битса ҳам куним.
 Бахтли кунлар хотираси берсин тасалли,
 Якка ўзим ер юзининг ҳукмдорлари
 Орасида улуғвори бўлганим эсла.
 Шармандали ажал мени ютганича йўқ,
 Бошдан олмам дубулгамни мен қўрқиб-нетиб,
 Жангда голиб ганимимга тиз ҳам чўкмадим.
 Ҳалол жангда жонни фидо этган римликдай
 Ўлимга ҳам юзим тутдим ҳалол ва мағрур...
 Жоним энди узилмоқда... Кетар мадорим..

К л е о п а т р а

Наҳот мени ташлаб кетсанг, эркаклар нори?
 Не қилайин бу оламда сенсиз тентираб?
 Менга энди офил билан тенгдир бу дунё,
 Тоқатим йўқ унга сира.

Антоний жон беради.

Қизлар, қаранглар!

Вафот этди бу оламнинг буюк султони:
 — О, севгилим!— Сўлди зафар гулин япроғи!
 Одамзод ҳам бамисоли эси кирмаган
 Ҳеч нимани билмайдиган ўсмир сингари.
 Қаҳрамонлик деган нарса кўрмайсиз энди,
 Энди тунда ёғдусини сочгувчи ой ҳам
 Ҳеч нарсани кўрмас ерда.

Х а р м и а н а

Бекачим менинг!

Ундай деманг!

И р а д а

Ўлгандай у.

Х а р м и а н а

Маликам менинг!

И р а д а

Малика!

Х а р м и а н а

Оҳ, маликам! Оҳ, бекачим менинг!

И р а д а

Мисрликлар паноҳию улкан бекаси.
 Ҳукмдори!

Х а р м и а н а

Жим!.. Ирада, жим бўлинглар, жим!

К л е о п а т р а

Малика деб атаманглар, аёлман халос,
Бамисоли бир молбоқар сезаман ўзим,
Қани энди худоларнинг башарасига
Тожу тахтим улоқтириб берсам бақириб:
Дил гавҳарим ўмардинглар, юлиб олдинглар,
Гавҳар ила ўзим ҳам нақ маъбуда эдим.
Кулфат энди гажимоқда қутурган итдай,
Қолмай мадор, бу танимда битди тоқатим.
Шум ўлимнинг масканига шундай, берухсат
Қирмоқликнинг наҳот энди бўлса гуноҳи?
— Нима бўлди, сизларга ҳой, жоним қизларим?
Қўлга олинг ўзингизни! Хармиана, ҳой!
О, жонимдан азизларим! Олам зимистон,
Гўё қуёш тамом ботиб кетган ҳечликка.
— Кўрсатинглар довьораклик, қани, аскарлар,
Сардоримиз кўмайлик зўр ҳурматлар билан.
Ундан кейин мард баҳодир римликлар мисол
Ажални ҳам ўйнатамиз, очдириб қучоқ.
Қудратли руҳ парвоз қилган, жавлонлар урган,
Бадан деган бу буюм ҳам унсиз ва совуқ!
Дўстдан ортиқ бўлган инсон етди манзилга,
Энди эса боражакмиз унинг изидан.

Антонийнинг жасадини кўтариб чиқиб кетишади.

БЕШИНЧИ ПАРДА

I-САҲНА

Цезарнинг Искандария яқинидаги саройи.

Цезарь, Агриппа, Долабелла, Меценат, Галл,
Прокулей ва бошқалар кириб келадилар.

Цезарь

Долабелла, айтгин унга, бўлсин тез таслим,
Енгилгани аниқ-равшан, қаршилиқдан ҳеч
Чиқмагай наф.

Долабелла

Буни адо этаман, Цезарь.

(Кетади.)

Деркет қўлида Антонийнинг қиличини кўтариб киради.

Цезарь

Кимсан ўзинг? Қўлда қонли қилич кўтариб,
Қандай журъат этдинг бунда кириб келмоққа?

Деркет

Исмим Деркет. Умрим бўйи ҳалоллик билан
Антонийга хизматимни қилдим аямай,

Бу борада бошқаларни қолдирдим ортда.
 Оёғида юриб, тили сўзлаб тургунча
 Хўжам дедим, айтганларин айладим бажо,
 Душман билан олишганда аямадим жон,
 Мени олсанг хизматингга садоқат билан
 Бор кучимни аямасдан сарфлагум бешак.
 Йўқ десанг гар жоним турар ҳозир қўлингда.

Цезарь

Бу гапларда не маъно бор?

Деркет

Антоний ўлди.

Цезарь

Ишонмайман. У қуласа борми, ваҳмаси
 Бу оламни кўтарарди мутлоқ бошига.
 Замин бунда таг-тагидан келиб ларзага,
 Ирғитарди саҳроларнинг шерларин бир-бир,
 Шаҳарларнинг тахтиравон кўчаларига,
 Бориб тушган бўлардилар шерлар инига.
 Оддий инсон ажалимас унинг ажали.
 Сабаби бор. Очиқ айтсам, «Антоний» исми
 Бу дунёнинг ярми деган маънони берар.

Деркет

Шундай. Бироқ унинг энди ўлгани тўғри,
 Жонин олган ҳаққоният найзаси эмас,
 Ё бирорта йўлтўсарнинг ҳаром ханжари.
 Тарихга зўр ишларини қайд этган қўли

Мард юракнинг амри билан иш тутган ҳолда
Пора қилди шу юракни. Мана, кўринглар,
Жароҳатдан тортиб олдим ушбу қилични,
Қотиб қолган унда ҳозир табаррук қони.

Цезарь

Бу хабардан маъюс тортиб қолдинглар, дўстлар!
Қасам ичиб айтаманки, худолар ҳаққи,
Бунга йиғлар подшолар ҳам.

Агриппа

Буни қарангки,
Юксак мақсад чиққанида рўёбга энди,
Кўз ёш тўкмоқ лозимлигин айтмиш табиат.

Меценат

Антонийнинг фазилату бор қусурлари
Бир-бири-ла олишарди тинмай, дамо-дам.

Агриппа

Жам бўлишди унда, рости, зўр фазилатлар;
Иллатларни эса бизга бермиш худолар,
Худо эмас, инсон қилиб яратмоқ учун.
Цезарь жуда изтиробда!

Меценат

Рўбарўсида
Пайдо бўлган жуда улкан кўзгуда, ҳозир
Ўзин қандай одамлигин кўрмоқда.

Цезарь

Эвоҳ,

Шундай куйга солдимми, а, Антоний, сени!
 На чораки, танимизни ўзимиз тилиб
 Жароҳатлар очмоқликка бўлсак ҳам мажбур?
 Икковимиз бу оламга қолдик сиғишмай,
 Биримизнинг ўлишимиз турган гап эди.
 Таъзиянгни кўз ёш тўкиб ўтказгум ўзим,
 Ҳар томчи ёш юрагимнинг қони мисоли.
 Ижозат бер, ҳамкориму ҳамбиродарим,
 Ҳукмронлик ишларида раҳнамо эдинг.
 Сафдош эдинг менга доим майдони ҳарбда,
 Вужудимнинг ярми эдинг, жоним бўлаги.
 Тўғри келмай айирдилар ўшал юлдузлар,
 Қабул айла қайғумни сен, мусибат чексиз.
 — Ҳозир эмас, бошқа фурсат айтиб берурман
 Барчасини битта қўймай сизга дўстларим.

Чопар киради.

Айтмаса ҳам бир сўз, билгум унинг юзидан
 Келтирганин қандай хабар.— Сен ким бўласан?

Чопар

Мисрликман. Клеопатра, менинг маликам,
 Хилхонадир ҳозир унинг ёлғиз паноҳи.
 Ўша жойда қимир этмай кутар буйруғинг,
 Тақдирининг не бўлишин билмоқ истайди.

Цезарь

Бориб айтгин, қўрқувларни тарк этсин мутлоқ,
 Кўп ўтмайин бориб бирор яқин одамим,

Айтар унга: «Кўражаксан хуш муомала,
Кўяжакмиз ҳурматингни жойига албат».
Бераҳмлик ярашмайди Цезарь шаънига.

Ч о п а р

Худолар ҳам ёрлақагай сени абадий.

(Кетади.)

Ц е з а р ь

Бориб айтгин, Прокулей, маликага тез,
Таҳқирламоқ ниятим йўқ сира кўнгилда.
Тилга нима келса қайтмай қилавер ваъда,
Мағрурликни қўлдан берма, тагин малика
Қасд қилмасин, эҳтиёт бўл, ўзини жонига,
Мўлжалдаги ишларимиз бузиб қўймасин.
Тирик ҳолда элтсак борми биз уни Римга,
Зафаримиз абадиян бўлмайди унут.
Сен буларни маликага айтгину тезда
Олиб келгин жавобини.

П р о к у л е й

Бошим устига.

(Кетади.)

Ц е з а р ь

Уша ёққа сен ҳам жўна, Галл.

Г а л л кетади.

Долабелла!

У ҳам бирга бора қолсин.

А гр и п п а б и л а н М е ц е н а т

(бараварига)

Ҳой, Долабелла!

Цезарь

Ҳожати йўқ, эса тушди топшириқ билан
 Юборганим, келиб қолар зум ўтмай бунда.
 Энди эса қодиримга қараб юринглар,
 Кўрсатаман қўлимдаги бор мактубларни.
 Ушанда сиз ишонасиз босиқлигимга,
 Жанг истамай тинчлик кўзлаб юрганларимни.
 Хоҳишим-ла, мен қилмадим жангни ихтиёр,
 Қани энди, кетдик дўстлар, қолманглар ортда.

Кетадилар.

2-САҲНА

Искандария. Шоҳлар хилхонаси.
 Теладан Клеопатра, Хармиана ва Ирада чиқиб
 келишади.

Клеопатра

Бахтсизликлар бермоқдадир ҳаёт сабогин,
 Аянчлидир менга ҳозир ҳукмдор Цезарь:
 У тақдирдан зўр келолмас, қулдир қисматга,
 Бажаради тақдир азал буйруқларини.

Иродасни фармони-ла баридан кечган,
 Тасодифни жиловлаган инсон улуғвор,
 Гадо билан подшоҳларни бирдай боққувчи
 Гўнг ҳидидан кўзин юмиб йўқликка кетган
 Одамзоддан зўр, улуғи топилмас сира.

Пастдан Прокулей, Галл ва аскарлар киришадн.

Прокулей

Салом йўллар Цезарь Миср маликасига,
 Утинади билмоқ бўлиб истакларини,
 Хурсанд бўлар, малика ҳам айтса бемалол.

Клеопатра

Исминг недир?

Прокулей

Прокулей, дейдилар мени

Клеопатра

Тилга олиб сенинг номинг Антоний менга,
 Шу одамга ишонавер, деганди бир кун.
 Ёлгон энди даҳшатини менга сололмас,
 Путур кетган ҳалолликдан. На чора энди,
 Ҳукмдоринг истаса гар, сўрашим садқа,
 Бориб айтгин, ярашмайди ҳукмдорларга
 Подшоҳликдан бери бўлмиш садқа сўрамоқ.
 Шу боисдан ҳадя қилса менинг ўғлимга
 Забт этилган Миср мулкин бутунлай, буткул,
 Ўз мулкимни ўзгинамга қайтаргани-чун
 Қилар эдим мен тиз чўкиб, ҳаққига дуо.

Прокулей

Қўрқма асло, ихтиёринг ҳукмдордадир,
 Ишонавер Цезарга сен астойдил, дилдан.
 Раҳм-шафқат жой олгандир кўнглин тўридан,
 Хуш кўради хоксорларга қилмоқ мурувват.
 Рухсатинг-ла бориб айтай унга бугуноқ
 Ишонишинг ҳукмдорнинг ҳимматларига.
 Голибкоринг ўнглаб қўйиб букик қаддингни,
 Утинади, қайтармагин қўлини сира.

Клеопатра

Бош эгаман ҳукмдорнинг бахт-иқболига,
 Тан оламан қудратини, албат бориб айт,
 Измидадир бугун мана, буюк салтанат,
 Тобе этмоқ санъатига қойил ҳам бўлдим,
 Узин кўрмоқ истаги ҳам бордир қалбимда.

Прокулей

Ҳаммасини етказаман, тўқ қил кўнглингни,
 Гар бўлса ҳам у сабабкор кулфатларингга,
 Ҳамдард эрур шу фурсатда билгил, малика.

Прокулей билан иккита аскар хилхонанинг тепасига нарвон
 қўйиб чиқиб, Клеопатрани ўрашади. Бошқа аскарлар эшик
 тамбаларини олиб, очишади.

Галл

Кўп қийналмай маликани туширдик қўлга,
 Энди Цезарь келгунича қўриқласак бас.

(Кетади.)

Ирада

Буюк малика! Ҳой!

Хармиана

Ҳой, Клеопатра!
Атрофингни ўраб олди душманлар, ана!

Клеопатра

(ханжарни олади)

Тез бўл, қўлим!

Прокулей

(уни қуролсизлантиради)

Шошилмагин, малика, тинчлан!
Сабр қилгин, етказмагин зарар ўзингга.
Сени сотмай қутқарганман.

Клеопатра

Нақ ўлимдан-а?
Мени ҳозир маҳрум қилдинг ҳатто ярадор
Итга насиб бўладиган мурувватдан ҳам.

Прокулей

Қасд қилгудай бўлсанг борми ўз жонингга сен,
Урар эдинг ерга Цезарь сахийлигини.
Цезарь, қандай юмшоқлигин қўйсинлар билиб,

Ўлиб кетсанг, жумла-жаҳон қоларди билмай,
Цезарь қандай одамлигин.

К л е о п а т р а

Қайдасан, ўлим?
Тезроққина жонимни ол! Зерикмадингми,
Чангал солиб гадоё билан гўдакларга сеп?
Мана энди, олавергин малика жонин!

П р о к у л е й

Сабр билан бардошга зўр бергин, маликам.

К л е о п а т р а

Энди менга бегонадир хобу ноз-неъмат,
Шу тариқа жонимни ҳам қиламан нисор.
Цезарь энди тортса ҳамки қанча ташвишлар,
Мен занжирбанд ҳолда бўлмам унга кўндаланг.
Октавия энди менга уюб қовоғин,
Маҳрум бўлар қилмоқликдан тўйиб томоша.
Бўлолмайман жавлон урган римликлар аро
Ҳам масхара, ҳам кулги-ю, ҳамда сазойи.
Жасадимни тезда элтиб кўмсинлар майли,
Шаҳри Римда машҳур бўлган расво ариққа!
Ташласинлар майли мени Нил лойқасига,
Устимдаги либосларим қилсинлар пора!
Мени талаб пашшалару сўналар бари,
Титигимни чиқарсинлар, она юртимнинг
Бир эҳроми дорим бўлсин, минг-минг розиман
Қўл-оёқда қишан билан оссинлар унга!

Прокулей

Қандай ҳадик сени қийнар, билолмам сира,
Ахир Цезарь қўрқитган йўқ сени.

Долабелла киради.

Долабелла

Прокулей,

Хабари бор ҳукмдорнинг бўлган ишлардан.
Чорламоқда ҳузурига сени, боргин тез,
Маликани қолдирасан менинг қўлимда.

Прокулей

Гапинг маъқул, Долабелла. Бўлма сира қўрс.

(Клеопатрага.)

Нима деяй Цезарга мен? Етказгум унга.
Айтавергин тортинмасдан.

Клеопатра

Истагим — ўлмоқ.

Прокулей билан аскарлар кетишади.

Долабелла

Мен ҳақимда гап кетганда шу чоққача ҳеч
Бирор марта эшитганинг борми?

К л е о п а т р а

Билмадим.

Д о л а б е л л а

Билмоғинг шарт эди мени.

К л е о п а т р а

Наҳотки, ҳозир

Бўлса бирор зарурати билганларимнинг?
Сизларга-ку тушда кўрган нарсаларини
Айтишганда ёш болалар ёки аёллар
Кўп масхара қиласиз-да, бошлаб куласиз.

Д о л а б е л л а

Нима ҳақда сўйлаяпсан маликам ўзи?

К л е о п а т р а

Тушимга ҳам кирганин кўр... Бир замонлари
Бўлган экан мўътабар зот — исми Антоний...
Қани энди ҳозир яна кўрсам тушимда,
Ушандайин бир одамни!..

Д о л а б е л л а

Шошма, малика!..

К л е о п а т р а

Биз яшаган шу заминнинг аянч парчасин
Еритувчи қуёш билан моҳтоб сингари,

Антонийнинг хўп файзиёб юзидан доим
Нур ёғилиб турар эди.

Д о л а б е л л а

Менинг маликам!..

К л е о п а т р а

Йўлда уммон учраса гар ўтарди ҳатлаб.
Фурсат етиб қўлин ишга солганда борми,
Кўрк билан файз бахш этарди кекса заминга.
Гурунглашса овози ҳам бўлиб омухта,
Ярашарди бу оламнинг садоларига.
Бу дунёни қутқармоқчи бўлса мабодо,
Наърасидан гулдурак ҳам эди шарманда.
Сахийликка келганда-чи, зиқна қаҳратон —
Эмас, балки сахий куздай очиқ қўл эди.
Сира тубан кетмасди у эрмак бобида,
Дельфин каби тўлқинларга урар эди тўш.
Отбоқардай хизматида турарди шоҳлар,
Антоний ҳам сочар эди майда тангадай
Оролларни, шоҳликларни...

Д о л а б е л л а

О, Клеопатра!..

К л е о п а т р а

Нима дейсан, кўрарманми иложин топиб
Тушимдаги ул инсонни ўнгимда, а?

Д о л а б е л л а

Йўқ.

К л е о п а т р а

Гапинг ёлғон, худолардир нақ бунга шоҳид!
 Унгим жуда келган эди тушимдан зўрроқ.
 Тасаввурнинг ўйинлари шу қадар нозик,
 Бунда доим доғда қолар она табиат.
 Табиат ҳам уни жуда арзанда қилиб,
 Бор меҳрини бағишлаган эди аямай.

Д о л а б е л л а

Қулоқ бергин сўзларимга энди, малика!
 Бошга тушган бу жудолик ўзингдай буюк.
 Мусибатинг тенг келгулик жудолигинга.
 Бунинг учун айрилсам ҳам ҳатто ўзимнинг
 Манфаатим кўзлаб қилган ниятларимдан,
 Тек туролмай жавоб бергум жароҳатланган —
 Юрагингнинг ҳар садоси, ҳар инграшига.

К л е о п а т р а

Мурувватинг, яшилигинг учун кўп раҳмат.
 Цезарь мени не қилмоқчи, айтолмайсанми?

Д о л а б е л л а

Айтмоқлигим жонз эрур, гарчи аламли...

К л е о п а т р а

Хўш, хўш?..

Д о л а б е л л а

Бағри кенг одаму бироқ негадир...

Клеопатра

Ўзи миниб голибкорлар аравасига,
Мени судраб бормоқчими?

Долабелла

Шундай, маликам.

Саҳна ортидан: «Хукмдорга йўл бўшатишлар! Йўл беринг-лар!» деган овозлар эшитилади.
Цезарь, Галл, Прокулей, Меценат, Селевк ва бошқалар кириб келадилар.

Цезарь

Клеопатра деган малак борми шу ерда?

Долабелла

(Клеопатрани кўрсатиб)

Мана Цезарь!

Клеопатра тиз чўкади.

Цезарь

Тур ўрнингдан. Тиз чўкмоқ нечук?
Ўтинаман, тургин тезроқ, Миср малаги.

Клеопатра

Худоларнинг иродаси. Эгаман бошим,
Сеңдайини зўр ва музаффар хукмдоримга.

Цезарь

Бундай оғир хаёлларнинг борми даркори?
 Сенга етган озорларнинг барин биламиз,
 Эсимиздан чиқмагай ҳеч, аммо тайёрмиз
 Тасодифлар қаторига йўймоққа барин.

Клеопатра

Эй, оламнинг ҳукмдори, энг сахий сардор!
 Неки қилган бўлсамки, мен то шул вақтгача,
 Демагайман, ҳаммаси ҳам гинадан йироқ.
 Аёл зотин оламда бор инжиқликлари
 Ўзимда ҳам борлигини қилгум эътироф.

Цезарь

Бизлар сенинг айбларингни Клеопатра, бил,
 Камайтириш томонига эрурмиз мойил.
 Сен мабодо ўзимдаги бор ниятларга
 (Улар эса ўзингга ҳам келгусидир хуш)
 Қилмай сира монеликлар, йўл берсанг агар,
 Бўлур сенга зиёд фойда. Мабодо тагин
 Антонийнинг тақдирини кўриб хўп маъқул,
 Золимларга тиркаб бизни айласанг абгор,
 Ғазабимиз ортгусидир сира билмай чек,
 Фарзандларинг доғида ҳам куйишинг аниқ.
 Акс ҳолда-чи, қўлимиздан келар яхшилик,
 Хуш қол энди, гўзал малак, бормасам бўлмас.

Клеопатра

Қаён борма, қайда кезма, ҳукмдор, албат
 Ўз замининг тунроғида юрасан фақат.

Бизлар эса жангда олган ўлжанг қатори...
Билганингни қилавергин, сенда ихтиёр.

Цезарь

Неки ишлар бўлса дахли ўзингга ҳозир,
Маслаҳатинг аямасдан тургил ёнимда.

Клеопатра

Борки пулим, хазинам ва қақир-қуқурим
Хўп батафсил кўрсатилган, қолмаган сира
Қўлингдаги бу рўйхатда.— Қайдасан, Селевк?

Селевк

Шу ердан, маликам!

Клеопатра

Ҳа, хазиначим шу.
Ўлдиргум деб даҳшат солиб ичиргил қасам,
Айтиб берар ҳеч нимани яширмаганим,
Қани энди, онт ич, Селевк.

Селевк

Ичмайман, бекам.

Ёлгон-яшиқ гаплар айтиб, айрилмай бошдан,
Ундан кўра танглайимга ёпишсин тилим.

Клеопатра

Нималарни яширибман?

С е л е в к

Етар қолгани
Рўйхатдаги нарсаларни сотиб олмоққа.

Ц е з а р ь

Бўлди энди, Клеопатра, қизараверма,
Ҳушёрлигинг арзир ўзи кўп мақтовларга.

К л е о п а т р а

Ана, Цезарь кўриб қўйгин, бойлик қанчалар,
Ўз домига тортишини инсонни буткул.
Менга содиқ одамлар ҳам содиқдир сенга.
Жойларимиз тасодифан қолса алмашиб,
Бори яна бўлаверар албат аксинча...
Сенинг бундай одамлигинг билмовдим, Селевк,
Сотқин, хоин, беандиша, қуллигинг билан
Фоҳишадай алдоқчию бебурдлигингни.
Тисарилма орқанга ҳеч. На чора, майли,
Тирноқларим турганида сенинг кўзларинг
Қанот боғлаб осмон томон учолмас, дейман.
Кўрмагандим сендаин паст, аблаҳ сотқинни!..

Ц е з а р ь

Утинаман, малика, мен...

К л е о п а т р а

Уят ва номус!
Мендай ғариб, бенавога айлаб илтифот,
Ўл буюклик чўққисидан боққан лаҳзаганда,

Битта қулим сочиб дилда бор ёвузлигин,
 Дилимдаги барча гаму андуҳларимни
 Ловуллаатди камайтирар ўрнига атай!
 Узинг ўйлаб кўргин энди, эй олижаноб,
 Олиб қолган бўлсам ҳамки баъзи нарсалар,
 Аёлларнинг тақинчоғи, майда-чуйдаси,
 Дўстларимга бераман деб қилгандим ният.
 Октавия билан Ливия кўнглини овлаб,
 Хурсанд қилай, ярасалар зора коримга,—
 Дея олиб қолган бўлсам баъзи бебаҳо
 Нарсаларни, йўқдир сира айби, гуноҳи!
 Мана энди ҳузурингда бу инсофи йўқ
 Ҳеч уялмай этмоқдадир мени шармисор.
 О худолар! Кўринарми ҳеч бир охири
 Мен қулаган жаҳаннамнинг!

(Селевка.)

Кўзимдан йўқол!

Йўқса ҳозир ўз кўзинг-ла кўргунг муқаррар,
 Гарчи устин хўрлик кули босган бўлса-да,
 Бир ланғиллаб ўт олишини шоҳлар ғазабин!
 Ахта қулнинг иши эмас хотинни аяш!

Цезарь

Жўна, Селевк.

Селевк кетади.

Клеопатра

Ҳукмдорлар масъулдир доим,
 Не воқеа содир бўлса мамлакатиди.

Бизни эса қулатганда, ўзгалар айбин
 Ҳеч тортинмай тўнкашади бизга, шу боис
 Оғир кўчар қуламоқ ҳам.

Цезарь

Клеопатра,
 Уз қўлинг-ла, бу рўйхатга қўшган-қўшмаган
 Мол-мулкингни тиркамаймиз ўлжаларга ҳеч,
 Билавергин хазинангни ихтиёрингда.
 Ғам-ташвишни ўйламагин. Цезарь йироқдир
 Савдогарлик деган гапдан, сен-ла тортишмас,
 Ўзга қора ўйлардан ҳеч зиндон ясама,
 Не десанг бас, бажарамиз раўйингга қараб,
 Ихтиёринг ўзингдадир билгил, малика,
 Хоҳлаганинг еб-ичгину ўйнаб-кулавер.
 Сенга ўзим хайрихоҳман, мисли дўстингдай
 Тақдирингдан бўлиб турай доим хабардор,
 Энди эса, яхши қолгин.

Клеопатра

Ҳукмдор! Шоҳим!

Цезарь

Ундай дема, дўстингман мен. Хайр, яхши қол.

Бурғулар чалинади. Цезарь шотирлари билан чиқиб
 кетади.

Клеопатра

Ўз-ўзимдан қолдирмоқчи бўлиб кўнглимни
 Сўз тўрлари билан мени ташлади чирмаб.

(Хармианага.)

Хўп яхшилаб солгин қулоқ...

(Қулогига нималарнидир пичирлайди.)

Ирада

Бас қил, маликам.
Зулмат чорлар, битган бизнинг кунларимиз ҳам.

Клеопатра

Тез боргину изингга қайт. Барин пиштиб
Қўйгандирман. Сендан лозим фақат шошилмоқ.

Хармиана

О, маликам, тушунарли!

Долабелла киради.

Долабелла

Малика қайда?

Хармиана

Рўбарўнгда турар мана.

(Кетади)

Клеопатра

Ҳа, Долабелла?

Д о л а б е л л а

Сенга бўлган меҳрим ундар бирдай кўришга
 Иродангни худоларнинг хоҳиши каби.
 Мен ҳам келдим энди сенга бергани хабар,
 Қетмоқчидир Цезарь шу дам Сурия томон,
 Болаларинг билан сени жўнатар жадал.
 Бундан қандай фойдалансанг ихтиёр сенда.
 Мен ваъдага вафо қилдим.

Қ л е о п а т р а

Долабелла, бил,
 Мен олдингда қарздорман.

Д о л а б е л л а

Хизматкорингман,
 Борай энди Цезарь томон, хуш қол, маликам.

Қ л е о п а т р а

Яхши боргин, хўп хурсандман.

Д о л а б е л л а кетади.

Гап шу, Ирада!

Римликларнинг кўнглин очиб, хуш-хушлаш учун,
 Бўлиб қопмиз биз Мисрнинг қўғирчоқлари.
 Болғаларин тарақлатиб исқирт усталар,
 Ажаб эмас, томошага қуришса саҳна.
 Биз ўшанда терга пишган бақалоқларнинг
 Сассигидан бўлажакмиз бир ёқлик албат.

И р а д а

Йўл қўйишмас худолар, оҳ!

К л е о п а т р а

Йўқ, Ирада, йўқ,

Ҳаммаси ҳам шундай бўлар, мана кўрасан,
 Фар хотиндай қўлимизни қўйишар боғлаб,
 Ундан кейин вайсақилар оғизга келган —
 Сўзлар билан айлашади таърифу тавсиф.
 Ҳар нарсага суяги йўқ масхарабозлар
 Мисрликлар маншатин қилишар тасвир,
 Антонийни кўрсатишар майхўр ўрнида,
 Либосимни кийиб олиб бирорта бачча
 Хўп чийиллаб, ётиб-туриб, қилиқлар қилиб,
 Ерга урар маликалик шаънимни буткул.

И р а д а

О, худолар!

К л е о п а т р а

Бизни кутар шундай кулфатлар.

И р а д а

Кўрмагайман асло бундай даҳшатни сира:
 Биламанки, тирноқларим кучли кўзимдан.

К л е о п а т р а

Гапинг тўғри, уларнинг пуч хаёлларини,
 Уйлайманки, чиқарамиз бутун чиппакка.

Х а р м и а н а киради.

Яхшимсан, Хармиана?— Энди, қизларим,
 Келтиринглар маликалик либосларимни,
 Яна Қиди дарёсида Антоний сари
 Ошиққандай ошиқайин, урайин жавлон.
 Эшитдингми буларни сен, Ирада, ҳозир?
 Хизматингни, Хармиана, қилгил сўнгги бор,
 Сўнгра майли, ўйнаб-кулгил дунё тургунча.—
 Тожим билан келтиринглар бор безакларим.

Ирада кетади. Саҳна ортидан шовқин-сурон эшитилади.

Нима шовқин?

Қўриқчи аскарлардан бири киради.

Аскар

Келибдир бир мискин мевачи,
 Маликани кўрмоқликка сўрар ижозат,
 Саватида мевалар бор.

Клеопатра

Майлига, кирсин.

Аскар кетади.

Гоҳи пайтда хўп улуғвор ишлар ҳам тугал
 Битгусидир арзимаган бир қурол билан!
 Озодликни олиб келмиш шу авом менга,
 Аҳдим шудир: «Қолмагайдир ҳеч аёллигим,
 Мармар нима бўлса мен ҳам худди ўзиман,
 Ой ҳам менга бегонадир буткул».

Аскар сават кўтарган бир мискин киши билан бирга
 қайтиб киради.

Аскар

Мана у.

Клеопатра

Сен кетавер, Мискин киши қолсин шу ерда.

Аскар кетади.

Улим ҳадя этадиган, сездирмай оғриқ,
Илон билан ҳузуримга келганинг ростми?

Мискин киши

Нега олиб келмас эканман — олиб келдим. Қелтирган нарсам жиғига тегсанг ҳам тек тураверадиғанларданмас. Шунақанги чақадики, асти қўяверасан! Тишлашини айтмайсанми! Тиши текканлардан жуда ози омон қолган, тил тортмай кетаверишган.

Клеопатра

Чаққанидан ҳам ўлғанлар борми?

Мискин киши

Э, раҳматилар анча-мунча. Эркаклардан ҳам, ҳатто аёл жинсидан ҳам топилади. Бир воқеани эшитганим бор. Ҳар қандай аёл сингари ростгўйроқ бўлай деган мақсадда гапига унча-мунча ёлгон қўшиб турадиган ҳалол бир кампир бор. Ана ўша менга илон чаққан одам ўлишини гапириб берувди. Шунақанги тасвир қилгандики! Бироқ ҳар қанақа афсонага учган одамни

аҳмоқ, дейдилар. Бироқ бир нарсани айтмасам бўлмайди — келтирганим илонларнинг сараси.

Клеопатра

Кетаверсанг бўлади.

Мискин киши

Бу илондан кўнглинг тўлсин, дилинг хуш бўлсин.

Клеопатра

Хайр.

Мискин киши

(саватни ерга қўйиб)

Илон бўлгандан кейин илонлик қилишини ёдингдан чиқарма.

Клеопатра

Хўп, хўп, хайр.

Мискин киши

Илон бамаъни одам қўлида бўлса ҳам унга ишонини мушкул. Ундан нимаям яхшилик чиқарди, дейсан.

Клеопатра

Хавотир олма. Эҳтиёт бўламан.

Мискин киши

Бўпти. Овқат бера кўрма. Бунга у арзимаydi.

Клеопатра

Мени еб қўймайдими ишқилиб?

Мискин киши

Мен унақа соддалардан эмасман, биродар. Аёл турганда илон тугул шайтоннинг ўзи ҳам тил тортмай ўлади. Иблис панд бермаса борми, аёл худоларга ем бўларди. Лаънати иблислар доим худоларни доғда қолдириб юришади. Худолар ўнтача аёлни яратгунча бўлмай иблислар бештасини йўлдан уриб улгуришади.

Клеопатра

Яхши. Энди бор. Хайр.

Мискин киши

Мен бор гапни айтяпман-да. Хўп, илондан ҳожат роҳат кўр, ишқилиб.

(Кетади.)

Ирада маликанинг мантияси, тожи ва бошқа нарсаларини кўтариб киради.

Клеопатра

Порфирани узат тезроқ. Қийғиз тожимни, Мангулик ҳам тарафига турибди чорлаб.

Бундан кейин сезмам узум шарбатин таъмин,
 Бўлғусидир гирт бегона шу лабларимга.
 Бўлгин тезроқ! Чорлаяпти Антоний қўймай,
 Бу мардона ишларимни маъқул кўриб у
 Келмоқдадир хўп ошиқиб истиқболимга.
 Ичак узиб кулади у Цезарь бахтидан;
 Худолар ҳам бахтни олдин этишиб ато.
 Сўнг кибрини пайқаб роса қувиб солишар.
 Бормоқдаман ҳузурингга, азиз рафиқам,
 Мардлик билан бу ишимга олганман ҳуқуқ.
 Ҳозир мени кўрсанг борми — ўту ҳавоман,
 Бошқа ёмон офатлардан қутулганим рост.
 Ҳамма нарса тап-тайёрами? Унда илтимос,
 Лабда қолган жиндай тафтим айланглар қабул.
 Хўш, алвидо.— Яхши қолгин, ҳой, Хармиана,
 Яхши қолгин, Ирада!

(Икковини ўпади.)

Ирада йиқилиб жон беради.

О, ўлиб қолдими?

Лабларимда қолганмикин заҳри илоннинг?
 Сен ҳаётдан кўз очгунча бўлдинг-ку жудо,
 Улим деган бамисоли севгили ёрнинг
 Жон огритиб ўнишидай деганлари ҳақ.
 Ун чиқармай тарк этганда ушбу дунёни,
 Арзимаиди, дегандилар, видолашувга.

Х а р м и а н а

Ёғдир энди жолаларинг, эй қора булут,
 Йиғлашини кўрай токи худоларнинг мен!

Клеопатра

Қандай уят! Антонийга кўринса меидаи
Олдин бориб бу Ирада! Шунда Антоний
Бўса ҳадя этиб қўйса! Бу бўсани мен
Ортиқ кўргум ахир осмон-фалаклардан ҳам!

(Илонни кўкрагига солади.)

На чора бор, қани узгин, кичкина қотил,
Ўткир тишинг ишга солиб, тақдири азал
Ҳукми билан ҳосил бўлган қаттиқ чигални.
Жаҳлинг чиқиб, ғазаб сочиб тишлагил, тентак,
Қани энди сенда ҳозир бўлганида тил,
Эшак деган ном берардинг Цезарга албат:
Иккимиз ҳам қолдирамиз уни хўп доғда.

Хармиана

Шарқ Юлдузи!

Клеопатра

Жим, жим! Аста! Солмагин шовқин,
Кўрмайсанми, кўкрагимни эммоқда гўдак,
Онаси ҳам кўзи кетиб қолгуси мутлоқ.

Хармиана

Пора-пора бўлгин, юрак!

Клеопатра

Заҳар мисли бол.

Гўёки бир оромижон, малҳамга ўхшар.
 Гўё майин бир шаббода!— О, Антоний! О!
 Кел, эй сен ҳам қўлимга чиқ, қўлимни яла.

(Иккинчи илонни қўлига қўяди.)

Яшаб нима қилай энди...

(Иқилиб жон беради.)

Хармиана

...Расво дунёда?

Хайр энди, эй малкам.— Ғурурлан, ўлим,
 Чангалингга тушди ҳозир бебаҳо аёл.
 Ундайлари учрамайди дунёда сира,
 Юмилгандир абадиян туйғун кўзлари.
 Олтин қуёш сари энди талпинмас э, воҳ,
 Маликанинг нурдай ёниқ нигоҳи буткул.
 Тожи бир оз қийшайибди, қўяй тўғрилаб.
 Юмушлар ҳам битди ҳисоб.

Қўриқчилар югуриб киришади.

Биринчи аскар

Малика қайда?

Хармиана

Жим бўлинглар. Уйғотмангиз уни.

Биринчи аскар

Ҳукмдор

Юборувди бизни унга.

Х а р м и а н а

Кечиккан чопар...

(Кўкрагига илон солади.)

Қани, тезроқ бўлгин энди. Тишлашинг заиф.

Б и р и н ч и а с к а р

Бу ёққа, ҳой! Зўр фалокат! Цезарь алданган.

И к к и н ч и а с к а р

Долабелла шу ердадир, Цезарь элчиси,
Чақирайми?

Б и р и н ч и а с к а р

(Хармианага)

Нима бўлди бу ерда ўзи?

Наҳот сизга бу қилиқлар ярашса?

Х а р м и а н а

Зеро

Меросхўри эди шонли ҳукмдорларнинг,
Тўғри қилди малика ҳам шундай йўл тутиб.
Эҳ, аскар-ей...

(Ўлади.)

Долабелла киради.

Д о л а б е л л а

Нима бўлди?

Иккинчи аскар

Ҳаммаси ўлди.

Долабелла

Хавотиринг тўғри эди сенинг, Цезарь, ҳа,
 Етиб келиб тез орада суққанингда бош,
 Кўражаксан ўзинг олдин ололмай қолган
 Энг даҳшатли воқеанинг содир бўлганим.

Саҳна ортидан: «Цезарга йўл беринглар! Йўл беринглар!» деган овозлар эшитилади.

Цезарь шотирлари билан кириб келади.

Долабелла

Башоратда тенгинг йўқдир, Цезарь, рост айтсам,
 Содир бўлди ўзинг қўрққан ишларнинг бари.

Цезарь

Мана бунни атагайлар мардона иш деб.
 Ниятимнинг қандайлигин билгандан кейин,
 Энг муносиб чорасини олибди топиб.
 Улимга сабаб нима? Кўринмас-ку қон?

Долабелла

Ким кирганди бу ерга, а? Кўрганлар борми?

Биринчи аскар

Келтирганди битта мискин мева-чевалар,
 Мана шунда савати ҳам.

Цезарь

Заҳарланишган!

Биринчи аскар

Биз кирганда жони ҳали чиқмаган эди,
Маликанинг ёш канизи — Хармиананинг.
Бекасининг тожини у қўйди тўғрилаб,
Сўнгра бирдан совқотгандай дир-дир қалтираб,
Юмалади-қолди ерда.

Цезарь

Шонли заифлик!

Гар ичишган бўлишсайди заҳарни улар,
Баданлари шишиб кетар, кўпчирди буткул.
Клеопатра бамисоли ширин уйқуда,
Бундан сархуш бўлур эди бошқа Антоний.

Доллабелла

Қаранг, ана кўкрагида бордир жароҳат,
Сал шишганроқ. Қўлида ҳам кўринар бири.

Биринчи аскар

Илон чаққан.

(Саватга қарайди.)

Япроқларда қолган сўлаги.
Нил ғорларин макон этган ўткир илонлар
Сўлакларин қолдиришар тупроқда.

Цезарь

Демак,

Улимига шу сабабчи бўлгани аниқ.
 Шифокор ҳам маликанинг беоғриқ, бедард
 Улим сари элтадиган дору илтимос
 Қилганига бўлиб иқроф, олди бўйнига.
 — Қани энди келтиринглар тўшакни бунда.
 Канизларни маликадан кейин ётқизинг,
 Антонийни малика-ла қўйинг ёнма-ён,
 Дафн этайлик. Маросимнинг бундайини ҳеч
 Заминимиз шу чоққача кўрмаган сира.
 Аламангиз бу фожиа оғир мусибат.
 Изтиробга солмай қўймас айбдорни ҳам,
 Авлодларнинг хотиридан узоқ асрлар
 Мағлубларга ачинишу ҳамдардлик буткул
 Голибларнинг шавкатидек ўчмайди мудом.—
 Қўшинларга буюрамиз, бу майитларни
 Шараф билан элтишларин қабристон томон.

(Долабеллага.)

Булар барин топширамиз сенинг ўзингга.—
 Дафидан сўнг йўл олурмиз гўзал Рим сари.

Кетадилар.



ВЕНЕЦИЯ САВДОГАРИ

ЖАМОЛ ҚАМОЛ
таржимаси

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

- Венеция дожи.
 Марокаш шаҳзодаси } — Порциянинг жазманлари.
 Арагон шаҳзодаси }
 Антонио — Венециялик савдогар.
 Бассанио — унинг дўсти.
 Саланио } — Антонио ва Бассанионинг дўстлари.
 Саларино }
 Грациано }
 Салерио }
 Лоренцо — Жессиканинг ошиғи.
 Шейлок — бадавлат яҳудий.
 Тубал — унинг дўсти, яҳудий.
 Ланчелот Гоббо — масхарабоз, Шейлокнинг хизматкори.
 Кекса Гоббо — унинг отаси.
 Леонардо — Бассанионинг хизматкори.
 Бальтазар } — Порциянинг хизматкорлари.
 Стефано }
 Порция — бадавлат вориса қиз.
 Нерисса — унинг жорияси.
 Жессика — Шейлокнинг қизи.

Венеция сенаторлари, суд аъзолари, зиндончи, Порциянинг хизматкорлари ва бошқалар.

Воқеа Венецияда ҳам Порциянинг Бельмонтдаги мулкида кечади.

БИРИНЧИ ПАРДА**БИРИНЧИ САҲНА**

Венеция. Кўча.

Антонио, Саларино ва Саланио киришади.

Антонио

Билолмайман, кўнглим нечун ғуссага тўлмиш,
 Бу — бир жафо, сезаманки, огир сизга ҳам,
 Руҳим қайдан бу балога мубтало бўлмиш,
 Қайдан бу ғам, боиси не —
 Қанийди билсам!
 Шу белгисиз ҳасрат менга ёпишган асно.
 Уз-ўзимни таниёлмай қоламан ҳатто.

Саларино

Сиз хаёлан чарх урасиз баҳри тўлқинда,
 Сизнинг улуғ, алп кемалар сузишар унда —
 Денгизларнинг аъёнлари, боёнларидек,
 Ё бўлмаса, ҳашаматли бир карвон мисол,
 Майда-чуйда тужжорларга боқиб беписанд,
 Улар учиб ўтишаркан гўёки шамол;
 Бечоралар салом бериб, кутишар алик.

Саланио

Ҳа, ишонинг, худди сиздек мен ҳам мабодо
 Шундайин бир таваккалга қўл урсам агар,

Бутун зикрим, хаёлларим бўлур эди банд —
 Денгиздаги ўша ёлғиз илинжим билан.
 Шамол йўлини аниқлардим — ўт-ўлан тутиб¹,
 Кўрфазларни ахтарардим мудом картадан.
 Ва билингим, бирор белги, бирор аломат
 Башартики, сўйлар бўлса хавфу хатардан,
 Ҳасратларга чўмар эдим.

С а л а р и н о

Пуфлаб шўрвани,

Бир андиша талвасага соларди мени —
 Оҳ, нималар қила олур денгизда бўрон.
 Ё бўлмаса, қум соатин кўрганам замон
 Саёзликлар, сув остида ётган харсанглар —
 Бўлар эди кўз ўнгимда шундоқ намоён.
 Ва тасаввур этар эдим: бечора кемам
 Бир гўшада ўша очкўз қумларга чўкиб,
 Ўз қабрини ўпган каби бошини эгиб —
 Туришини! Ё черковнинг муқаддас, аъло
 Тошларига боқолмасдим сира бепарво.
 Уҳ, беомон қояларга ўхшайди улар,
 Қарс!— урилса, ожиз кемам тутдай тўкилар.
 Сочилади сувга қанча нозу неъматлар,
 Тўлқинларга талаш бўлиб кетар ипаклар.
 Мен шўрлик-чи? Бир нафасда гадо, мосиво!
 Хўш, айтинг-чи, мен шуларни ўйламайманми?
 Бир кориҳол рўй бераркан, ҳасрат-аламга
 Ботишимни ўйламаслик мумкиними асло?
 Қўйинг-қўйинг, мен биламан: Антонио, сиз —
 Денгиздаги молингизга ташвиш чекасиз.

¹ Ҳавога ўт-ўлан сочиб, унинг учишига қараб, шамолнинг йўналишини аниқлаганлар. (Тарж.)

А н т о н и о

Йўқ, ишонинг, тақдиримга айтаман шукур,
 Бисотимда кемам битта эмас-ку ахир.
 Ва уларнинг борар ери бир манзил эмас,
 Давлатим ҳам шунинг билан ўлчанмайди, бас,
 Ғам чекмайман денгиздаги бисотим учун.

С а л а р и н о

Унда-чи, сиз бирор қизга ошиқсиз.

А н т о н и о

Бекор.

С а л а р и н о

Ошиқмассиз? Унда дейлик: дилгирсиз фақат,
 Шу боисдан бирозгина хомушсиз, холос!
 Қатъий туриб, хандон уриб: «Мана, мен хурсанд,
 Ғам бегона!»— демайсизми... Риёкор Янус!
 Мен шаънингга онт ичаман, табиат деган
 Кўп ғалати одамларни яратар экан:
 Бировлар бор, худди сурнай тинглаган тўти,
 Бўйнин чўзиб, қаҳ-қаҳ урар бўлар-бўлмасга.
 Бошқалар бор, худди сирка ичгандек афти,
 Тиш оқини кўрсатмайди, ҳаттоки Нестор:
 «Бу ғалати гап»,— деб,
 шунга қасам ичса ҳам¹.

Б а с с а н и о. Л о р е н ц о ва Г р а ц и а н о киреди.

С а л а р и н о

Ана Бассанио, нажиб қариндошингиз;
 Ҳамроҳлари — Лоренцо ва Грациано.
 Хайр! Сизни қолдирамиз яхши даврага.

¹ Нестор — «Илиада» персонажларидан бири, кулгини
 куш кўрмаган, ҳамиша ўзини сило тутган. (Тарж.)

С а л а р и н о

Мен қолардим сизни пича кулдирмоқ учун,
Аммо янги мусоҳиблар сизга азизроқ.

А н т о н и о

Менинг учун ҳаммангиз ҳам бебаҳо, азиз,
Сезишимча, сизни тигиз ишлар кутмоқда,
Баҳонада — хурсанд бўлиб, қочиб қоласиз.

С а л а р и н о

Салом сизга, афандилар.

Б а с с а н и о

Синъорлар, айтинг ахир, қачон куламиз?
Қачон? Ажаб, одамови бўлиб қолдингиз!

С а л а р и н о

Бўш вақтингиз тайин этинг, биз ҳамиша шай.

С а л а р и н о ва С а л а н и о кетишади.

Л о р е н ц о

(Бассаниога)

Ана, синъор, учратдингиз Антониони,
Бас, сизларни қолдирамиз, лекин тушликка
Тайин этган жойимизни хотирда сақланг.

Б а с с а н и о

Эҳтимол, борарман.

Г р а ц и а н о

Синьор Антонио, пича рангингиз ўчиқ;
 Кўп куясиз дунё моли-сарвати учун.
 Ким уларни ҳаддан ортиқ машаққат ила
 Топар экан, маҳрум бўлар охир бир йўла.
 О, қанчалар ўзгарибсиз! Маъюс, бенаво!

А н т о н и о

Мен дунёни чин кўраман, Грациано:
 Дунё — саҳна, ҳар кимсанинг тегиш роли бор,
 Аммо, ажаб қайғулидир менга теккан роль.

Г р а ц и а н о

Менга эса масхарабоз ролини беринг,
 Кулгулардан юзларимда тошсин ажинлар.
 Оҳлар чекиб, қалбим қақшаб юргандан кўра,
 Мусалласнинг оташидан ёнсин жигарим.
 Томирида иссиқ қони гупурган инсон
 Ҳайкал қалби нечун қотиб турмоғи лозим?
 Кўзни юммай, ухлайверсанг... Еки бўлмасам,
 Асаблардан сариқ дардга бўлсанг мубтало.
 Бу қандай гап? Эшитсанг-чи, эй Антонио,
 Мен севаман сени жондан, мени тинглагил.
 Одамлар бор, бети ботқоқ бетидай заҳил,
 Қимир этмай, киприк қоқмай туринлар атай,
 Жиддий, доно, деган номни қозонмоқ учун.
 Гўё дерки: «Авлиёман, каромат этсам,

Жим туришсин, ҳуримасин

ҳатто итлар

ҳам!»

О, азизим, Антонио, менга бу аён:

Оқил доно саналурлар ўшалар, чунки

Жим туришар, талқон солиб оғизларига.

Такаллумга лаб очсам, оқибат шуки,

Эл ичида кулгу бўлар, бўлар калака

«Эси паст!» деб... Хўп, майлига, бу ҳақда кейин,

Сен хомушлик хўраги-ла шундоқ бир шухрат

Овламагин, у — арзимас, аянч балиқча!—

Ҳой, Лоренцо, кетдик, ўғит-насиҳатимни

Овқатдан сўнг тугатаман.— Хайр, ҳозирча!

Л о р е н ц о

Тушликкача қолдирамиз сизларни танҳо,

Менинг шундоқ соқов, доно бўлишим тайин,

Чунки, сайраб гал бермайди Грациано!

Г р а ц и а н о

Ҳа, мен билан бир-икки йил юрсанг ёнма-ён,

Овозинг ҳам унутасан бешак, бегумон.

А н т о н и о

Майли, унда сен учун ҳам сергап бўламан!

Г р а ц и а н о

Баракалла, жим туришлик ярашур фақат

Дудлаб пиширилган тилу бикр қизларга¹.

¹ Шекспир бу ерда сўз ўйини қияпти: «дудлаб пиширилган тил» таомга ишора (*Гарж.*)

Грациано ва Лоренцо кетади.

Антонио

Ажаб, айтган сўзларида бормикан маъно?

Бассанио

Грациано ҳуда-беҳуда гапларни узундан-узоқ вай-сайверади, бу борада унга Венецияда бас келадигани йўқ. Унинг мулоҳазалари икки ғарам сомон орасидаги икки дона бугдойдек гап. Топаман, деб кун бўйи овора бўласан, бир пайт топиб кўрасанки, излашга ҳам арзимас экан.

Антонио

Хўп, майлига. Қани айтинг — ким ўша санам, Таъзимига талпинасиз, учмоқ бўласиз?
Кимдир ўша? Айтмоқликка ваъда бергансиз.

Бассанио

Антонио, маълумингиз, этганман расво —
Ишларимни ортиқ сарфу харажат билан.
Ҳашаматли ҳаёт тарзи-ларди бедаво,
Камтар молу маблағимга юк бўлиб тушган.
Нолимайман, киборликка айтиб алвидо,
Зангин туриш-турмушимни чеклайман қатъий,
Ёлғизгина бир ташвишим: йирик қарзлардан
Қандай қилиб обрў билан қутулсам экан?..
Антонио, мен ҳамиша қарздорман сиздан —
Маблағ учун, дўстлик учун. Ана шу дўстлик
Таянч бўлур яна, дадил айтишим мумкин.

Режам билан мўлжалимни, яъни, масалан,
Қандай қилиб, қарзларимдан халос бўлишим.

А н т о н и о

Олижаноб Бассанио, айтингиз менга
Режа билан мўлжалингиз, улар мабодо
Ўзингиздек олижаноб бўлсалар магар,
Ўзим, яна бор бойлигим сиз учун нисор,
Ишонингким, мен хизматга шайман доимо.

Б а с с а н и о

Талабалик йилларимда ёйдан ўқ узиб,
Иўқотсам гар, бошқасини ўша нишонга —
Отар эдим... Бирданига икки таваккал
Икки ўқни топишимга берарди имкон —
Кўп маҳаллар... Бугун яна ўрناق оламан
Ўша бебош болаликдан, мўлжалим содда.
Сиздан роса қарздордирман... Неки бердингиз,
Бир бетийиқ бола каби сочдим-совурдим.
Аммоки, бир ўқ изидан иккинчи ўқни
Бўшатмоққа жазм этсангиз, ишонаманким,
Мўлжалини аниқ олиб, адашмай зарра,
Топар эдим иккисин ҳам аниқ бир йўла.
Ҳеч бўлмаса, тополмасам биринчисини,—
Раҳмат айтиб, қайтарардим иккинчисини.

А н т о н и о

Меҳрим сари чекка-чекка йўл изламоққа
Ҳожат борми, ахир мени яхши биласиз.
Бунинг билан шак келтириб садоқатимга
Ранжитасиз, юрагимга озор берасиз.

Бундан кўра, хонавайрон этсангиз авло.
 Сиз яхшиси, шартта айтинг: не қилмоқ жонз!
 Ва сизнингча, нималарга қодир камина —
 Мен тайёрман ҳаммасига. Қани айтингиз!

Б а с с а н и о

Бадавлат бир вориса қиз яшар Бельмонтда,
 Ой деса — ой; кун деса — кун, санобар санам.
 Фазилатлар мужассами... Шаҳло кўзлари
 Йўлламишди менга бир пайт пинҳоний салом.
 Порциядир — унинг исми, кам эмас зарра
 Уша Брут рафиқаси, Катон қизидан.
 Овозаси кетган роса... Турли эллардан
 Еллар бошлаб келар унга ошифталарни.
 Қуёш рангли кокиллари ёнар, ярақлар,
 Худди ўша афсонавий олтин баррадек.
 Бальмонт гўзал Колхидага ўшар бу замон,
 Неча Язон ошиқади ўшанга томон¹.
 О, азизим, Антонио, ўшалар билан
 Дадил туриб, тортишмоққа бўлсайди имкон,
 Қўнглим аниқ сезиб турар: аниқ, муқаррар
 Мен ютардим, мен томонда бўларди зафар.

А н т о н и о

Сен биласан, бору-йўғим бари — денгизда
 Арзигулик на маблағ бор, на тузук мато.
 Мана, аҳвол. Лекин, дўстим, югур, аниқла,
 Қайдан, қанча ақча олиш мумкин гаровга.
 Нуфузим не имкон берса Венецияда,
 Ҳаммасини охиригача ишга солайлик.
 Сени гўзал Порцияга, ўша Бельмонтга

¹ Я з о н — афсонавий қаҳрамон, олтин барранн қўлга киритиш учун Колхидага борган (Тарж).

Жўнатмоқ-чун — пул дегани, қайда бўлмасин,
Гаровгами ё қарзгами, майли, олайлик.

Кетишади.

ИККИНЧИ САҲНА

Бельмонт. Порция уйдаги хона. Порция билан Нерисса кирадилар.

Порция

Ростини айтсам, Нерисса, шу кичик жоним шу каттакон дунёдан толиқди.

Нерисса

Азизим синъора, ана шу бахтингиз қадар бадбахт-лигингиз бўлганда ҳам, шубҳасиз, шундоқ бўлур эди. Ахир овқатни ҳаддан зиёд кўп еган инсон худди очликдан қийналаётган кишидай азоб чекади. Демак, бахт — олтин авсатда, яъни меъёрни билишда. Меъёрдан ошишлар сочни оқартирганидек, меъёрни сақлаш умрни узайтиради.

Порция

Чиройли ўғитлар, чиройли баён этилди.

Нерисса

Уларга кўнгилдагидек амал этилса, янада яхшироқ бўлур эди.

Порция

Агар амал қилишнинг ўзи нимага амал қилиш лозимлигини билишдек осон бўлганда, бутхона ибодатхонага, қашшоқ кулбалар — шоҳона саройларга айланарди. Ўғитига амал қилган мулла — яхши мулла. Ўғирма кишига юриш-туришни ўргатишим осон, аммо ўша ўғирманинг биттаси бўлиб, ўз айтганларимга амал қилишим мушкул. Ақл қонга низом пеш қилади: лекин ёниқ табиат барча совуқ қонун-қоидалардан сакраб ўтади. Ёшлик бамисоли ҳовлиқма қуён, мажруҳ ақли расоликнинг қопқонларидан ҳатлаб ўтаверади. Лекин бу мулоҳазалар ўзимга эр танлашимга мадад берармикан! Шўрлик бошим! «Танламоқ!» Хоҳлаганимни танлашгайм, хоҳламаганимни рад этишгайм ҳаддим йўқ: тирик қизнинг инои-ихтиёри марҳум отанинг иродаси билан занжирбанд этилган! На танлай оламану на рад эта оламан, бу багритошлик эмасми, Нерисса?

Нерисса

Отангиз олижаноб киши эди. Пок юракли инсонлар баъзан ўлим олди дақиқаларида хайрли кароматлар қилишга қодир бўладилар. Бас, отангиз ана шу олтин, кумуш, қўрғошин қутичалар жумбоғини ўйлаган ва кимда-ким бу жумбоқни тўғри пайқаса, сизга мушарраф бўлишини айтган экан, билингким, сизни чинакам севган кишигина бу сир-асрорни топа олади. Хўш, айтинг-чи, келган шаҳзода куёвлардан бирортасига жиндак майлингиз борми?

Порция

Марҳамат қилиб, сен бирма-бир номларини айт. Мен уларни бирин-кетин сенга тасвирлаб берай. Ана шу

сўзларимдан майл-иштиёқим бор-йўқлигини билиб оласан.

Нерисса

Аввало, Неаполь шаҳодаси.

Порция

О, бу ҳақиқий тойчоқ: нуқул оти ҳақида гап сотади ва уни тақалай олишини ўзининг асл истеъдоди деб билади. Муҳтарама ойиси уни бирор чилангардан орттирган бўлмасайди, деган хавотирдаман.

Нерисса

Кейин пфальцграф.

Порция

У ёлғиз қош чимиришни билади, бу билан гўё «истамасангиз — ихтиёрингиз» демоқчи бўлади. Энг қувноқ латифаларни ҳам жилмаймасдан эшита олади. Ёшликда-ку — шу қадар хуфтон, қариганда — йиғлоқи файласуфга айланиши турган гап. Ҳе, улардан кўра суяк ғажиган мурдага текканим аъло. Танграм, уларга рўпара қилма!

Нерисса

Хўш, француз амалдори, мосье Ле-Бонегга нима дейсиз?

Порция

Парвардигор яратибдими, эркаклар қаторида юр-версин. Биламан, бировнинг устидан кулиш гуноҳ. Бироқ у... Ҳа, унинг оти неаполликнинг қирчанғисидан дурустроқ: у қошини пфальцграфдан кўра хунукроқ чимира олади; у — ҳамма ва ҳеч ким. Загча сайраса ҳам диконглашга тайёр... У ўз сояси билан қиличбозлик қилишни яхши кўради. Унга турмушга чиқсам, бир варакай йигирмата эркакка турмушга чиққан бўламан. Мендан нафратланса оғринмасдим, негаки, мени ақлдан озини даражасида севганда ҳам парвойимга келмасди.

Нерисса

Хўш, инглиз барони — ёш Фоконбриж хусусида не дейсиз?

Порция

Биласанми, унинг ҳақида ҳам, унинг ўзига ҳам айтидиган гапим йўқ, негаки, на у мени тушунади-ю, на мен уни. У лотинчаям, французчаям, итальянчаям билмайди, мен эсам, қози олдида қасам ичиб айтишим мумкинки, инглизчани тариқчаям тушунмайман. У — одобли кишининг тимсоли мужассами: аммо соқов ҳайкал билан ким гапириша олади? Тагин унинг кийиниши-чи! Уйлашимча, камзулини — Италиядан, кенг, шалвираган чалворини — Франциядан, шляпасини — Германиядан, юриш-туришини эса, дунёнинг бор мамлакатларидан сотиб олган кўринади.

Нерисса

Унинг қўшниси, шотландиялик лорд хусусида-чи?

Порция

Уйлайманки, унда яхши қўшничилик муруввати бор: инглиздан қарзга шапалоқ егану имкон бўлди дегунча, ана шу қарзни қайтаришга қасам ичган. Кейин француз имзо чекиб, уни паёқхига олган шекилли.

Нерисса

Саксония герцогининг жияни, ёш немис қалай, ёқмайдимиз сизга?

Порция

У эрталаб ҳушёр юрган кезлари кўнгилни айнитади, аммо тушликдан сўнг маст қиёфасида тағин ҳам бадҳазм. Энг яхши ҳолатида — унча-мунча инсондан пасту ёмон ҳолатида — унча-мунча ҳайвондан баланд. Гапнинг хулласи, мен ундан халос бўлсам, дейман.

Нерисса

Лекин у синовда қатнашиб, қутича жумбогини тўғри ечса, никоқга рози бўласиз ёки ота иродасини бузишингизга тўғри келади.

Порция

Шундоқ бўлмасин учун, марҳамат қилиб, ютуқ чиқмайдиган қутича устига бир стакан рейн шаробидан қўйиб қўясан. Ичида шайтон яширинган бўлсаям, немис ўша қутичани танлашига аминман. Уша латтага тегмаслик учун, Нерисса, бор чорани кўраман.

Н е р и с с а

Қўрқманг, синьора: у жанобларнинг бирортаси ҳам сизга насиб бўлмайди. Улар ўз қарорларини менга билдиришди: отангиз танлаган қутичалардан бўлак йўл билан сизга ноил бўлиш имконсиз экан, уй-уйларига жўнаб кетишларини, сизни бошқа безовта қилмасликларини маълум этишди.

П о р ц и я

Бирор киши мени отам буюрган йўл билан ололмас экан, Сивилла ёшига етсам етаманки, аммо эрга чиқмайман. Дунёдан Дианадек хур ўтаман. Лекин бу жазманлар гуруҳининг шундай оқилона йўл тутганига хурсандман, ахир улар орасида битта ҳам юракни «жиз» эткизадигани йўқ-да. Тангри таалло уларга оқ йўл берсин, деб дуо қиламан.

Н е р и с с а

Синьора, раҳматли отангиз тириклигида маркиз Монферратга ҳамроҳ бўлиб келган венециялик ёдингиздами? Олим ва жангчи эди у.

П о р ц и я

О, у Бассанио эди, уни шундай деб аташарди чамамда?

Н е р и с с а

Шундоқ, синьора. Менинг нодон кўзларимга чалинган йигитлар орасида гўзал синьорага энг лойиғи ўша эди.

Порция

Хотиримда бор. Ва эслайманки, у сенинг мақтовларингга муносиб эди.

Хизматкор киради.

Нима гап? Қандай хабарлар?

Хизматкор

Тўрт ажнабий хайрлашмоқ ниятида сизни сўроқлайди. Бундан ташқари, бешинчиси — Марокаш шаҳзодасидан чопар келди, у хўжайиним бугун кечқурун шу ерда ҳозир бўлади, деб хабар қилди.

Порция

Ана шу бешинчисига ҳам, ҳалиги тўрттасига «хайр-хўш» дегандек, «салом» деёлсам эди, ташрифига нақадар қувонган бўлардим. Сийрати — авлиё, суварти — шайтон бўлсаям, мени хотинликка эмас, асранди қиз қилиб олса, йўқ демасдим.

Юр, Нерисса, туша қолгин олдимга энди,
Бировига «хайр» дедик, бошқаси келди.

Кетадилар.

УЧИНЧИ САҲНА

Венеция. Майдон.
Бассанио ва Шейлок киради.

Шейлок

Уч минг дукатми? Яхши.

Б а с с а н и о

Ҳа, синьор, уч ойга.

Ш е й л о к

Уч ойга дейсизми? Яхши.

Б а с с а н и о

Менга, ҳали айтганимдек, Антонио кафилликка
ўтади.

Ш е й л о к

Антонио вексель билан кафилликка ўтадимми?
Яхши.

Б а с с а н и о

Менга кўмаклашасизми? Қарз берасизми? Жавобингизни билсам бўладими?

Ш е й л о к

Антонионинг кафиллиги билан уч ойга уч минг червон-а?

Б а с с а н и о

Хўш, нима дейсиз?

Ш е й л о к

Антонио — яхши одам.

Б а с с а н и о

Унинг хусусида бошқачароқ сўз ҳам эшитганмисиз?

Ш е й л о к

Йўқ, йўқ, мутлақо! «Яхши одам» дейишим билан, биласизми, у «бадавлат одам» демоқчиман, холос. Аммо унинг бойлиги — насия. Бир кемаси Триполига, иккинчиси Ҳиндистонга томон сузади, бундан ташқари, мен Риальтода эшитишимга қараганда, учинчиси ҳозир Мексикада, тўртинчиси Англияда, бошқа кемалари ҳам шу сингари бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетган. Аммо, кема дегани, бу — тахта, денгизчи дегани — одам; кейин ер каламушлари, сув каламушлари, ерда юрадиган, сувда сузадиган ўғрилар, яъни қароқчилар ҳам бор. Бунинг устига — сувдан, шамолдан, қоялардан туғиладиган хавф-хатарларчи... Лекин, шунга қарамай, у бадавлат одам... Уч минг червон... Хўш, майли, унинг векселини қабул қилиш мумкин.

Б а с с а н и о

Ҳа, хотирингиз жам бўлсин.

Ш е й л о к

Мен бунга ишонч ҳосил қилишим керак, ишонч ҳосил қилишим учун эса, ўйлашим керак. Антонионинг ўзи билан гапиришсам бўладими?

Б а с с а н и о

Марҳамат қилиб, биз билан овқатланмайсизми?

Шейлок

Лаббай? Энди чўчқа гўштини ҳидлашим бормиди? Сизнинг назаретлик пайғамбарингиз¹ афсун билан иблисни қамаган идишда таом тановул этсам-а? Мен сиз билан олди-сотди қилишим, сиз билан юришим, ўзлашишим ва ҳоказо-ҳоказолар қилишим мумкин, аммо, сиз билан еб-ичишим, сиз билан ибодат қилишим — катагон. Риальтода не янгиликлар? Келаётган ким?

Антонио киради.

Бассанио

Мана, синьор Антонио ҳузурингизда.

Шейлок

(Четга)

Сувратда ҳам чучмалгина золимнинг ўзи!
 У жирканчдир христиан бўлиши билан,
 Ҳаммадан ҳам аянчли бир соддалик ила
 Фойда олмай, қарз бериши нафратга лойиқ.
 Пул қадрини пасайтирар Венецияда.
 Тишларимни биқинига бостирсайдим, оҳ!
 Эски дардим топар эди бир оз тасалло.
 Бизнинг қутлуғ халқимизни хуш кўрмайди у,
 Савдогарлар йиғинида, менинг шаънимга,
 Ишим, суди савдойимга шиғаб тош отар.
 Ҳақоратлар этар. Лаънат бўлсин наслимга,
 Гар кечирсам уни!

¹ Назаретлик пайғамбарингиз — ривоятларда айтилишича, Исо пайғамбар болалиги Фаластиндаги Назарет шаҳрида ўтган. Бу ерда шунга ишора бор. (Тарж.)

Б а с с а н и о

Қани, гапиринг, Шейлок?

Ш е й л о к

Уз-ўзимча нақдинамни чамалаяпман,
Лекин бундоқ ҳисоб-китоб қилиб қарасам,
Бирданига шунча пулни йиғишим қийин.
Ҳазил гапми, уч минг дукат. Хўш, нима қилдик?
Ҳа, бадавлат қариндошим, яҳудий Тубал
Мадад қўлиң чўзар... Тўхтанг, ҳалиги маблағ
Қачон зарур сизга?

(*Антониога*).

Салом, муҳтарам синьор,
Ҳозиргина сўз юритдик сиз тўғрингизда.

А н т о н и о

Шейлок, мен қарз олиб ёки қарз берганимда,
Фойда олсам ёхуд фойда берсам, демайман.
Лекин дўстнинг ҳожатини чиқазмоқ учун
Бугун ушбу қондани бузмоқ бўламан.

(*Бассаниога*)

Миқдорини айтдингизми?

Ш е й л о к

Ҳа, уч минг червон.

А н т о н и о

Нақ уч ойга.

Ш е й л о к

Унутибман! Уч ойга, денг.. яъни, масалан
Сизнинг вексель билан. Буни ўйлаб кўрамиз..
Аммо, тўхтанг: ҳозиргина айтганингиздай,
Қарз берганда фойда демай, қарз олганда-чи —
Фойдасини қўшмайсиз ҳам... Шундоқми?

А н т о н и о

Шундоқ.

Ш е й л о к

Ҳали Лаван қўйларини боққанда Яъқуб
(У ҳазрати Иброҳимга учинчи ворис,
Ҳа, учинчи ворис эди, онаси боис...)

А н т о н и о

Бу не даркор? Магар у ҳам фойда олганми?

Ш е й л о к

Иўқ, фойда-ку олмаган у... Сал бошқачароқ,
Сўзнинг асл маъносида фойда олмаган.
Лаван билан аммо шундоқ келишиб олган —
Туғилган ҳар ола қўзи менга тегиш деб.
Куз бошланиб, ҳароратга тўлган қўчқорлар
Кўкрак кериб, совлиқларга ёндашган маҳал

Олабайдоқ мато билан ҳалиги айёр
Барг сидириб, жониворлар олдига тўккан.
Уша йили юк кўтарган қўйларнинг бари
Ола-була қўзи туққан... Яъқубга тегиш!
Мана сизга бойимоқнинг йўли — бемисол,
Ўғриликсиз, чин фойда бу, луқмаи ҳалол!

А н т о н и о

Ҳа, Яъқубга қўл келипти қулай тасодиф,
Зотан, унга натижаси боғлиқ эмасди.
Буюрган ҳам, бажарган ҳам, менимча, фалак,
Сиз нақлдан судхўрликка излайсиз фатво,
Пулларингиз — қўйлармикин, қўчқорларми ё?

Ш е й л о к

Билолмайман. Аммо, тез-тез қарзга бераман.
Эшитинг-а, синьор...

А н т о н и о

Эшит, эй Бассанио:

Ҳатто иблис суянади муқаддас сўзга,
Биласанми, ўша қутлуғ муқаддасотга
Суянгувчи бузуқи қалб монанддир кимга?
У лаблари кулиб турган золимга ўхшар.
Ичи чирик, сирти қирмиз меванинг ўзи.
О, нақадар зебо бўлур ёлғоннинг юзи!

Ш е й л о к

Уч минг червон! Ҳазилакам пул эмас, ахир...
Нақ уч ойга... Қанча бўлар йиллик фойдаси!

А н т о н и о

Демакки, қарз бермоқчисиз, шундайми, Шейлок?

Ш е й л о к

Синьор Антонио, айтай, неча дафъа сиз
 Риальтода мени сўкиб, таҳқир этдингиз,
 Ерга уриб пулларимни, фойдаларимни.
 Ҳаммасига елка қисдим, бардош айладим.
 Сабру чидам — қавмимизга азалий одат.
 Мени кофир, ҳатто ит, деб, жамоат ичра
 Атадингиз, тупурдингиз жуҳуд тўнимга.
 Сабабки: у меникидир, менинг чопоним.
 Хўш, энди-чи, энди керак бўлиб қолдимми?
 Афсус, аттанг! Ҳузуримга бугун келиб сиз:
 «Шейлок, менга қарз беринг» деб жавоб кутасиз.
 Сиз — таҳқирлаб юзларимга тупурган жаноб,
 Сиз — эшикдан мени итдай ҳайдаб солган зот,
 Бугун мендан қарз сўрайсиз? Сизга пул керак!
 Нима дейман? Қандай жавоб айтайин, ҳайҳот.
 Е айтсамми: «Пул не қилсин қопоғон итда?
 Қандай қилиб уч минг дукат қарз берар кўппак?»
 Е бўлмаса, таъзим айлаб қулингиз монанд,
 Титраб-қақшаб айтсаммикин ювошлик билан:
 «Чоршанба кун тупурдингиз юзимга, балли,
 Пайшанба кун тепгандингиз кетимга, майли.
 Ит, дердингиз, эркалашлар ҳаққига энди
 Қарз берайин, қабул этинг, синьор афанди».

А н т о н и о

Яна шундай атамоққа ҳозирман бу дам,
 Тупурмоққа ва кетингга тепмоқликка ҳам.
 Қарз бермоқчи эсанг, қани берақол тезроқ —

Дўст тарзида эмас. Дўстлик излармикан, бас,
Бирор баҳра шарофатсиз, совуқ металлдан?
Берар бўлсанг, душманингда берган каби бер,
Синса, яъни таназулга учраса ўша
Роҳат қилиб ундирасан!

Шейлок

Уҳ, тутақдингиз!
Мен дўст бўлиб, кўнглингни олмоқ истайман,
Унутаман дашномлару ҳақоратларни.
Сизга ёрдам қўлин чўзиб, тийин олмайман —
Фойдасига. Сиз бўлсангиз қулоқ солмайсиз,
Мен сўзлайман сидқидилдан, яъни, юракдан.

Бассанио

Сидқидилдан?

Шейлок

Ҳа, мен буни исбот этаман:
Ҳозир бирга йўл оламиз нотариусга.
Сиз у ерда вексель ёзиб, ҳазил тариқа,
Қайд этасиз: фалон муддат, фалон дақиқа
Гар қарзимни узолмасам — тўлай жарима.
Жаримаки, энг аломат гўштингиздан мен
Сайлаб-сайлаб, нақ бир қадоқ кесиб олгайман.
Танингни қай қисмини сайлаш — хоҳишим,
Яна қандоқ кесиб олиш — бу менинг ишим.

Антонио

Бўпти, ўша векселга мен имзо чекаман,
Яна, жуҳуд — ғоят соҳиб саховат, дейман.

Б а с с а н и о

Йўқ, мени деб бундоқ вексель бериш номаъқул,
Яхшиси, мен қашшоқликда қолай бир умр.

А н т о н и о

Қўрқма, дўстим, муддатидан кечиктирмайман,
Шу икки ой орасида, бир ойча олдин —
Анов шартнинг муддатидан, тушар қўлимга
Қарзимиздан ўн баровар зиёда олтин.

Ш е й л о к

О, Иброҳим ҳазрат! Ана, христианлар.
Ўзлари-ку бир тошбағир... Бошқаларда ҳам
Кўрмоқчилар йўқ ердаги бағритошликни.
Хўш, ўзингиз ўйлаб кўринг, тўлов кечикса,
Ва битимга биноан мен олсам жарима,
Нақ бир қадоқ одам гўшти — кимга ҳам даркор,
Нархи қанча, ундан менга нечук фойда бор!
Буқа гўшти, эчки гўшти бўлса, бошқа гап,
Мен яхшилик қилмоқчиман дўстликка атаб...
Хўп, десангиз, хўп, бўлмаса, тинч қўйинг мени,
Яхшиликка ёмонлик, деб аташар буни.

А н т о н и о

Шейлок, шундай векселга мен имзо чекаман.

Ш е й л о к

Нотариусда учрашамиз. Хайр, борай мен.
Ҳазиломуз векселингиз шай турсин қўлда.

Мен борай-да, йигиб келай сўлкавойларни,
Бепарво бир хизматкорнинг измида уйим,
Хабар олай, ўша бевурд нималар қилди?
Тез қайтаман.

А н т о н и о

Борақол, эй ҳимматли жуҳуд.

Ш е й л о к кетади.

Ажаб дунё! Жуҳуд борар Исо йўлидан.

Б а с с а н и о

Мен қўрқаман ёвузларнинг ширин тилидан.

А н т о н и о

Кетдик, дўстим. Хавфу хатар йироқ, кемалар —
Қайтиб келар у муддатдан ўттиз кун аввал.

Кетишади.

ИККИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Бельмонт. Порция уйдаги хона.

Марокаш шаҳзодаси ўзининг хос маҳрамлари билан, Порция эса Нерисса ва бошақа жориялари билан киришади. Бурғи садоси.

Марокаш шаҳзодаси

Қоп-қора, деб таҳқир ила боқмагил зинҳор,
 Қоратўри ёпинчиққа қуёш сабабкор.
 У — қўшнимдир, сингиб кетмиш жисму жонимга,
 Уша, ҳатто, ёзда музлар эримайтурган
 Ўлкалардан чорла оппоқ шимол ўғлонин.
 Биз тиг санчиб, севгинг ҳақи, синаб кўрамиз,
 Қани, кимнинг қони қайноқ, қизғишроқ экан.
 Келбатимни кўриб қочмиш не-не ботирлар,
 Лекин сенга севгим учун қасам ичаман,
 Шу қўрқинчли башарани севмиш юракдан
 Ватанимнинг не-не танноз паривашлари.
 Мен қоп-қора шу тусимни ўзгартирмоққа
 Фақат сенинг майлинг учун бўлардим рози.
 Фақат сенинг севгинг учун, гулим, маликам!

Порция

Мен танлашда қиз кўзининг нозик, синчков
 Изми билан йўл тутишга қодир эмасман.

Лотерея ўйинига ўхшаш қисматим;
 Менга хушлаб, танламоқни тақиқ айлаган.
 Марҳум отам ихтиёрим чекламасайди, —
 Кимки сирни топса, ўшанга —
 Тегасан, деб этмасайди менга васият,
 О, шаҳзода, сизни чиндан севардим, илло,
 Шу чоққача учратганим йигитлар аро
 Қора дея санамасдим.

М а р о к а ш ш а ҳ з о д а с и

Раҳмат шунгаям!

Қани, бошланг мени сирли қутичаларга.
 Бошланг, токи мен бахтимни синаб кўрайин.
 Сафавийни бир зарб ила юз тубан йиққан,
 Сулаймонни жангда уч бор мағлуб айлаган
 Ўша эрон шаҳзодасин қабрга тиққан —
 Шу шавкатли шамширимга ичаман қасам,
 Мен кўзларни кўр қилардим бир қараш билан,
 Олишардим, кимки бўлса жаҳон паҳлавон.
 Онасини эмаётган айиқчаларни
 Тап тортмасдан шартга юлиб, улоқтирардим,
 Хўрлаб, мазах этар эдим оч арслонни —
 Фақат сенинг васлинг учун! Лекин, во дариф,
 Қудрати зўр эрлар кимдир, билайлик, дея
 Ошиқ ташлашаркан Лихас, Геркулес, бехос
 Ўша ёш маҳрамнинг нимжон, қалтироқ қўли
 Ҳеч гап эмас, ошиғини олчи айласа!¹
 Сўқир қисмат шафқат-карам кўрсатмай зарра,
 Мен билан ҳам шундоқ ўйин ўйнаши мумкин.
 Мен қолсаму нолойиқлар совринни олса,
 Улар эдим надоматдан.

¹ Геркулес — афсонавий паҳлавон, Лихас — унинг қули, ёш маҳрами. Шекспир, ошиқ ўйнаганда, нимжон Лихас баҳодир Геркулесни ютиши мумкин демоқчи. (Тарж.)

П о р ц и я

Шаҳзода, танланг,
 Ё синовда қатнашмайсиз мутлақо, ёки —
 Қатнашасиз, аммо-лекин этсангиз хато,
 Бу дунёда минбаъд бирор аёл зотига
 Оғиз жуфтлаб, сўз очмайсиз никоҳ ҳақида.
 Уйлаб кўринг.

М а р о к а ш ш а ҳ з о д а с и

Ҳаммасига розиман, рози.
 Қани бошланг мени бахтим-иқболим сари.

П о р ц и я

Аввалбоши бориб, тоат-ибодат қилинг,
 Кейин таом... Сўнг синайсиз иқболингизни.

М а р о к а ш ш а ҳ з о д а с и

Тақдир, менга марҳаматинг баланд тут, баланд,
 Ё бахтиёр, ё бир умр бадбахт бўламан!

Бурғу садоси.
 Қетишади.

ИККИНЧИ САҲНА

Венеция. Кўча.
 Л а н ч е л о т к и р а д и .

Л а н ч е л о т

Албатта виждон ана шу хўжайин бўлмиш жуҳуддан
 қочиб қолишимга йўл қўяди. Аммо шайтон шундай ав-

райди, шундай васвасага соладики, асти қўяверасиз. «Гоббо, Ланчелот Гоббо, марҳаматли Ланчелот», ёким: «Марҳаматли Гоббо», ё бўлмасам: «Марҳаматли Ланчелот Гоббо,— дейди у,— оёғингни қўлингга олиб, бу ердан қочиб қол, жуфтакни ростлаб, қорангни ўчир бу ердан». Виждон нима дейди денг: «Йўқ, тўхта, виждонли Ланчелот. Тўхта, номусли Гоббо», ёхуд юқорида айтганимиздек: «Садоқатли Ланчелот Гоббо, қочма, бундай хаёлларнинг бетига тупур». Ҳа, майли дейман. Дов-юрак шайтон бўлса-чи, шара-барангни йиғиштир, деб буюради. «Қани, йўлга туш!— дейди иблис,— йўлнинг танобини торт!» «Хўп, майли, дейман; виждон эса бўйнимга осилиб, юрагимга шивирлаб, шундай доно гаплар айтадики, қўяверасиз. «Номусли дўстим, Ланчелот, дейди у, сен номусли бир отанинг фарзандисан...» ёки аниқроғи, «номусли онанинг фарзандисан», нега десангиз, тўғриси, отам бир оз анақароқ... қандай тушунтирсам экан, бир оз кўргулиги... бор...¹ Хўп, майли: Виждон дейди: «Ланчелот, қимирлама!» «Қани, қимирла!»— дейди шайтон. «Жойингдан жилма!»— дейди виждон. «Виждон,— дейман,— маслаҳатинг маъқул!» Виждоннинг сўзига кирсам, хўжайиним жуҳуднинг хизматида қолишим керак: у бўлса — тангрим, ўзинг кечиргину! — шайтоннинг худди ўзи: жуҳуддан қочиб қолай десам яна шайтоннинг йўлига киришим керак. Бу ёқда эса, жуҳуд қуйиб қўйган шайтоннинг ўзи. Бас, жуҳуд хизматида қолишимни буюрдими, виждоним — бағри-тош. Шайтоннинг маслаҳати дуруст. Қочаман. Шайтон, оёқларим хизматингга мунтазир. Қочаман, дедимми, қочаман.

Кекса Гоббо сават кўтариб киради.

¹ Ланчелот бу ерда фикрини тўла айтмайди; у онам отанинг олдига похол солган, демоқчи. (Тарж.)

Г о б б о

Еш синьор, тахаммул қилиб, айтинг-чи, синьор жуҳудга қашдоқ борсам бўлади?

Л а н ч е л о т

Е фалак! Бу менинг ўз отам-ку. Шу қадар кўздан қоптики, гўё дийдасига қум эмас, шағал тикилганга ўхшайди. Мени танимаяпти; бир ҳазиллашиб кўраман.

Г о б б о

Муҳтарам ёш синьор, мурувват қилинг: синьор жуҳудникига қандай борсам экан?

Л а н ч е л о т

Биринчи муюлишда — ўнгга буриласиз, аммо худди шу муюлишнинг ўзида — чапга қайриласиз; эҳтиёт бўлинг, ҳалиги муюлишда ўнгга ҳам, чапга ҳам бурилмай, тўппа-тўғри жуҳуднинг уйига қайрилиб қўя қоласиз.

Г о б б о

Е азиз авлиёлар! Тўғри йўлга тушиб олиш мушкул бўларкан. Сиз мабодо айтолмайсизми: унинг Ланчелот деган хизматкори бўларди, ҳали ҳам ўша ердамикин?

Л а н ч е л о т

Сиз ёш синьор Ланчелотни айтяпсизми? *(Чегга)* Шошмай туринг, сизга шундоқ ҳангома кўрсатайки... *(Чолга)* Сиз ёш синьор Ланчелотни айтяпсизми?

Г о б б о

Қандай қилиб, у синьор бўлсин, бегим? Бир камбагалнинг ўғли! Отаси — ўзи айтяпти демангу — номусли, аммо, бечора, қашшоқ бир одам,— лекин худога шукурки, соппа-соғлом.

Л а н ч е л о т

Отаси ким бўлмасин, бари бир биз ёш синьор Ланчелот ҳақида гаплашяпмиз.

Г о б б о

Жанобларига таниш — фақир Ланчелот ҳақида, бегим.

Л а н ч е л о т

Мен сиздан сўрайман, балки, ёлвораман, қария: хулласки, сиз ёш синьор Ланчелот ҳақида гапираяпсиз, шундоқми?

Г о б б о

Ланчелот ҳақида, марҳаматингиз билан, бегим.

Л а н ч е л о т

Хулласки, синьор Ланчелот ҳақида. Отахоним, шу синьор Ланчелот ҳақида сўрамасангиз бўларди, негаким ёш синьор (аввало қазо ва қадар, сўнгра уч опа-сингил Паркларга¹ ўхшаш олимона кимсалар ҳам-

¹ Парклар — қисмат илоҳалари. Ривоятга кўра, улар умр ипини йигирармиш, ўша ип узилса, киши вафот этармиш. (Тарж.)

да ўзга илм тармоқлари тақозосига кўра) чиндан ҳам вафот этди, ёхуд агарда оддийроқ қилиб айтиш жоиз бўлса, нариги дунёга равона бўлди.

Г о б б о

Худоё, ўзинг мадад бер! Ахир болакай қариган чо-
гимда асо, суянчиқ эди менга.

Л а н ч е л о т

Наҳотки, мен таёқ ёки тиргович, ҳасса ёки тўсинга ўхшасам? Сиз мени танимаяпсизми, отажон?

Г о б б о

О, йўқ! Мен сизни билмайман, ёш синьор. Лекин тўғриси айтишингизни ўтинам: менинг болам — худо унга раҳматини раво қилсин — тирикми ё ўликми?

Л а н ч е л о т

Наҳот, мени танимаяпсиз, отажон?

Г о б б о

Вой худойим-ей мен сал кам кўрман,
Таниёлмай турибман сизни.

Л а н ч е л о т

Дарвоқе: кўзингиз тузук бўлганда ҳам мени тани-
шингиз даргумон эди: ўз боласини таний олган оталарга балли. Хўп, майли қария, мен сизга ўғлингиз ҳақида

бор гапни айтай. (*Тиз чўкади.*) Мени дуо қил. Ҳақиқат рўёбга чиқиши лозим: қотилликни узоқ яшириб бўлмайди! Қим кимнинг ўғли эканини бекитиш мумкин, аммо у барибир бир кун очилади.

Г о б б о

Туринг, синьор, марҳамат қилиб, тура қолинг: сизнинг Ланчелот, яъни, менинг ўғлим эканингизга ишонгим келмаяпти.

Л а н ч е л о т

Майнавозчиликни бас қилайлик: мени дуо қил. Мен, Ланчелот, сенинг болақайинг эдим, сенинг ўғлингман, сенинг фарзандинг бўлиб қоламан.

Г о б б о

Ўғлим эканингизга ишонолмай турибман.

Л а н ч е л о т

Энди нима дейишимни ҳам билолмай қолдим: бироқ Ланчелотман, жуҳуднинг хизматкори ва ишончим комилки, хотининг Маржери — онам бўлади.

Г о б б о

Ҳа, уни Маржери дейишади, тўғри... Ва қасам ичиб айтишим мумкинки, агар, сен Ланчелот бўлсанг, менинг пушти камаримдансан. Ё парвардигор! Етказганингга шукур! Қанақа соқол ўстирдинг! Иягингдаги туклар байгалим Доббининг думидан ҳам баттар чаплашиб кетибди-ку.

Л а н ч е л о т

Демак, Доббиннинг думи тўкилибди-да: сўнги бор кўрганимда думи соқолимдан қуюқроқ эди.

Г о б б о

Ё тангрим, ўзгариб кетганингни қара! Хўжайининг билан муросанг қалай? Мен унга совға-салом келтирудим. Қалай, у билан қалинимсизлар?

Л а н ч е л о т

Ҳар қалай, ёмонмас. Аммо, ўзимга қолса, ундан қочишга қарор қилдим; ва бирор олисроқ манзилга етмагунимча, тўхтамоқчимасман. Хўжайинимга келсак — у чинакам жуҳуднинг ўзи. Унга совға-салом?! Чилвир ҳадя қилки, ўзини осиб ўлдирсин; унинг эшигида очликдан ўлар ҳолатга етдим. Мана, қовурғаларимни битта-битталаб санаса бўлади. Лекин, ота, келганинг яхши бўлди. Совға-саломни, яхшиси, синьор Бассаниога топшира қол; одамлар оғзида дув-дув гап: хизматкорларига шунақанги кийимлар буюрганмиш... қойил қоласан! Агар унинг хизматига ўтолмасам, қочаман, дунёнинг нариги бурчига бўлсаям, қочаман. Ана, омад! Унинг ўзи бу ёққа келяпти. Ота, югур, пешвоз чиқ! Жуҳуднинг хизматида қолсам, жуҳуд бўлай энди.

Бассанио, Леонардо ва бошқа хизматкорлари билан киради.

Б а с с а н и о

Бу ишни дўндирасиз: аммо, шошилинг: кечки овқат соат бешдан кечикмасин. Ушбу мактубларни жўнатво-

ринг, кийимларни хизматкорларга тарқатинг, Грацианони менинг уйимга кириб ўтишини илтимос қилинг.

Хизматкорларидан бири жўнайди.

Ланчелот

Ота, тўппа-тўғри олдига!

Гоббо

Тангри ярлақасин сизни, бегим!

Бассанио

Беҳад миннатдорман. Мендан не тилагинг бор?

Гоббо

Мана, синьор, менинг ўғлим, камбағал бир бола...

Ланчелот

Камбағал боламас, синьор, бадавлат жуҳуднинг хизматкори, истардимки... бу ёғини отам тушунтиради...

Гоббо

У, синьор, ҳалигидай, уйқусидаям нуқул кўргани...

Ланчелот

Хуллас, озми-кўпми, ҳар қалай, жуҳуднинг хизматини қиляпман, аммо истардимки... бу ёғини отам тушунтиради...

Г о б б о

Ижозатингиз билан, бегим, у ўз хўжайини билан аҳил-тотув яшаяпти, деб бўлмайди.

Л а н ч е л о т

Қисқаси, бор гап шуки, жуҳуд мени жонимдан безор қилди, шу нарса мени мажбур этадики... бу ёғни отам қаршингизда турган қария, тангри инояти билан тушунтириб беради...

Г о б б о

Манави ерда каптар гўштидан пиширилган таом бор, шуни бегимга тортиқ этишга журъат этаман, ҳам кичик бир илтимос...

Л а н ч е л о т

Сўзни елга совурмаслик учун айта қолай: бу илтимос мени жудаям қизиқтиради... Буни афандимнинг ўзлари ана шу номусли қариядан билиб оладилар... гарчанд... ўзим айтаяпману лекин ҳар қалай, чол бўлсаям, бечора, бари бир менинг отам.

Б а с с а н и о

Битталаринг гапирсаларинг-чи. Нима истайсизлар ўзи?

Л а н ч е л о т

Сизга хизмат қилишни, синьор.

Г о б б о

Илтимосимизнинг бор қусури ҳам ана шу!

Б а с с а н и о

Мен танийман сени, майли, тилагинг қабул.
Хўжайининг бугун менга мақтади роса,
Бой жуҳуднинг қўрғонини тарк этиб тамом,
Қамбағалга хизмат бажо этмоқ бўлсанг,
Ва сен учун бир поғона баланд бўлса бу,
Ишонавер, кўтарилди тағин мартабанг.

Л а н ч е л о т

Қадимий ҳикмат сиз билан хўжайиним Шейлок ўр-
тасида чиройли бўлинибди, синьор: сизда — тангри неъ-
мати, унда эса — пул.

Б а с с а н и о

Яхши айтдинг. Энди рухсат иккингиизга ҳам.
Сен боргину хўжайининг билан хайрлаш.
Сўнг уйимга келавергин.

(хизматкорларга)

Унга энг яхши

Кийимлардан беринг. Аниқ бажаринг амрим.

Л а н ч е л о т

Кетдик, ота! Мен ўзимга ўрин тополмас эканманми?
Нима, менда лаб-даҳан йўқми? Мана! *(Қафтларига)*

қарайди.) Бутун Италияни ахтарса, бунақанги бахтиёр кафтлар топилармикин!.. Шуларни инжилга қўйиб, онт ичаманки, омадим бор. Мана, қаранг ундаги чизиқларга қаранг: булар ҳаёт сўқмоқлари. Унда хотинларнинг кўплигини айтмайсизми, хотинларни! Ун беш хотин — бу ҳали ҳолва. Бу ёқда яна ўн бир бева, тўққиз бокира қиз — бир киши учун ёмон бойлик эмасдир-ов. Бундан ташқари, уч марта чўкиб, ўлим чангалидан қутилиб қоларканман... Пар тўшакка ётганимда даҳшатли хавфхатарнинг шундоқ ёнгинамда туриши-чи... Мана буни омад деса бўлади. Хўш, борди-ю, фортуна¹ хотин қавмидан бўлса, бундай ишларда у шафқат-марҳаматини аямайди. Қетдик, ота. Мен жуҳуд билан кўз очиб юмгунча хайрлашаману чиқаман.

(Кетишади)

Б а с с а н и о

Леонардо, дўстим, ўзинг машғул бўл энди.
Харид қилиб, ҳамма ишни айла жо-бажо.
Тезроқ қайтгил: ахир, бугун меҳмон этаман
Энг қадрдон дўстларимни. Қани, қимирла!

Л е о н а р д о

Айтганингиз бажарилур, муҳайё бўлур.

Г р а ц и а н о киради.

Хўжайининг қани?

Л е о н а р д о

Анув ёқда, синьор.

(Кетади)

¹ Ф о р т у н а — тасодифий омад маъбудаси.

Грациано

Синьор Бассанио...

Бассанио

Грациано!

Грациано

Сиздан битта ўтинчим бор...

Бассанио

Олдиндан қабул.

Грациано

Сиз бу илтимосимни ерда қолдирманг, мен сиз билан Бельмонтга жўнашим зарур.

Бассанио

Зарур? Бўпти, кетдик! Лекин Грациано,
Ҳаддан зиёд ўтсан, йўқдир сўзингда меъёр.
Булар бари қадрдон ва таниш даврада
Ярашади сенга, яъни, нуқсон саналмас.
Аммо-лекин нотаниш бир даврада улар
Туюлади қўрслик ёки қўполлик бўлиб.
Шунинг учун ўша ёниқ табиатингга
Бир-иккита совуқ томчи томиз, йўқ эса,
Лой этасан мени ваҳший атворинг билан,
Поймол бўлур умидларим!

Г р а ц и а н о

О, Бассанио!

Айтганингиз бўлур, ўзни камтарин тутиб,
Ибо билан сўзламасам, сўкиниб гоҳ-гоҳ,
Қўлтигимга дуо китоб солиб юрмасам,
Тушлик пайти ибодатда шляпам билан
Қўзларимни бекитмасам, титроқ сас ила
«Омин!» дея оҳ чекмасам, бувисига нақ
Авлиёдек кўринмоқчи бўлган зот каби
Юриш-туриш низомига амал этмасам,
Ҳукм қилинг, майли, бошқа ишонманг менга.

Б а с с а н и о

Хўп, кўраминиз.

Г р а ц и а н о

Ҳисоб эмас, аммо бу кеча
Унга қараб ҳукм этманг.

Б а с с а н и о

Иўқ-йўқ, аксинча,
То тўйгунча бу кеч яйраб, маишат айланг.
Мен ҳам дўстлар даврасида қувнамоқчиман.
Энди боринг, ишларим кўп, хайр, ҳозирча.

Г р а ц и а н о

Мен учрайман Лоренцога, бошқаларга ҳам,
Зиёратда бўлажакмиз сизда жамулжам.

(Кетишади.)

УЧИНЧИ САҲНА

Аввалги жой. Шейлок уйидаги хона.
Жессика билан Ланчелот киради.

Жессика

Бизникидан кетаяпсан, менга хуш эмас,
Нега десанг, бу уй— дўзах, сен-чи—шўх шайтон,
Кулдиардинг, ёзар эдинг кўнглимни баъзан,
Хўш, омон бўл... Мана сенга совға — бир дукат.
Ҳа, Ланчелот, Бассанио уйида бугун
Лоренцога дуч келишинг, менинча, тайин.
Унга тутқиз шу мактубни, лекин, пинҳона,
Хайр энди, саломат бўл, борақол, яна
Иккимизни сўз устида отам кўрмасин.

Ланчелот

Саломат бўлгайсиз! Кўз ёшларим мени бўғиб қўйди.
Гўзал кофирам, мафтункор жуҳуд бекачим! Борди-ю,
бирор христиан сенга етишмоқ йўлида товламачиликка
юз бурмас экан, мен тамом аросатда қоламан. Аммо...
саломат бўлгайсиз! Бу аҳмоқона кўз ёшларим менинг
мардона руҳимни гарқ этди. Саломат бўлгайсиз!
(Кетади).

Жессика

Хайр энди, саломат бўл, дўстим Ланчелот!
Ажаб, ҳайҳот! Мен отамга фарзандлигимни
Уйлаб, бундоқ уялишим — нақадар гуноҳ!
Аммоки, мен бори-йўғи қондошман, холос.
Лекин, сира юракдошмас. Тингла, Лоренцо,

Энди айтган сўзингда тур, кураш сўнггида
 Бўлажакман христиан ҳам сенга хотин.

(Кетади).

ТҮРТИНЧИ САҲНА

Уша жой. Кўча.

Грациано, Лоренцо, Саларинно ва Саланино
 кирадилар.

Лоренцо

Шундай қилиб, зиёфатдан қочиб қоламиз —
 Сездирмасдан... Сўнгра менинг уйимга бориб,
 Ниқобларни киямизу изга қайтамиз.
 Бир соатда улгураммиз.

Грациано

Аmmo ҳали керагича тайёр эмасммз.

Саларинно

Ҳатто, тайин этилмаган машъалбардорлар.

Саланино

Бўладиган бўлса — тўкис, бежирим бўлсин,
 Нарн-бери бўлса, қўйинг, мутлоқ керакмас!

Лоренцо

Ҳозир роса тўрт; яна икки соат бор,
 Уйлайманки, улгураммз...

Данчелот мактуб кўтариб киради.

Нима гап, ошна?

Ланчелот

Марҳамат қилиб, манавини очиб қарасангиз — нима гаплиги шундоқ кўринади қўяди. (*Мактубни узатади.*)

Лоренцо

Ёзган қўлни танияпман... Назокатли қўл!
Ўзи ёзган шу сип-силлиқ қоғоздан ҳам оқ
Ва латифдир ўша қўлчалар!

Грациано

Ишқномами?

Ланчелот

Жўнамоққа рухсат этинг, синьор.

Лоренцо

Ҳа, қаяққа?

Ланчелот

Сизга айтсам, синьор, собиқ хўжайиним — жуҳудни янги хўжайиним — христианнинг уйига зиёфатга таклиф этгани боряпман.

Лоренцо

Манавини олгин, гўзал Жессикага бер,
Ва оҳиста маълум қилким, бораман. Жўна.

Ланчелот кетади.

Л о р е н ц о

Қани энди маскарадга ҳозирланайлик,
Машғалбардор тайёр, уни ёллаб қўйганман.

С а л а р и н о

Ундоқ бўлса, мен жўнадим; мана тайёрман.

С а л а н и о

Мен келаман.

Л о р е н ц о

Шундай қилиб, бир соатдан сўнг
Грациано уйига йигилсин барча.

С а л а р и н о

Бўпти, борамиз.

С а л а р и н о ва С а л а н и о кетишади.

Г р а ц и а н о

Ҳалиги хат кимдан, гўзал Жессикаданми?

Л о р е н ц о

Дўстим, сендан яширмайман... Жессика ёзмиш
Отасидан уни қандоқ олиб қочишим.
Ёзмиш яна, шайдир қанча олтин, жавоҳир,
Олифта бир йигитчанинг кийим-боши ҳам.

Ҳа, гар жуҳуд етолса кўк марҳаматига,
 Етар балки шу гулчеҳра қизи туфайли,
 Лекин ўша паривашнинг йўлини офат
 Тўсар бўлса, эҳтимолки, бунга баҳона,
 Боис шуки, у — ярамас жуҳуднинг қизи.
 Мен билан юр, мана мактуб, ўқи, азизим,
 Машғалбардор бўлар менга санамнинг ўзи.

(Кетишади.)

БЕШИНЧИ САҲНА

Уша жой. Шейлокнинг уйи олдида.
 Шейлок билан Ланчелот киради.

Шейлок

Мана энди, ўзинг кўриб, баҳо берасан,
 Иккимизнинг фарқимизни кўриб биласан. —
 Эй Жессика! Энди тўйиб-бўкиб юрмайсан
 Мендагидай... Ҳей Жессика!... Ҳам ухламайсан
 Хуррак отиб, босинқираб кийим йиртмайсан.
 Ҳей, қайдасан, Жессика?

Ланчелот

Ҳой, Жессика!

Шейлок

Сен нимага қичқирасан? Чақир демадим

Ланчелот

Ҳазратлари ҳаминша, бирор ишни буйруқсиз бажа-
 ролмайсан, деб мени сўкар эдингиз,

Ж е с с и к а к и р а д и .

Ж е с с и к а

Лаббай, ота! Нима дейсиз?

Ш е й л о к

Зиёфатга чорламишлар, мени, Жессика,
 Қалитларни олгин.— Аммо бориш шартмикин?
 Мени чорлар дўсглик эмас, хушомадгўйлик,
 Йўқ, бораман, нафратимнинг зўридан ҳатто,
 Тўйгунимча еб-ичаман: майли, тўласин
 Мен учун у христиан-исрофгар.— Қизим,
 Ҳай, сен уйдан хабардор бўл ҳар бир сония,
 Аслида-ку бормаганим маъқул эди-я...
 Бир фалокат ўралашиб юрар изимдан,
 Пул солинган халталарни тушимда кўрдим.

Л а н ч е л о т

Шафқатингизни дариг тутманг, синьор: менинг ёш
 хўжлийним нафратингизга умид боғлаган¹.

Ш е й л о к

Мен ҳам ундан шуни умид қилардим.

Л а н ч е л о т

У ерда қандайдир фитна тайёрлашаётгани аниқ:
 маскарад бўлади, демоқчимасману аммо кўрасиз, ўша

¹ «...нафратингизга умид боғлаган» — Ланчелот «ташрифингиз» дейиш ўрнига «нафратингиз» дейди. (Тарж.)

душанбаи пок эрталаб соат олтиданоқ бурнимдан қон кета бошлагани бежиз эмаслигини бир кўриб қўясиз энди.— Бу — бундан тўрт йил бурун ўша лаънати чоршанбага тўғри келган куннинг худди ўзи эди¹.

Шейлок

Маскарад де? Ҳой, Жессика, эшит яхшилаб
 Тўрт томонни бекитиб ол. Ноғора саси,
 Ё сурнайнинг чийиллаган садоларини
 Эшитибоқ, деразага тирмаша кўрма.
 Ҳа, эшикдан чиқармагин бурнингни ҳатто.
 Ўша галварс христиан зотларнинг расво,
 Бўёқланган турқларига кўзингни солма.
 Бекитиб ол қулоғингни, даричаларни
 Токи менинг шу мўътабар уйимга зарра
 Қиролмагай у бемаъни, пучак ғалвалар.
 Оҳ, Яъқубнинг ҳассасига қасам ичаман —
 Шу бемаврид зиёфатга тортмас оёғим!
 Аммо-лекин, мен бораман.— Қани, сен югур,
 Боришимни хабар айла.

Ланчелот

Хўп, мен кетдим, синьор! Сиз эса, синьора, ҳар қалай,
 даричадан гоҳ-гоҳ кўз ташлаб туринг:
 Христиан келади ҳозир,
 У яҳуд қиз кўзига арзир.

(Кетади.)

¹ Душанбаи пок — чистый понедельник, христиан ҳафтидан кейинги ҳафтанинг биринчи кунини, лаънати чоршанба — покаянная среда, христианларда катта рўза (великий пост)нинг биринчи ҳафтасида келадиган чоршанба. (Тарж.)

Шейлок:

Не деди у масхарабоз, Ҳожар уруғи...¹

Жессика

«Яхши қолинг, хайр!» деди, бошқа ҳеч нима.

Шейлок

Бу дангаса итфеъл эмас, аммоки, мечкай,
Еб тўймайди, иш десанг-чи, тошдай қотади.
Пайт топдими — мушук каби хуррак отади,
Керак эмас менга бундоқ текинхўр малай.
Шунинг учун рози бўлдим, бошқага борди,
Майли, дедим, унинг қарзга олган ҳамёнин
Бўшатишга ёрдам берсин. Энди сен, қизим,
Қира қолгин. Эҳтимолки, тезда қайтаман.
Айтганимдай, ҳамма ёқни яхшилаб бекит,
Унутмаким, дурустгина бекитсанг зинҳор,
Топишинг ҳам тайин бўлар, деган ҳикмат бор.

(Кетади.)

Жессика

Хайр! Қисмат мададкордир, айни муддао,
Мен отамдан, сен қизингдан бўлурсан жудо.

(Кетади.)

¹ Ҳо ж а р — Иброҳим Халилulloҳнинг чўриси. Ривоятга кўра, у хўжасидан ҳомиладор бўлиб, қувғинга учраган, дашт-биёбонда Исмоилни туққан. Исмоил — арабларнинг бобокало-ни эмиши. (Тарж.)

ОЛТИНЧИ САҲНА

Ўша жой.

Грациано билан Саларино ниқоб кийиб киради.

Грациано

Мана ўша айвон, худди шунда Лоренцо
Кутишимиз сўраганди.

Саларино

Ҳаяллади у.

Грациано

Ҳа, дарвоқе, ҳаяллаши ажаб эмасми?
Соатдан ҳам тез югурар ахир ошиқлар.

Саларино

О! Ҳаттоки Венсранинг каптарлари ҳам
Эски висол сари унча ошиқмай, аммо
Ун карра тез учадилар янги висолга.

Грациано

Дарҳақиқат, мудом шундай. Таом емакка
Ўлтирганда қандоқсану, турганда қандоқ?
Қайда ўша шамол каби манзилга учиб,
Қайтганда ҳам шундай елиб чопа олган от?
Тушарканмиз ҳар гал бирор нарса ортидан
Уни қўлга киритгандан қувламоқ ширин.
Байроқлари шамол билан талашиб-ўйнаб.

Ўз жонажон соҳилини тарк этар палла
Олифта бир йигитчага ўхшайди кема!
Қайтганда-чи, у бир саёқ ўгилга ўхшар,
Биқинлари пачоқ-мачоқ... елканлари-чи —
Шамолларда йиртилгандир, тамом дабдала.

С а л а р и н о

Ана келди Лоренцо ҳам... Бу ҳақда кейин.

Л о р е н ц о

Кечикканим учун, дўстлар, тутингиз маъзур,
Турли ишлар сабаб бўлди ҳаяллашимга.
Қиз ўғирлаш гали магар етаркан сизга,
Тоқат билан кутажакман, қанча десаиғиз.
Хўш, яқинроқ келинғиз-чи, мана бу ёққа,
Бу — қайнотам уйи... Эҳей, ким бор у ёқда?

Даричада йигит кийимини кийиб олган Жессика кўрниади.

Ж е с с и к а

Ким бўласиз? Ишонч учун айтингиз, гарчанд
Онт ичайки, овозингиз яхши танийман.

Л о р е н ц о

Мен — Лоренцо, севгилингман, муҳаббатингман.

Ж е с с и к а

Лоренцо денг! Уша менинг севгилим, тўғри.
Ундан бўлак кимим ҳам бор... Аммо мен эсам
Сизникиман, сиздан бўлак ким билар буни?

Лоренцо

Елғиз гувоҳ — тангри, яна сенинг идрокинг!

Жессика

Қутичамни илиб ол, у арзийди шунга,
Тун қоронғу юриш мумкин кўзга чалинмай.
Бу бўлакча кийимимдан хижолатдаман.
Муҳаббатнинг кўзи кўр, деб айтганлари рост.
Ошиқ кўрмас жунуни-ю, жаҳолатини.
Лекин менинг йигитларча кийинганимдан
Уяларди кўрса ҳозир ҳатто Купидон.

Лоренцо

Тезроқ тушгил, машъалбардор бўлурсан менга.

Жессика

Қандай? Ўзим ёритайми шармсорлигим?
У шундоқ ҳам «мана, мен!» деб ошкор, намобён,
Боз устига кўринайми унда ҳаммага.
Менга қолса, бекинганим маъқул, азизим.

Лоренцо

Ташвиш тортма, йигитларнинг кийимида сен
Жуда яхши яширинасан, менинг фариштам.
Бўл, туша қол!
Ҳа, демайин бошлаб келар кеча кундузни,
Бассанио зиёфатда кутмоқда бизни.

Жессика

Эшикларни бекитаман, чўнтакка бирров —

Ақчаларни жойлайман-да, тушаман дарров!

(Кўздан ғойиб бўлади.)

Грациано

Қалпоғимга қасам ичиб, айтаманки, бас,
У чинакам мажусийдир, жуҳуд қизмас!

Лоренцо

Лаънат бўлсин менга, агар уни севмасам,
У — оқила, фаҳмлайман, фаҳмим гўр эмас,
У — гўзалдир, кўраянман, кўзим кўр эмас.
У — содиқдир, садоқатин кўрсатди ўзи.
Бир санамким, малоҳатли, оқила, содиқ,
Умр бўйи бўлай унга парвона ошиқ!

Жессика киради.

Ҳа, келдингми? Қани, дўстлар, юрайлик олга,
Кўпдан бизни кутишади ниқоб базмида.

Лоренцо, Жессика, Саларино кетишади. Анто-
нио киради.

Антонио

Қим бор бунда?

Грациано

Синьор Антонио!

А н т о н и о

Фу, мана у! Уят сизга, Грациано.
 Соат тўққиз, ҳамон йўқдир сиздан дом-дарак.
 Дўстлар илҳақ. Аммо-лекин, бошқалар қани?
 Базм қолдирилди: йўлчи шамол қўзғалди,—
 Бассанио ошиқади сузиб кетмоққа.
 Ортингиздан йигирмата одам юбордим.

Г р а ц и а н о

Жуда яхши! Елкан ёйиб, тушайлик йўлга.
 Бахт дегани бундан ортиқ бўлурму менга.

Кетадилар.

ЕТТИНЧИ САҲНА

Бельмонт. Порция уйидаги хона.
 Бурғу садоси. Порция, Марокаш шаҳзодаси ва
 уларнинг маҳрамлари киришади.

П о р ц и я

Ҳа, пардани очинг энди у қутичалар.
 Олийнасаб шаҳзодага бўлсин намоён.
 Қани, танланг, шаҳзодам!

М а р о к а ш ш а ҳ з о д а с и

Биринчиси — олтин қути, ёзуви шундоқ:
 «Олажаксан кўплар орзу қилган нарсани».
 Иккинчиси — кумуш қути, садоси бундоқ:
 «Олажаксан сен ўзингга лойиқ нарсани».
 Учинчиси — қўрғошиндан, сўзи кескинроқ:

«Бор нарсаңга хатар тушар, танласанг мени».
 Қандай қилиб билгум тўғри танлаганимни?

П о р ц и я

Биттасида сувратим бор, азиз шаҳзодам,
 Гар ўшани танласангиз,— мен сизникиман.

М а р о к а ш ш а ҳ з о д а с и

Тангим қўллаб, тўғри йўлга бошлагай мени,
 Хўп, кўрамиз: ёзувларни ўқий-чи такрор.
 Хўш, қўргошин нима дейди?
 «Бор нарсаңга хатар тушар танласанг мени».
 Танласамми? Бор нарсани қўйиб хатарга?
 У қўрқитар, таҳдид этар. Ахир кимда-ким
 Бор нарсасин таваккалга топширса дангал,
 Умид боғлар йирик ютуқ, йирик фойдага.
 Олтин ақл учмас бундоқ қора қуйқага.
 Йўқ, хатарни танламайман қўргошинни деб!
 Нима дейди кумуш маъсум туриши билан?
 «Олажаксан сен ўзинга лойиқ нарсани».
 Мен нимага лойиқдирман? Тўхта, шаҳзода!
 Қатъий туриб, ўз-ўзинга баҳойингни айт,
 Кўп нарсага лойиқдирсан. Лекин «кўп нарса»
 Кам бўлиши ҳеч гап эмас париваш учун.
 Ўз-ўзимнинг фазилату лаёқатимга
 Шубҳаланиш — заифлигу ожизлик, холос.
 Хўш нимага лойиқдирман? Мен унга лойиқ!
 Лойиқдирман насабим ва мулки давлатим,
 Ҳусним билан, яна ҳулқи камолим билан,
 Ҳаммадан ҳам — муҳаббатим-омолим билан.

Бас, не қилур, иккиланмай, шуни танласам?
 Хўш, олтиннинг сўзини ҳам ўқиб кўрайин:
 «Олажаксан кўплар орзу этган нарсани».
 Кўплар уни орзу қилар! Ёлғиз ўшани!
 Ер юзининг чор бурчидан келишар оқиб,
 Шу муқаддас латофатни тавоф этгани.
 Арабистон саҳросининг қум доволари.
 Олис чўллар одатий бир йўл бўлиб қолди
 Порцияга талпинувчи шаҳзодаларга.
 Тўлқинларнинг салтанати, ҳатто, ҳайқириб,
 Осмонларга тупуролган учиримлар ҳам
 Писанд эмас. Хорижийлар ўтарлар сузиб,
 Денгизни ҳам хаёл этиб бир ирмоқ каби —
 Порцияга бир бор боқиш — улар матлаби.
 Уч қутидан биттасида самовий суврат.
 Ё қўрғошин қутичада? Мумкинмас асло!
 Равомикин унга шундай қоронғу турбат?
 Жаҳолат-ку ҳатто шундоқ ўйлашнинг ўзи.
 Ё бўлмаса, олтиндан ҳам у ўн карра арзон
 Кумушмикин паривашга осуда макон?
 Йўқ, бундоқ деб ўйлаш хато, гуноҳдир ҳатто,
 Ким кўрибди лаъл-гавҳарни кумуш ҳалҳада.
 Бир бетига фариштанинг сувратин солиб,
 Олтин танга зарб этмишлар Инглистонда.
 Унинг фақат сирти тилло, бунинг — ичи ҳам.
 Ичкарида: зар тўшакда менинг фариштам!
 Мен танладим! Қутича берк! Қалити қани?
 Кўрайлик-чи, тақдир нечук сийламиш мени?

Порция

Мана калит... Қутичада, азиз шаҳзодам,
 Сувратимни тополсангиз, мен сизникиман.

М а р о к а ш ш а ҳ з о д а с и

(олтин қутичани очади)

О ҳалокат! О жаҳаннам! Нени кўраман?
Бунда фақат бош чаноғи, бўм-бўш кўзида
Тўрт буклоғлик бир қоғоз бор. Уни ўқийман.

«Ялтираган бари — олтинмас,
Бу бир ҳикмат, қадимдан мерос.
Баъзилар бор мени кўриш-чун
Совуради умрини бутун.
Зар тобутда қурт яшар ниҳон
Ақлинг етук бўлганда, инсон,
Совуқ қотиб, тишламасдинг ер,
Иўлинг очиқ, хайр, кетавер».
Заҳматларим бскорга кетди,
Алвидо ёз, қиш келиб етди.

(Порцияга)

Кечир! Менга оғир, бошқа чўзмайман ғамни,
Ютқизганлар чекар шундоқ ҳижрон-аламни.

(Кетади.)

П о р ц и я

Халос бўлдик! Тез бекитинг пардани, токи,
Шундайлардан шундайликча қутулсам кошки!

(Кетади).

САККИЗИНЧИ САҲНА

Венеция. Кўча.

Саларино билан Саланио киради.

Саларино

Йўғ-е, дўстим? Ўзим кўрдим ҳа, Бассанио
Жўнаб кетди, унга ҳамроҳ Грапиано:
Улар билан Лоренцо йўқ, ишончим комил.

Саланио

Фарёд билан жуҳуд тунда уйғотмиш дожни,
Бассанио кемасин у тинтимоқ бўпти.

Саларино

Кечикишди: кема энди йироқлаб кетди.
Ҳам шу ора дожга айрим воқиф кишилар
Лоренционн маъшуқаси Жессика билан
Бир қайиққа тушганини хабар қилдилар.
Антонио ишонтирди дожни бир йўла,
Бассанио кемасида улар йўқ дея...

Саланио

Жазавали эҳтироснинг шу қадар алвон,
Олақуроқ лавҳасини кўрмовдим сира.
Кўппак жуҳуд кўча-кўйда кўтарди фиғон:
«Эвоҳ, қизим! Эвоҳ, менинг пулларим!»— дея.
«Қизим қочмиш христиан билан. Оҳ, алам!
Христиан ақчалари соврилди! Эвоҳ!
Қани ҳакам? Қани қонун? Қани адолат?

Ўғирлапти қизим икки халта ақчамни!
 Ўғирлапти қизим! Яна гавҳарларимни,
 Икки дона қимматбаҳо олмос тошни ҳам!
 Ўғирлапти қизим! Тезда топингиз уни!
 Ақчалару жавоҳирлар у билан бирга!..»

С а л а р и н о

Болакайлар Венеция бўйлаб изидан
 Қичқиришар: «Қизим қани?.. Пулларим қани?»

С а л а н и о

Антонио ўтказмасин тўлов муддатин,
 Бўлмаса-чи; нақ балога ўша қолади.

С а л а р и н о

Ҳа, дарвоқе, бир француз кеча сўзлади,
 Англия-Франция аро бўғозда
 Чўккан эмиш бизнинг юртга тегиш бир кема.
 Устидаги юк-бисоти кўп экан, дейди,
 Шу ондаёқ Антонио ёдимга тушди,
 Ҳа, уники бўлмасин-да анави кема!

С а л а н и о

Бу тўғрида айтмоқ зарур Антониога,
 Лекин шундай йўл биланки, озор чекмасин.

С а л а р и н о

У шафқату саховатда оламда танҳо,
 Кўрдим, Бассанио билан хайрлашганин.

Бассанио унга, тезда қайтаман, деди:
 У бўлса-чи, не дейди денг: «Йўқ, Бассанио,
 Ишни чала-чулпа этма мени деб асло!
 Вақти-соати етиб, расо пишганича кут:
 Ва мен берган ҳув, анави векселни ўйлаб,
 Хавотирга тушма, руҳинг хира тортмасин.
 Фақат шоду ҳуррам юргин, бутун фикрингни
 Муҳаббатга, ўша нозик ишга бағишла».
 Шундай деди, кўзларига қалққан ёшини
 Яшириш-чун юз ўгириб, қўлини чўзди.
 Бассанио қўлини у қисди бир ажиб —
 Меҳр билан. Улар шундай хайрлашдилар.

С а л а н и о

У ҳаётни Бассанио учун ссвади,
 Менга шундоқ кўринади! Қани, юр энди,
 Борайлик-да, юрагини ёзайлик бир оз
 Бирор енгил ҳазил билан. Кетдик!

С а л а р и н о

Жуда соз,

(Кетишади.)

ТҲҚҚИЗИНЧИ САҲНА

Бельмонт. Порция уйдаги хона.
 Нерисса хизматкорлар билан киради.

Н е р и с с а

Қани, тезроқ бўла қолинг, очинг пардани.
 Арагонлик шаҳзода ҳам ёд этди қасам,
 Синов учун бу томонга ошиқар шу дам.

Бургу сатоси. Арагон шаҳзодаси, Порция ва уларнинг хос маҳрамлари киришади.

Порция

Мана ўша уч қутича, азиз шаҳзодам,
Адашмасдан, тўғри танлай олсангиз агар,
Дарҳол адо этажакмиз никоҳ расмини.
Йўқ, бордию адашсангиз — гапни чуватмай.
Хайр, дейсиз, шу ондаёқ жўнаб кетасиз.

Арагон шаҳзодаси

Ҳаммасига рози бўлдим. Тақдир, ёрлақа,
Умидларим бажо айла! Нелар кўраман:
Олтин, яна кумуш, яна қора қўрғошин.
«Бор нарсангга хатар тушар, танласанг мени».
Сал сўлимроқ бўлганингда, таваккал, дердим!
Кўрайлик-чи, нима деркин олтин қутича:
«Олажаксан кўплар орзу қилган нарсани».
Хўш-хўш, «кўплар» ҳолбуки, бу «кўплар» дегани
Ўз-ўзига бино қўйган қора оломон,
У сийратга эмас, балки сувратга боқар.
Хушёрликда гўё қора читтакка ўхшар,
Тўрт тарафи яланг ерга ин қўяр нодон.
Танламайман кўпчиликнинг русуми билан.
Жўн, жайдари ақлларга, ваҳший тўдага.
Истамайман, ўз-ўзимни этсам баробар.
Яна сенга ўгриламам, кумуш ғазначи,
Шиорингни тагин бир бор тақрор айла-чи:
«Олажаксан сен ўзингга лойиқ нарсани».
Оҳ, чиройли айтилипти! Ахир тақдирни —
Лдамоққа, ўзи ҳали нолойиқ бўлган
Эҳтиромни ахтармоққа кимнинг ҳаққи бор?
Ҳар ким олса, оқлаб олсин шону шуҳратни.

О, агарда унвонлару мансаб, рутбалар
 Хизмат билан олинсайди: пасткаш, беномус —
 Адолатсиз йўллар билан олинмасайди,
 Шон-шавкатга чулғанарди асл меҳнаткаш,
 Ҳукмдорлар бўйсунушга бўларди мажбур!
 Шон-шарафнинг тўқ мағизли, асл донидан
 Айриларди қанча-қанча сассиқ алафлар!
 Ва беомон асрларнинг ҳалокатидан
 Омон қолиб, ярқирарди қанча шавкатлар!
 Лекин етар, мени синов, таваккал кутар:
 «Олажаксан сен ўзингга лойиқ нарсани».
 Мен ўзимга лойиғини оламан. Қалит!
 Ёраб, омад даричаси менга очилсин!

(Кумуш қутичани очади.)

П о р ц и я

(Четга)

Узоқ сўзга арзимади топганинг лекин.

А р а г о н ш а ҳ з о д а с и

Ўҳ, нима бу? Бир бедаво, хунук башара,
 Эвоҳ, гўзал Порцияга ўхшамас сира!
 Мактуб ушлаб турар! Қани, ўқиб кўрайин,
 Лекин фазлу фазилатнинг баҳоси қани?
 «Олажаксан сен ўзингга лойиқ нарсани».
 Шуми менга лойиқ нарса, шуми мукофот?
 Бошқасига наҳот лойиқ бўлмасам, ҳайҳот?

П о р ц и я

Қози билан жавобгар шахс — бошқа-бошқа ном,
 Бошқачадир иккисининг ҳислатлари ҳам.

Арагон шаҳзодаси

Нималар деб ёзилипти? Қани, кўрайлик:
 «Етти карра ўтдим оловдан,
 Шу ҳикмат ҳам ўтмиш синовдан:
 Қимки хато этмапти сира,
 У сояни қувган бир кимса,
 Бахт сояси — унга насиба.
 Менга ўхшаш сирти ялтироқ
 Нодонлар кўп, атрофингга боқ.
 Қимни хотин қилма, барибир,
 Сувратингман аввалдан-охир.
 Суҳбатимиз битди. Қетавер!»
 Бунда қотиб турганим сайин,
 Нодонлигим кўринар тайин.
 Аҳмоқ бош-ла келгандим етиб,
 Энди кетай, уни жуфт этиб.
 Узр, санам...Сукут сақлайман:
 Аҳдимдаман, сўзим оқлайман.

(Кетади.)

Порция

Кул-капалак шамга дуч келди, дейман...
 — Эй, донишманд нодонлар-ей! Танлаган асно —
 Ақллари тошиб, эсдан бўлурлар жудо.

Нерисса

Иўқ, бекорга айтилмапти мақолда, бекам:
 «Насибадир — уйланиш ҳам, ўзни осини ҳам».

Порция

Кетдик энди, Ҳа, Нерисса, пардани тушир.

Хизматкор киради.

Хизматкор

Синьора қани?

Порция

Мен бундаман. Нима гап, синьор?

Хизматкор

Синьора, ҳозиргина остонангизга
Қадам қўйди навқирон бир венециялик.
Хўжайиним келмоқда, деб хабар қилди у.
Ва топширди у жанобнинг сизга йўллаган
Таъзими-ю, қимматбаҳо тортиқларини.
Иқрорманки, муҳаббатнинг шундайин дилбар
Ва диловар элчисини кўрмовдим аввал.
Зўр саратон келишини апрель ойи ҳам
Етказолмас нозик-адо этиб шу қадар.

Порция

Бас, кифоя. Қўрқаманки, у қариндошинг,
Ёки бирор яқинингдир... Ахир шунчалар
Мақтовларга уни ўраб-чирмаб ташладинг!
Юр, Нерисса, назокатли ишқ элчисини
Истайманки, шу ондаёқ этсам томоша.

Нерисса

Эҳ, худоим, Бассанио бўлсин-да ўша.

(Кетадилар.)

УЧИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Венеция. Кўча.

С а л а н и о билан С а л а р и н о киради.

С а л а н и о

Хўш, Риальтода не янгиликлар?

С а л а р и н о

Нима ҳам бўларди? Уша-ўша: Антонионинг кемаси катта юк билан Тор бўғозда¹ ҳалокатга учрагани ҳақидаги гаплар. Агар миш-миш хола чиндан ҳам покдир омон хотин бўлиб, алдамаётган бўлса, унинг гапидан Гудвин қумлоги²—чамамда, шундоқ деб аталади,—қарғиш теккан бир жой, хатарли бир саёзлик эмиш ва у ерда ўйлаб катта кемаларнинг ашқал-дашқаллари қалашиб ётганмиш.

С а л а н и о

Менга қолса-ку, миш-миш хола қачонлардир занжабил конфет еган ёки учинчи эримни тупроққа қўйдим,

¹ Тор бўғоз — Ламаншнинг эски номи.

² Гудвин қумлоги — Темза дарёсининг мансабида жойлашган, у ерда кемалар тез-тез ҳалокатга учраб турган. (Тарж.)

деб оқ-воҳ билан қўшниларни ишонтирган қуда хола-нинг энг алдоқчиси бўлиб чиққани яхшийди. Лекин афтидан, бу ҳақиқат,— овозаларнинг тўғри йўлини тўсмай, гапнинг индаллосини гапирадиган бўлсак,— чиндан ҳам, марҳаматли Антонио номусли Антошио—...О, мен унинг номига муносиброқ бир сифат тополсайдим!

С а л а р и н о

Бас. Нуқта қўй.

С а л а н и о

А? Нима дединг? Хўп, хуллас, сўнгги нуқта шуки, Антонио кемасидан айрилипти.

С а л а р и н о

Истардимки, бу — у кўраётган айрилиқларнинг охири бўлгай.

С а л а н и о

Тезроқ «омин» дейишимга имкон берким, дуойимга иблис мене бўлмагай, ана у, жуҳуд қиёфасида келяпти.

Ш е й л о к киради.

Нима гап, Шейлок? Савдогарлар дунёсида не янгликлар?

Ш е й л о к

Ўзингиз биласиз-ку — сиздан яхшироқ тагин ким билади — қизим қочиб кетди.

С а л а р и н о

Айни ҳақиқат. Мен ҳатто «пирр» этиб учсин учун унга қанот ясаб берган устасини ҳам биламан.

С а л а н и о

Қушчапинг қанот чиқариб қолганини Шейлокнинг ўзи ҳам биларди. Бунақа паллада уларнинг ҳаммаси ҳам ота-оналари ёнидан учиб кетишади, табиатлари шунақада!

Ш е й л о к

Лаънатлар бўлсин ўшандоқ табиатга!

С а л а р и н о

Бўлади, иблис ҳукм чиқардим, албатта бўлади.

Ш е й л о к

Менинг ўз жисмим, ўз қоним галаён қилди!

С а л а н и о

Вой, қари ўлакса-ей! Шу ёшингда галаён қилдим, а?

Ш е й л о к

Мен ўз жисмим, ўз қоним, деб қизимни айтаяпман.

С а л а н и о

Сенинг жисмиг билан унинг жисми орасидаги фарқ қора анбар билан фил суяги орасидаги фарқдан ортиқроқ: қонингиз ҳам қизил мусаллас билан рейнвейндек, бир-биридан йироқ. Хўш, эшитганингни гапир: Антонио кемасидан айрилгани чинми ёки ёлгонми?

Ш е й л о к

Ана, бошимга яна бир фалокат! Исрофгар, банкрот Риальтода кўриниб бўпти энди; ўзи гадо, лекин бозорда олифталик билан юришига ўлайми?! Берган векселини эслаб қўйсин энди! У мени судхўр, деб камситгани камситган эди — векселини ўйлаб қўйсин энди! У христианча шафқат юзасидан қарзга пул берарди — векселини эслаб қўйсин энди!

С а л а р и н о

Лекин, мен амнинманки, қарзини вақтида тўлай олмасам, сен унинг гўштини талаб қилмайсан: нимага ҳам ярарди у?

Ш е й л о к

Қармоққа илиб балиқ овлашга ярайди! Ҳеч кимни тўйдирмасаям менинг қасдимни, қасосимни қондиради... У менинг обрўйимни тўкди, энг камида ярим миллион ишлаб олишимга халал берди, кўрган зиёнларим устидан масхаралаб кулди, қилган фойдаларимни камситиб, ерга урди, халқимни ҳақорат қилди, йўлимда кўндаланг бўлиб туриб олди, дўстларимни мендан совутди, душманларимни менга гиж-гижлади; хўш, не сабабдан шундай қилди? Сабаб — менинг жуҳудлигим! Хўш, айгинг-чи.

жуҳудда кўз йўқми? Магар жуҳудда қўл, тана аъзолари, туйғулар, иштиёқлар, эҳтирослар йўқми? Ё мабодо, бошқаларни тўйдирган таом уни тўйдирмайдими, бошқаларни яралаган қурол уни яраламайдими, бошқаларни тузатган дори уни тузатмайдими, бошқаларни иситган-совутган ёз билан қиш уни иситмайди-совутмайдими? Бизга тиг урса — қон оқмайдими? Қитиқласалар — биз кулмаймизми? Заҳарласалар — биз ўлмаймизми? Башарти, ҳақорат этсалар — биз қасос олишимиз керак эмасми? Бас, ҳамма соҳада сизга ўхшар эканмиз, энди бу соҳада ҳам сиздақа бўлмоқчимиз. Жуҳуд христианни ранжитар экан, христианнинг сабр-тоқати унга нима буюради? Қасос! Мабодо, христиан жуҳудни ранжитса-чи, жуҳуднинг сабр-тоқати христианча йўсин билан унга не дейди? Яна қасос! Сиз бизни пасткашликка ўргатасиз — мен уни ижро этаман. Аммо, ишончингиз комил бўлсинким, мен ўз устозларимдан ўтиб тушаман!

Хизматкор киради.

Хизматкор

Синьорлар, хўжайиним Антонио ҳозир уйда, икковингизни келсин, деди, суҳбатингизга орзуманд.

Саларно

Биз ҳам уни излаб юрибмиз.

Тубал киради.

Саланио

Ана, қавмларидан яна бири. Агар шайтон жуҳуд қиёфасига кирмаса, уларга монанд учинчисини излаб топишинг маҳол.

Саланио, Саларнио ва хизматкор кетадилар.

Шейлок

Хўш, Тубал, Генуяда қандай янгиликлар бор? Қизимни топдингми?

Тубал

Кўп жойларда изига тушдиму лекин топишнинг иложи бўлмади.

Шейлок

Шундоқ дегин, шундоқ дегин! Франкфуртда икки минг дукатга сотиб олганим олмос ҳам кетди! Шу чоқ-қача қавмимиз бошига бу қадар лаънат тошлари ёғилмаганди. Мен шу пайтгача уни шунчалик ҳис этмагандим. Худди ўша олмоснинг ўзи — икки минг червон, устига-устак қанча қимматбаҳо тошлар! Қани энди қизим қулоғига гавҳар исиргасини тақиб, шундоқ оёғим остида муз бўлиб ётса! Илоҳим, уни оёғим остига кўмиб, червонларни тобути ичига жойласинлар! Хуллас, улар ҳақида ҳеч нарса эшитмадинг? Ҳа, албатта! Ахтаришларга қанча пул кетди — ўзим ҳам ҳисобини билмайман! Воҳ, сени! Зиён кетидан зиён! Уғрининг топгани ўгрини топишга кетди, вассалом, на тасалли, на қасос. Менинг бошимга ағдарилган фалокатдан оғирроқ фалокат йўқ! Оҳимдек оҳ, тўкаётган кўз ёшларимдек кўз ёши йўқ!

Тубал

Йўқ, бошқалар ҳам фалокатга учраб туради. Эшитишимча, Антонио Генуяда...

Шейлок

Нима? Нима дединг? Фалокатми, а, ростданам фалокатми?

Тубал

Унинг кемаси Триполидан қайтаётиб, ҳалокатга учрапти.

Шейлок

Худога шукур! Худога шукур! Рост гапми шу! Рост гапми шу?

Тубал

Мен ҳалокатдан омон қолган бир неча матрослар билан гаплашдим.

Шейлок

Барака топ, азизим Тубал! Мана бу хушxabар! Мана бу хушxabар! Ҳа-ҳа! Қаерда, дединг? Генуядами?

Тубал

Айтишларича, Генуяда қизингиз бир кечада саксон дукатни совурганмиш.

Шейлок

Сен менга ханжар санчяпсан! Мен у олтинларчмни кўролмайман энди! Бирваракай саксон дукат! Саксон дукат!

Т у б а л

Антониога қарз берганлардан бир нечаси билан ҳамроҳ эдим, уларнинг айтишича, Антонионинг синиши муқаррар эмиш.

Ш е й л о к

Бу гапдан жуда хурсанд бўлдим! Мен уни қийноқларга соламан! Мен уни азобларга дучор этаман! Мен бундан хурсандман!

Т у б а л

Улардан бири менга қизингиздан маймунга айрибош қилиб олган узукни кўрсатди.

Ш е й л о к

Минг лаънат унга! Сен мени қийнаяпсан, Тубал, у менинг феруза кўзли узугим, уни ҳали бўйдоқлигимдаёқ Лиадан олгандим. Мен уни бутун бошлиқ маймунлар подасига ҳам алмашмасдим!

Т у б а л

Лекин Антонио, шубҳасиз, адоий тамом бўлди.

Ш е й л о к

Ҳа, манави тўғри, манави рост гап! Югур Тубал, менга ҳозироқ миршаб ёлла, муддатидан икки ҳафта бурун у билан битишиб қўй. Муддатидан ўтказдими, тамом, мен Антонионинг юрагини ғарчча кесиб оламен.

Борди-ю, у Венецияда бўлмас экан, хоҳлаганимши қиламан. Югур, югур, Тубал! Сен билан синагогда учрашамиз: югур, азизим, Тубал; синагогда, Тубал.

(Кетадилар.)

ИККИНЧИ САҲНА

Бельмонт, Порция уйдаги хона.

Бассанио, Порция, Грациано, Нерисса ва уларнинг маҳрамлари киришади.

Порция

Сабр қилинг, бир-икки кун орқага суринг,
 Таваккални: адашсангиз агар мабодо,
 Айриларман сиздан, бир оз ошиқмай туринг,
 Алланима сўйлар менга (ишқ эмас, илло).
 Сизни қўлдан берма дейди, аён-ку ахир,
 Нафрат деган бундай сўзни сўзламас асло.
 Қалай, сўзим жилла равшан эмасми сизга,
 (Сўзлаш эмас, гарчанд, ўйлаш жоиздир қизга.)
 Истар эдим сизни бир ой тутиб туришни,
 Ургатардим таваккалга қандай юришни,
 Танламоқни... Бироқ унда бузилар қасам,
 Йўқ-йўқ, сира мумкин эмас!.. Ва лекин хато —
 Юз берса-чи, ўраб олар мени пушаймон,
 Нега ундоқ қилмадим, деб чекарман фиғон.
 Эвоҳ, мени жоду билан сеҳрлаб фақат
 Аросатга дучор этган кўзларга лаънат!
 Нақ иккига бўлинганман: битта бўлагим —
 Сизга тегиш: сизникидир иккинчи бўлак...
 Меникидир демоқчийдим: сизники, демак —
 Ҳаммаси ҳам! Сад чекмоқда бағритош қисмат.

Мулкдор билан унинг эрк-хуқуқи аро,
 Сизникиман, ҳам сизники эмас... Мабодо
 Толе кулмай, мен сизники бўлолмасам, бас,
 Сиз тақдирга лаънат ўқинг, бироқ менгамас,
 Кўп гапирдим. Сабаб: вақтни чўзиб бир лаҳза
 Таваккални бир оз орқа суришдир холос.

Б а с с а н и о

Рухсат этинг, таваккал, деб танлай шу заҳот,
 Бундоқ яшаш менга ортиқ машаққат азоб.

П о р ц и я

Нечун азоб? Севгингизни, иқрор бўлинг сиз,
 Қандай золим хиёнатга дучор этдингиз?

Б а с с а н и о

Мени қийнар хиёнатнинг пасткаши — гумон,
 У бахтимга инонмоққа бермайди имкон.
 Олов билан муз эҳтимол қовушар аммо,
 Менинг ишқим хиёнат-ла қовушмас асло.

П о р ц и я

Қўрқаманки, булар бари азобнинг иши,
 Азоб чекса, нималарни сўйламас киши.

Б а с с а н и о

Ҳаёт беринг — иқрор этай, недур ҳақиқат.

П о р ц и я

Иқрор этинг — сизникидур ҳаёт.

Б а с с а н и о

«Муҳаббат».

Мана, менинг бор иқдорим. О, ширин азоб,
 Менинг ўз жаллодим менга ўргатар шу тоб
 Нажот сари етакловчи турфа сўзларни,
 Қўйинг, кўрай толенмни — қутичаларни.

П о р ц и я

Бора қолинг!

(Пардани очади, қутичалар кўринади.)

Биттасида яширинганман.

Топажаксиз мени чиндан севсангиз агар.
 Нерисса, сен орқароқ тур бошқалар билан.
 Синов пайти созлар янграб, жўр бўлиб тургай..
 Гар ютқизса, ўз ишини адо этар у
 Қўшиғи-ла ғойиб бўлган бир оққуш каби.
 Ташбиҳ яна аниқ бўлсин учун айтайин,
 Кўз ёшларим дарё бўлур, унинг мавжида
 Ёзиқ бўлур менинг учун ўлим-тўшаги.
 Гар ютса-чи... Нечук янграр ўша наволар?
 Янги тождор қаршисида элни таъзимга
 Амр айлаган мискарнайдек гумбурлагай у.
 Саҳар пайти куёв тинглаб, саргашта бўлган
 Никоҳ куйи каби бўлгай самовий, ширин..
 У бормоқда, ана, толе-таваккал сари,
 Улуғворлик билан, кўпроқ муҳаббат билан:
 Троянинг маъюс, маъсум маликасини
 Аждаҳодан қутқаргувчи Алкидга монанд.
 Мен-чи — қурбон... Тин олмасдан турибман тикка,
 Ҳув,узоқдан троялик санамлар боқар,

Кўз ёшидан шишган шаҳло кўзлари билан
 Ва кутишар жанг-жадалнинг оқибатини,
 Фурсат етди, Геркулесим, бора қол энди!
 Жангга киргил, омон қолсанг — қоларман омон,
 Жанг қилишдан кўра, жангни кўрмоқлик — ёмон.

Қ ў ш и қ

(Бассанио қутичаларини кўздан кечираркан)

Менга айт, қайдадир ишққа ибтидо?
 Манбан — ақлми юракмикин ё?
 Қайдан баҳра олур, қайлардан зиё?
 Жавоб бер, жавоб бер!
 Илк бора кўзларда пайдо бўлур у,
 Нигоҳлардан яшнаб, зебо бўлур у,
 Сўнг ўз бешигида адо бўлур у,
 Алвидо айтамиз унга шу замон,
 Мен уни бошладим: динь-динь-дон!

Ҳ а м м а

Динь-динь-дон!

Б а с с а н и о

Ташқи суврат ва моҳият — ер билан осмон,
 Дунёни ҳам зийнат билан алдамоқ осон,
 Агар ўша суд аталган маҳкамаларга
 Керак бўлса, не-не қабиҳ разолатларни
 Бекитарлар хуш оҳангу хуш калом билан.
 Ўша дини комилда ҳам куфр-иштибоҳ
 Доноликдан парда тортар юзига, эвоҳ.
 Жиддий туриб, далил топиб қай бир донишманд
 Жаҳолатга оро берар ҳафсала билан.
 Иллат борми бу дунёда зийнатланмаган,
 Фазилатнинг сувратига ўзни солмаган.

Назар солсанг, жаҳон аро қанча қўрқоқлар,
 Юраклари омонат, қум зинага ўхшар.
 Кўкрагига тушган соқол мана бундоқ, бас,
 Кўриб дейсан: Геркулесми ё беомон Марс:
 Очиб боқсанг жигарлари сутдан ҳам оппоқ
 Аммо-лекин юзларда-чи, кўрсангиз қандоқ
 Таҳдид ўйнар — бошқаларни кўрқитмоқ учун.
 Хўш, ҳусни-чи.... ўша ҳусн-чиройни бугун
 Тарозида тортиб, сотиб олишинг мумкин.
 Ажаб бир ҳол — табиатнинг сеҳркор азми:
 Либоси кўп бўлганларнинг кам бўлар вазни.
 Ҳа, кўпинча шамол билан ўпишиб енгил,
 Бир гўзалнинг елкасида ўйнаган кокил
 Бўлак бошга тегиш бўлар, эҳгимол бу чоғ
 Гўрда ётар зар кокилни ўстирган чаноқ.
 Ҳашамат ва зийнат бари — қўрқинч денгизнинг
 Жуда маккор соҳилидир, нафис, гул рўмол
 Ҳинду қизнинг латофатин бекитар алҳол.
 Эй, сен, асл ҳақиқатнинг ҳижоб пардаси,
 Бизнинг айёр асримизда донишмандлар ҳам
 Тушадирган тузоқ, яъни, ялтироқ олтин,
 Мидаснинг озуқаси! Истамам сени!
 Ва сени ҳам — инсонларга маҳзун, йилтироқ
 Воситачи!

Аммо, сен-чи, оддий қўрғошин,
 Бир оз оқиш чеҳранг билан тўппадан-тўғри
 Неъмат ваъда айламайсан, таҳдид этасан,
 Ёраб, толе паноҳ бўлгай — танладим сени!

П о р ц и я

(Четга)

Бир лаҳзада тутун каби таралди-кетди:
 Шубҳа-гумон, андуҳ-алам, қўрқув-ҳадиклар,

Шиша кўзли рашкнинг азоб-изтироблари!
 Севги, тек тут суруримнинг тўлқинларини
 Севинч селин ёғдирмасдан тутиб тур бир оз.
 О, муҳаббат бахти буюк, шиддати сўнгсиз,
 Қандай бардош берарканман!

Б а с с а н и о

(Кўрғошин қутичани очади)

Нелар кўраман?

Сенинг ойдек жамолингни! О, қандай даҳо
 Табиатни шундай ҳассос қаламга олмиш?
 Кўзлар тирик! Ёки менинг кўзим қамашиб
 Термулишим туфайлими? Лаблар ним очиқ.
 Оралиқда ширин нафас — ажиб бир тўсиқ.
 Кокиллар-чи? Рассом қургур ўргимчак каби
 Зар толадан тўр тўқимиш — қалбларга тузоқ.
 Чивинларни чулғамоқчи ўргимчак ипдек,
 Шай туришар улар... Лекин кўзлар-чи, кўзлар!
 Қандай қилиб кўр бўлмапти яратган рассом?
 Ва ҳаттоки, биттаси ҳам иккита кўзни
 Кўр қилишга қодир эди, етиб ортарди.
 Аммо-лекин, мақтовларим тошиб бетайин
 Бу сувратнинг адосига етолмагандай,
 Эгасига қиёс этсанг, аянч кўланка,
 Йироқ турар ҳали асл моҳиятидан.
 Мана, қоғоз: ёзилмишдир унда қисматим:

«Сен зоҳирга боқмадинг,
 Мудом келсин омадинг.
 Қисмат ҳукмин қабул эт,
 Сен унинг қадрига ет:
 Кулиб боқди юзингга,
 Беҳишт бахш этди сенга.

Энди сен бўса билан
Бахтингни айла пайванд».

Қутлуғ фармон! Изн беринг, азиз синъора,
Олайн ҳам, берайин ҳам ҳукмга кўра.

(Порцияни ўнади.)

Курашаркан икки полвон, икки баҳодир,
Бирини гарчи бўлса ҳамки, зафарга комил,
Лекин кураш охирида қийқириқ, чапак —
Эшитганда: ҳайрон боқар гарангсиб андак:
Билолмайман, бу олқишлар унгами чиндан?
Паривашим, худди шундоқ, ҳузурингда мен
Турмоқдаман, шубҳалардан эмасман фориг,
Ишонарман, имзо чекиб, айласанг тасдиқ.

П о р ц и я

Бассанио, мени буткул кўриб турибсиз,
Бор ҳолимча қаршингизда турибман, мана.
Бор ҳолимдан кўра яна яхшироқ бўлиш
Тилаги йўқ менда, лекин айтсам, сиз учун
Қимматимни йигирма бор этиб зиёда,
Юз карра бой бўлсам, дейман, юз карра гулгун.
Наздингизда яна бир оз юксалмоқ учун
Эга бўлсам дердим яна беҳад-беҳисоб
Истеъдодлар, латофатлар, дўсту давлатга.
Бироқ бундоқ баланд эмас мендаги яқун,
Қисқа қилиб баён айлай, этингиз ҳукм:
Қаршингизда оддий бир қиз, илму ҳунарсиз,
Бахти шуки, қари эмас, демак, шубҳасиз
Уқий олур; яна унинг бахти шундаким,
Ўқиганин уқий олур, ўргана олур:
Яна бахтиёрки, қизнинг осуда руҳи

Сизга тамом ишонади, шоҳи жаҳоним.
 Мен ва менинг бор-йўғим бугундан бошлаб
 Сизникидир, сизга тегиш, сизга мусаллам.
 Шу чоққача ким эдим мен?

Мухтасар айтсам:

Хизматкорлар хўжайини, қасрга бека.
 Ўз қасримда ўзим султон, ўзим малика.
 Энди булар бари сизга, сизники бегим,
 Ўзим, уйим, хизматқору жорияларим.
 Ёстиқдошим, сизга узук ҳада этайин.
 Йўқотсангиз ё бировга берсангиз агар,
 Севгингиз ҳам адо бўлар, хотима топар,
 Ва мен сизни гуноҳкор, деб аташим тайин.

Б а с с а н и о

Синьора, сўз айтишга менда йўқ забон.
 Жавоб берур томиримда тўлқин урган қон,
 Юрагимда шундай тошқин, шундай галаён.
 Нутқ ирод этар экан суюкли султон,
 Унинг офтоб чеҳрасига тўймай термулиб,
 Шивир-шивир сасга тўлиб ёки жим бўлиб,
 Умумий бир завқ гаштини сурар оломон.
 Худди шундай ҳолатдаман. Аммо бу узук!
 Бу узукдан айрилгандан, ўлганим тузук.
 Гар айрилсам, Бассанио ўлди, деб айтинг!

Н е р и с с а

Синьора ва синьор, бизга, яъни, тилаги
 Ижобатга ўтган дўсти шодмонлар учун
 Қичқиришнинг пайти етди: толе ёр бўлсин!

Г р а ц и а н о

Синьор Бассанио, азиз синьора,
 Висол бўлсин сизга, неки этсангиз мурод.
 Бундан ортиқ бирон нима дейишим маҳол!
 Фақат ёлғиз илтимосим: тантанали дам
 Қутлуғ никоҳ қасамичи ичар экансиз,
 Шу ондаёқ, кечиктирмай сира, менга ҳам
 Никоҳимдан ўтишимга изн бергайсиз.

Б а с с а н и о

Никоҳдан ўт, топа олсанг агар жуфтингиз.

Г р а ц и а н о

Кўп ташаккур, сизлар топиб бердингиз уни.
 Менинг кўзим сизникидан кам эмас, синьор,
 Сиз бекани танладингиз, мен жорияни,
 Сиз севдингиз, мен ҳам севдим. Сизни билмадим.
 Аммо ишни судрамоққа йўқ менда бардош.
 Кўрасизми, шу ғалати қутичаларда
 Ниҳон экан сизникидек, менинг ҳам бахтим.
 Изларидан юрдим қанча ишқимни айтдим.
 То томоғим қирилгунча ичдим қасамлар.
 У, ниҳоят, шафқат этди, розилик берди
 Бир шарт билан: бекам сизга бахт этса ато,
 У албатта этажакдир ваъдага вафо!

П о р ц и я

Нерисса, ростми?

Н е р и с с а

Шундоқ бекам, агарда рози бўлсангиз.

Б а с с а н и о

Айтганларинг чин сўзингми, Грациано?

Г р а ц и а н о

Албатта, снъор.

Б а с с а н и о

Базмимизни безар сизнинг никоҳ тўйингиз.

Г р а ц и а н о

Биз улар билан гаров ўйнаймиз, биринчи бўлиб ким ўғил кўрса, ўшанга — мизг червон.

Н е р и с с а

Вой, бор-бисотимизни гаровга тикамизми?

Г р а ц и а н о

Йўқ, бўлмас экан: бор бисотни гаровга тикиб, ютиб бўлмайди.

Ким келмоқда? Мажусаси билан Лоренцо?

Яна ким денг? Қадрдоним, азиз Салерио?

Лоренцо, Жессика ва Венециядан чопар бўлиб Салерио киради.

Б а с с а н и о

О Лоренцо, Салерио, қани, марҳабо,
 Ахир менинг мавқеимда бўлган ўзгариш
 Ҳуқуқ берар сизни шундай кутиб олмоққа.
 Менга рухсат берасанми, гўзал фариштам,
 Ҳамшаҳар шу дўстларимни меҳмон қилмоққа?

П о р ц и я

О, марҳабо айласинлар, жуда хурсандман,
 Ташрифлари бош устига, ёрим-азизим.

Л о р е н ц о

Қўп ташаккур, синьора.— Синьор, мен рости,
 Бунда сизни кўраман деб ўйламагандим.
 Лекин йўлда Салерио дуч келиб қолди,
 Бирга юр, деб бу томонга мени қистади,
 Бекор кетди эътирозим, илтижоларим.

С а л е р и о

Тўғри, лекин сабаби бор — синьор Антонио
 Салом йўллаб қолди.

(Хатни Бассаниога беради.)

Б а с с а н и о

Дўстим, нечук, ҳали хатни очмасдан туриб,
 Айтишингиз сўрайманки, аҳволи қалай?

Салерио

У соппа-соғ — руҳиятин ҳисоб қилмасак,
Бир оз хаста — гар руҳини ҳисоб айласак.
Ҳамма гапни тушунтирар унинг мактуби.

Бассанио мактубни ўқийди.

Грациано

Меҳмон хоним зерикмасин, қара, Нерисса,
Салерио, не гаплар бор Венецияда?
Нечук бизнинг Антонио, подшо савдогар?
Омадимиз келганидан хурсанд бўлар у,
Язон бўлиб, ганиматни қўлга киритдик.

Салерио

У йўқотган ганиматни топсангиз эди!

Порция

Мактубда бир хунук хабар борга ўхшайди,
Ранги ўчди, юзи бўздек оқариб кетди.
Ҳа, ҳа, дўсти қазо этмиш.. Шундоқ эркакни
Шундоқ кўйга соладиган нима бор яна?
Нима бўлди! Вой, бундан ҳам оғирроқ гапми?—
Бассанио! Ёрингизман, унутманг мени,
Ҳеч бўлмаса, не битилган бўлса мактубда
Ярмисини билишимга ижозат беринг.

Бассанио

Жоним, бунда қора хабар, оқ қоғоз узра —
Бундай оғир, даҳшат сўзлар тушмамиш сира!

Сизга севгим этарканман илк бора изҳор,
 Менда молу давлат йўқ, деб этганман иқрор.
 Бор бойлигим қонимдадир, аслзодаман,
 Мен ҳақ гапни айтган эдим ўшанда чиндан.
 Наздингизда бир бенаво санаб ўзимни,
 Ҳеч вақойим йўқ, деганда мақтанганим рост.
 Ва ҳолбуки, жоиз эди айтишим дангал,
 Забун эдим, ҳеч вақоси йўқдан ҳам баттар.
 Мен ўзимни гаров қилиб дўстимга бердим,
 Дўстимни-чи, тутиб бердим қаттол ганимга,
 У ўзини гаров қўйиб, қарз олди менга.
 Мана хати — хат эмас, йўқ, дўстим жасади,
 Ҳар бир сўзи — жазиллаган яра, жароҳат,
 Қон тирқираб турар гўё... Ҳой, Салерио,
 Рост гапми шу, нобуд бўлмиш ҳаммаси наҳот?
 Триполи, мулки барбар, қўш Ҳиндистондан¹,
 Мексикадан, Англия ва Лиссабондан
 Бирор кема қайтмадими? Бари баякбор
 Ҳалок бўлмиш?

С а л е р и о

Биттаси ҳам қайтмади, синьор.
 Қояларга ем бўлишди... Бари бир энди —
 Нақд ақчаси бўлганда ҳам жуҳуд олмасди.
 Мен инсонни маҳв этишга шу қадар ютоқ
 Ва шу қадар ташна бўлган махлуқни бундоқ
 Одамизод сувратида кўрмовдим аввал!
 У судралиб, дож ортидан юрар куну тун,
 Гар даъвоси рад этилса, Венецияда
 Эрку ҳуқуқ поймол бўлур, адолат, қонун —

¹ Қўш Ҳиндистон — Ост-Индия (ҳозирги Ҳиндистон) ҳамда Вест-Индия: Шимолий ва Жанубий Америка ўртасидаги ороллар. (Тарж.)

Топталур, деб вайсагани-вайсаган бутун.
Олиймақом сенаторлар, дож насиҳати,
Яна қанча савдогарлар сўзи — беҳуда.
У қайтмайди ҳалокатли шум ниятидан,
Айтар сўзи: «Кечиктирди... Ҳуқуқ... Жарима!»

Ж е с с и к а

Ўзим эшитганман, ҳатто менинг олдимда
Элатлари Тубал, Хусга ичганди қасам
У, қарзимни юз бор ортиқ олгандан кўра,
Антонио этин кесиб олганим афзал,
Деган эди. Мен отамни яхши биламан,
Агар қонун, олий ҳакам аралашмаса,
Ҳалок бўлур Антонио бечора, ҳалок!

П о р ц и я

Наҳот шундай оғир кунга қолмиш дўстингиз?

Б а с с а н и о

Азиз дўстим, биродарим, мурувватли жон,
Ор-номусли, мусаффо қалб соҳибидир у,
Яхшиликлар қилиб, сира чарчамас инсон:
Туғилганлар аро — гўзал Италияда
Қадимий Рим руҳи кўпроқ унда намоён.

П о р ц и я

У жуҳуддан қанча қарздор?

Б а с с а н и о

Уч минг червон олган эди дўстим мен учун.

П о р ц и я

Вой, атиги шуми? Унга олти минг тўланг,
 Ҳам векселни сотиб олинг: пулни аяманг —
 Тезроқ!.. Бассанио учун шундайин бир дўст
 Бир тукидан жудо бўлса — увол-ку увол!
 Юринг, ибодатхонага борайлик алҳол,
 Никоҳдан тез ўтайлик, сиз йўл олинг дарҳол
 Венеция томон — азиз дўстингиз сари!
 Порциянинг оғушига ғуссага тўлиб,
 Ташвишли бир хаёл билан кирмагайсиз, йўқ.
 Мен берайин ўша кичик, арзимас қарзни
 Йигирма бор қопламоққа етарли олтин!
 Ташвишлардан фориг бўлиб, дўстингиз ила
 Қайтажаксиз. Бизлар бунда Нерисса билан
 Ҳам қизлар ҳам, бевалардек кутамиз. Олға!
 Тўй қунида сафар кутар сизни муқаррар,
 Дўстлар билан юз кўришнинг шодон музаффар
 Осонликча етишмадим, қўймасман осон,
 Ўқиб беринг, нима ёзмиш сизнинг қадрдон.

Б а с с а н и о

(ўқийди)

«Азизим Бассанио, менинг ҳамма кемаларим ҳалокатга учради. Судхўрларим зуғумини оширмақда: аҳвол оғир. Жуҳудга берган векселим муддатидан кечикди. Тўлаган тақдиримда ҳам омон қолишим даргумон, сен билан менинг орамизда эса, ҳеч қандай олиш-бериш қолмаган, фақат ўлим олдидан сени бир бор кўриш орзусидаман, холос. Лекин бу ёғи ўзингга ҳавола: бордию менга бўлган меҳринг бу ёққа келишингга даъват этмаса, бу мактубга ҳам парво қилмай қўя қол».

П о р ц и я

Ҳамма ишни қўйиб, тезроқ жўна, жонгинам!

Б а с с а н и о

Вақт ўтказмай жўнамоққа изн-ижозат
 Бераркансан, шу ондаёқ йўлга тушаман!
 То ишимни саранжомлаб, қайтмагунимча
 Билмагайман: қўним нима, нимадир тиним.

(Кетади.)

УЧИНЧИ САҲНА

Венеция. Кўча.

Шейлок, Саларино, Антонио ва зиндончи киради.

Шейлок

Шафқат этма, кўз-қулоқ бўл унга, зиндончи,
 У бир нодон: қарз беради, фойда олмайди.
 Маҳкам ушла уни!

Антонио

Эшит, шафқатли Шейлок...

Шейлок

Мана, вексель. Унга қарши оғиз очмагил!
 Уни тўла ундирмоққа қасам ичганман.
 Ҳеч сабабсиз мени, ит, деб атаган эдинг,
 Уша итман! Тишларимга ҳазир бўл энди!
 Дожд адолат қилар. Лекин ҳайрон қоламан,
 Сен — зиндончи эмас, латта, аҳмоқ, лапашанг,

Маҳбус деган қайга деса, дарров кўнасан,
Иўқ демайсан, ўз эркига қўйиб берасан.

А н т о н и о

Утинаман, тингла бир нафас...

Ш е й л о к

Векселим бор! Тингламайман бир сўзингни ҳам.
Сен векселни тўла, гап йўқ, тамом-вассалом.
Мен эмасман христиан илтижосини
Оҳлар чекиб, бажаргувчи маъюс, ногирон.
Бас! Мен бошқа тингламайман. Векселни тўла!

(Кетади.)

С а л а р и н о

Қандай ёвуз! Билишимча, инсонлар аро
Энг тошбағир кўппак!

А н т о н и о

Дўстим, қўявер уни.
Энди бошқа ялинмайман, сўраш беҳуда.
Ўлишимни истайди у. Сабаби равшан:
Унинг қора ўргимчакдек макр домидан
Қутқарганман қанча шўрлик, бечораларни,
Шунинг учун нафратланар, кўролмас мени.

С а л а р и н о

Ишонаман, нобакорнинг шум даъвосини
Дож рад: этар тамом, қабул айламас асло.

А н т о н и о

Дождиздаги қонунни ҳам бузолмас аммо:
 Венеция тупроғида хорижийларга
 Берилган эрк-имтиёзга дахл айласа,
 Давлатимиз қонунлари бўлар беобрў.
 Барбод бўлур ҳам уларга ишонч-эътиқод.
 Бизнинг савдо — тижорату, бизнинг даромад,
 Бор дунёнинг қўлидадир. Шунинг учун — бас.
 Мен айрилиқ, ғамлар аро адо бўлганман.
 Ҳа, энди у қонсираган, гушна судхўрим
 Баданимдан бир қадоқ гўшт топиши гумон.

(Зиндончига.)

Кетдик! Танграм, Бассанио кўрсайди кошки
 Қарзин қандай узишим... Сўнг, не бўлса, бўлар...

(Кетадилар.)

ТҮРТИНЧИ САҲНА

Бельмонт. Порция уйдаги хона.

Порция, Лоренцо, Жессика, Бальтазар кетадилар.

Л о р е н ц о

Синбора, юзингизга айтайин ошкор:
 Сиз илоҳий бир дўстликни илғаб юракдан,
 Қимматини ўз ўрнига қўя олдингиз,
 Висол кунини айрилиққа рози бўлдингиз.
 Аммо-лекин, билсайдингиз қандай инсонга,
 Севганингиз дўсти бўлмиш нечук бир жонга

Сиз ҳамият этмоқдасиз, бўлиб мададкор,
Ҳеч шубҳасиз, ортар эди сизда ифтихор.

П о р ц и я

Шу чоққача мен яхшилик қилиб, оқибат
Сира афсус чекмаганман: ҳозир ҳам шундай.
Яхлит меҳру муҳаббатнинг юкини тортган
Қўлни қўлга берган дўст-қадрдон аро —
Бир ажойиб уйғунлигу ўхшашлик бўлур
Юракларда, чеҳраларда, хулқ-атворда.
Шунинг учун, ўйлайманки, у Антонио
Эримнинг жон дўсти бўлмиш сифати билан
Унга жуда ўхшаб кетар, жудаям монанд.
Шундоқ экан, ўз жонимга ўхшаш бир жонни
Евуз иблис чангалидан халос этмоққа
Сарф этганим — айтишга ҳам арзимас чақа...
Мақтанишга ўхшаб кетди бу гаплар, зотан
Шунинг учун сўз очайлик бошқа мавзудан.
Лоренцо, то эрим қайтиб келгунга қадар
Топшираман сизга уйни, мул-ку рўзгорни.
Мен фалакка қасам ичиб, сўз бердим пинҳон:
Биз — Нерисса, иков, эрлар қайтгунича то
Дуо ўқиб, банд бўлурмиз ибодат билан.
Узоқ эмас, уйимиздан икки миль нари —
Монастирь бор, шу масканда яшаймиз сокин.
Иўқ, демайсиз, айтганимга кўнасиз лекин.
Сизни ёлғиз дўстлик эмас, ҳатто зарурат
Бизга хизмат айламоққа этади даъват.

Л о р е н ц о

Чин юракдан тайёрдирман, азиз синьора,
Хизматингиз, барча амри фармонингизга.

П о р ц и я

Хоҳишимдан хизматкорлар бари хабардор:
Сиз соҳибсиз, соҳибадир — Жессика, билинг,
Буйруғингиз улар бажо этмоққа тайёр,
Энди хайр, кўришгунча, саломат бўлинг.

Л о р е н ц о

Ёруғ ўйлар, ёруғ кунлар берсин худойим.

Ж е с с и к а

Севинч, сурур насиб этсин сизга илойим.

П о р ц и я

Яхши тилагингиз учун ташаккур дейман,
Ўша яхши тилақларга етингиз сиз ҳам.
Хайр, Жессика...

Ж е с с и к а билан Л о р е н ц о кетадилар.

Хўш, Бальтазар,

Менга сидқу садоқатинг баланд, биламан,
Яна кўрсат содиқлигинг. Мана бу мактуб.
Шу ондаёқ, Падуяга шамол каби уч,
Хатим топшир амакиваччам Беллариога.
Доктор Белларио берар қоғоз, кийим-бош,
Сен уларни олиб, югур кечувга томон,
Венеция йўлидаги паром бошига,
Унда сени кутажакман, гапни қисқа қил,
Лекин отга қамчи босиб, манзилга шошил.

Б а л ь т а з р

Синьора, ошиқарман кучим борича.

(Кетади.)

П о р ц и я

Юр, Нерисса, ғалати бир режа бор менда,
Биласанми... Биз мўлжалдан олдин уларни
Кўражакмиз.

Н е р и с с а

А, улар-чи, кўрарми бизни?

П о р ц и я

О, албатта. Аммо-лекин бу кийимларда
Бизга нима берилгану берилмагани
Шундоққина аён. Бироқ гаров ўйнайман,
Икковимиз йигитлардек усти бош кийсак,
Қўш ўғлоннинг энг ўктами ўзим бўламан.
Сендан кўра шинам турар белда шамширим,
Ўспириндек овозимни дўриллатаман,
Эркаклардек юришни ҳам ўринлатаман.
Мақтамаман ёш, олифта йигитчалардек.
Дейман: не-не хонимчалар йўлимда гадо,
Рад этилгач, бечоралар бўлишар адо.
«Ачинаман, шўрликларга жуда ҳам оғир.
Ўлдирмасам, қандай яхши бўларди ахир».
Бир йил бурун тугатганман, дея, мактабни,
Қўндираман йигирмата уйдирма гапни —
Қулай қилиб!

Н е р и с с а

Эркаклик ҳам лозимми бизга?

П о р ц и я

Фу, шарманда! Уйлаб топган гапни қара,
Хайриятки, эшитмади бошқалар бизни.
Юр, режамни ҳали тагин тушунтираман,
Бог олдида иккимизни кутар карета,
Фурсат тигиз, билсанг агар, худди шу бугун
Йигирма миль йўл босишлик зарур биз учун.

(Кетадилар.)

БЕШИНЧИ САҲНА

Уша жой. Бог.

Ланчелот билан Жессика киради.

Л а н ч е л о т

Ҳа, албатта, шундоқ: чунки, маълум нарса-ку ахир, оталар гуноҳи учун болалар балога қолади. Шу боисдан, ишонинг сизни ўйлаганда, қўрқиб кетаман. Мен сиз билан ҳамиша кўнглимни очиб, гаплашганман: ҳозир ҳам ҳалиги масала юзасидан дилимда борини айтавераман. Ҳа, хотиржам бўлинг, менинг ишончим комилки, сиз дунё борича азоб-уқубатларга маҳкумсиз. Тўғри, сизга қўл келадиган ёлғиз бир умид бор... Аммо, назаримда у ҳам гайриқонуний туғилган...

Ж е с с и к а

У қандай умид экан?

Л а н ч е л о т

У шундан иборатки, масалан, сиз, мен отамдан тугилмаганман ва шунга кўра, жуҳуднинг қизи эмасман, деб умид қилишингиз мумкин.

Ж е с с и к а

Ҳақиқатан ҳам қандайдир ғайриқонуний тугилган умид: агар шундай деб ўйласам, унда онамнинг гуноҳи учун азоб чекишим керак.

Л а н ч е л о т

У ҳолда, қўрқаманки, ҳам ойижонингиз, ҳам отажонингиз учун абадий қийноқларга маҳкумсиз. Отангиз — Сцилладан қутилсам, онангиз — Харибдага тутиламан: у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам — бари бир, адоий тамомсиз.

Ж е с с и к а

Мен эрим туфайли нажот топаман: у мени христиан қилди.

Л а н ч е л о т

Ростини айтсам, бу қилмиши учун уни мақтаб бўлмайти, биз христианлар шундоқ ҳам ошиб-тошиб ётибмиз. Сон-саногимиз ҳаммамизнинг қорин тўйғизишимизга аранг мос тушади. Устига христианларни кўпайтираверсак, чўчқа гўштининг нархи ошиб кетади: агар ҳамма киши чўчқа гўшти ейишга бошласа борми, яқин орада бир бурда қовурилган чўчқа ёғини ҳеч қандай ақчага ололмайсан!..

Ж е с с и к а

Ҳамма гапингизни эримга айтиб бераман, Ланчелот: ана, ўзиям келяпти.

Л о р е н ц о киради.

Л о р е н ц о

Хотиним билан шундоқ бурчак-бурчакларда шивирлашадиган бўлсанг, рашк қила бошлайман, Ланчелот.

Ж е с с и к а

Йўқ, кўнглингиз хотиржам бўлсин, Лоренцо, биз Ланчелот билан тортишиб қолдик. Унинг айтишича, жуҳуд қизи бўлганимдан нариги дунёда менга раҳм-шафқат бўлмас эмиш: яна айтадики, сиз республиканинг ёмон граждани эмишсиз, сабабки, яҳудийларни христианларга айлантириб, чўчқа гўшти баҳосини ошириб юбораётган эмишсиз.

Л о р е н ц о

Мен республика олдида сенинг ҳабаш қизи билан қилган қилмишингдан кўра, камроқ жавоб бераман: ахир унинг қорни қаппайиб қопти-ку, Ланчелот.

Л а н ч е л о т

Бу бор-йўғи бир тахмин, холос, борингки, шундоқ бўлди ҳам деяйлик... айбдор — унинг менга бўлган майл-иштиёқи.

Л о р е н ц о

Истаган аҳмоқ сўз ўйини қилаверар экан-да! Шундоқ кетаверса, ҳадемай, ҳозиржавоблик деб сукут сақлаш саналади-ю, валақлаш ёлғиз тўтиларга қолади. Бор, тайинла, ҳамма нарса тушликка муҳайё бўлсин.

Л а н ч е л о т

Ҳамма нарса муҳайё, синьор: ҳаммада иштаҳа карнай.

Л о р е н ц о

Э, худо, дарди бедаво экан-ку бу! Бориб айт, тушлик овқатни тайёрлашсин.

Л а н ч е л о т

Бу ҳам бажарилган, синьор, фақат дастурхон ёзиш қолган, холос.

Л о р е н ц о

Бўлмаса, ўзингиз ёза қолинг, синьор.

Л а н ч е л о т

Ёзишми, синьор? Ҳеч қачон! Мен ўз ҳаддимни билман¹.

¹ Ланчелот бу ерда сўз ўйини қилади. (Тарж.)

Л о р е н ц о

Яна сўзни айлантирди! Нима, сен бор-йўғингни бир йўла совурмоқчимисан? Сендан ўтинаман, оддий сўзларни оддийчасига тушун. Боргин-да, ўртоқларингга тайинлаб, дастурхон ёзди, таомни торттир, биз эса овқатланишга борамиз.

Л а н ч е л о т

Дастурхонга келсак, синьор, у тортилади: таомга келсак, синьор, у ёзилади: сизнинг овқатга чиқишингизга келсак, синьор, у сизнинг хоҳишу хаёлингизга боғлиқ.

(Кетади.)

Л о р е н ц о

О, қайдасан, идрок? Қанча беҳуда сўзлар!
Нодон банда ўткир сўзлар оломонини
Ўз бошига йиғиб олмиш! Аниқ биламан,
Аҳмоқлар бор талай, ўрни, мавқеи баланд.
Ҳалигидек, сўзамоллик кўрсатиш учун
Беҳудага жанг қилишар ҳақиқат билан.
Нима дейсан, Жессика? Хўш, айтиб бер менга,
Бассанио севгилиси ёқдими сенга?

Ж е с с и к а

У ҳар нечук маҳобату мақтовдан юксак,
Энди синьор Бассанио шундоқ ёр ила
Жуда ҳалол, ибратомуз яшаши керак.
У самонинг барча гўзал ноз-неъматига
Ноил бўлур ерда. Агар қадр этмаса,

Нолойқдир ўша юксак самога ўзи.
 Ҳа, мабодо, икки тангри боғлашиб гаров,
 Тарозига қўймоқ бўлса икки жононни,
 Ҳеч шубҳасиз, биринчиси бўлар Порция,
 Ва қўшимча жоиз бўлур иккинчисига,
 Бу дунёда Порцияга ўхшаши бўлмас!

Л о р е н ц о

Уйлайманки, сенинг эринг ундан қолишмас.

Ж е с с и к а

Бу тўғрида жоиз бўлур сўрамоқ мендан.

Л о р е н ц о

Хўп, сўрайман, бироқ аввал овқатланайлик.

Ж е с с и к а

Берсам, дейман, баҳойингни овқатдан олдин.

Л о р е н ц о

Иўқ, менимча, энг яхшиси, таом устида,
 Неки десанг, томогимдан тўхтамай ўтар,
 Ҳазм бўлар.

Ж е с с и к а

Унутмаким, баҳойинг кутар.

Кетадилар.

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ САХНА

Венеция. Суд залы.

Дож, сенаторлар, Антонио, Бассанио, Грациано, Салерио ва бошқалар кырадилар.

Д о ж

Антонио шу ердами?

А н т о н и о

Тайёрман, жаноби олийлари.

Д о ж

Сенга жуда ачинаман, негаки ишинг
Боғлиқ эрур баттол ғаним — тошбағир билан.
У билмайди: шафқат нима, мурувват нима?
Инсоф унга бегонадир.

А н т о н и о

Барин эшитдим,

Унинг ёвуз даъвосини сиз, муҳтарам дож
Юмшатмоққа уринибсиз қанчалар... Лекин
У тош бўлиб турар экан ўз ниятида,
Энди мени қутқармоққа қонун-восита

Бўлмас экан, нима илож, сабр-тоқатни
 Унинг зулм-зуғумига қарши қўяман.
 Қандай зуғум этмасин у, нечук бир бедод,
 Хотиржамлик билан бари қарши оламан.

Д о ж

Қани, боринг жуҳудни бу ёққа чорланг.

С а л е р и о

Муҳтарам дож, у шу ерда, остонангизда.

Шейлок киради.

Д о ж

Йўл бўшатиб, қаршимизга келиб турсин у.
 Кўплар ўйлар ва менинг ҳам фикрим шу, Шейлок —
 Сендаги бу тошбағирлик ниқобдир, холос.
 Иш охирга етгач, уни алмаштирасан
 Шафқат билан. Ёлғондакам бағритошликдан
 Унда устун бўлур яна яқун — таассурот;
 Гарчанд шўрлик савдогардан худди шу замон
 Бир қадоқ эт тўламоқни талаб этсанг ҳам,
 Аслида-чи сен жарима олмайсан ундан,
 Балки чиндан бир инсоний шафқатга тўлиб,
 Шу бенаво аҳволига солиб бир назар,
 Қарзининг ҳам тенг ярмидан кечасан дангал.
 Бошига не фалокатлар тушди, биласан,
 Ғоят қийин кунга қолди подшо савдогар.
 Унинг ҳоли мис кўнгиллар, тош юракларда,
 Ҳатто меҳр-марҳаматни сира билмаган
 Уша қайсар татарлару баттол туркларда

Шафқат ҳиссин уйғотарди... Хуллас, ҳамчамиз
Жухуд, сендан мурувватли жавоб кутамиз.

Ш е й л о к

Жавобимни айтган эдим жанобларига:
Мен муқаддас шанбамизга қасам ичганман,
Векселимни тўла-тўкис ундираман, деб.
Рад этсангиз, республика қонунлари-ю,
Эркинликлар деганингиз топталар бари.
Сиз сўрайсиз: нима учун уч минг дукатдан
Қўланса бир қадоқ гўштни афзал кўраман?
Биласизми, бу саволга жавоб бермайман.
Дидим шундоқ! Хўш, айтинг, бу жавоб эмасми?
Эҳтимолки, бир каламуш изғир уйимда,
Мен ўшани заҳарлаш-чун ўн минг сарфлашга
Тайёрдирман? Айтинг-чи, бу жавоб эмасми?
Бировлар бор хуш кўрмайди чўчқа турқини,
Биров жинни бўлиб қолар мушукни кўрса,
Яна бордир шундайлар ҳам, най овозини
Эшитдим — иштопига қўйиб юборар.
Майл-мижоз деган бека эҳтиросларни
Меҳр ёки нафрат сари йўллайди доим,
Мана, сизга берадиган менинг жавобим!
Авиқ-қуруқ тушунтириб бўлмаганидек:
Нечун биров, ёқтирмайди чўчқа зотини,
Бошқа биров фойдали ва ювош мушукни,
Яна биров найни, аммо, ҳар гал муқаррар
Ўша уят ожизликка ўзи бош эгар,
Яъни, ўзи зулм кўриб, зулм ўтказар —
Худди шундоқ, Антонио зарарига мен
Фойдасиз бу можарони кўзгар эканман,
Айтгим келмас, айтолмайман бошқа сабабин,

Биттасидан бўлак, айтай, сабаб — ўшанга
Нафратимдир. Хўш, айтинг, бу жавоб эмасми?

Б а с с а н и о

Иўқ, бағритош, айтганларинг жавоб бўлолмас,
Асос бўлолмагай ният-қабоҳатингга.

Ш е й л о к

Биласанми, жавоб бериш шарт эмас сенга!

Б а с с а н и о

Еқмайди, деб сен ҳаммани ўлдирасанми?

Ш е й л о к

Хўш, ўлдириш истамайсан, нафратланасан —
Аммо баъзи кимсалардан, мумкинмидир шул?

Б а с с а н и о

Наҳот озор турса дарҳол нафрат ҳиссини?

Ш е й л о к

Икки карра чақтирайми илонга ўзни?

А н т о н и о

Ҳой, унутма, жуҳуд билан гаплашмоқдасан.
Сен соҳилда туриб, тошқин, пўртаналарга
Пасайишни амр этишинг мумкиндир, аммо:

Ё совлиқни аламларга қўйган бўридан
 Қўзичоқни сўроқлашинг мумкиндир аммо:
 Ё бўлмаса, тоғда ўсган қарағайларга
 Довул пайти чайқалишни қатағон айлаб,
 Шовуллашни тақиқлашинг мумкиндир, аммо:
 Жасоратлар билан не-не довонлар ошиб,
 Бўлмаганни бўлдиришинг мумкиндир, аммо:
 Аммо жуҳуд юрагини (у қандай қаттол)
 Юмшатишинг, эритишинг мумкинмас асло!
 Ялинаман, бас қилинг бу уринишларни,
 Аҳвол аён: мен тақдирга бошим эгаман,
 Қўйинг, майли, жуҳуд этсин ҳукмини бажо.

Б а с с а н н о

Олти минг ол ўша уч минг дукат ўрнига!

Ш е й л о к

Олти мингни кўпайтирсанг ҳамки олтига
 Унамайман, ўз кучида қолади даъво.

Д о ж

Ўзинг зарра раҳм-шафқат кўрсатмайсану
 Нечун яна раҳм-шафқат умид этасан?

Ш е й л о к

Мен ҳақ бўлгач, нега қўрқай суддан, ҳакамдан?
 Сиз ақчага сотиб олган қуллар оз эмас:
 Ишлатасиз, машаққатга дучор этасиз
 Эшшак каби, хачир каби ё кўппак каби.
 Ахир сотиб олгансиз-да. Лекин мабодо

Мен десамки: «Қўйинг, озод қилинг қулларни,
 Куёв қилиб, қизиңгизга қўшинг уларни.
 Оғир меҳнат-машаққатдан терламай давом,
 Юмшоқ-юмшоқ тўшакларда олишсин ором,
 Худди сиздек еб-ичишсин!» Муқаррар шу тоб.
 «Улар — менинг қулларим» деб берарсиз жавоб.
 Мен ҳам сизга худди шундоқ жавоб бераман:
 «Бир қадоқ гўшт — мен қимматга сотиб олганман,
 Меники у, беришингиз талаб қиламан!»
 Рад этсангиз, тупураман қонунингизга,
 Декретларнинг тайини йўқ Венецияда.
 Хуллас, судни кутаман. Хўш суд бўладими?

Д о ж

Падуюга — олим, доктор Беллариога,
 Зудлик билан келсин, дея, киши жўнатдим.
 Қарор шуки, ўша етиб келмагунча то
 Суд мажлиси бошланмайди.

С а л е р и о

Жаноби олий,
 Мактуб олиб, чопар келмиш Беллариодан,
 У эшикда, кутар амр-фармонингизни.

Д о ж

Айтинг, кирсин ва мактубни топширсин бизга.

Б а с с а н и о

Антонио, тетикроқ бўл, умид йўқ эмас,
 Сен мени деб қатра қонинг бермасдан бурун
 Мен жуҳудга бергум жисми жонимни бутун.

А н т о н и о

Дўстим, билсанг, мен подада бир қўтир қўймаи.
Ҳаммангиздан яқинроқман ўлимга, зотан.
Чирик мева ерга тушар ҳаммадан аввал,
Туша қолай, сен эса-чи, яша ёшингни,
Сўзинг билан безасанг, бас, қабр тошимни.

Н е р и с с а киради, у адвокат мирзаси киймида.

Д о ж

Белларио юбордим сизни Падуйдан?

Н е р и с с а

Ҳа, афандим, у йўллади салом-эҳтиром.

(Унга мактубни топширади.)

Б а с с а н и о

(Шейлокка)

Нега ҳадеб пичоғингни қайрамоқдасан?

Ш е й л о к

Қайраяпман ўз ҳиссамни олишим учун.

Г р а ц и а н о

Манфур жуҳуд, пичоғингни қайишга эмас,
Юрагингга қайраяпсан, ҳеч қандай металл —

Ҳатто жаллод болтаси ҳам баробар эмас
 Газабинга. Илтижолар кор этмас сенга.

Ш е й л о к

Иўқ, топмагай сенинг ақлинг шундоқ илтижо.

Г р а ц и а н о

О, лаънатлар бўлсин сенга, бағритош кўппак!
 Бутун умринг қонун учун ёвуз бир таъна,
 Эътиқодим замирига солдинг зилзила:
 Инсонларга ҳайвон руҳи кўчади, деган
 Пифагорга ишонмоққа тайёрман бу дам¹.
 Жирканч руҳинг аввалбоши бўрида бўлган,
 Одамларга човут солгач, уни осишган.
 Уша дордан халос бўлиб, қутурган арвоқ,
 Фурсат пойлаб, ўзни онанг қорнига урган,
 Унда сени топган, сенинг қонингга кирган,
 Бир арвоқки, бўри каби қонхўр ва юхо!

Ш е й л о к

Вексель муҳрин бузолмайсан ҳақорат билан,
 Қичқириқлар ила бекор ўпкангни йиртма.
 Шунча ақлинг бор эканми, асраб қўй, бола,
 Уни увол айлама.— Мен судни кутаман.

Д о ж

Белларио қонуншунос, ёш бир олимни
 Бизга лутфан таклиф этмиш,
 Қани у ўзи?

¹ П и ф а г о р — қадимий юнон файласуфи, эрадан аввалги VI асрда яшаган, руҳ инсонлардан ҳайвонларга, ҳайвонлардан инсонларга кўчиб юради, деган таълимотни олга сурган. (Тарж.)

Н е р и с с а

Узоқдамас, у шу ерда, жавоб кутади,
Уни қабул этасизми?

Д о ж

Албатта, биров —
Назокат-ла бошлаб келсин бу ёққа дарров.
Суд унгача эшитади ушбу мактубни.

М и р з о

«Сиз жаноби олийларга етиб маълум бўлсинким, мактубингиз оғир бетоб ётганимда етиб келди: аммо чопарингиз эшик қоққан маҳал Римдан дўстона ташриф буюрган ёш бир ҳуқуқшунос ҳузуримда эди, исми шарифи — Бальтазар. Мен жуҳуд ва савдогар Антонио орасида рўй берган иш билан уни таништирдим. Биз биргалашиб жуда кўп китоб қарадик. Менинг фикрим унга маълум, мазкур фикрни у ўзининг ҳар қандай мақтовлардан ҳам зиёда олимлиги билан янада зийнатлаб, сизга изҳор этажак ва боришим тамом имконсиз бўлганидан у менинг ўрнимни босажак. Сиздан ўтинаман: ёшлиги уни етарли баҳолашингизга монелик қилмагай: мен шундоқ ёш бир йигитда кексаларга хос, шу қадар ақл-заковатни сира учратмаганман: бироқ иш устидаги синов унга яхши кафолат бўлгай».

Д о ж

Белларио, не ёзипти эшитдингизми?

П о р ц и я киради, у ҳуқуқ доктори либосида.

Мана, доктор ўзи...— Қани, қўлингиз беринг!
Кекса Белларио бизга юбормиш сизни?

П о р ц и я

Ҳа, жаноб олийлари.

Д о ж

Салом, ўлтиринг.
Айтинг-чи, биз кўраётган иш-можародан
Хабарингиз борми?

П о р ц и я

Ишдан тўла воқифман.
Фақат билсам, ким савдогар бунда, ким жуҳуд?

Д о ж

Антонио, кекса Шейлок — яқинроқ келинг.

П о р ц и я

Сиз — Шейлокми?

Ш е й л о к

Ҳа, исмим — Шейлок.

П о р ц и я

Сизнинг даъвойингиз, Шейлок, ғайриодатий:
Лекин бари қондага мувофиқ ва мос.

Шунинг учун Венеция қонуни уни
Рад этмайди, бажаришга даъват этади.

(Антониога.)

Суд орқали ундиришга ҳақлидирми у?

А н т о н и о

У шундоқ деган.

П о р ц и я

Сиз векселни тан оласиз?

А н т о н и о

Ҳа.

П о р ц и я

Унда жуҳуд мурувватли бўлмоғи керак.

Ш е й л о к

Нега энди мурувватли бўлмоғим керак?

П о р ц и я

Мурувватга зўрлик билан эришиб бўлмас,
У гўёки найсон ёмғир, у обирахмат,
Кўкдан ерга инар сира сўрамай-нетмай,
Берганга ҳам, олганга ҳам хайрли беҳад.
Унинг кучи шарофати янада ортиқ —

Кимки бўлса, ҳокимият, қудратга соҳиб.
 У тождан ҳам ярашиқдир шоҳу сулгонга,
 Муваққат бир ҳокимият белгисидир — тож.
 Улуғлик ва эҳтиромнинг нишонаси у,
 Бир қудратким, юракларга қалтироқ солар.
 Лекин шафқат-мурувват-чи, тождан ҳам юксак
 Унинг тахти подшоларнинг қалбида яшар.
 Шафқат — тангри фазилати, тангри хислати:
 Гар шафқатни қонун билан омухта этса —
 Осмондаги илоҳий у ҳокимиятга
 Ухшаб кетар заминдаги давлат-салтанат.
 Жуҳуд, қонун сен тарафда, лекин унутма,
 Агар қонун мурувватга бўлса бегона
 Аминманки, битгамиз ҳам топмасдик омон.
 Дуо пайти биз худодан шафқат сўраймиз,
 Бизни шафқат-мурувватга ўргатар дуо.
 Мен буларни айтдим сени юмшатмоқ учун,
 Аммоки, сен талаб этсанг қонуний ҳаққинг,
 Венеция суди қўллаб, чиқаргай ҳукм.

Ш е й л о к

Менга қўйинг ўз ишимни, ўзим биламан,
 Қонун йўли билан ҳаққим талаб қиламан.

П о р ц и я

Ажаб, қарздор тўлолмасми зарур маблағни?

Б а с с а н и о

О, дарвоқе, суд олдида таклиф этаман:
 Мен тўлайин икки карра ошиғи билан;
 Агар бунга унамаса, буни кам деса,

Ун баробар қилиб ҳатто тўлашим мумкин.
 Бошим, қўлим, юрагимни тутиб бераман —
 Гар бунга ҳам унамаса, буни кам деса,
 Демак, поймол этмиш қабоҳат, зулм.
 Ялинаман, сиз қонунни жиндак юмшатинг,
 Ҳақиқат-чун чегарадан озгина ўтинг,
 Ҳам жиловланг шайтон-иблис васвасасини.

П о р ц и я

Йўқ, бу асло мумкин эмас: Венецияда
 Узгартира билмас ҳеч ким қонун-низомни
 Гар йўл қўйсақ бунга, бешак чиқар тўполон,
 Ва бу ёмон ибрат бўлиб, етказур зиён
 Республика ишларига, йўқ, бу мумкинмас.

Ш е й л о к

О, Даниил, суд бошланди бунда, Даниил!¹
 Минг эҳтиром бўлсин сенга, донишманд ҳакам!

П о р ц и я

Утинаман, бир кўрсатинг ўша векселни.

Ш е й л о к

Мана, вексель марҳаматли доктор, мана у.

П о р ц и я

Шейлок, сенга уч баравар тўламоқчилар.

Ш е й л о к

Қасамим-чи? Нима бўлар онтим, қасамим?
 Мен фалакка юрагимдан қасам ичганман.

¹ Д а н и и л — қадимий юнон пайғамбари, (Тарж.)

Ўз руҳимни маҳв этишни истамасман, йўқ,
Йўқ, йўқ, ҳатто, берсангиз ҳам Венецияни...

П о р ц и я

Хуллас,

Веқсель тўланмапти ўз муддатида,
Жухуд сўрар ўз ҳаққини қонунга кўра —
Ўзгартира билмас ҳеч ким қонун-низомни.
Яна бир бор сўрайманки, шафқат айлагин,
Юракка энг яқин жойдан нақ бир қадоқ эт.

Ш е й л о к

Унутарман, уни тамом ундириб олсам,
Кўраманки, сиз мумтоз ва муносиб ҳакам.
Сиз — қонунлар билимдонни, шу туфайлидан,
Кўп аълодир қабул қилган қарорингиз ҳам.
Сиз суянчиқ бўлган ўша қонун номидан
Сўрайманки, бўлди қилинг, судни тугатинг..
Сўзим битта, мен жонимга қасам ичаман,
Айнимайман, талабимда қатъий тураман.

А н т о н и о

Чин юракдан ялинаман ёлвораманким,
Суд тугатсин мажлисни, ўқилсин ҳукм.

П о р ц и я

Майли, шундоқ бўла қолсин, бўлди қилайлиқ.
Қани, унинг кўкрагини пичоққа шайланг.

Ш е й л о к

Олижаноб ҳакам! Асил, бебаҳо йигит!

П о р ц и я

Қонун руҳи, қонун сўзи бешубҳа, бешак
Веқселдаги талабларга тўғри келади.

Ш е й л о к

Худди шундоқ, адолатли донишманд ҳакам,
Кўринишда ёшдек, аммо нақадар улуг!

П о р ц и я

Хўш, очингиз кўкрагин.

Ш е й л о к

Ҳа! Кўкрагини!

Вескелда ҳам худди шундай ёзилган, ҳакам,
Юрагига яқин жойи? Демак, кўкраги.

П о р ц и я

Худди шундоқ. Аммо айтинг, шу қадоқ гўшти
Тортмоқ учун зарур тош-тарозу борми?

Ш е й л о к

Мен тарозу келтирганман.

П о р ц и я

(Шейлокка)

Жароҳатни бойлаш, қонни тўхтатмоқ учун
Жарроҳ ҳозир бўлсин — сизнинг ҳисобингизга.

Ш е й л о к

Бу тўғрида ёзилганми магар векселда?

П о р ц и я

Йўқ, мутлақо ёзилмаган, нима қипти, хўш,
Раҳм-шафқат юзасидан шу ишни қилсак?

Ш е й л о к

Йўқ, бу ҳақда бирорта ҳам сўз йўқ векселда.

П о р ц и я

Антонио, айтадиган сўзингиз борми?

А н т о н и о

Унча кўпмас: мен тайёрман, ҳозирланганман.
 Бассанио, қўлингни бер, маъзур тут мени,
 Куйма ортиқ мен туфайли ҳалок бўлди деб.
 Қисмат менга мунис бўлди одатдагидан:
 У кўпинча шўрликларни бойлик, давлатдан
 Жудо айлаб, гадойликка маҳкум этади.
 Улар сўнгра ажин манглай, хира кўз билан
 Сўнгги манзил — ўлим сари борурлар секин.
 Бу азобдан тақдир мени халос айлади.
 Олижаноб рафиқангга салом йўллаймак,
 Сен айтиб бер Антонио хотимасини:
 Сени қандай севганимни унга айтиб бер,
 Шундоқ қилгин, ёринг ўзи ҳукм айласин:
 Дўсти-анис бўлганмикин Бассаниода..
 Мен дўстимдан айрилдим, деб чекма изтироб,
 Нима қилсин, зарур эса шу ҳисоб-китоб.
 Пичоғини гар чуқурроқ ботирса жуҳуд,
 Дўстинг бутун қалби билан тўлар қарзингни.

Б а с с а н и о

Антонио! Уйланганим у гўзал санам
 Менинг учун ортиқ эрур ҳаётимдан ҳам.
 Ҳаётим ҳам, хотиним ҳам, шу буткул дунё,
 Дўстим, сенинг ҳаётингдан арзондир аммо.
 Мен иблисга ҳаммасини берардим бутун,
 Фақат сенинг ҳаётингни қутқармоқ учун.

П о р ц и я

Уйлайманки, рафиқангиз агар эшитса,
 Ҳеч, шубҳасиз, огринарди, бўларди хафа.

Грациано

Мен севаман хотинимни, аммо нақадар
 Севинардим, ўша кўкка йўл олиб агар,
 Йиғлаб, само қудратини қўзгатса бутун,
 Шу бадният, бағритошни юмшатмоқ учун!

Нерисса

Қандай яхши!
 Хотинингиз орқасидан дейсиз бу сўзни,
 Бўлмаса, хўп еярдингиз таъзирингизни.

Шейлок

(Четга)

Христиан никоҳини кўринг! Қизим бор...
 Унинг эри христиан бўлгандан кўра,
 Ваҳший Варров бўлса, менга афзал минг карра!¹
 Вақт ўтмоқда. Ҳукми, хўш, ижро этайлик.

Порция

Сеникидир савдогарнинг бир қадоқ эти,
 Қонун шуни буюради, суд ҳукм этди.

Шейлок

Доно ҳакам!

Порция

Сен ҳаққингни ҳозир кесиб олишинг мумкин.
 Суднинг ҳукми шундоқ, шуни буюрар қонун.

Шейлок

Ҳакам — доно! Мана ҳукм! Қани, ҳозир бўл!

¹ Варрова — қароқчи, ривоятга кўра, у Исо пайгамбар билан ёнма-ён хочга тортилган. (Тарж.)

П о р ц и я

Бирпас шошма: жиндак гап бор яна бу ёқда,
 Қон тўкмайсан, векселинга сўз йўқ бу ҳақда.
 Аниқ қилиб, бир қадоқ гўшт, дейилган, холос.
 Ҳаққинг фақат бир қадоқ гўшт, уни ола қол.
 Аммо, шуни билиб қўйки, этни кесганда,
 Бирор қатра христиан қони тўкилса,
 Молу муллинг, бойликларинг, қонунга кўра,
 Республика ҳисобига ўтар бир йўла.

Г р а ц и а н о

Доно ҳакам!— Жухуд, эшит!— У чин донишманд!

Ш е й л о к

Қонун шунақами?

П о р ц и я

Уқиб кўришинг мумкин.
 Адолатли ҳукм бўлсин, дединг, шундоқми?
 Хотиржам бўл, олажаксан ортиғи билан.

Г р а ц и а н о

Чин донишманд! Жухуд, қалай? Аллома ҳакам!

Ш е й л о к

Мен розиман, уч барабар тўласин қарзни,
 Кейин, майли, ўз йўлига кетаверсин у!

Б а с с а н и о

Мана пулинг, ола қол.

П о р ц и я

Йўқ, озгина шошманг!
Жухуд сўрар адолатли ҳукм этмоқни --
У олажак фақат вексель шартига кўра.

Г р а ц и а н о

О, жухуд! О, асл, етук, донишманд ҳакам!

П о р ц и я

Хўш, бўла қол, этни кесиб олмоққа бошла,
Бир томчи қон тўкма лекин. Агар кесганинг
Бир қадоқдан зарра ортиқ, зарра кам эса,
Ё мўлжалдан тарозунинг сергак шайини
Жиндаккина нари-бери борса — сўз тамом,
Қутулмайсан, сени ўлим кутар муқаррар,
Бор давлатинг хазинага ўтар муқаррар.

Г р а ц и а н о

О, Даниил, жухуд, қара!— Янги Даниил!—
Ҳа, қалайсан, энди қўлга тушдингми, кофир?

П о р ц и я

Хўш, намунча имиллайсан? Ҳаққинг ола қол!

Ш е й л о к

Майли, менига пулни беринг, ҳозир кетаман.

Б а с с а н и о

Ма, ола қол — аллақачон тайёрлаганман.

П о р ц и я

Йўқ, ололмас, суд олдида воз кечди пулдан,
Ола билар фақат вексель шартига кўра.

Г р а ц и а н о

О, Даниил! Кароматли, янги Даниил!
Раҳмат, жуҳуд, сен бу сўзни менга ўргатдинг.

Ш е й л о к

Наҳот, энди маблағимдан ажралиб қолсам?

П о р ц и я

Йўқ, оласан фақат вексель, шартига кўра,
Ола қолгин ўз жонингни қўйиб хатарга.

Ш е й л о к

Керак эмас, мен шайтонга уни атадим,
Даъвойим йўқ бошқа, кетдим.

П о р ц и я

Жуҳуд, тўхтагин,
Сенга суднинг даъвоси бор, Венецияда —
Шундай қонун ҳукм сураб, хорижий қимса
Тўппа-тўғри, ё бўлмаса, ўзга йўл билан

Бирор ерли гражданга суйқасд этса,
Унинг ярим мулкин олар жабрланувчи,
Қолган ярми ўтар давлат хазинасига.
Ва суйқасд этувчининг ҳаёт қисмати
Боглиқ бўлар дожднинг лутфи марҳаматига.
Қандоқ қарор қабул қилса — бу унинг иши.
Мана шундоқ аҳволдасан ҳозир, билиб қўй:
Далиллар шай, Венеция гражданига
Бевосита, билвосита суйқасд этдинг,
Шунинг учун маҳкум бўлдинг, бошингга етдинг,
Тиз чўк энди, дождан шафқат-мурувват сўра!

Г р а ц и а н о

Илтижо қил, ўз-ўзимни осайин, дея:
Бойликларинг хазинага ўтаркан буткул,
Сиртмоқ учун арқон сотиб олишинг мушкул,
Сенга текин арқон берар энди хазина.

Д о ж

Ҳислардаги тафовутни кўргин, деб атай,
Ҳаётингни мен ўзингга тортиқ этаман.
Бўлажакмиз лекин буткул мулк-бойлигинг
Антонио билан давлат ўртасида тенг.
Тавба қилсанг, алмашинур жарима билан.

П о р ц и я

Ҳа, жарима қутқаради бойлик-бисотинг
Хазинага тааллуқли қисмини холос.
Бошқа қисми ўтар бешак Антониога.

Шейлок

Олинг буткул ҳаётимни шафқат керакмас,
 Пойдеворин олдингизми — олинг уйни ҳам.
 Нима билан тирик эсам, барин олдингиз,
 Керак эмас жонимни ҳам энди олингиз.

Порция

Антонио кўрсатурму шафқат-мурувват?

Грациано

Текин арқон топиб бсрар, не қилсин яна?

Антонио

Муҳтарам дож, муҳтарам суд, мулк-бойлиқнинг
 Хазинага тегиш қисми учун жарима
 Оларкансиз, нима дердим, сизда ихтиёр.
 Аммо, айтай, унинг менга тегиш қисмини
 Ёзиб, тайин этиб-берсин менинг номимга.
 Йўқ, мен унинг бойлигини тутмасман ортиқ.
 Шейлок ўлгач, куёвига этаман тортиқ.
 Яна шуки, раҳм-шафқат эвазига у
 Христиан эътиқоди йўлини тутсин
 Яна шуки, бор мулкани айлаб васиқа
 Қизи билан куёвига васият этсин.

Дожд

Шундоқ қилсин, унамаса, бекор қиламан
 Ҳозиргина инъом этган марҳаматимни.

П о р ц и я

Розимисан шунга, жуҳуд? Хўш, нима дейсан?
Ш е й л о к

Розиман.

П о р ц и я

Бас, мирза ёзсин қарор-аҳднома.

Ш е й л о к

Ўтинаман, рухсат этинг, кетай бу ердан,
Ростин айтсам: менга оғир, аҳволим ёмон,
Ҳужжатларни юборингиз, имзо чекаман.

Д о ж

Жўна, лекин бажо айла фармонимизни.

Г р а ц и а н о

Икки ҳамроҳ бўлур сен-ла, чўқиниш пайти:
Мен ҳакамлик этсам, ўнта қўшардим яна;¹
Йўқ, муқаддас хоч олдига элтмасди улар,
Дор остига элтишарди сени бегумон.

Ш е й л о к кетади.

Д о ж

(Порцияга)

Ўтинаман, қолинг, азиз меҳмоним бўлинг.

¹ Уша замон инглиз судларида ўн иккита маслаҳатчи бўлган, шунга ишора. (Тарж.)

Порция

Жаноб олийлари, сиздан узр сўрайман,
Падуяда бўлишим шарт бугун тундаёқ,
Шунинг учун мен ҳозироқ жўнаб кетаман.

Дож

Афсус, афсус, тигиз экан вақтингиз жуда —
Антонио, сиз синьорни рози этингиз:
Уйлашимча, қарздорсиз унинг олдида.

Дож ўзининг маҳрамлари билан кетади.

Бассанио

Марҳаматли, азиз синьор, мен ва дўстимни
Қутқардингиз ўткир ақлу заковат билан.
Жуда қўрқинч мусибатдан халос этдингиз.
Биз жуҳудга топширмоқчи бўлган пулларни
Сизга тортиқ айламоққа рухсат этингиз.

Антонио

Биз, барибир, лекин қарздор бўлиб қоламиз
Сизни севиб, хизмат қилсак ҳамки умрбод.

Порция

Биласизми, мукофот йўқ севишдан ортиқ,
Мен сизларни халос этиб, хурсандман беҳад.
Бу, демакки, мукофотим олибман расо,
Таъмагирилик қилмаганман ҳеч қачон, фақат,
Бундан кейин учрашганда, танисангиз, бас.
Хайр энди, бахт тилайман, яхши қолингиз.

Б а с с а н и о

Азиз синьор, ўтинаман, талаб қиламан
Эсдаликка бирор нима олишингизни.
Тўлов эмас, меҳримизга нишон бўлур у,
Маъзур тутинг, хижолатдан қутқаринг бизни.

П о р ц и я

Қистовингиз ошиб кетди, майли, розиман.

(Антониога)

Хотира, деб олай ушбу қўлқопингизни.

(Бассаниога.)

Сиздан меҳр белгиси, деб ушбу узукни.
Нима бўлди, қўлингизни тортиб олдингиз?
Гар севсангиз шунни беринг, бошқасинимас.

Б а с с а н и о

Синьор... Айтсам, бу узугим — арзимас мато!
Сизга тортиқ айламоққа арзимас ҳатто.

П о р ц и я

Бошқасини хоҳламайман, шуниси лозим,
Нима дейман, кўнгил кетди, шунни истадим.

Б а с с а н и о

Гап қийматда эмас, бутун Венецияда
Энг ноёбин топиб, сизга тақдим этаман.

Мен ўшани топмоқ учун жарчи қўяман,
Фақат, хўп, денг, шу оддийси ўзимда қолсин.

Порция

Қўраманки, ҳимматингиз баланддир жуда!
Аввалбоши тиланишга ром этиб мени,
Энди эса, аста-секин ўргатмоқдасиз —
Қандай жавоб айламоқни тиланчиларга.

Бассанио

Синьор, бунни тақдим этмиш менга рафиқам,
Ва мен уни ҳеч кимсага инъом этмаслик,
Йўқотмаслик, сотмасликка қасам ичганман.

Порция

Ҳа, бу — инъом этмасликка қулай баҳона,
Рафиқангиз гар эсидан озмаган бўлса —
Қандай хизмат эвазига ушбу узукни
Олганимни билиб, сизга ғазаб айламас.
Хўш, бўлмаса, хайр энди, саломат қолинг.

Порция ва Нерисса кетадилар.

Антонио

Бассанио, инъом айла унга узукни,
Унинг менга муҳаббати, унинг хизмати
Устун турар ҳар қандайин амру фармондан.

Бассанио

Югур тезроқ, қувиб етгил, Грациано,
Узукни бер, кўндиролсанг, бошлаб кел уни

Антонио қўрғонига. Қани бўл, югур!

Грациано кетади.

Кетдик: биз ҳам йўл олайлик ўша томонга,
Эртага-чи, тонг-саҳарда туриб иккимиз
Бельмонт сари ошиқамиз. Юр, Антонио.

Кетадилар.

ИККИНЧИ САҲНА

Уша жой. Кўча.

Пигитлар кийимида Порция билан Нерисса киради.

Порция

Суриштиргин, қайда экан жуҳуднинг уйи,
Топиб унга имзо чектир. Тунда жўнаймиз.
Уйга етиб олажакмиз эрлардан олдин,
Бу қоғозни кўриб, хурсанд бўлар Лоренцо.

Грациано киради.

Грациано

Уҳ, хайрият, етиб олдим, сизларни қувиб!
Синьор Бассанио бориб мулоҳазага,
Шу узукни йўллади ва сизни ҳозироқ
Зиёфатга чақиради!

Порция

Бу мумкин эмас.

Ташаккур-ла қабул этгум аммо узукни, —

Унга айтинг. Ҳа, дарвоқе, кўрсатиб қўйинг
Судхўр Шейлок қўрғонини менинг мирзамга.

Г р а ц и а н о

Бош устига!

Н е р и с с а

Синьор, жиндак гапим бор сизга.

(Порцияга, секин.)

Қани, кўрай, қасамёдлар этган эримдан
Бир йўл қилиб. узугимни олармиканман...

П о р ц и я

(Нериссага, секин.)

Ҳеч шубҳасиз. Ҳали яна қасам ичишар,
Узукни биз эркакларга бердик, деб улар.
Аммо, бошлаб беражакмиз таъзирларини.

(Баланд овозда.)

Тезроқ! Қайда кутишимни яхши биласан.

Н е р и с с а

(Грацианога)

Қани, юринг, менга йўлни кўрсатиб қўйинг

Кетадилар.

БЕШИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Бельмонт. Порция уйига элтувчи хиббон.
Лоренцо билан Жессика киради.

Лоренцо

Ой шуъласи қандай ёруғ... Шундоқ кечада,
Япроқларни шитирлатмай майин шаббода,
Оғочларни ўпар экан — шундоқ кечада
Троянинг деворига чиқмиш Тройл¹,
Руҳан парвоз этмиш юнон қароргоҳига,
Крессида хобгоҳига...

Жессика

Шундоқ кечада

Шабнам босиб, олазарак бораркан Фисба²,
Шердан олдин шер соясин кўриб қолгану
Ваҳимага тушиб қочган...

¹ Тройл — Троя шаҳзодаси, Крессида — юнон гузали, улар бир-бирини севишган.

² Фисба — Пирамининг маъшуқаси. Шекспир улар орасидаги ишқ-муҳаббатни «Ез. кечасидаги туш» комедиясида қаламга олган.

Л о р е н ц о

Шундоқ кечада

Мовий денгиз қирғоғида гўзал Дидона¹
Мажнунтолнинг бутоғини силкитиб, ёрин
Карфагенга чорламишдир...

Ж е с с и к а

Шундоқ кечада

Қари Эзон яшарсин деб пича Медея²
Меҳри гиёҳ йиққан экан...

Л о р е н ц о

Шундоқ кечада

Бой жуҳуднинг қўрғонини тарк этиб тамом,
Ери билан ўз шаҳридан чиққан Жессика,
Ва Бельмонтга қараб қочган!

Ж е с с и к а

Шундоқ кечада

Еш Лоренцо қасам узра қасамлар ичган,
Шу йўл билан қиз қалбини ўғирлаб олган,
Айтганлари ёлғон экан...

Л о р е н ц о

Шундоқ кечада

Шўху шаддод ҳам дилозор, жажжи Жессика

¹ Дидона — Карфаген маликаси, Энейнинг маъшукаси.
² Медея — Язоннинг хотини, у меҳри гиёҳ териб, эрининг отаси Эзонни яшартирган. (Тарж.)

Беҳудага ўз ёрига бўҳтон ёғдирган.
Лекин ёри ранжимаган, уни кечирган.

Ж е с с и к а

Кечалардан топар эдим яна нечасин,
Ёлғиз иков бўлсак, аммо кимдир келмоқда.

С т е ф а н о киради.

Л о р е н ц о

Ким у, тун сукунатида ҳовлиқиб келаётган?

С т е ф а н о

Дўстингиз!

Л о р е н ц о

Дўст? Қанақа дўст? Исмингиз нима, дўстим?

С т е ф а н о

Стефано!

Сизга шундоқ хабар келтирдим,
Хонимбека худди тонгда бўлар Бельмонтда,
Ҳозир эса бут олдида ибодат айлар,
Яратгандан оилавий бахтини тилар.

Л о р е н ц о

Ким бор қошида?

Жорияси билан фақат авлиё-роҳиб.
Айтингиз-чи, қайтмадими хўжайин-синьор?

Л о р е н ц о

Йўқ, қайтмади, ҳалигача ундан дарак йўқ,
Хўш, Жессика, қўзғала қол, энди борайлик.
Биз баҳарҳол уй эгаси хонимбекани
Тантанавор қаршилашга ҳозирланайлик.

Л а н ч е л о т киради.

Л а н ч е л о т

Ҳой, дейман, ҳой!.. Ҳей, дейман, ҳей!..

Л о р е н ц о

Ким у чақираётган?

Л а н ч е л о т

Ҳо-ҳо-ҳой!.. Сиз жаноб Лоренциони кўрмадингизми?
Жаноб Лоренциони?

Л о р е н ц о

Бақиршни бас қил, йигит, мен шу ердаман.

Л а н ч е л о т

Ҳой! Қани, қаерда?

Л о р е н ц о

Шу ерда.

Л а н ч е л о т

Унга айтиб қўйинг, хўжайиндан чопар келди, қўй-
ни-қўнжи хуш хабарларга тўла. Хўжайин эрталабга
қадар етиб келаркан.

(Кетади.)

Л о р е н ц о

Юр, жонгинам, биз уларни кутиб олайлик,
Бироқ шошма, шарт эмас-ку қасрга кириш.
Стефано, хабар қилинг уйдагиларга,
Хонимбека қўрғонига қайтаётир; денг.
Кейин, боққа айтиб чиқинг созандаларни.

С т е ф а н о кетади.

Ой шуъласи ширин ухлар дўнг-тепаларда!
Кел, бир нафас ўлтирайлик мана бу ерда.
Куй, оҳанглар борлиғимиз элитсин бутун,
Ширин-ширин садо тилар осуда шу тун.
Кел, Жессика, ўлтир. Бир зум термул фалакка,
Осмон заррин ҳалқалардан тиқилган қашта:
Ҳатто увоқ зарраси ҳам, термулсанг агар,
Фариштадек жилоланар, куйлар, рақс этар.
Ва жўр бўлар ўзи янглиғ фаришталарга.
Шундай оҳанг яшар фақат ўлмас қалбларда:
Аммоки, у малоҳатсиз, қўпол бир йўсин
Заминий, кир қобиқ билан ўралгани-чун,
Биз у ажиб оҳангларни эшитолмаймиз.

С о з а н д а л а р кирадилар.

Қани, бу ёққа!
 Дианани уйғотингиз тарона билан¹.
 Хонимбека қулоғига сеҳрлар қуйиб,
 Ширин созу садо билан бу ёққа бошланг.

Ж е с с и к а

Ширин оҳанг юрагимни эзар доимо.

Л о р е н ц о

Чунки, оҳанг тўқинади қалбга аввало.
 Биласанми, саҳродаги ёввойи пода,
 Ёки ҳали яйдоқ юрган отлар уюри,
 Томирларда ўйнар экан ҳароратли қон,
 Шамол янглиғ учиб, кишнаб, солишар сурон.
 Лекин улар ногаҳоний бурғу садоси,
 Ёки бошқа бир оҳангни эшитишса, бас,
 Ювош тортиб, сергакланиб олишар нафас.
 Музиканинг фасоҳати, таъсири билан
 Майин боқар ўша чақин ёввойи кўзлар
 Шоирларнинг айтишича созанда Орфей
 Дарахт, қоя, дарёларни этаркан афсуни.
 Нимаики тошбағирдир, сезгидан маҳрум,
 Шан оҳанглар асир айлар, юшатар бир зум.
 Киши юрагида оҳанг бўлмаса агар,
 Унга таъсир этолмагай соҳир садолар.
 У талонга, хиёнатга, макрга мойил,
 Унинг қалби уқубатли тун каби қора,
 Туйғулари — Эреб² каби тийра, қоронғу:
 Бундайларга ишонма ҳеч.— Қўшиқни тингла.

Бир чеккадан Порция билан Перисса киради.

¹ Диана — бу ерда «ой» маъносида. (Тарж.)

² Эреб — антик мифологияга кўра, ер остидаги зулмат салтанати. (Тарж.)

Порция

Кўрасанми? Чироқ ёнар катта хонада.
 Шуъласини узоқларга ёймиш... Шу янглиғ
 Эзгуликлар ярқирайди ёвуз оламда.

Нерисса

Шам кўринмас аммо тўлин ой шуъласида.

Порция

Кичик шуҳрат катта шавкат олдида шундоқ
 Сўниб қолар... Бирор ёққа жўнаркан қирол,
 Қирол каби ярқирайди унинг ноиб.
 Қирол қайтгач, аммо унинг улуғворлиги —
 Чўкиб кетар, бамисоли денгизга ирмоқ
 Ғарқ бўлгандек.— Музыка! Сен илғаяпсанми?

Нерисса

Синьора, бу — хонаки оркестрингиз.

Порция

Ҳамма нарса ўз вақтида бўлгани яхши:
 Тунда оҳанг кундузгидан ширин туюлар.

Нерисса

Жимлик унга бағишлайди сеҳр-жозиб.

Порция

Олақарға қағиллаши тўрғай навоси
 Худди бирдек — тинглаганда лоқайд, бепарво.
 Агар булбул тунда эмас, кундуз сайраса,

Гоз-ўрдаклар «го-го»лашиб, шовқин солган чоғ,
 Саъвадан ҳам паст тушарди созандаликда.
 О, азизим, вақтга боғлиқ бўлур кўп нарса —
 Қиймат топиб, одил, аъло баҳоланишда.
 Бас, кифоя! Ой ухлайди Эндимнон билан:¹
 Ва уйғониш истамайди!

Музыка тинади.

Л о р е н ц о

Янглишмасам, бу —
 Синьора Порциянинг овозимасми?

П о р ц и я

У мени-чи, овозимдан таниди, худди
 Кўр каккуни танигандек нохуш овоздан.

Л о р е н ц о

О, синьора,
 Қадамингизга ҳасанот!

П о р ц и я

Эрларимиз учун тоат-ибодат этдик,
 Улар қайтиб келишгандир?

Л о р е н ц о

Иўқ, синьора:
 Бироқ чопар ҳозиргина келтирди хабар!
 Эсон-омон қайтишмоқда иккаласи ҳам!

П о р ц и я

Бор, Нерисса, тайинлаб қўй хизматкорларга,
 Лйтмагайлар бизнинг уйдан жилганимизни.
 Утинаман: Лоренцо, сиз, Жессика, сиз ҳам.

¹ Эндимнон — Зевснинг ўғли, ой илоҳаси Селена сеҳри билан у умрбод уйқуга чўмган. (Тарж.)

Карнай садоси.
Лоренцо

Эрингиз ҳам келиб қолди — янграйди бурғу,
Синьора, амин бўлинг, оғзимиз маҳкам.

Порция

Қандай кеча! Кеча эмас, касалманд бир кун:
Фақат бир оз ранги ўчиқ. Назаримда у —
Ярим оқшом. Эндигина қуёш ботгандай.

Бассанио, Антонио, Грациано ва уларнинг хос
маҳрамлари киришади.

Бассанио

Қуёш ботса-ботаверсин, сиз бўлинг пайдо.
Ҳеч шубҳасиз, бизга кундуз бўлур ҳувайдо!

Порция

Майли, ёниб-ярқирай-да, куйдирмай фақат,
Хотинидан куйган эрга қийиндир беҳад.
Бассанио, кимга керак шундоқ бўлиши,
Бироқ, сизга айтсам, бари худонинг иши!
Синьор қани, уйингизга марҳамат қилинг.

Бассанио

Қўп ташаккур, синьора. Қаршилаб олинг —
Лутф ила азиз дўстим Антониони.
Бениҳоя қарздордирман унинг олдида.

Порция

Ҳа, сиз унга бениҳоя бурчлисиз, дўстим,
У борини нисор этди, ахир, сиз учун!

¹ Бассанио Порцияни қуёшга ўхшатапти. (Тарж.)

А н т о н и о

У қарзини тўлаб бўлди менга бус-бутун.

П о р ц и я

Синьор, бизнинг уйимизда азиз меҳмонсиз:
Фақат сўзда кўрсатмаймиз иззат-икромни,
Бас, шу билан тугатаман лутф-каломни.

Г р а ц и а н о

(*Нериссага*)

Ҳақ эмасман, ойга қасам ичиб айтаман;
Ишон, ахир, бердим ҳакам-мирзага уни.
Сенинг шундоқ ранжишингни қайдан билибман,
Менга қолса бичилган қул бўлмайдими у.

П о р ц и я

Оҳ-ҳо! Жанжал, ҳалитдан-а? Нима гап ўзи?

Г р а ц и а н о

Э, айтишга арзимаган олтин узукча,
Уни совға айламишди менга Нерисса.
Худди пичоқ дастасига битилган каби,
Сўзи борди: «Мени севгил, айрилма»— деган.

Н е р и с с а

г

Нелар дейсан қиймати-ю, сўзи ҳақида?
Сен узукни олиб, менга қасам ичгандинг:
«Ишон, асраб аягайман то ўлгунимча,
Агар ўлсам, тобутимга солгайлар»,— дея.
Сал эҳтиёт этсанг яхши бўларди уни,
Менга севгинг ҳурматимас, қасам ҳурмати!

Ҳакам мирзаси, дейсанми? Шоҳиддир худо:
У мирзанга соқол-мўйлов битмагай асло!

Г р а ц и а н о

Омон бўлса, бир кун битар унга ҳам соқол.

Н е р и с с а

Ҳа, эркакка айланолса агарда аёл.

Г р а ц и а н о

Шу қўлимга қасам ичиб айтаманки, у
Бола эди, бир ўспирин, ёш бир йигитча.
Бўйи баста сендан баланд эмасди унча:
У ҳакамга мирза эди, ҳакамга мирза.
Хизматимга шу узукни берасан, деди,
Нима қилай, йўқ, дейишга тилим бормади.

П о р ц и я

Сизга таъна-дашном лозим: ёш хотинингиз
Биринчи бор тортиқ этган ҳадя-эҳсонни
Осонгина ёт кимсага бериб қўйибсиз.
Ахир уни қасам ичиб, таққан эдингиз,
Сизнинг сидқу садоқатга муҳр эди у.
Севганимга мен ҳам узук тақдим этганман,
Айрилмайман, дея у ҳам қасамлар ичган,
Шундаймасми, мен ҳозирман қасам ичмоққа:
Эрим ҳатто бор дунёнинг бойлигига ҳам
Бармоғидан олмас уни, Грациано,
Жуда қаттиқ ранжитдингиз хотинингизни,
Мен ўрнида бўлсам, балки бўлардим жинни.

Б а с с а н и о

(четга)

Қани энди, чап қўлимни чошиб ташласам,
Ва шу билан узукни ҳам йўқотдим, десам.

Г р а ц и а н о

Узугини берди синьор Бассанио ҳам,
 Хизмат ҳақи учун уни сўради ҳакам.
 Адо этган хизматига арзийди аммо!
 Мирзаси ҳам мендан узук сўради фақат.
 Униси ҳам, буниси ҳам фақат, шу, деди.
 Узук беринг, бошқа нарса олмаймиз, деди.

П о р ц и я

Берганингиз қайси узук? Айтинг, билай мен,
 У меники эмасдир, деб умид қиламан!

Б а с с а н и о

Гуноҳимга ёлғонни ҳам қўша билсайдим,
 Бу хабарни рад этардим; мана — бармоғим,
 Узугингиз кўринмайди, ундан айрилдим.

П о р ц и я

Айрилибсиз, демак, сидқи садоқатдан ҳам!
 Тангри шоҳид: сизга хотин бўла олмайман,
 То узукни қўлингизда кўрмагунимча!

Н е р и с с а

Мен ҳам шундоқ!
 То узукни бармоғида кўрмагунимча!

Б а с с а н и о

Жоним, кимга берганимни агар билсайдинг,
 Ва ким учун берганимни агар билсайдинг,

Билганингни кейин англаб ета билсайдинг,
 Узукни мен қандай азоб билан берганим,
 Унинг эса, фақат «узук, узук» деганин —
 Билсанг эди, юмшармиди бир оз ғазабинг.

П о р ц и я

Унинг асл баҳосини билсангиз эди,
 Менинг асл баҳойимни билсангиз эди,
 Ор-номусни билиб, амал қилсангиз эди,
 Сиз ҳеч қачон бермасдингиз ўша узукни:
 Ким экан у, инсонларнинг нодон, номарди,
 Қатъий туриб, кўндирсангиз уни бўларди,
 Йўқ, десангиз, айтинг, ким ҳам талаб қиларди
 Сизга азиз, эзгу бўлган ўша узукни?
 Уйлайманки, Нерисса хўп топиб сўзлади,
 Улай агар, хотин киши қўлидадир у.

Б а с с а н и о

Хотин киши қўлидамас, қасам ичаман —
 Номус билан, доктор-ҳакам қўлидадир у.
 Жаноб доктор пул олмади, узук сўради,
 Мен рад этдим, ғоят хафа бўлиб жўнади —
 У, дўстимнинг ҳаётини қутқарган инсон!
 Яна қандай тушунтирай, гўзал рафиқам!
 Орқасидан юбормоққа мажбур бўлдим мен:
 Уят ҳисси, бурч туйғуси мени қийнади:
 Номус мени ўтдан олиб, ўтга ташлади
 Булганмасин, деди, номинг нонкўрлик билан.
 Жоним, мени афву этинг, қасам ичаман
 Тун қўйнида ёнган қутлуғ юлдузларга мен:
 Сиз ўзингиз, шу узукни бер, деб, докторга,
 Сўрардингиз, гар бўлсангиз мен билан бирга.

П о р ц и я

Энди уйга яқинлатманг ўша докторни,
 Баски, менинг энг севимли узугим унда,
 Саховатда беллашаман мен ҳам сиз билан,
 Саховатнинг эшигини очаман унга.
 Нима деса, шу ондаёқ бажо этаман,
 Севги деса — севги, ўлич сўраса — ўлич.
 Шунинг учун бир кеча ҳам ёнимдан жилмай,
 Қоровуллик қилинг, жиндак ёлғиз қолсам-чи,
 Номус билан қасам ичай (номусим бугун),
 Уни дарҳол чақираман кроватимга.

Н е р и с с а

Мен мирзани чақираман, ўзингиз ўйланг.
 Қандоқ бўлур назоратсиз қолдирмоқ мени?

Г р а ц и а н о

Ҳа, кўзимга бир кўриниб боқсин-чи, уни
 Жаҳаннамга жўнатурман қалами билан.

А н т о н и о

Минг афсуски, барига мен сабабчидирман.

Б а с с а н и о

Менинг ночор гуноҳимни кечир, Порция,
 Шу дўстларим ҳузурида қасамёд этгум,
 Сенинг ўша ёруғ, шаҳло кўзларинг учун,
 Бир кўзларки, уларда мен кўраман ўзим...

П о р ц и я

Эшитдингизми!

Кўзларимда у ўзини кўрар икки бор,

Ҳар бирида бир каррадан... Қўш юрак билан
Қасам ичгил, бу гапингга ишонмоқ мумкин!

Б а с с а н и о

Эшит, кечир гуноҳимни, этгум қасамёд,
Қасамимни бузмагайман энди умрбод.

А н т о н и о

Мен жисмимни тиккан эдим унинг бахтига,
Гар узукни ололмаса, бўларди ҳалок¹.
Энди бўлса, мен жонимни гаров этаман,
Гаров этиб, сизни чиндан ишонтираман,
Ки, эрингиз бузмагай деб ичган қасамин.

П о р ц и я

Сиз кафилсиз демак. Олиб берингиз унга,
Бунисини эҳтиётлаб, яхши асрасин.

(Антониога узук беради.)

А н т о н и о

(Бассаниога узукни узатиб)

Ол, умрбод асрамоққа қасамёд айла.

Б а с с а н и о

Ё тангрим!

Мен докторга берганимнинг худди ўзи-ку!

¹ Бу ерда узукни сўраган адвокат — Порция кўзда тутилди. *(Тарж.)*

Порция

Уни доктор берди менга, о, Бассанио,
Кечир, кеча эвазига ётдим у билан,

Нерисса

Сен ҳам кечир мени, азиз Грациано:
Уша ҳакам мирзаси, у ўспирин бола
Шу узукнинг эвазига ётди мен билан.

Грациано

Ез палласи равон йўлни тузатмоқ шартми?
Қандай расволик бу! Бизнинг олдимизга, ҳа,
Похол солиб кетишипти, хабаримиз йўқ.

Порция

Қўполликни қўйинг. Нечун ажабланасиз?
Мана мактуб, вақт бўлганда, ўқиб кўрасиз.
Падуядан келган сизга, Беллариодан.
Маълум бўлар бундан: доктор — Порция бўлган,
Унга мирза эса — манов гўзал Нерисса.
Лоренцо ҳам айтар, сиз-ла изма-из кетиб,
Ҳозиргина ортимизга қайтганимизни.
Уйга ҳатто кирганим ҳам йўқ, Антонио,
Бир ажойиб хушхабарим бордир сиз учун.
Бунақасин кутмагансиз. Бу хатни ўқинг:
Бунда аниқ айтилганки, учта кемангиз
Қаттакон юк-бойлиқ билан манзилга қайтмиш.
Бу ёғини гапирмайман, қандай тасодиф
Бу мактубни ташлаб кетмиш қўлимга бугун.

Антонио

Лол қолдим бутун!

Б а с с а н и о

Ажаб, доктор сен бўлсангу мен танимасам?

Г р а ц и а н о

Ҳа, олдимга похол солган сенмисан мирзам!

Н е р и с с а

Похол солиш қандай бўлур, билмагай мирза,
Токи ўзи чиқдан эркак бўлиб қолмаса.

Б а с с а н и о

Гўзал доктор, биз тўшакни кўрармиз баҳам,
Мен бўлмасам, ухлайвергин хотиним билан.

А н т о н и о

Менга ҳаёт бахш этдингиз, азиз синьора,
Бахш этдингиз яна ҳаёт воситасин ҳам:
Уқиб кўрдим, кемаларим қайтипти чиндан.

П о р ц и я

Лоренцо, сиз қулоқ тутинг, нима дер мирзам,
Ўйлайманки, қуруқ қўймас ўша сизни ҳам.

Н е р и с с а

Шундоқ, лекин, бож олмайман бу қоғоз учун,
Топшираман, қабул айланг Жессика билан.

Бу расмий хат, бунга кўра, бадавлат жухуд
Бор бойлигин номингизга васиқа этган.

Л о р е н ц о

Гўзал санам, гўё осмон неъматин билан
Тўйдирдингиз биз, очларни¹.

П о р ц и я

Ҳадемай, саҳар:
Назаримда, воқеанинг тафсилотини
Билмоқчисиз. Қани ҳамма уйга кирайлик:
Истаганча сўроқ қилинг бизни у ерда,
Биз саволга собит туриб, жавоб берайлик.

Г р а ц и а н о

Гар биринчи саволинг не, дея сўраса,
Саволим, шу қасам ичиб айтсин Нерисса:
Эртагача кутарми у, ё бугун, ростин,
Икки соат рози дилга бўларми рози?
Тонгдан кўра тун зулмати мен учун хуброқ,
Бўлса дейман менинг мирзам мен билан кўпроқ,
Умр бўйи бир нарсадан қўрқаман тинмай:
Жоним, яна узугингни йўқотиб қўймай!

Кетадилар.

¹ Тавротдаги ривоятга ишора. Эмишки, яҳудийлар саҳрода сарсон-саргардон бўлиб юрганда, худо уларга осмондан овқат ташлаган. (*Гарж.*)

МУНДАРИЖА

5

ҲАМЛЕТ.

Мақсуд Шайхзода таржимаси.

249

АНТОНИЙ ВА КЛЕОПАТРА.

Комил Яшин таржимаси.

491

ВЕНЕЦИЯ САВДОГАРИ.

Жамол Камол таржимаси.

На узбекском языке

ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

Избранные произведения в 5-ти томах

ТОМ III

ТРАГЕДИЯ

КОМЕДИЯ

Редактор Ж. Насриддинова. Рассом И. Қириакиди. Расмлар редактори А. Бобров. Техн. редактор Т. Смирнова. Қорректорлар Ш. Соатова, М. Абдусаломова

ИБ № 1753

Босмахонага берилди 29.3.83. Босишга рухсат этилди 13.9.83. Формати 70×90^{1/32}. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 23,4. Шартли кр. отт. 23.61. Нашр л. 22,15. Тиражи 10 000. Заказ № 1571. Баҳоси 2 с. 60 т. Мелований қоғозда баҳоси 4 с. 30 т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош қорхонаси. Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.

И(Ингл) Шекспир, Вильям.

ш 42 Танланган асарлар: 5 жилдлик / [Таҳрир ҳайъати: С. Азимов ва бошқ.; Тўпловчи Ж. Камол; Рассом И. Қириакиди].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

Ж. 3. [Ҳамлет; Антоний ва Клеопатра; Венеция савдогари]. 640 б.

Вильям Шекспир «Танланган асарлар»нинг учинчи жилдига уч асар — «Ҳамлет», «Антоний ва Клеопатра» фожиалари ҳамда «Венеция савдогари» комедияси киритилди.

Буюк драматург бу асарларида ҳам ўзига хос тирайлик ва ҳозиржавоблик билан инсон табиати ва фаолиятининг турли қирраларини бадний таҳлил этади.

Шекспир, Вильям. Избранные произведения. В 5-ти т. Т. 3. Гамлет; Антоний и Клеопатра; Венецианский купец.

И(Ингл)